

Кристофер Райт

# ЭСКИ АХД

ЕТТИ ЖУМЛАДА

КЕНГ ҚАМРОВЛИ МАВЗУГА  
ҚИСҚАЧА КИРИШ

**Кристофер Райт**

# **Эски Аҳд етти жумлада**

*Матн муаллифлик ҳуқуқи эгаси томонидан тақдим этилган  
[http://www.litres.ru/pages/biblio\\_book/?art=69874627](http://www.litres.ru/pages/biblio_book/?art=69874627)  
Эски Аҳд етти жумлада / Райт К.*

## **Мазмуннома (Аннотация)**

Эски Аҳд мазмуни ва Эски Аҳд тарихининг қисқача баёни етти бобда баён қилинган бўлиб, уларнинг ҳар бири Муқаддас Ёзувлардан олинган асосий жумла - иқтибослар атрофида қурилган. Баённинг ихчамлиги чуқур тафаккур билан уйғунлашган. Китоб қадимий яҳудий тарихи манзарасини тўлиқ кўриш ва Эски Аҳднинг энг муҳим таълимотларини ўрганиш имконини беради. У кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Китобнинг нашриёт макети PDF A4 форматида сақланган.

Ушбу китоб таржимасида Муқаддас Китобнинг 2016 йилги таржимасидан фойдаланилди.

## МУНДАРИЖА

|                                                        |    |
|--------------------------------------------------------|----|
| <b>Кириш</b>                                           | 9  |
| Эски Аҳд китоблар тўплами сифатида                     | 11 |
| Эски Аҳд драма сифатида                                | 13 |
| Нима учун айнан шу етти жумла?                         | 16 |
| <br><b>Биринчи боб – Яратилиш</b>                      | 18 |
| Ўз тарихини билиб                                      | 19 |
| Биз қаердамиз?                                         | 21 |
| Биз киммиз?                                            | 25 |
| Нима нотўғри бўлди?                                    | 29 |
| Бу муаммони қандай ҳал қилиш керак?                    | 34 |
| <br><b>Иккинчи боб – Иброҳим</b>                       | 35 |
| Худо Иброҳим ва Сорани чақириб, уларга ваъдалар беради | 38 |
| Учта махсус ваъда                                      | 40 |
| Битта махсус тарих                                     | 44 |
| Ягона умумжаҳон мақсад                                 | 46 |
| <br><b>Учинчи боб – Мисрдан чиқиш</b>                  | 50 |
| Худонинг халоскорлиги                                  | 51 |
| Худонинг нияти                                         | 54 |
| Худонинг аҳди                                          | 57 |
| Худонинг қонуни                                        | 59 |
| <br><b>Тўртинчи боб – Довуд</b>                        | 67 |
| Чодир                                                  | 70 |
| Сахро                                                  | 75 |
| Канъон юрти                                            | 77 |
| Қабилалар ва ҳакамлар                                  | 80 |
| "Уч шоҳ"                                               | 84 |
| Довуд билан тузилган аҳд                               | 89 |

|                                                                   |     |
|-------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>Бешинчи боб – Пайғамбарлар</b>                                 | 94  |
| Худо номидан сўзлаш                                               | 96  |
| Хабарни қабул қилиш                                               | 98  |
| Пайғамбарлар ким бўлган?                                          | 102 |
| Замонавий инсон учун пайғамбарларнинг аҳамияти                    | 108 |
| Аҳдга қайтиш                                                      | 110 |
| <br><b>Олтинчи боб – Хушхабар</b>                                 | 113 |
| Бобил асирлиги                                                    | 115 |
| Уч давр (горизонт)                                                | 122 |
| Асирликдан қайтиш                                                 | 127 |
| Худони кутиб                                                      | 130 |
| <br><b>Еттинчи боб - Забур санолари ва Донишмандлик китоблари</b> | 132 |
| Забур санолари                                                    | 133 |
| Донишмандлик китоблари                                            | 143 |
| <br><b>Муҳокама учун саволлар</b>                                 | 151 |
| <br><b>Изоҳлар</b>                                                | 154 |

**Кристофер Райт**

**“Эски Аҳд етти жумлада” номли китоб**

*Ленгхам (Langham) хизматининг барча ҳамкасблари ва  
иштирокчиларига бағишланади.*

Christopher J. H. Wright  
The Old Testament in Seven Sentences



**Кристофер Райт** (фалсафа доктори, Кембриж) дунёнинг аксарият мамлакатларида масиҳийликка доир адабиётларни нашр этиш ва масиҳий хизматчиларни ўқитиш билан шуғулланадиган Ленгхам (Langham) халқаро ҳамкорлик бўлими директори. Доктор Райт кўплаб китоблар, жумладан, Қонунлар, Еремиё пайғамбар, Марсия ва Ҳизқиёл пайғамбар китобларига шарҳлар муаллифи. Рус забон китобхонларга "Худонинг Буюк топшириғи" ("Миссия Бога"), "Кўзга кўз: Худонинг халқи учун Эски Аҳд ахлоқи" ва "Эски Аҳд ваъзи" китоблари орқали маълум. Доктор Райт Англикан жамоатининг руҳонийси. У Ҳиндистондаги Union Biblical Seminaryсида беш йил давомида Эски Аҳддан дарс берган ва ўн уч йил давомида Англиядаги халқаро маданиятлараро миссия ўқув маркази All Nations Christian Collegенинг академик декани ва директори бўлган. 2005-2011 йилларда у Илоҳиёт бўйича Лозанн ишчи гуруҳи раиси ва Учинчи Лозанн Конгрессида қабул қилинган Кейптаун келишувининг асосий муаллифи бўлган.

© 2019 Кристофер Ж. Ҳ. Райт

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. "Эски Аҳдни етти жумлада" нинг ушбу таржимаси биринчи марта 2019 йилда нашр этилган бўлиб, Англиянинг Лондон шаҳридаги Inter-Varsity Press билан келишув асосида чоп этилмоқда.

"Ўзи учун одатий бўлган аниқ ва лўнда услубда Райт бизга Эски Аҳднинг фойдали умумлашмасини таклиф қилади. Ҳар доимгидек унинг иши матншунослик ва илоҳиётга бўлган эътибори билан ажралиб туради. "Эски Аҳд етти жумлада" китоби учун танланган асосий парчалар Муқаддас Китобдаги драманинг сужетини, яъни бутун канон орқали ривожланадиган ҳикояни белгилаб беради. Унча катта бўлмаган бу китоб – Эски Аҳднинг долзарблигини кўрсатиш учун Райт томонидан яратилган яна бир восита. Китоб муаллифи, шубҳасиз, Жамоат учун ҳақиқий хазинадир".

**М. Дэниел Кэрролл Р. (Родас),** Эски Аҳд профессори, *Wheaton College and Graduate School*

"Эски Аҳдни етти жумлада ифодалаш имконсиздек туюлса-да, Крис Райт бу вазифани аъло даражада бажариб, унинг асосий хусусиятларини чуқур ва тушунарли тарзда етказган. Мен ҳайрон бўлмайман, чунки Райт – Муқаддас Китоб бўйича ҳозирги замоннинг энг яхши, энг етук китобшуносларидан бири. Унинг китоби ўқувчиларга Эски Аҳднинг ҳаётбахш хабарини аниқ ва ёрқин тарзда тақдим этади. Мен уни жуда тавсия қиламан".

**Тремпер Лонгман III,** таниқли олим ва Муқаддас Китобшунослик бўйича хизмат кўрсатган профессор, *Westmont College*.

"Райтнинг "Эски Аҳд етти жумлада" китоби моҳирона ишланган асар бўлиб, унда Эски Аҳднинг қалби, унинг эпик драмаси ва Худонинг Ўз халқига бўлган чуқур ҳис-туйғулари аниқ ва чуқур ифодаланган. Райт ўқувчиларни Эски Аҳднинг тоғлари ва водийлари бўйлаб саёҳатга олиб чиқади. Уларга унинг гўзаллигини, дардини ва Худонинг нажот режаси ҳамда Ўз халқи учун вазифасининг манзарасини намоён этади. Бу режанинг чўққиси Исо Масих ва бутун борлиқнинг янги яратилиши бўлди".

**Бет Стовелл,** *Ambrose University*да Эски Аҳд бўйича доцент, *Vineyard Canada*да илоҳиёт таълими ва руҳий шаклланиш дастурининг миллий директори.

"Кристофер Райт жамоатлар, семинариялар ва барча имонлиларга Муқаддас Китобдаги воқеаларни ишонарли ва тушунарли тарзда тушунтириб берди. Мен бу китобни Муқаддас Китоб тарихини тушунишни ва англашни истаган ҳар бир киши учун манба сифатида тавсия қиламан".

**Крис Гонсалес,** *Missional Training Center* ижрочи директори, *Missio Dei Communities* чўпони.

"Қандай ажойиб ном! Қандай ижодий ёндашув! Эски Аҳднинг қандай мафтункор тақдимооти! Эски Аҳдга қизиқадиган ва тўғри йўл-йўриқлар бўлганида уни ўзлаштира оламан деб ўйлайдиган ҳар бир киши учун ажойиб совға!"

**Джон Голдингей,** Эски Аҳд профессори, *Fuller Theological Seminary*

"Эски Аҳднинг моҳиятини масиҳий одамга етказиш мураккаб вазифа. Кристофер Райт унинг асосий мавзуларини еттита оддий жумла билан

умумлаштириб, уни ижодий ҳал қилди. Яратилишдан бошлаб Забур ва Ҳикматларгача бўлган ушбу жумлалар эслаб қолиш осон бўлган иборалар билан Эски Аҳдда баён этилган ва Масихда амалга ошган нажот тарихини баён этади. Ушбу қўлланма ёрдамида ўқувчилар қизиқарли, аммо машаққатли саёҳатдан ўтиб, Исо Исроилнинг умидига якун ясаганини билиб олишади".

*Дуэйн Гарретт, Эски Аҳд профессори, The Southern Baptist Theological Seminary.*

“Ушбу содда ва фойдали китоб Худонинг асрлар ва минг йиллар давомида қилган ишлари тўғрисида пухта ёзилган, ҳам чуқур, ҳам содда, ҳам қисқа, ҳам кўп қиррали, ҳам ихчам, ҳам ўйлашга ундайдиган тафсилотларни ўз ичига олади. Эски Аҳднинг ушбу муқаддимасини ўқиб чиқинг ва Муқаддас Китобнинг умумий мақсади ҳамда Худонинг режаларидан топиш мумкин бўлган умидни эслайсиз. Крис Райтнинг енгил, аниқ тили ва Муқаддас Китоб матнига содиқлиги бу китобни янги мумтоз асарга айлантирди”.

*Бенджамин К. Хоман, Langham Partnership USA (собиқ John Stott Ministries) президенти.*

Кристофер Райт ушбу китобдан тушган барча гонорарларини Langham Literature (олдинги Evangelical Literature Trust)га қайтариб олинмайдиган тарзда ўтказилган. Langham Literature – бу Жон Стотт томонидан асос солинган Langham Partnership International (LPI) халқаро ҳамкорлик дастури. Крис Райт ушбу халқаро хизматнинг директори ҳисобланади. Langham Literature ривожланаётган мамлакатлардаги чўпонлар, илоҳийтчи талабалар ва семинария кутубхоналари орасида хушхабарчилик китобларини тарқатади. Шунингдек, кўплаб миллий тилларда масиҳийликка оид адабиётларни ёзиш ва нашр этишга ёрдам беради. Langham Literature ва LPI ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун [langham.org](http://langham.org) сайтига ташриф буюринг.



## Кириш

*Исо Эски Аҳднинг бутун моҳиятини икки жумлада баён қилди. Худони сев ва ўзгани сев – “Бутун Таврот ва пайғамбарларнинг ҳамма битиклари мана шу икки амрга таянади” (Матто 22:40).*

*Михо пайғамбар эса худди шу мазмунни учта жумлага сиғдира олди: “Адолатли иш тутгин, Меҳр–шафқат қилишдан завқ олгин, Камтар бўлиб, Худонинг йўлидан юргин” (Михо 6:8).*

*Ҳатто Мусо бунини бештагача қисқартирди: Қўрқинг, юринг, севинг, хизмат қилинг, риоя қилинг (Қонунлар 10:12-13).*

*Шундай экан, Эски Аҳднинг етти жумлада ифодалаш унчалик қийин бўлмайди.*

Ҳар ҳолда, мен шундай деб ўйладим. Лекин кейин мен ҳам, эҳтимол, сиз каби Муқаддас Битикларни шу тарзда қисқартириш тўғри бўлармикан, деган саволни бердим. Ахир, Худо бизга Муқаддас Китобга кирувчи китобларнинг жуда бой кутубхонасини тақдим этган. Уларнинг аксарияти Эски Аҳдга тегишли. Павлус таъкидлаганидек: “Муқаддас битикларнинг ҳаммаси [ўша даврдаги Эски Аҳд назарда тутилган] илоҳий илҳом билан ёзилган...ва фойдалидир”. Бутун Муқаддас Китобни бир нечта оддий жумла ва қисқа изоҳларга қисқартириш мумкинми? Бундай ёндашувнинг ўзи Муқаддас Китоб таълимотига мос келадими?

Юқорида келтирилган мисоллар, албатта, *шубҳасиз, кескин ҳолатларни ифодалайди*. Бироқ Муқаддас Китобда шундай матнлар ҳам борки, уларда барча хабарлар анча ихчам тарзда берилган бўлиб, бу айрим муҳим жиҳатларни таъкидлашга кўмаклашади. Бу одатда бутун Муқаддас Китоб тарихини ёки ўша пайтгача содир бўлган қисмини қайта ҳикоя қилиш орқали амалга оширилади. Мисол учун:

- Мусо Қонунлар 1–3 бобларида Исроилнинг тарихини қисқача эсга солиб, уларни Худонинг амрларига садоқат билан риоя қилишга ундайди.

- Исроиллик деҳқонлар Худонинг баракасини ва Унга итоат этиш мажбуриятини ёдда сақлаш учун ўз халқининг тарихини такрорлашга чақирилганлар (Қонунлар 26:1-11).

- Ёшуа исроилликларнинг кейинги авлодига Исроил тарихини эслатаркан, уларни ўз танловларига содиқ қолишда ва аҳд Худосига хизмат қилишда давом этишга чақиради (Ёшуа 24).

- Икки узун сано – 104- ва 105-санолар Исроил халқи асрлар давомида Худога қанчалар садоқатсиз бўлгани ва ўша пайтдагидек ҳозир ҳам уларга сабр қилиб, иноят бераётган Худо олдида кўп нарсада қарздор эканлигини кўрсатиб, ўша тарихни қайта сўзлайди.

- Нахимийё дунё яратилишидан бошлаб бутун тарихни эслаб, шу асосда Исроилнинг кечирилиши ва тикланиши учун Худога илтижо қилади (Нахимийё 9:1-37).

- Исо тарихни уй эгаси ва ёвуз боғбонлар ҳақидаги масал шаклида айтади, токи Унинг рақиблари буни осонгина тушуна олсинлар (Матто 21:33-46).

- Стефан Иброҳимдан то Исонинг хочга михланишигача бўлган тарихни сўзлар экан, Худо Ўз халқининг узлуксиз итоатсизлигидан норозилигини кўрсатади. У ўз ҳикояси билан тингловчиларини шунчалик ғазаблантирадики, улар уни Худога шак келтирганликда айблаб ўлдиришади (Ҳаворийлар 7:1-60).

- Павлус Муқаддас Китоб тарихини қисқача (деярли етти жумлада) ва изчиллик билан ҳикоя қилади. Бу, эҳтимол, унинг мунтазам ваъзлари ва таълимотларини акс эттиради: Иброҳим, Мисрдан чиқиш, юрт, ҳакамлар, шоҳлар, Довуд... шундан сўнг у тўғридан-тўғри Масих ва Шоҳ бўлган Исога ўтади (Ҳаворийлар 13:16-41).

Юқорида айтиб ўтганимдек, бу мисолларнинг барчасини бирлаштириб турган нарса шундаки, улар Эски Аҳднинг хабарини ҳикоя шаклида умумлаштиради. Зеро, Эски Аҳд (ва бутун Муқаддас Китоб) аслида борлиқ тарихи ҳақидаги буюк ҳикоядир. Эски Аҳд бизга ўргатган ҳамма нарса ушбу буюк тарихнинг тузилишига мос келади.

## Эски Ахд китоблар тўплами сифатида

Бироқ бу тарихни етти жумлада қайта баён қилишдан олдин Эски Ахднинг Муқаддас Китобда келтирилган тузилишини кўриб чиқишимиз лозим. Унда Эски Ахд бир неча бўлим ёки тоифаларга аниқ бўлинган китоблар тўплами сифатида тақдим этилади.

- *Таврот* (яъни беш китобдан иборат тўплам) – Ибтидо китобидан то Қонунлар китобигача бўлган китобларни бирлаштиради. Яҳудий тилида бу бўлим “Тора” – “Таврот” деб аталади. Бу сўз, кўпинча, “қонун” деб таржима қилинади. Аммо бундай таржима бизни чалғитиши мумкин. Аслида Таврот “йўриқнома” ёки “ўқитиш” деган маънони англатади. Бу китоблар, ҳақиқатан ҳам, Худо Исроилга берган қонунларни ўз ичига олган бўлса-да, уларда муҳим ҳикоялар, шунингдек, бир нечта қўшиқ ва шеърлар ҳам бор.

- *Тарихий китоблар*. Ёшуа китобидан бошлаб Эстер китобигача бўлган китобларда Исроилнинг тарихи, Канъон босиб олинганидан то яҳудийларнинг Бобил асирлигидан қайтиб келган вақтигача бўлган давр - тахминан милoddан аввалги 1200 йилдан 450 йилгача бўлган давр ҳикоя қилинади.

- *Шеърый китоблар*. Аюб китобидан то Сулаймоннинг қўшиқлар Қўшиғи китобигача бўлган китоблар топиниш қўшиқлари, донишмандлик адабиёти матнлари ва ажойиб севги достони тўпламидир.

- *Пайғамбарлар*. Ниҳоят, Ишаё пайғамбар китобидан бошлаб Малаки пайғамбар китобигача бўлган бутун бўлим тахминан уч юз йил давомида Худо хизматга чақирган пайғамбарларнинг ваъзлари асосида тузилган китоблардир.

Аксарият замонавий Муқаддас Китоблардаги китоблар тартиби шундай. Бироқ яҳудийлар Исо даврида амал қилган ва бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган Муқаддас Битиклардаги китоблар тартиби ёки Канон<sup>1</sup> бир оз фарқ қилади. Унда китоблар уч қисмга бўлинган: Қонун ёки Таврот, Пайғамбарлар ва Муқаддас Ёзувлар (ёки Исо айтганидек: Мусо Қонуни, Пайғамбарлар ва Забур [Луқо 24:44]).

### *Тора/Таврот*

- Таврот (Биз эга бўлган Муқаддас Китобдаги Тавротга мос келади).

---

<sup>1</sup> **Канон** (яҳ. כְּנָסִי, юнон. κανών) – яҳудий-юнон тилидан олинган сўз бўлиб, масиҳийликда “қоида, ўлчов, имон қоидаси, мезон” каби маъноларни англатади.

### *Пайғамбарлар*

- Илк пайғамбарлар: Ёшуа, Ҳакамлар, 1-4 Шоҳлар (яхудийлар бу китобларни пайғамбарлик китоблари, яъни Худо нуқтаи назаридан ҳикоя қилинган халқ тарихи китоблари, деб ҳисоблашган).
- Кейинги пайғамбарлар: Ишаё, Еремиё, Ҳизқиёл пайғамбарлар китоблари ва Ўн икки китоб (Хўшея пайғамбар китобидан Малаки пайғамбар китобигача)

### *Муқаддас Ёзувлар*

- Забур, Аюб, Ҳикматлар, Рут, Қўшиқ, Воиз, Марсия, Эстер, Дониёр, Эзра, Нахимиё ва 1-2 Солномалар китоблари.

Китобим мазмунидан кўриниб турибдики, етти жумладан учтасини Тавротдан, биттасини Илк пайғамбарлардан, иккитасини Кейинги пайғамбарлардан ва яна биттасини Муқаддас Ёзувлардан олганман.

## Эски Аҳд драма сифатида

Эски Аҳд, моҳиятан, бир ҳикояни баён этади. Аниқроғи, у Муқаддас Китобдаги буюк ҳикоянинг жуда муҳим биринчи қисмини тасвирлайди. Янада аниқроғи, Муқаддас Китоб шунчаки тарих эмас, балки буюк драма, кўп сонли қаҳрамонлар иштирокидаги улкан сахна асаридир. Муаллифи ва режиссёри Худонинг Ўзи бўлган узоқ давом этувчи ҳикояда ҳар бир қаҳрамон ўз ролини ўйнайди. Бироқ, қизиғи шундаки, бу сахна асарида биз шунчаки томошабин эмасмиз. Йўқ, биз тарихнинг бир қисмига, сахна асари қаҳрамонларига айланамиз. Биз Худонинг бу драматик асарларига қўшилишга ва ўз авлодимизда ўз вазифамизни бажаришга чақирилганмиз. Демак, биз Муқаддас Китобнинг ўзидамиз. Келинг, бу фикрни батафсилроқ тушунтирай.

Кўпгина буюк драмалар сингари, Муқаддас Китоб драмаси ҳам бир нечта пардаларга бўлинган. Булар ҳикоянинг асосий қисмлари бўлиб, унда драма ривожланиб борар экан, алоҳида ва муҳим воқеалар содир бўлади. Бутун Муқаддас Китобни етти пардали драма сифатида тасаввур қилишимиз мумкин.<sup>1</sup>

- *1- парда: Яратиш.* Драма ягона, тирик ва абадий Худо биз коинот деб атайдиган осмон ва ерни яратишга қарор қилишидан бошланади. У яратган ҳамма нарса "ажойиб" эди. Аммо бошқариш ва парваришlash талаб қилинарди. Шунинг учун Худо одамларни Ўз суратида, Ўзига ўхшаган қилиб яратди, токи улар Унинг ажойиб ижодини бошқарсин ва унга ғамхўрлик қилсин.

- *2-парда: Инсонлар Худонинг эзгулигига ишонмасликни, Унинг сўзига шубҳа қилишни ва кўрсатмаларига итоат қилмасликни танлайдилар.* Натижада, гуноҳ ва ёвузлик инсон ҳаётининг барча жиҳатларига – шахсий ва ижтимоий муносабатларга кириб боради, шунингдек, барча яратилган нарсаларни бузади ва борлиққа зарар етказди.

- *3-парда: Ваъда.* Эски Аҳднинг қолган қисмидаги ҳикоя Худонинг Иброҳимга берган ваъдаси билан бошланади: ундан буюк бир халқ (Исроил) пайдо бўлади ва шу халқ орқали Худо ер юзидаги барча халқларга барака ато этади. Кўриб турганимиздек, бу ваъда ва умид Эски Аҳд давридаги Исроил тарихининг ҳаракатлантирувчи кучига айланади.

- *4-парда: Хушxabар.* Эски Аҳд ваъдаси носиралик Исонинг туғилиши билан амалга ошади. Муқаддас Ёзувлар драмасининг буюк марказий пардаси биз тўртта Хушxabар китобларида ўқийдиган ҳамма нарсани ўз ичига олади: Исо Масиҳнинг ҳомила вақти, туғилиши, ҳаёти, таълимоти, гуноҳлардан қутқарувчи ўлими, ғолибона тирилиши ва юксалиши.

- *5-парда: Буюк топшириқ (миссия).* Иброҳимга берилган ваъда бажарилиши лозим. Худо Ўз Ўғли Исо орқали амалга оширган бу Эзгу Хабар барча халқларга етказилиши керак. Бу жараён Хушхабар китобларининг охирида ва Ҳаворийлар фаолияти китобининг бошида - Худонинг Руҳи Исонинг издошларига тушгандан сўнг бошланади.

- *6-парда: Даҳшатли ҳукм.* Хушхабар шундан иборатки, охирги сўз ёвузликка тегишли бўлмайди ва Худо охир-оқибатда барча ноҳақлик ва барча ёвузликларни йўқ қилиб, дунёда ҳақиқатни ўрнатади (Муқаддас Китобда "ҳукм" сўзи айнан шундай тушунилади). 6-парда – бу 2-пардадаги исёнга Худонинг жавоби ва 4-парданинг якунидир.

- *7-парда: Янги ижод.* Муқаддас Китоб драмаси драматик янги бошланиш билан якунланади! Барча нарсаларни тўғрилагандан сўнг, Худо бутун борлиқни янги қилади ва Ўзи тиклаган яратилишида нажот топган инсоният билан абадий яшайди.

Бутун Муқаддас Китоб тарихини "бир қарашда" бундай кўриб чиқиш кўплаб афзалликларга эга.

Биринчидан, бу бизни Худо Муқаддас Китобни бизга тақдим этишни танлаган усулга боғлаб туради. Бу нафақат ваъдалар, қоидалар ёки таълимотларга тўла китоб сифатида эмас (Муқаддас Китобда булар кўп, лекин унинг моҳияти бу эмас), балки бошланиши ва якуни (аслда янги бошланиш) билан бирга, ўртасида қутқарилиш сюжети бўлган улуғвор ҳикоя шаклидадир.

Иккинчидан, *бу бизнинг тарихимиз* эканлигини эслатади. Агар биз Раббимиз Исо Масиҳнинг издошлари бўлган бўлсак, унда биз Муқаддас Битиклар драмасининг бешинчи пардасида иштирок этамиз. Биз Масиҳнинг тирилиши ва Унинг қайтиши ўртасида турибмиз. Бу жойда Худо билан ва Худо учун ижро этишимиз керак бўлган роль ва бажаришимиз керак бўлган буюк топшириқ (миссия) бор.

Учинчидан, бу бизга Эски Аҳднинг нақадар муҳим эканлигини ва масиҳийларга Эски Аҳддан бемалол воз кечишни тавсия қилаётганларнинг фикри қанчалик хато, чалғитувчи ва хавфли эканлигини кўрсатади. Бу фикр, ҳозир яна оммалашиб кетган (қисман Муқаддас Китобни мутлақо билмаслик ва қисман баъзи машҳур воизларнинг таълимотлари туфайли) бу ғоя мутлақо янги эмас. Масиҳ тирилганидан 100 йил ўтар-ўтмай, Маркион исмли бир шахс жамоатни Эски Аҳддаги Худо Исонинг Отаси бўлган Худодан мутлақо бошқа Худо эканлигига ишонтиришга уринган(сиз буни эшитгандирсиз). Эски Аҳдни ҳамда Янги Аҳднинг баъзи қисмларини жуда яҳудийча деб ҳисоблаб, уларни ташлаб юбориши керак деб даъво қилган". Жамоат унинг таълимотини нотўғри

ва бидъат деб рад этди ҳамда Эски Аҳд ёзувларини тўлиқ Худонинг ваҳийси ва шу сабабли Муқаддас Китобнинг масиҳий канонининг муҳим қисми сифатида сақлаб қолди.

Муқаддас Китоб драмасининг етти пардасини кўриб чиққач, бу қарор қанчалик муҳим бўлганини кўрамиз. Дастлабки учта пардасиз Исо шунчаки яна бир халоскор одамга айланади. Тарих ўзининг муҳим ибтидоси (яратилиш)ни, чуқур муаммоси(гуноҳ)ни ва Худонинг барча халқларга қут-барака бериш ваъдаси ҳақидаги асосий мавзусини йўқотади. Агар кимдир сизни Эски Аҳд сизга керак эмас (ва шунинг учун бу китобни ўқимаслик керак), деб ишонтирса, уларга Исо ҳеч қачон Янги Аҳдни ўқимаганини ва Исонинг биринчи издошлари (шу жумладан, ҳаворий Павлус ҳам) Хушхабар етказиш, таълим бериш ва ўзгартириш учун ўз қўлларида фақат Эски Аҳд Ёзувларини ушлаган ҳолда дунёга чиққанларини, Павлус ўз мактубларини ёзишни бошлагунга қадар ва Марк ўз Хушхабарини яратгунга қадар бу борада жуда муваффақият қозонганликларини эслатинг. Тўртинчидан еттинчигача бўлган пардалар Муқаддас Китоб драмасининг биринчи, иккинчи ва учинчи пардаларини ташкил этувчи Муқаддас Ёзувларни назарда тутди, уларга асосланади, ҳавола қилади ва улардан иқтибос келтиради. Бутун тарих фақат яхлит ҳикоя сифатидагина маънога эга.

## Нима учун айнан шу етти жумла?

Бу етти жумлани қандай танлаб олганимни айтиб беришга рухсат этинг. Дастлабки учтасини танлашим аниқ эди. Муқаддас Китоб баёнига эргашган ҳолда, дунёнинг яратилишидан бошлашимиз ва Ибтидо китоби 1-11 боблардаги ҳикояларда бизга дунё, Худо, биз ва Яратганга қарши исён қилганимиз ҳақида ёзилган. Бунинг оқибатида тушиб қолган даҳшатли ҳолатимиз кўрсатилган.

Кейин Худо Иброҳимни чақириб, танлаган ва унга Муқаддас Китобнинг қолган қисмини бошқариб турадиган ваъдани берган лаҳзага ўтишимиз керак. Бу Исроил тарихидан бошланиб, бутун ер юзидаги барча халқларга қараб йўналган ҳикоядир. Павлус бизнинг иккинчи жумламизни “Хушхабар” деб атайди (Галатияликлар 3:8).

Кейин, Масихнинг хочигача бўлган Муқаддас Китобдаги энг улуғ қутқарилиш воқеаси — Чиқишни кўришимиз керак. Чиқиш китобида биз Худо Исроил билан тузган аҳд ва Худонинг нажот берувчи раҳм-шафқатига жавобан Исроил халқини қонунга риоя қилишга чақирган турмуш тарзи ҳақида ўқиймиз. Бироқ буларнинг барчаси Худонинг улар учун қилган ишларга асосланган - учинчи жумламиз шундан келиб чиқади.

Тўртинчи жумлани танлаш қийинроқ бўлди. Чунки Мисрдан чиқишдан кейин узоқ давом этган тарихий давр бор. Уни эътиборсиз қолдириб бўлмайди, лекин уни тўлиқ баён қилиш ҳам имконсиз – фақат қисқача хулоса қилиш мумкин. Шундай бўлса-да, бу тарихнинг ўртасида Муқаддас Китобдаги кейинги энг муҳим аҳд – Худонинг Довуд шоҳ билан тузган аҳди келади. Бу аҳд охир-оқибат Исо Шоҳга ишора қилади (ҳаворий Павлус тез-тез айтгандек). Шу боис, тўртинчи жумла шоҳ Довудга насиб этди.

Ушбу узоқ йўлни босиб ўтгач, пайғамбарлик китобларининг катта қисми ҳақида гапириш вақти келганга ўхшайди. У, афтидан, иккита бўлимни ўз ичига олади. Пайғамбарларнинг асосий вазифаси одамларни Худога қайтишга, Унинг талабларига мувофиқ яшашга ундашдан, акс ҳолда, уларни даҳшатли ҳукм ва ҳалокат кутаётганидан огоҳлантиришдан иборат эди. Шу сабабдан, бешинчи жумламиз сифатида Михо пайғамбарнинг машҳур оятини танладим. Халқ орасида ҳукм сураётган ҳамда Худонинг талабларига зид бўлган ижтимоий бузуқлик ва адолатсизликни фош этувчи пайғамбарлардан бири Михо. Ушбу оятга Исо таянган (Матто 23:23). Михо пайғамбарнинг сўзлари ҳозирги кунда ҳам кўплаб масихийлик хизматлари ва вазифалари учун илҳом манбаи бўлиб келмоқда.

Аммо пайғамбарлар ҳукм сўзларидан ташқари, умид хабарини ҳам олиб келади. Улар Исроил ва бутун дунё учун Худонинг келажакка оид хушхабарини баён қилади. Чунки Худо Исроил орқали ер юзидаги барча миллатларга берган ваъдасини амалга оширади. Янги Аҳддаги "Хушхабар" сўзи аслида Эски Аҳддан (ўша пайтда Исо ва унинг издошлари, айниқса, ҳаворий Павлус тез-тез



фойдаланган юнонча таржимасидан) келиб чиққан. Менинг олтинчи жумлам, ҳам Исроилнинг сургунлари учун, ҳам “ернинг барча чеккалари” учун Худонинг нажоти ҳақидаги хушxabар сўзидир. Бу Павлус иқтибос келтирган ва турли хил мадҳиялар ва қўшиқларга илҳом бағишлаган жумладир (Римликлар 10:15).

Забур китоби, эҳтимол, ҳали ҳам кўпчилик учун Эски Аҳднинг энг севимли қисмидир, ҳатто унинг қолган қисмини унча ўқимаганлар учун ҳам. Юқорида айтиб ўтганимдек, Забур китоби “Муқаддас Битиклар” деб номланган яҳудий Канонининг учинчи бўлимига кирувчи асосий китобдир. Еттинчи жумлани танлаш қийин бўлмади. Чунки уни кўпчилик яхши кўрувчи Забур китобидаги энг севимли оят деб аташ мумкин. Бу эса бир вақтнинг ўзида Забур китобининг ўзини ҳам, Муқаддас Китобнинг шу қисмида жойлашган донишмандлик китобларини ҳам қамраб олишга ёрдам берди.

Давом этишдан олдин иккита кичик изоҳга тўхталиб ўтамиз. *Биринчидан*, китоб унчалик катта ҳажмда бўлмагани боис мен баъзи муҳим матнлардан иқтибос келтирган бўлсам-да, Муқаддас Китобдан узун иқтибосларни қўшишнинг иложи йўқ эди. Умид қиламанки, сиз ушбу китобни ўқишдан завқланасиз. Бироқ яхшироқ натижаларга эришиш учун иложи борица уни Муқаддас Китоб билан бирга ўқиш фойдалироқ. Шунда сиз менинг хулосаларимга асос бўлган парчаларни дарҳол ўқиш имкониятига эга бўласиз. Охир-оқибат, ушбу етти жумлани танлашдан мақсад — сизни Муқаддас Китобнинг қолган барча қисмларини ҳам ўқишга ундашдир.

*Иккинчидан*, узоқ йиллик ўқитувчилик ва ёзувчилик тажрибамдан сўнг, мен Эски Аҳд соҳасида мутлақо янги нарса ёзишим даргумонлигини тушунаман. Шу сабабдан, эслатмаларда ўзимнинг ва бошқа муаллифларнинг каттароқ китобларига ишора қилдим. Улар сизни хоҳласангиз, чуқурроқ ва кенгроқ ўрганишга олиб боради. Шунингдек, *Zondervan* ва *Langham Partnership* нашриётларига ушбу китобнинг бир неча жойларини қисқартириш ва *How to Preach and Teach the Old Testament for All It's Worth* (Grand Rapids: Zondervan, 2004). [Рус тилидаги нашр: Кристофер Райт, “Эски Аҳд ваъзи. Замонавий дунё учун қадимий хабар”, – Черкасси: Коллоквиум, 2017] китобимда биринчи марта нашр этилган баъзи материалларни мослаштириш учун рухсат берганликлари учун алоҳида миннатдорчилик билдираман.

## **Биринчи боб**

### **ЯРАТИЛИШ**

*“Худо азалда осмон билан ерни яратди”.*

#### **Ибтидо 1:1**

Яхши бошланиш, шундай эмасми? “Азалда” (иброний тилида ҳам бу битта сўз билан берилган) – бу Биринчи Аҳднинг биринчи бўлими биринчи китобининг биринчи қисмида жойлашган биринчи жумладаги биринчи сўз. Келинг, бу ҳақида батафсилроқ гаплашайлик.

"Азалда" деб таржима қилинган биринчи сўз Муқаддас Китоб умумий олганда тарих эканлигини, тўғрироғи, шунчаки тарих эмас, балки бутун коинотнинг ҳақиқий Тарихи эканлигини эслатади. Муқаддас Китоб Ибтидо китоби 1-2 бобларда дунёнинг яратилиши ҳақидаги ҳикоядан бошланиб, Ваҳий китоби 21-22 бобларда янги яратилиш ҳақидаги ҳикоя билан тугайди (ёки янгидан бошланади). Бу ҳикоялар оралиғида Худо Раббимиз Исо Масих орқали осмондаги ва ердаги бутун мавжудотни Ўзи билан қандай яраштиргани ҳақидаги батафсил ҳикояни топамиз.

Муқаддас Китобдаги биринчи китоб – Ибтидо – том маънода ҳамма нарсанинг ибтидосидир. Унинг биринчи қисми - Ибтидо китоби 1-11 боблар дунё ва инсониятнинг пайдо бўлиши ҳақида ҳикоя қилади. Унда инсон ҳаётида гуноҳ ва ёвузликнинг пайдо бўлиши ҳамда уларнинг тарих ривожига таъсири ҳақида сўз боради. Муқаддас Китобнинг бу қисми "Ибтидоий тарих" деб аталади, чунки бу воқеалар тарихий ҳақиқат сифатида тасвирланган бўлса-да, аниқ вақт ва сана билан боғлаш қийин. Бу воқеалар, даврлаштирилган ва қайд этилган тарихий воқеалар бошланишидан олдин содир бўлганлиги учун “ибтидоий тарих” дейилади. Китобнинг иккинчи қисми – Ибтидо 12-50 бобларда биз Исроил халқининг пайдо бўлиши ҳақида ўқиймиз. Бу халқ орқали Худо дунё халқларига барака беришга ва уларнинг Худо билан бузилган муносабатларини тиклашга ваъда берган.

Бу ерда бошланадиган Эски Аҳднинг биринчи бўлими беш китобдан иборат: Ибтидо, Чиқиш, Левилар, Саҳрода ва Қонунлар. Бу бешта китоб бутун Эски Аҳд ва ҳатто бутун Муқаддас Китобнинг асосини ташкил этади. Тарихий жиҳатдан бу бешта китоб бизни коинотнинг яратилишидан то Исроил халқи Худо ваъда қилган юртнинг чегараларига етиб борган давргача олиб боради. Агар Муқаддас Китобдаги улкан драманинг етти босқичи ҳақида аввалги бўлимда айтилган бўлса, бу беш китоб шу драманинг биринчи икки босқичини ташкил этади ва учинчи босқичга киришга тайёрлайди.

## Ўз тарихини билиб

Бутун Муқаддас Китобни ягона, кенг кўламли ҳикоя (ёки *метанарратив*<sup>2</sup>) сифатида тасаввур қилиш бизга масиҳийлик дунёқарашини шакллантиришга ёрдам беради. Дунёқараш - бу бизнинг ҳаётга, коинотга ва бутун борлиққа бўлган умумий назаримиз, бутун воқеликни англаш шаклидир. Инсон унинг асосида ўз ҳаётидаги барча нарсаларга маъно беради — бу онгли ёки онгсиз, кўпинча эса маданият таъсирида шаклланадиган фарз ва тушунчалар тизимидир. Ҳар қандай дунёқараш, охир-оқибат, қуйидаги каби асосий саволларга берилган жавоблар орқали шаклланади. Бу саволлар ҳар бир инсонни эрта ёки кечроқ ўйлантиради.

Мана, дунёқарашни шакллантирадиган саволлардан тўрттаси:

1. *Биз қаердамиз?* Атрофимизда қандай моддий оламни кўряпмиз? У доим шу ерда мавжуд бўлганми ёки қаердандир пайдо бўлдимми? У қанчалик ҳақиқий? У нима учун ва қандай мавжуд? Унинг бирор мақсади ёки вазифаси борми?

2. *Биз киммиз?* Инсон бўлиш нимани англатади? Биз сайёрамиздаги бошқа барча жонзотларга ўхшаймизми ёки улардан нима биландир фарқ қиламизми? Бизни алоҳида ёки ноёб қиладиган нима (агар умуман нимадир бўлса)? Нега биз ҳукмрон турмиз ва бу яхшими ёки ёмон?

3. *Нима нотўғри бўлди?* Инсон интуицияси (ички зехн ости туйғуси) шуни англайдики, дунё ўз-ўзидан яхшилик билан тўлган эмас. Деярли ҳар бир одам бу дунё қандайдир бузуқликка дучор бўлганини сезади. Ҳам инсонлар ўртасида, ҳам инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар бузилган. Нега? Бу бузилиш қайдан келиб чиққан? Нима учун бу ҳолат инсон ҳаётининг ўзагига, марказига, устун воқеликка айланиб қолган?

4. *Ечим борми?* Инсон доимо ўзини ва жамиятни тузатишга интилади. Динлар ва фалсафа, сиёсатчилар ва ислоҳотчилар, ҳатто инқилобчилар ва анархистлар<sup>3</sup> ҳам бу муаммонинг турли ечимларини таклиф қилмоқдалар. Уларнинг қайси бири ҳақ? Инсониятни қийин аҳволдан олиб чиқиш учун бирор нарсa қилиш мумкинми? Чиқиш йўли борми ёки бу даҳшатдан қутулса бўладими? Бу Дунё учун ҳақиқий умид мавжудми?

Мусулмон, индуист, буддист ёки атеист бўлишингиздан қатъи назар, бу саволлар барчамизни ўйлантиради. Аммо уларга жавоб бериш усули ҳар кимнинг

<sup>2</sup> **Нарратив** (ингл. ва фр. narrative ← лот. narrare "ҳикоя қилмоқ, айтиб бермоқ") - ўқувчи ёки тингловчига сўзлар ёки образлар кетма-кетлиги кўринишида тақдим этилган, ўзаро боғлиқ воқеалар тўплами ҳақида мустақил равишда яратилган ҳикоя. **Метанарратив бу - катта нарратив.**

<sup>3</sup> **Анархия** — ҳокимиятсизлик, ҳар қандай давлат ҳокимиятини инкор этиш.

ҳақиқат тўғрисидаги ҳикояси — яъни маданий мета-ҳикоясига боғлиқ бўлади. Аммо агар сиз яҳудий ёки масиҳий бўлсангиз, бу саволларнинг барчасига Муқаддас Битиклар асосида жавоб берасиз. Масиҳийлар учун бу — Янги ва Эски Аҳдни ўз ичига олган Муқаддас китобдаги мукамал ва ҳақиқий ягона тарихдир. Айнан Муқаддас Китоб бизга қаерда эканлигимизни, ким эканлигимизни, нима нотўғри бўлганини, қандай ечим борлигини ва умидга тўла келажакни кўрсатади. У бу вазифани жуда тез уддалайди: Муқаддас Китоб Эски Аҳднинг дастлабки учта бобида биринчи учта асосий саволга жавобларни беради. Ибтидо китоби 4-11 бобларда учинчи саволни яна бироз кенгроқ ёритади. Кейин тўртинчи саволга Ибтидо китоби 12-бобда Худонинг ечимини тақдим этади. Бошқача айтганда, Муқаддас Китоб ушбу асосий дунёқараш саволларига ҳақиқий тарих ҳикояси орқали жавоб беради. Бу ерда ҳам сахна (Худонинг ижоди), ҳам қаҳрамонлар (Худо ва инсоният), ҳам муаммо (ёвузлик, гуноҳ, ўлим), ҳам ечим ваъдаси (Исроил ва Масиҳ Исо орқали) мавжуд.

Албатта, бу жавобларни тўлдириш учун Муқаддас Китобнинг қолган қисми ҳам керак бўлади. Аммо Муқаддас Китобга хос дунёқарашнинг асослари Ибтидо китобининг биринчи қисмида баён этилган. Бу, агар айтиш мумкин бўлса, Худо тақдим қилган улкан китобнинг қисқача баёнидир.

## Биз қаердамиз?

Атрофимизга назар ташлар эканмиз, ўзига хос ҳайратомуз бир дунёда эканимизни кўрамиз. Осмон, булутлар, қушлар, қуёш, ой, юлдузлар... Тоғлар, дарёлар, ўрмонлар, океанлар, чўллар... Ер, экинлар, ёввойи ва уй ҳайвонлари, хашаротлар, ер ва денгиз қаъри, балиқлар ва уммон жониворлари. Шу дамда Луи Армстронг билан биргаликда: "Бу дунё нақадар ажойиб!" деб хитоб қилгимиз келади. Дунёимизни ўрганар эканмиз, қалбимизда кўрқув, ҳайрат, завқ, қизиқиш, миннатдорчилик, меҳр, ажабланиш, умид каби туйғулар жўш уради. Шунингдек, саволлар ҳам туғилади: бизни ўраб турган нарсалар қаердан пайдо бўлган? Уларни ким ёки нима яратган? Уларни ким ёки нима назорат қилади? Энг яхши натижаларга эришиш учун уларга қандай муносабатда бўлишимиз керак?

Исроил халқи бу саволларга жавоблари кўп бўлган халқлар орасида яшаган. адимги Яқин Шарқ (айниқса, Миср ва Бобил) афсоналарига кўра, табиат дунёси турли худоларнинг уруш ва эҳтиёжлари сабаб вужудга келган. Бу уларни ўйлаб топган одамлар ҳаётини акс эттирган. Табиатдаги кўпгина шакл ва воқеликлар — гўёки бу худоларнинг талаблари ёки урушлари натижаси. Ернинг маълум хусусиятлари одамлар хизмат қиладиган уй ёки ибодатхонага муҳтож бўлган худоларнинг эҳтиёжларига жавоб берган. Бошқалари худолар ўртасидаги жанглар натижаси бўлиб, шундан сўнг табиат қисмларга бўлинган.<sup>1</sup>

Бу афсоналардан аниқ ва онгли равишда йироқлашган ҳолда, Ибтидо китоби 1-боб бизга тарихдаги ўрнимиз ҳақида ҳикоя қилади. Биз мавжудлиги билан яратувчи Худога қарздор ер куррасида яшаймиз. Худди шу Худо уч улкан ҳаёт маконини — осмон, ер, денгизларни ва уларни тўлдириб турган кўплаб ҳайвонларни яратди. Ушбу улкан маконлар ва уларни тўлдирувчи барча мавжудотлар Худонинг ягона ва қудратли сўзи билан яратилган. Бу жараёнда бошқа бирон бир худо ёки куч иштирок этмаган ва улар билан ҳеч қандай низолар бўлмаган. Бу ҳақиқат эса яратилиш ва ҳаёт тўғрисида янада кенг ва чуқур тушунчаларга йўл очади.

**Яратилган борлиқ Худодан фарқ қилади, лекин Худога боғлиқ.** Ушбу боб учун биз танлаган "Азалда Худо осмон ва ерни яратди" жумласи бизга *Яратувчи* ва *яратилган* борлиқ ўртасида асосий, чуқур моҳиятли фарқ борлигини билдиради.<sup>2</sup> Осмон ва ернинг ибтидоси бор. Худо ибтидодан олдин ҳам мавжуд эди. Худо ва яратилган борлиқ ўз моҳиятига кўра фарқ қилади. Яратувчи ва яратилган мавжудот ўртасидаги *Бу дуализм — яъни Яратувчи билан махлуқот орасидаги фарқ — бутун Муқаддас китоб таълимотининг ва масиҳийлик дунёқарашининг асосидир.* У монизмга(ҳиндуликдаги, Адвайт фалсафаси каби бутун воқеликнинг бўлинмаган ҳолда ягоналигига эътиқод) ҳам, пантеизмга(яъни табиатнинг ўзи — Худо) ҳам қарши туради. Муқаддас Китобга хос бу таълимот ҳам монистик, ҳам

пантеистик дунёқарашга мойиллик билан қарайдиган Нью Эйдж руҳиятига қарши туради.

Шундай қилиб, яратилган борлиқ Яратган Худодан фарқ қилади, бироқ, шу билан бирга, бутунлай Унга боғлиқ. Яратилиган борлиқ мустақил ёки абадй эмас. Муқаддас Китоб таълимотида борлиқ қарам (мустақил бўлмаган) биотизимдир. Худо унинг мавжудлигини ва макро- ва микродаражалардаги функцияларини фаол ва узлуксиз равишда қўллаб-қувватлайди (Забур 32:6-9; 64:10-14; 103; Колосаликлар 1:17; Ибронийлар 1:3). Муқаддас Китоб Худо табиатга янгиланиш, тикланиш, мувозанатга эришиш ва мослашиш учун ғоят катта қобилиятларни берганини инкор этмайди. Аммо тизимлар ўртасидаги фаолият ва ўзаро таъсир усули дастлаб Худо томонидан ўрнатилган ва қўллаб-қувватланади.

**Яратилган борлиқ ажойиб.** Муқаддас Китобнинг биринчи бобидаги хабар айнан шундан иборат. Худо Ўзи яратган нарсаларга назар солар экан, олти маротаба "ажойиб" эканлигини кўради. Еттинчи марта эса "жуда ажойиб" эканлигини тасдиқлайди. Бу мақтовлар оқимидан камида учта хулоса келиб чиқади.

1. *Яратилган олам ажойиб, чунки у ажойиб Худонинг аксидир.* Қадимги Яқин Шарқ афсоналарида яратилиш турли даражада зиддиятли ва ёмон ниятдаги кўплаб маъбудларнинг меҳнати натижаси бўлган. Ақсинча, Эски Аҳдда яратилган борлиқ ягона тирик Худонинг меҳнати натижасидир ва шунинг учун Унинг мавжудлиги, кучи ва характерида далолат беради. Ижод ўз Яратувчисини намоён қилади, гарчи У унинг бир қисми бўлмаса ҳам. Бетховенни унинг симфонияларида эшитиш (гарчи симфониянинг ўзи композиторнинг бир қисми бўлмаса ҳам) ёки Рембрандтнинг унинг расмларида кўриш (гарчи расм расм бўлмаса ҳам) мумкин бўлганидек, жонли Худони ижодда кўриш мумкин (гарчи ижод Худо бўлмаса ҳам). Ижоднинг Худо номидан сўзловчи жонли овози бор.

Биз биламизки, осмонлар инсон нутқида эга бўлмай, Худонинг шухратини эълон қилади, уларнинг овози оламнинг четларигача эшитилади (Забур 18:2-5). Бундан ташқари, "Сомлар эълон қилар Худонинг одиллигини, Ҳакам Худонинг Ўзидир" (Забур 49:6). Ер ҳақида қайғурадиган фақат деҳқонларгина эмас. Худо буни доимо Ўз саҳийлигининг исботи сифатида амалга оширади (Забур 64:10). Нафақат одамлар Худодан ризқ оладилар; Худо барча мавжудотларни ҳам шундай озиқлантиради (Забур 103:27-30 Павлус ёмғир ва ҳосил, ризқ ва шодлик инъом этиши билан тасдиқланган Худонинг эзгулигига эътибор қаратади (Ҳаворийлар 14:17). У бутун инсоният Худонинг мавжудлиги ва қудратини оламнинг яратилишида кўра олишларини тасдиқлайди (Римликлар 1:20).

2. *Яратилган борлиқ Худо назарида ажойиб.* Такрорланувчи "Худо бунинг ажойиб эканини кўрди" деган баҳо биз - одамларга мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолда берилади. Худо яратган нарсаларнинг гўзаллиги ва фойдасига дастлаб бундай юқори баҳони *инсон* эмас (ваҳоланки, у бўлиши керак), балки *Худо* берган. Бу сўзлар Худо бутун коинотни бутун гўзаллигида муҳрлаган тасдиқ муҳридир. Яратилиш ўзига хос қадриятга эга, чунки унинг қадрини барча нарсанинг мезони бўлган Худо билади. Яратилишнинг яхшилиги ҳақида гапирар эканмиз, биринчи

навбатда унинг қадрини назарда тутамиз, лекин бизнинг кўзимизда эмас (гарчи бу ҳам тўғри бўлса-да), балки Худонинг кўзида. Худо Ўз яратишини қадрлайди, чунки у Худонинг мақсадига эришишга хизмат қилади. Забур китоби 103-санода нафақат инсон эҳтиёжлари учун яратилган нарсалар (масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва уй ҳайвонлари), балки инсон ҳаёти билан бевосита боғлиқ бўлмаган – ёввойи табиатда яшаётган ҳайвонлар ҳам тилга олинади. Бу ҳайвонлар шунчаки Худо уларни нима учун яратган бўлса, шуни бажариш учунгина мавжуд. Ер юзида фақат одамларга фойда келтирадиган нарсалар эмас, балки одамлар учун мутлақ бегона бўлган жойлар ва жонзотлар ҳам Худо учун қимматлидир.

*3. Яратилган борлиқ ажойиб, чунки у Худонинг маъбадидир.* Қадимги дунёда маъбад (том маънода) кичик коинот, яъни дунё тартибининг намунаси ёки ихчамлаштирилган нусхаси ҳисобланган. Маъбад осмон билан ернинг туташган жойи бўлган. Шу билан бирга, коинотга улкан маъбад, яъни худоларнинг яшаш жойи (ёки Эски Аҳд мисолида, албатта, ягона, ҳақиқий, тирик Худо - Яратувчи) сифатида қаралган.**3**

Шу нуқтаи назардан, Худо яратилган борлиқни “ажойиб” деб таърифлаши - борлиқ ўзининг тўлиқлиги, ишлаш хусусияти, тартиблиги билан Ўз суратини (инсонни) жойлаштириш ва у ерда Ўзи маскан қилиш учун муносиб жой деб билганини англатади (“Осмон Менинг тахтимдир, Ер оёғим тагидаги курсидир”, Ишаё китоби 66:1–2, одатда маъбадни тасвирлайдиган сўзлар). Шунинг учун Муқаддас Китобнинг охиридаги янгиланган ижод тасвирларида бутун осмон ва ер Худонинг маскани сифатида баён қилинади.

*Ижод Худога тегишли.* “Эгамизникидир замин” (Забур 23:1). “Осмон ва фалак тоқи, ер юзи ва ундаги ҳамма нарса Эгангиз Худоникидир” (Қонунлар 10:14). Булар биз эътиборсиз қолдирадиган мутлақо умумий тасдиқлардир. Бутун коинот (жумладан, бизнинг сайёрамиз ҳам) Худога тегишли. Ҳамма нарса Унга қарашли. Ер, аввало, бизга эмас, Худога тегишли. Худо – унинг мутлақ хукмдоридир. Биз эса фақатгина Худонинг изни билан Унга тегишли бўлган ерда вақтинчалик яшаймиз.**4** Бу бизнинг экологик ва иқтисодий фаолиятимизга жуда катта ахлоқий таъсир кўрсатади. Буни бу ерда батафсил муҳокама қилишга имкон йўқ. Бироқ, ҳеч бўлмаганда, бу бизга Худо олдида Унинг мулкига нисбатан тўғри муносабатда бўлишимиз борасида жавобгар эканлигимизни эслатади. Агар Худони севамиз, десак, Унга тегишли нарсага севган одамимизнинг мулкига муносабатда бўлганимиздек, ҳурмат ва масъулият билан муносабатда бўлишимиз керак.

Биринчи жумлаларданоқ Муқаддас Китоб табиат олами Худо билан алоқада экани ҳақида гапиради. Яратилган тартиб Худога бўйсунди, Унинг шуҳратини очиб беради, Унинг ғамхўрлигини намойиш этади, Унинг мақсадларига (хукм ёки нажотда) хизмат қилади, Унинг мавжудлигини таъкидлайди. Шу маънода биз ижодни кўкларга кўтарамиз, уни муқаддас деб ҳисоблаймиз, лекин у ўз ҳолича илоҳий бўлгани учун ҳам, сажда қилишга лойиқ бўлгани учун ҳам эмас (бу Муқаддас Китобда очиқ ман этилган: Таврот 4:15-20; Аюб 31:26-28;

Римликлар 1:25), балки у ҳар бир жиҳатида Худо билан чуқур боғлиқ бўлгани учундир.

Мана, бизнинг ўрнимиз қаерда: Худонинг суратига эга шахс сифатида Худонинг фойдаланишимиз мумкин бўлган ажойиб ижодлари орасида, Унинг маъбадида.



## Биз киммиз?

Демак, бу замин Худога тегишли. Бироқ бу замин бизнинг ҳам еримиз. “Самолар Эгамизнинг самолариدير, Ерни эса У инсонларга бергандир” (Забур 113:24). Ер – инсон яшайдиган маскан. У Худонинг мулки, лекин инсонга маъсулият билан фойдаланиш учун берилган. Ер маълум маънода одамларга бошқа жонзотларга нисбатан ўзгача тарзда берилган. Шундай бўлса, унда биз киммиз?

Одамлар нима билан ўзига хос ёки ажралиб туради? Бир қарашда, Муқаддас Китоб бизнинг бошқа жонзотлар билан умумий жиҳатларимизни таъкидлайди, фарқларимиздан кўра кўпроқ ўхшашликларга эътибор беради:

- Бизга барака ҳамда кўпайиш ва насл қолдириш ҳақида амр берилган, аммо бошқа жонзотлар бу амрни биздан олдин олганлар.

- Биз “олтинчи кунда” яратилганмиз – яъни барча ёввойи ва уй ҳайвонларидан кейин.

- Ҳайвонлар сингари, биз ҳам ердан, аниқроғи, “ернинг тупроғидан” яратилганмиз (Ибтидо 2:7), бу эса бизга устунлик бермайди.

- Бизга “ҳаёт нафаси” берилган, бироқ нафас барча тирик мавжудотларга хос (Ибтидо 1:30; 6:17; 7:18, 22; Забур 103:29–30).

- Худо бизга ҳам, уларга ҳам озуқа беради (Ибтидо 1:29–30).

Дарҳақиқат, барча жонзотлар билан бирга Худонинг севгиси ва ғамхўрлигини баҳам кўришимиз ҳайратланарли ва қувончлидир (Забур 103:14–30). Биз “*adamah*дан *adam*”миз, яъни “тупроқдан яратилган одамлар” (иброний тилида *adamah* “ер”, “тупроқнинг органик қисми” маъносини англатади). Биз ҳаммамиз Яратувчи Худонинг ижодимиз ва бу ажойиб.

Унда бизни ҳайвонлардан нима ажратиб туради? Ибтидо китобида учта ҳақиқат таъкидланади: биз яратилган дунё устидан ҳукмронлик қилиш учун Худонинг суратида яратилганмиз (Ибтидо 1:26–28); биз ерга (дастлаб Адан боғида) унга ғамхўрлик қилиш учун жойлаштирилганмиз (Ибтидо 2:15); биз эркак ва аёл сифатида, бу улкан масъулиятни бажаришда бир-биримизга ёрдам бериш учун яратилганмиз (Ибтидо 1:27; 2:18–25). Келинг, уларнинг ҳар бирини бирма-бир кўриб чиқамиз.

***Худонинг суратига кўра ҳукмронлик қилиш учун яратилган шохлар. (Ибтидо 1:26-28):***

“Кейин Худо шундай деди: “Энди инсон зотини яратайлик, улар Ўз суратимиздай, Ўзимизга ўхшаган бўлсин. Инсон зоти денгиздаги балиқлар устидан, осмондаги қушлар, ер юзидаги чорва ҳамда жамики ёввойи ҳайвонлар, ерда судралиб юрувчи ҳар қандай жонивор ва ҳашаротлар устидан ҳукмронлик қилсин”.

Шундай қилиб, Худо Ўз суратидай қилиб яратди  
инсон зотини,  
Эркагу аёл қилиб яратди уларни.

Худо инсонларга марҳамат қилиб, айтди: “Ували–жували  
бўлинглар, ер юзини тўлдириб, итоат эттиринглар, денгиздаги  
балиқлар устидан, осмондаги қушлару ер юзида яшовчи ҳар  
турли жониворлар устидан ҳукмронлик қилинглар”.

Бу оятларнинг грамматикаси Худо одамларни муайян мақсад билан  
яратганини кўрсатади. Улар бутун ҳайвонот олами устидан ҳукмронлик  
қилишлари учун ҳамда шу буюк топшириққа (миссияга) тайёрлаш учун Худо  
инсонни Ўз суратига кўра яратган. Бу икки вазифа (Худонинг сурати ва яратилган  
дунё устидан ҳукмронлик) бир хил эмас, лекин бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.  
Биринчиси иккинчисини амалга ошириш имконини беради.<sup>5</sup>

Биз Худо томонидан берилган ваколатларни амалга ошириш ва бутун  
мавжудот устидан ҳукмронлик қилиш учун яратилганмиз. Императорлар ўзига  
тобе мамлакатларда ўз ҳайкаллариини ўрнатиш орқали шу ҳудудда ўз  
ҳокимиятини намоён қилгани каби одамлар ҳам Худонинг сурати бўлиб, Ер  
юзида ҳақиқий Шоҳ ҳокимиятини ифодалайдилар.

Аммо Худо Ўз шоҳлик ҳокимиятини яратилган борликда қандай амалга  
оширади? Бу ҳақда Забур китобида ҳикоя қилинади. Забур 103-санода  
айтилишича, Худонинг ҳукмронлиги Унинг барча мавжудотлар: ёввойи ва уй  
ҳайвонлари шунингдек инсонларга ғамхўрлик қилиш ва уларни барча зарур  
нарсалар билан таъминлашда намоён бўлади. Забур 144-санода (Худога  
мурожаат ёзилган: “Эй Худойим, Шоҳим!”): Худо марҳаматли, меҳрибон,  
вафодор, сахий, ғамхўр ва Ўз яратганларига севги билан ҳукмронлик қилади деб  
баён қилинади

Худо бизни шундай бошқаради. Шундай экан, инсоннинг бошқаруви ҳеч  
қачон ўзини юқори қўйиш, суиистеъмол қилиш, йўқ қилиш, исроф қилиш ёки  
вайрон қилишни англатадиган бўлмаслиги керак. Буларнинг ҳаммаси Булар  
гуноҳкор инсоннинг такаббурлигига хос зулмкорликнинг акс-садоларидир,  
Худонинг хислати ва хатти-ҳаракатларини акс эттирувчи подшоҳлик эмас.  
Ҳақиқий ҳукмронлик намунаси 3 Подшоҳлар 12:7 да қисқача ифода қилинган  
 (“...Агар сиз бу халққа бугун қул бўлиб хизмат қилсангиз...”). Бу ўзаро хизматдир.  
Подшоҳ адолатсизликларга йўл қўймасдан одамлар хизмат қилса, одамлар ҳам  
унга хизмат қилишади. Агар инсон Худо режасига мувофиқ — яъни, хизмат ва  
ғамхўрлик асосида — ҳукмронлик қилса, худди шундай, ер ҳам фақат шундагина  
инсон эҳтиёжларига хизмат қилади..

**Хизмат қилиш учун жойлаштирилган (Ибтидо 2:15): яратилган  
борлик хизматидаги руҳонийлар.** Бу фикр табиий равишда юқоридагилардан  
келиб чиқади. Худо Ўзи яратган одамни “боққа ишлов берсин, парвариш қилсин”  
деб боғга жойлаштирди.

Яратилган борлиқни бошқариш (Ибтидо 1-боб) шу борлиққа хизмат қилиш (Ибтидо 2-боб) орқали амалга оширилиши керак. Бу ерда очик-ойдин кўрсатилган подшоҳ-хизматкор сурати кейинчалик мукаммал инсон ва Худо Ўғли бўлган Исо томонидан идеал тарзда намоён қилинди. У Ўз шогирдларининг оёқларини ювиб, Раббий ва Устоз мақомини мақсадли равишда кўрсатди. Хизмат орқали бошқарув — бу Масиҳнинг йўли бўлиб, бизнинг йўлимиз ҳам бўлиши керак.

Лекин яратилган борлиққа хизмат қилиб ва уни сақлашнинг яна бир хусусияти бор — бу руҳонийликдир. Левилар китобида руҳонийлар ва левиларнинг вазифаси Худога чодир/маъбадда хизмат қилиш ва Худо уларга ишониб топширган нарсаларни сақлаш эканлиги бир неча бор айтилган. Шундай қилиб, яратилган борлиққа нисбатан шохлик вазифасидан ташқари бизда яна руҳонийлик вазифаси ҳам бор. Ҳукмронлик қилиш ҳукуқи билан биргаликда хизмат қилиш масъулияти ҳам бизнинг зиммамизда.

Бинобарин, Худо Ўз сиймосини (одамни) яратилган борлиққа жойлаштиргани ҳақидаги сўзлар том маънода яратилган борлиқ муқаддас маъбад маъносини ҳам англатади. Чунки айнан қадимий маъбадларда худоларнинг тимсоллари жойлаштирилган. Коинот ўз Яратувчисининг улкан маъбади вазифасини бажарар экан, Худо Ўзининг шу маъбадига Ўз сиймосини — тирик инсонни У билан бирга яшаши учун жойлаштиради. Яратилган борлиқ Худонинг яшаш маскани сифатида фаолият юритади. Инсонлар эса Худонинг сурати вазифасини бажариб, Унинг номидан яратилишни бошқаради ва унга хизмат қилади.

***Яратилишдаги вазифамиз учун муносабатларда яратилганмиз: эркак ва аёл.***

Ибтидо китобининг илк икки боби эркак ва аёлнинг ким экани ва уларнинг яратилишдаги ўрни ҳақида бир-бирини тўлдирувчи, икки хил, аммо уйғун тасвирни тақдим этади Бир томондан, Ибтидо китоби шунга ишора қиладики, инсоннинг эркак ва аёл қилиб яратилгани — унинг Худо суратида яратилганлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Шундай қилиб, Худо Ўз суратидай қилиб яратди инсон зотини, эркагу аёл қилиб яратди уларни.

(Ибтидо 1:27).

Бу оятдаги қатъий параллелизм шундай бир ҳақиқатни очиб берадики: эркак ва аёлнинг бир-бирини тўлдириши — Худога муносабатимиз ва Уни акс эттиришимизнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Яъни, инсоннинг эркак ёки аёл бўлиб яратилиши — бу шунчаки жинсий яқинлик қилиш ёки кўпайиш қобилияти эмас, балки бундан анча юқори, маънавий ва илоҳий мақсадга эга. Оятда айтилишича, Инсоннинг жинсийлиги Худонинг суратида бўлишнинг бир қисмидир. Бу, албатта, Худо жинсий ёки гендерлик жиҳатдан фарқланган дегани эмас. Балки, шахсий муносабат — Худонинг илоҳий моҳиятининг ажралмас

қисми. Шунинг учун, инсон ҳам — Унинг суратида яратилгани учун — шахсий муносабатларга мўлжалланган мавжудотдир.

Бироқ, Ибтидо Китоби иккинчи тарафдан эркаклик ва аёлликни инсонга берилган вазифа контекстида кўрсатади. Худо яратган барча нарсаларини "ажойиб" ва "жуда ажойиб" деб баҳолади. Шунинг учун Унинг ниманидир "яхши эмас" дейиши мутлақо кутилмаган ҳолат. (Ибтидо 2:18) Нима яхши эмас? Маълум бўлишича, одамнинг (яратилган "ердаги мавжудотлардан бири") ёлғиз бўлиши яхши эмас экан. Бироқ бутун матнга қарайдиган бўлсак, бу ёлғизлик муаммоси фақат ҳиссий жиҳатдан эмас. Худо шунчаки руҳий(психологик) муаммони ҳал қилмайди, У яратиш муаммосини ҳал қилади.

Ибтидо китоби 2:15да Худо одам олдида улкан вазифа қўйди. Одамни "ишлов берсин, парвариш қилсин", деб боққа жойлаштирди. Агар буни Ибтидо 1:28 даги вазифа билан қўшсак: "ер юзини тўлдириб, итоат эттиринглар", бошқа жонли мавжудотлар устидан "ҳукмронлик қилинглар", унда одамнинг вазифаси чексиздек туюлади. Инсон бундай вазифани ёлғиз ўзи уддалай олмайди. Бу "яхши эмас." Унга ёрдам керак.<sup>6</sup> Худо одамга ёлғизликни ҳис қилмаслиги учунгина *йўлдош* изламаяпти, балки унга "мувофиқ ёрдамчи" топиш учун бел боғлайди. Токи одам унга юклатилган улкан вазифани – яратилган дунёни асраш, унда яшаш, унга хизмат қилиш, ўзлаштириш ва ҳукмронлик қилиш вазифасини бажара олсин. Эркакка шунчаки ҳамроҳ керак эмас. Унга ёрдам керак. Эркак ва аёл Худони акс эттириш учун муносабатда яратилганлар. Лекин бундан ҳам кўра муҳими, улар Худонинг ердаги вакили сифатида иш олиб боришда бир-бирига ёрдам бериш учун яратилганлар.

Шу тариқа, инсоният муносабатларда яратилган, муносабатлар учун яратилган ва муносабат орқали бажарилиши мумкин бўлган улкан бир вазифа учун яратилган. Бу вазифа фақат биологик кўпайиш (фарзанд кўриш) билан чекланмайди. Бу вазифа кенг ижтимоий ва маънавий ҳамкорликни талаб қилади — эркак ва аёлнинг биргаликда Худонинг Ер юзидаги ҳукмронлигига шерик бўлиши орқали.

## Нима нотўғри бўлди?

Худонинг илоҳий режаси бузилди, ҳаммаси Худо ўйлагандек бўлмади. Гуноҳ инсон ҳаётига исён ва итоатсизлик орқали кириб келди. Ибтидо китобининг 3-11 боблари воқеаларни жуда оддий услубда баён қилса-да, улар гуноҳнинг учта асосий жиҳатини кўрсатади. Бу жиҳатлар кейинчалик бутун муқаддас Китоб давомида доимо тасдиқланади ва қайта-қайта воқеалар орқали кўрсатилади.

**Гуноҳ ҳар бир инсон ҳаётининг барча жабҳаларини заҳарлайди.** Ибтидо китобининг биринчи боблари инсон ҳақида кўпроқ маълумот беради. Бу ҳақда юқорида тўхталган эдик. У ерда инсон Худонинг суратида яратилгани ва бу яратилишнинг мақсади нима экани баён қилинади.

Инсон – *жисмоний мавжудот* (биз жисмоний яратилган оламдаги мавжудотлармиз);

Инсон *руҳий мавжудот* (Худо билан яқин, шахсий муносабат ўрнатиш қобилияти бор);

Инсон *онгли мавжудот* (инсон ўзига хос ва ноёб тарзда мулоқот қилиш, сўзлашиш, тафаккур, хотира, ҳис-туйғу ва ирода қобилиятларига эга);

Инсон *ижтимоий мавжудот* (эркак ва аёл жинсига мансублик Худо характерининг шахслараро жиҳатини акс эттиради ва барча инсоний муносабатлар асосида ётади).

Бу тўрт жиҳат инсон шахсиятида ажралмас бир бутунликда мужассамлашган. Уларни бир-биридан алоҳида қилиб бўлмайди. Улар инсон шахсиятининг бир-бири билан боғланган, ўзаро таъсирда бўладиган ўлчовларидир.

Момо Ҳавонинг шайтон васвасасига тушиши ҳикояси (Одам Ато иштирокида - "эрига ҳам берди. Эри ҳам еди". Ибтидо 3:6га қаранг) инсон ҳаётидаги тўртта жиҳатнинг барчасини ўз ичига олади ва гуноҳ бу жиҳатларнинг барчасига қандай кириб боришини кўрсатади.

“<sup>1</sup>Парвардигор Эгамиз ҳамма ёввойи ҳайвонларни ҳам яратган эди. Ўша ҳайвонлар орасида анча айёри илон эди. Илон хотиндан:

— Ҳақиқатан ҳам Худо, боғдаги биронта дарахтнинг мевасидан еманглар, деб айтдими? — деб сўради.

<sup>2</sup>Хотин илонга:

— Йўғ-э, биз боғдаги ҳамма дарахтларнинг мевасидан ейишимиз мумкин, — деб жавоб берди. <sup>3</sup>— Лекин Худо, боғ ўртасидаги дарахтнинг мевасидан еманглар ҳам, тегманглар ҳам, акс ҳолда, ўласизлар, деб айтган.

<sup>4</sup>Илон эса хотинга:

— Йўқ, ўлмайсизлар, — деди. <sup>5</sup>— Чунки Худо биладики, сизлар бу мевалардан есангиз, кўзларингиз очилиб, сизлар ҳам барча яхши ва ёмон нарсаларни биладиган бўлиб, Худога ўхшаб қоласизлар.

<sup>6</sup>Хотин қарасаки, ўша дарахт кўзга чиройли кўринади, мевалари жуда ейишли экан. Хотин: “Қанийди мевалар менга донолик ато қилса”, деб орзу қилди. У дарахтнинг мевасидан олиб еди, кейин ёнида турган эрига ҳам берди. Эри ҳам еди” (Ибтидо 3:1–6).

- Рухий жиҳатда, Момо Ҳаво Худонинг ҳақиқати ва меҳрибонлигига шубҳа қила бошлайди, бу эса унинг ишончи ва итоаткорлигини заҳарлайди.

- Ақлий жиҳатда яхшилик ва ёмонликни билиш дарахти меваси ҳақида унинг фикрлаши рационал (мевалари жуда ейишли), эстетик (кўзга чиройли кўринади) ва интеллектуал (донолик бериши) жиҳатлардан иборат (Муқаддас Ёзув 3:6). Инсон онгининг бу барча қобилиятлари ўз-ўзидан яхши. Дарҳақиқат, Муқаддас Китоб уларни Худонинг яхши инъомлари деб атайди. Момо Ҳавонинг ўз ақлидан фойдаланиши ёмон эмас; муаммо шундаки, у барча қобилиятларини *Худо томонидан тақиқланган йўналишда* ишлатди. Муаммо оқилликда эмас, балки бўйсунмасликда.

- Жисмоний жиҳатдан, “У дарахтнинг мевасидан олиб еди”. Бу содда феъллар жисмоний оламдаги жисмоний ҳаракатларни тасвирлайди. У ўз қўллари ва оғзидан итоатсизлик ҳаракатини амалга ошириш учун фойдаланди.

- Ижтимоий жиҳатдан у меваларни “ёнида турган эрига ҳам берди” Одам Ато билан баҳам кўрди. Одам Ато унга қўшилади. У суҳбатни эшитади, лекин уни рад этиш учун ҳеч нарса қилмайди. Шу тариқа, руҳий, ақлий ва жисмоний жиҳатларда бошланган гуноҳ ижтимоий муносабатларга ҳам кириб келади — у инсонлар ўртасидаги муносабатларни заҳарлаб, уят ва кўркув келтиради.

Муқаддас Китобни ўқир эканмиз, у бизга гуноҳ инсон ҳаётининг бу тўрт жиҳатини қандай заҳарлашда давом этаётганини кўрсатади.

- Рухий жиҳатдан биз Худодан узоқлашганмиз, Худонинг ҳузуридан кўрқамиз, Худонинг ҳақиқатига шубҳа билан қараймиз ва Худонинг севгисига душманмиз.

- Ақлий жиҳатдан: Биз, худди биринчи одамлар каби, ақлимизни гуноҳимизни оқлаш, бошқаларни айблаш ва ўзимизни ҳимоя қилиш учун ишлатамиз. Фикрларимиз қоронғулашиб кетди.

- Жисмоний жиҳатдан Худонинг ҳукмига кўра, биз ўлимга маҳкум бўламиз, касалликлар ва емирилиш орқали ўлимнинг ҳаётга кириб келишидан азоб чекамиз, атроф-муҳит эса Худонинг лаънати остида беҳуда нола қилмоқда (Рим.8:22).

- Ижтимоий жиҳатдан инсон ҳаёти барча жиҳатларида парчаланган: Қобил ва Ҳобил ҳикоясида баён қилинган ғзаб, ҳасад, зўравонлик ва ҳатто ака-укалар ўртасидаги қотиллик даҳшатли ижтимоий таназзул ва миллатлараро адоватга айланиб кетди. Булар Муқаддас Китобнинг бошқа ҳикояларида ёрқин тасвирланган.

Римликларга мактуб 1:18-32 - оятларидаги сўзлар гуноҳнинг бутун инсон ҳаёти ва жамиятидаги ҳукмронлиги ҳақида Павлуснинг кескин баёнот ҳисобланади. Инсон шахсиятининг ўша тўрт жиҳати инсон гуноҳи ва исёнига жалб этилганини кўрамиз. Инсон шахсининг гуноҳ таъсир қилмаган бирор қисми йўқ. Гуноҳ - бу Исо Масиҳ томонидан хочда мағлуб бўлганга қадар бизни бошқарадиган ўзига хос кучдир.

**Гуноҳ Ерга таъсир қилади.** Инсон ўз Яратувчисига қарши исён кўтаришга қарор қилганида, унинг итоатсизлиги ва гуноҳи бутун атроф-муҳитга таъсир қилади. Бу Худонинг Одам Атога айтган сўзларидан дарҳол ойдинлашади: “Сен туфайли ерни лаънати қилдим” (Ибтидо 3:17). Бу муқаррар эди. Биз нафақат Ердаги ўзаро боғлиқ ҳаёт тизимининг бир қисмимиз; биз бошқарувчимиз. Инсоният Худога қарши исён кўтарса, бу бошқа барча яратилган оламга таъсир қилади. Нафақат биз Худодан узоқлашганмиз; нафақат биз кўпинча душман ва қаршилиқ кўрсатувчидек бўлиб туюладиган атроф-муҳитдан узоқлашганмиз; балки Ернинг ўзи ҳам, Павлуснинг таъбири билан айтганда, “беҳудаликка мубтало бўлган”, биз ҳам, у ҳам бу лаънатдан халос бўлмас эканмиз, эркин ва тўлиқ даражада Худони улуғлашга қодир бўла олмаймиз, ваҳоланки, биз Уни улуғлаш учун яратилганмиз (Римликлар 8:19–23).

Ибтидо китобининг дастлабки бобларида муаммо нафақат Худога қарши исён қилиб яшаётган гуноҳкор инсонларда, балки улар яшаб турган ер ҳам лаънатланган, уларнинг ёвузликларига замин бўлиб хизмат қилмоқда ва азиятларини янада кучайтирмоқда. Масалан, Ламак (Қобилнинг эмас, Шиснинг авлоди) ўғил кўрганда, “Эгамиз бу ерни лаънатлаган, энди ерга ишлов берганимизда, оғир ишларимизни шу бола енгиллаштирасин” дея ўғлининг исмини Нуҳ қўйди (маъноси “дам олиш” ёки “тасалли”) (Ибтидо 5:29). Бу сўзларда инсониятнинг азалий истаги - Худо ердан лаънатни олиб ташлаши ифодаланган. Бироқ бу Ламакнинг ўғли ҳаётлигида содир бўлмайди (бу фақат тарих охирида, Ваҳий 22:3 да содир бўлади). Аксинча, Худонинг жазоси тўфон шаклида, айнан ер ва ундаги бор нарсаларга, шунингдек, гуноҳкор инсониятга ёғилади (Ибтидо 6:6–7, 13, 17). Гуноҳ Худонинг ҳукмини ҳам яратилган борлиққа, ҳам инсонларга олиб келади, чунки биз ўзаро боғлиқмиз. Аммо худди шу боғлиқлик орқали Худонинг марҳамат-шавқати ҳам на фақат инсониятни, балки яратилган бутун оламни ҳам нажотга олиб келади. Бу эса умидбахш узоқ келажак ҳикоясидир.

**Гуноҳ инсон жамияти ва тарихга сингиб кетган.** Ибтидо китобининг 4–11 боблари орқали биз инсон табиатининг ёмонликка мойиллиги ортиб боришини кўрамиз. Биринчи оиладаёқ ака-укалар (Қобил ва Ҳобил) ўртасида ғазаб ва қотилликка олиб келадиган ҳасад алангаси пайдо бўлади. Қобилдан кейинги авлодлар маданиятда ривожланишга эришиш билан бирга, мақтанчоқлик ва зўравонликни ҳам авлоддан авлодга олиб ўтади (Ибтидо 4:19–24). Насллар ўтиб боради, ва ҳар бир авлод, умрининг узунлигидан қатъи назар,

ўлим кўнғироғи билан якунланади (Ибтидо 5). Бутун жамият зўравонлик ва қабихликка берилиб кетган (Ибтидо 6:5, 11–13). Ҳатто тўфоннинг покловчи сувлари ва яратилишнинг Ибтидо 1- бобга ўхшаш Худонинг марҳамати билан бошланган янги бошланишидан кейин ҳам, гуноҳ Нухнинг оиласида яна қайта пайдо бўлади (Ибтидо 9:18–29). Дастлабки ҳикоя Бобил минорасида ўзининг энг юқори чўққисига чиқади. Бутун дунё халқлари аралашган, бўлинган ва ер юзи бўйлаб тарқалиб кетган (Ибтидо 11:1–9).

Кўз олдимизда икки ўлчамли манзара намоён бўлади: горизонтал равишда гуноҳ бутун жамиятга тарқалади, вертикал равишда эса авлоддан-авлодга ўсиб боради. Инсон ҳаёти ва маданияти жамоавий гуноҳ билан тобора оғирлашмоқда. Бу жамоавий гуноҳ қандайдир тарзда ҳар биримизнинг алоҳида гуноҳимиздан анча каттароқ бўлган куч ёки ҳокимиятга бирлашади. Гуноҳ одатий, тузилмавий ва тарихга сингиб кетган ҳолга келади. Эски Аҳд тарихига бағишланган китобларда Исроилдаги аҳвол авлоддан-авлодга тобора ёмонлашиб бораётганлиги ҳикоя қилинади. Пайғамбарлар фақат айрим кишиларнинг гуноҳини эмас, балки бутун жамиятнинг айниб, бузуқ бўлиб бораётганини ҳам кўрадилар. Масалан, Ишаё зулмга тизимли қонунийлик берадиган қонунлар қабул қилиб, адолатсизликни мустаҳкамлаётганларни фош қилади:

“<sup>1</sup>Эй сиз, ёвуз фармонлар чиқарадиганлар, Қонунлар ёзиб, жабр келтирадиганлар. <sup>2</sup>Камбағални адолатдан маҳрум қиляпсиз, Мазлум халқимни талаяпсиз...”

(Ишаё 10:1–2)

Қуддусдаги ҳар бир шоҳ аввалгисига нисбатан ёмонроқ бўлган (Ҳизқиё ва Йўшиё кабилар жуда кам учрайдиган мустасно ҳолат). Уларнинг ёвузликлари шунчалик кўпайганки, оғирлиги Худо учун қабул қилиб бўлмас даражага етган.

## **ЕРНИНГ ЛАЪНАТЛАНИШИНИ ҚАНДАЙ ТУШУНМОҚ ЛОЗИМ?**

Табиатдаги инсон ҳаётига хавф туғдириши мумкин бўлган барча ҳодисалар (зилзилалар, сув тошқинлари, вулқонлар, цунами ва бошқалар) инсониятнинг гуноҳга ботиши ва Худонинг ерни лаънатлаши оқибати деб ҳисоблашимиз керак эмас деб ўйламайман. Ер қобиғидаги тектоник плиталарнинг силжиши билан боғлиқ бўлган бу табиий жараёнлар инсоният пайдо бўлишидан ва гуноҳ содир бўлишидан анча олдин сайёрамиз тузилмасининг бир қисми бўлган. Бундан ташқари, улар инсон ҳаёти (аслида, ер юзидаги барча ҳаёт) учун зарур шарт-шароитларнинг бир қисмидир. Тектоник плиталарнинг силжиши бўлмаса тоғлар бўлмас эди. Тоғлар бўлмаса ёғингарчилик, дарёлар ва иқлим ўзгаришлари бўлмас эди. Вулқонлар, дарёлар ва тошқинлар бўлмаса, унумдор ер бўлмас эди. Булар дунёимизнинг геологик ва иқлимий воқеликларининг моҳиятидир ва



биз Худога дунёни қандай яратиши кераклигини айтишга ҳақли эмасмиз.<sup>7</sup>

Менимча, ернинг лаънати бутун сайёрага эмас, биз яшаётган ва унга боғлиқ бўлган ер юзасига тупроққа тааллуқлидир (Ибтидо 3:17даги "adamah" сўзининг умумий маъноси шундай). Бу ернинг лаънатланган ҳолати унинг табиий вазифасидан чиқиб кетишини англатади. Гуноҳ ва ёвузлик туфайли биз яшаётган замин билан инсоний муносабатларимиз тубдан бузилган. Ер қаршилиқ кўрсатади. Биз нон топиш учун тер тўкиб меҳнат қилишга мажбур бўлдик. Бир томондан, ернинг лаънатланиши - бу биз - одамлар, атрофимиздаги табиатга қарши чиқаётганимиз, унга ҳам, ўзимизга ҳам зарар етказётганимизни тасвирлаш усулидир.

Аммо Павлус бизга яна шуни ҳам айтадики, яратилган борлиқ асосий вазифасини - Худони улуғлашни тўлиқ бажара олмайди. (Римликлар 8:20). Ҳа, саноларда айтилганидек, яратилган борлиқ ҳали ҳам Худонинг улуғворлигини эълон қилади, аммо у (ҳозирча) буни Худо хоҳлаган даражада қила олмайди. Чунки у ҳам бизнинг ҳаётимизни заҳарлаган беҳудалик ва ноумидликка дучор бўлган. Аммо бутун Муқаддас Китоб тарихидаги буюк Хушхабар шундан иборатки, бутун яратилган мавжудот Худонинг буюк нажот режасига киритилган. Бизнинг Масихдаги тақдиримиз Ердан қутулиш ва бошқа бирор жойга кетиш эмас. Балки Масихнинг хочда тўкилган қони орқали Худо билан ярашган бутун яратилган борлиқ билан бирга қутқарилиш ва озод бўлишдир (Забур 95:11–13; Ишаё 65:17–25; Римликлар 8:18–25; Эфесликлар 1:9-10; Колосаликлар 1:15–20; Ваҳий 21–22). Бу янги яратилишда эса “Лаънат деган нарса у ерда қолмайди” (Ваҳий 22:3).

Шундай қилиб, Ибтидоий тарихдан олинган бу ҳикоялар Худо, инсоният ва барча яратилган борлиқ ўртасидаги ўзаро муносабатлар учбурчаги ҳақидаги чуқур ҳақиқатларни ўз ичига олади. Муқаддас Китоб бизнинг қасддан қилинадиган қаршилигимиз, итоатсизлигимиз, худбинлигимиз ва гуноҳимиз оқибатларини жиддий ва чуқур баҳолашни таклиф қилади. Гап фақатгина гуноҳ инсон шахсининг барча жиҳатларига таъсир қилишида эмас. Гап фақатгина ҳар бир одамнинг гуноҳкорлигида ҳам эмас. Бизнинг ўзаро ижтимоий ва иқтисодий муносабатларимиз, горизонтал ва тарихий, шунингдек, яратилган борлиқ билан экологик муносабатларимиз жамоавий гуноҳимиз, бутпарастлигимиз ва шайтоний ёвуз кучлар билан тил бириктиришимиз туфайли бузилиб, шикастланган.

## **Бу муаммони қандай ҳал қилиш керак?**

Дастлабки учта саволга жавоблар кенг кўламдаги муаммони келтириб чиқарди. Биз Худо яратган оламда яшаймиз, лекин уни ўз гуноҳимиз билан буздик. Биз Худонинг суратига кўра ва Унга ўхшаш яратилганмиз, лекин Худонинг характери акс эттирмаймиз. Биз турли миллатлар ва маданиятлар орасида яшаймиз, аммо бу хилма-хилликни нафрат, зўравонлик ва адолатсизликнинг сабаби қилиб олганмиз. Ҳар биримиз шахсан ўзимиз гуноҳқормиз ва бизни яратган, бизга ғамхўрлик қилаётган ва бизни севадиган Худога бўйсунмаймиз. Биз, Павлус айтганидек, гуноҳнинг қулига айландик. Бу барча жиҳатларда бутун ер Худонинг ҳукми остидадир.

Агар бу мушкул вазиятдан чиқишнинг бирор йўли бўлса ҳам, у биздан чиқмайди. Инсониятнинг минг йиллик тарихи шуни кўрсатдики, биз мустақил равишда ҳаммасини тартибга келтириш учун жуда номукамалмиз. Муқаддас Китоб “Ўлганимиздан кейин ҳаммамиз осмонга қандай борамиз?” деган саволни бермасдан, бу муаммони тўлиқ тасвирлашини кўриш муҳим. Бизнинг матнларимиз Худо билан бўлиш учун қаергадир боришимиз ва биз буни қандай қилишимиз кераклиги ҳақида гапирмайди. Ахир, биз жуда гуноҳқормиз. Асосий масала шунда:

Қандай қилиб муқаддас ва севувчи Худо Ўз суратида яратган инсонлар билан яна бирга яшай олади, ҳолбуки бу ер энди лаънатланган ва гуноҳга ботган? Қандай қилиб биз Худо яратган борлиқда яшаб, яратилган мақсадимизга мувофиқ иш қила оламиз?

Агар биз Унга қарши чиққан бўлсак, қандай қилиб Худо яна биз билан боғда гаплаша олади? Худди шу муаммони Муқаддас Китоб кўриб чиқади ва охиروқибат уни ҳал қилади. Чунки Муқаддас Китобдаги ваҳийнинг энг юқори чўққиси, буюк якуний кўриниши шундаки, ҳаммамиз қаергадир («осмонга») кетмаймиз, балки Худо бу ерга келиб, ҳар бир халқдан Масиҳнинг қони билан қутқарилган барча билан, гуноҳ ва ёмонликдан тозаланган янги яратилган ягона осмон ва ерда бирга яшайди.

Бу фақат Худо таклиф қиладиган ечим, чунки биз ўз муаммомизни ҳал қилишга қодир эмасмиз. Бу бутун Муқаддас Китоб тарихи, Исо Масиҳнинг ўлими ва тирилишига қаратилган ечим - Хушхабарни эзгу хабар сифатида тақдим этади. Бу шундай ечимки, у учта буюк муаммони ҳал қилади: инсонни гуноҳдан озод қилади, халқлар биродарлигини тиклайди, ерни лаънат ва вайронагарчиликдан халос этади. Бу ҳақда Ибтидо тарихида аллақачон ишоралар бор, лекин бу ишоралар кейинги бобда янада ёруғ ва аниқ намоён бўлади.

## Иккинчи боб

### Иброҳим

*“... Сен орқали барака топарлар Ер юзидаги жамики халқлар”.*

#### **Ибтидо 12:3**

Инсон ўз табиатига кўра гуноҳкордир. Унинг гуноҳи шундаки, у Худога қарши исён кўтарди. Биз яшаб турган ер бизнинг гуноҳимиз туфайли лаънатланди, гуноҳимиз Худонинг яратган ижодига зарар етказди. Халқлар бутун ер юзига тарқалиб, бутунлай адашган. Бу жуда катта муаммо. Ибтидо китоби 11-бобга келиб, бизда қуйидагича савол туғилиши мумкин: "Худо яна нима қила олади? Ер ва инсоният учун умид борми?"

Аслида Худо Ибтидо китобидаёқ гуноҳ ва ёвузлик бу дунёнинг сўнгги сўзлари бўлмаслигига ишора қилган. Худода инсонни, яратган борлиқни ва унда яшовчи барча халқларни қутқариш режаси бор.

Ибтидо китоби 3:15да Худо илонга унинг зоти ва аёл зоти ўртасидаги адоватга, яъни шайтоннинг ёвуз кучлари ва инсоният ўртасидаги ҳалокатли тўқнашувга қарамай, охир-оқибат, илоннинг бошини эзиб ташлайдиган Инсон (аёл зоти) пайдо бўлишини эълон қилади. Худо ёвузлик ва васваса манбаи устидан ғалаба қозонишни кафолатлайди. Худо инсоният илон рамзий ифодалайдиган кучлар томонидан йўқ қилинмаслигини кафолатлайди. Бу оят баъзан *прото-хушхабар* яъни "биринчи Хушхабар" деб аталади. Бу Худо шайтонни Инсон орқали мағлуб этиши ҳақидаги хушхабарнинг биринчи эълонидир. Биз бу инсон — Носиралик Исо эканлигини кейинчалик билиб оламиз. Аммо бу контекстда, бу инсоният учун Худонинг ғалабасига таянадиган умид баёнотидир. Худо ғалаба қилади ва буни инсон орқали амалга оширади.

Ибтидо китоби 8:15-9:17 да Худо Нухни, унинг оиласини ва барча ҳайвонларни кемадан чиқаради. Бу воқеа бутун яратилган борлиқ учун янги бир бошланиш ҳисобланади (Ибтидо 8:17; 9:1,7да Ибтидо 1-бобнинг акс-садоларига эътибор беринг). Муқаддас Китоб ҳикоясида Худо биринчи марта одам билан аҳд тузади, яъни одамга тантанали ваъда беради, мажбуриятни Ўз зиммасига олади. Энг муҳими, бу аҳд нафақат Нух билан (гарчи одатда Нух билан тузилган аҳд деб аталса ҳам), балки ердаги ҳамма тирик жонзот билан тузилади. “Ҳамма тирик жонзот” бирикмаси бир неча марта такрорланади. Худо, бир томондан, Ерни бошқа ҳеч қачон тўфон билан йўқ қилмасликни ва иккинчи томондан, Ер мавжуд экан, у ерда ҳаёт учун керакли шароитларни сақлаб қолишини ваъда қилади.

Худо бу ахдни "абадий" деб атайди. Демак, Ерда ҳам, бутун инсониятда ҳам умид бор. Аввалига уларнинг ҳар иккисига ҳам Худонинг ҳукми келди; лекин энди уларнинг ҳар иккисига ҳам Худонинг аҳд ваъдаси тегишли бўлди.

Лекин, тўхтанг, шошманг, битта муаммо бор. Худо ер ва одамзодни ҳеч қачон йўқ қилмаслик ҳақида ваъда беради ва шу билан бирга "...инсоннинг юрагидаги фикру хаёли ёшлигидан бузукдир..." (Ибтидо 8:21 Муқаддас Ёзув) деб айтади.<sup>1</sup> Агар инсон шунчалик бузук ва гуноҳкор бўлса, у яна худди ўша гуноҳ туфайли янги бир ҳукм ва ҳалокатга дучор бўлиши керак эмасми? Агар Худо бошқа бир режага эга бўлмаганида, албатта шундай бўларди. Тез орада (12-бобда) биз Худонинг шундай режаси борлигини кўрамиз.

Ибтидо китоби 11-боб Бобил минорасининг қурилиши ва тилларнинг аралашуви ҳақида ҳикоя қилади. Тилларни аралаштириш воқеаси аввал қарашда Худонинг ҳукмидай туюлади. Лекин Худонинг ўзи 11:6–7 оятларда айтадики, бу ҳаракат ёмонроқ нарсанинг олдини олиш учун қилинган.

<sup>1</sup>Бутун ер юзида битта тил бўлиб, ҳамма одамлар бир хил сўзлашардилар. <sup>2</sup>Одамлар шарқдан кўчиб, Шинар еридаги бир текисликка келдилар ва ўша ерда жойлашдилар.

<sup>3</sup>Одамлар бир–бирларига: "Келинглар, ғишт қуйиб, яхшилаб пиширайлик", дедилар. Шундай қилиб, улар қурилиш учун ғиштан, қоришма учун қора сақичдан фойдаланадиган бўлдилар. <sup>4</sup>Кейин одамлар айтдилар: "Келинглар, ўзимиз учун шаҳар қурайлик, шаҳар минорасининг чўққилари осмонга тегиб турсин. Шу тариқа ном таратайлик. Акс ҳолда, биз бутун ер юзига тарқалиб кетамиз".

<sup>5</sup>Одамлар қураётган шаҳарни ва минорани кўриш учун Эгамиз пастга тушди. <sup>6</sup>Эгамиз деди: "Қаранглар, ҳаммаси битта халқ, ҳаммасининг тили бир! Бу ҳали улар қилмоқчи бўлган ишнинг бошланиши, холос. Ҳадемай, улар кўнглига келган ишни қилишга қодир бўладилар. <sup>7</sup>Қани, пастга тушайлик–да, уларнинг тилини аралаштириб юборайлик, токи бирининг гапини иккинчиси тушунолмай қолсин".

<sup>8</sup>Шундай қилиб, Эгамиз уларни ўша ердан бутун ер юзи бўйлаб тарқатиб юборди. Одамлар шаҳар қурилишини тўхтатдилар".

(Ибтидо 11:1–8).

Худо инсоний такаббурлик ва Унинг буюк режаларини бузишга уринишлар нималарга етаклашини олдиндан кўра олади. Ибтидо китоби 9-10 боблардан аниқ кўриниб турибдики, Худонинг ниятига кўра одамлар кўпайиши ва ер юзи бўйлаб тарқалиши керак эди. Ибтидо китоби 11-бобдаги воқеаларда одамлар Худонинг хоҳишига қарши чиқиб, бир жойда тўхташни, баланд минора қуриб,

ўзларига ном чиқаришни ва тарқалмасликни мақсад қилиб қўяди. Худо бундай жамоавий такаббурлик қандай ҳалокатли оқибатларга олиб келишини билади. Тарих ҳам кўрсатадики, инсонлар ўз ҳаётларини бир хил шаклга солишга, ягона тузум остида яшашга уринганда, натижада ҳар доим золимлик ва азоб-уқубат пайдо бўлади. Шу боис Худо одамларнинг тилларини аралаштириб юборди ва уларни ер юзига тарқатди. Бу бир томондан жазо, иккинчи томондан фожиянинг олдини олиш чораси эди. Аслида, ер юзи бўйлаб тарқатиш — Худонинг бошидан режаси эди. Тилларнинг аралашishi эса инсонларни, улар ҳали ҳам такаббур ва исёнкор бўлган ҳолда, тўлиқ бирлашиб кетишидан сақлайди. Худо миллатлар учун бундан-да яхшироқ режаларга эга — бу режалар турли хил халқ, қабила, элату миллатлар (Ваҳий 7:9) ўз хилма-хиллигини сақлаган ҳолда, Худога ва Унинг Қўзисига ягона топиниш билан бирлашишини кўзда тутди. Бутун инсониятни Худога қарши ягона исён эмас, Худога муҳаббат ва ибодат бирлаштириши керак. Шундай қилиб, ибтидоий тарих инсониятнинг ҳал қилинмаган муаммоларни кўрсатади. Шунингдек, Худонинг ҳамон тарихни бошқараётгани, инсониятнинг гуноҳи охир-оқибатда Худонинг Ўз эзгу ижоди учун бўлган эзгу ниятларига тўсқинлик қила олмаслигини таъкидлаши билан яқунланади. Аммо биз яна ўзимизга савол берамиз: Худо яна нима қилиши мумкин? Тарих сахнасида Иброҳим ва Сора (аниқроғи, Ибром ва Сорай, аммо биз уларни Худо бир оз кейинроқ берган исмлар орқали яхшироқ биламиз) пайдо бўлади.

## **Худо Иброҳим ва Сорани чақириб, уларга ваъдалар беради**

Ибтидо китоби 11-бобдан сўнг 12-боб келади. Бу маълумот сизга докторлик даражасини бермаслиги мумкин, аммо Муқаддас Китобдаги тарихнинг кейинги ривожини тўғри тушуниш учун жуда муҳимдир. Ахир, айнан Ибтидо китоби 3-11 бобларда баён этилган ноҳуш шундай бир вазиятда биз Иброҳим исмли одамнинг ҳаётига Худонинг аралашуви қанчалик аҳамиятли эканини кўришимиз керак.

Аввалги бобларда ер Худонинг лаънати остида экани, баъзи инсонлар ўзларига катта ном чиқаришга уриниб мағлубиятга учраганини ва миллатлар ер юзаси бўйлаб тарқалгани ҳақида сўз юритилади. Худо Иброҳимнинг чақириши билан лаънат ўрнига барака келтирадиган, Иброҳимнинг исмини (Бобилнинг эмас) юксалтирадиган ва охир-оқибатда (Иброҳим халқи орқали) Ер юзидаги барча халқларга таъсир кўрсатадиган лойиҳани бошлайди. Бошқача қилиб айтганда, Ибтидо китоби 12-бобни Ибтидо китоби 3-11 бобларда баён қилинган муаммоларга жавоб берувчи тарихнинг бошланиши сифатида кўришимиз керак.

Имтиҳон варақасидаги саволлар қисқа бўлиши мумкин, аммо уларга батафсил жавоб бериш керак. Муқаддас Китобга қараб, Ибтидо китоби 12-бобдан Ваҳий китоби 22-бобгача бўлган қисмни Ибтидо китоби 1-11 бобларда кўтарилган саволга Худонинг узун жавоби дейиш мумкин: Савол: “Худо инсон, ер ва миллатлар бузилиб кетган ҳолатга нисбатан нима қилади?”

Ҳикоя Иброҳимнинг отаси Терах ўз оиласини Урдан (жанубий Ироқ ҳудуди) шимолга, Хоронга (эҳтимол, ҳозирги шимол-шарқий Сурия) олиб бориши ва у ерда маълум бир муддат яшаши билан бошланади (Ибтидо 11:27–32). У ердан Худо Иброҳимни Унинг ваъдасига ишониб, йўлга чиқишга чақиради. Бу сўзлар ҳақли равишда машҳур бўлиб кетди ва уларнинг якуни ушбу бобнинг асосий жумласига айланди:

“<sup>1</sup>Шундан кейин Эгамиз Ибромга деди: “Ўз юртингдан, қариндош-уруғларинг олдидан — отанг хонадонидан чиқиб кет. Мен сенга бир юртни кўрсатаман, ўша ерга борасан;

<sup>2</sup>Буюк халқнинг отаси қиламан сени,

Барака бераман сенга,

Улуғ қиламан сенинг номингни,

Барака манбаи бўласан сен;

<sup>3</sup> Мен барака берарман сени дуо қилганларга,

Сени лаънатлаганларни Мен лаънатлайман.  
Сен орқали барака топарлар  
Ер юзидаги жамики халқлар””.

(Ибтидо 12:1–3)

Иброҳим Худонинг топшириғини бажариб, Канъон юртига келиши биланоқ Худо қуйидаги ваъдани қўшади: “Мана шу юртни сенинг наслингга бераман” (Ибтидо 12:7).

Бу асосий ваъда Ибтидо китоби 15-бобда такрорланади. Бу ерда Худо тантанали равишда Ўз номи билан онт ичади. Бу ваъда Ибтидо китоби 17-бобда яна тилга олинади, бу ерда Худо аҳднинг махсус тилидан фойдаланади, Ибром исмини Иброҳимга, Сорай исмини Сорага ўзгартиради, аҳд белгиси - суннатни киритади ва Иброҳимнинг авлодларига Канъон юртини бериш ҳақидаги ваъдасини яна қайтариб айтади. Бу ваъда Ибтидо китоби 22-бобда яна бир бор такрорланиб, қасам билан тасдиқланади.

Бу ваъданинг қайта-қайта айтилиши бу ғоянинг нақадар муҳим эканини кўрсатади Қолган бутун Муқаддас Китоб тарихи ҳам бунинг исботидир. Худо бу ерда шу ғоя билан шундай бир ишни бошляптики — у Эски Аҳддаги Исроил тарихи орқали асрлар давомида ривожланади. Исо ва Павлуснинг ваъзаларидаги Худонинг Шоҳлиги ҳақидаги Хушхабар билан бирлашади. Янги Аҳддаги Жамоатнинг асосий ғоясини таълимотини шакллантиради ва йўналтиради. Ва бу ғоя фақат янги яратилган оламда, яъни янгиланган махлуқотда тўлиқ амалга ошгачгина ҳақиқий ором ва мукаммал ижросини топади. Шундай қилиб, бизнинг иккинчи жумламиз Муқаддас Китоб тарихини охиригача қамраб олади.

Бу мураккаб ваъдага икки томонлама қараш керак. Бир томондан, у Эски Аҳдда Исроил ҳаёти ва иймонининг асоси бўлган учта аниқ ваъдани ўз ичига олади; айнан шу ваъдалар Исроил тарихининг марказий мазмунини шакллантиради. Иккинчи томондан, унда Ер юзидаги барча халқларни қамраб оладиган умумбашарий мақсад белгиланган.**2**

## Учта махсус ваъда

**Халқ.** Биринчидан, Худо Иброҳимга буюк халқнинг отаси бўлишни ваъда қилади. Бу ажойиб эшитилади, лекин биз Сарранинг ҳали фарзанд кўрмаганини ва Иброҳимнинг ҳам ўша пайтда етмиш беш ёшда эканини билганимизда, умидлар анча сўниб қолади. Қадимги дунёда етмиш ёшлиларда фарзанд кўриш статистикаси, эҳтимол, бугунгидан унчалик фарқ қилмагандир. Мен доимо Худо: "Дунёни қутқарадиган буюк режам бор. У мана шу кекса, фарзандсиз эрхотиннинг кўп сонли авлодлари орқали амалга оширилади!" деб эълон қилганида, фаришталар ҳайратдан хуштак чалиб юборганларини тасаввур қиламан.

Шу тариқа тарихнинг бошидаёқ биз Худо фақат алоҳида одамлар орқали эмас, балки жамоа, халқ орқали ҳам ҳаракат қилмоқчи эканлигини кўрамиз. Албатта, алоҳида одамлар бу тарихда доимий равишда иштирок этадилар, баъзан ёрдам берадилар, баъзан эса унинг ривожланишини секинлаштирадилар. Аммо Худонинг нияти Иброҳимнинг авлодларидан – бутун дунё учун умид элчилари бўладиган халқ яратишдир. Олдинда бизни қандай нажот, қутқарилиш, қайта тикланиш ва барака кутаётган бўлмасин, бу халқ орқали дунёга берилади. Улар шу мақсад учун яратилган ва танланган. Тез орада бу халқ бизга Исроил халқи сифатида маълум бўлади.

Ўйлайманки, Худо дунёнинг турли қисмларида турли тарихий даврларда яшаган алоҳида одамларни танлаб, уларни якка тартибда, бирин-кетин қутқариш орқали дунёга нажот олиб келиши мумкин эди. Албатта, барчамиз Худо олдида шахсан масъулмиз. Аммо Ибтидо 3–11 бобларида тасвирланган глобал муаммоларга (шахсий, ижтимоий, ер юзидаги ва миллатлар ўртасидаги гуноҳкорлик) ечим сифатида Худо халқ яратишни танлади. У халқдан эса, охиरोқибат, янгиланган яратилмиш пайдо бўлади. Худо бу ишни Иброҳим ва Саррадан бошлайди. Шу жуфтлик орқали Худо Исроил халқига асос солади. Шу тариқа ваъданинг биринчи қисми амалга ошади — буюк халқ пайдо бўлади.

**Барака.** Худонинг Иброҳим ва Сорага берган ваъдасининг иккинчи қисми қут-баракаларга бой. "Баракалаш" феъли турли шаклларда икки оятда беш марта учрайди. Худо эълон қилади:

- У Иброҳимга *барака беради*,
- Иброҳим *барака манбаи* бўлади,
- Иброҳимни *баракалаганларни* Худо *баракалайди*,
- Ер юзидаги жамики халқлар у орқали *барака топади*.



Бу ваъда Худо билан Иброҳим ва ундан келиб чиққан халқ ўртасидаги аҳд муносабатининг асосини ташкил қилади. Иброҳимга берилган ваъда кейинроқ бутун халқ билан тузилган тўлақонли аҳдга айланади: "Мен сизнинг Худойингиз бўламан, сиз эса Менинг халқим бўласиз" (Эски Аҳдда кўп марта такрорланган гап). Бу ўзаро мажбурият муносабатлари бўлиб, унда иштирок этганларга барака келтиради ва улар орқали бутун дунёга ҳам.

Аммо барака нима дегани?

Ибтидо китобидаги бу сўз ҳозиргача нимани англатган? Яратилиш ҳақидаги ҳикоя бошида бу сўз уч марта - бешинчи, олтинчи ва еттинчи кунларда ишлатилган. Барака - бу кўпайиш, фаровонлик ва табиий тартибдаги тўлиқлик, шунингдек, Худонинг яратган яхшиликларидан лаззат олиш демакдир. Сўнг, Нўҳ тўфондан кейин янгиланган ерга қадам қўйганда ҳам шу сўз яна қўлланади. У ерда ҳам кўпайиш, ер юзини тўлдириш каби баракалар тилга олинади – лекин бу сафар Худонинг бутун жонли махлуқотлар билан қилган аҳди доирасида.

Яратилиш билан боғлиқ бўлган ўша баракалар Ибтидо китобининг қолган қисмида қайта-қайта такрорланади. Аслида ибронийча “баракаламоқ” (*barak*) сўзи Ибтидо китобида саксон саккиз марта учрайди. Бу бутун Эски Аҳдда бу сўзнинг ишлатилишининг бешдан бир қисмидан кўпроғини ташкил қилади. Худо барака берганда, бу одатда оиланинг, ёки поданинг, ёки бойликнинг кўпайишини англатади. Худонинг баракаси Худо ўйлаганидек, Худо яратган яхши инъомлардан баҳраманд бўлишдир.

Лекин, албатта, биз барака ғоясини “Фаровонлик Хушхабари” деб аталадиган нотўғри талқинлар билан бузиб қўймаслигимиз керак. Албатта, Худо яратган моддий баракалар орқали инсонларни баракалайди. Лекин фақат бу неъматлардан Худо ва одамлар билан тўғри муносабатлар ичида фойдаланиш лозим. Барака нафақат моддий, балки руҳий ва инсоний муносабатларда ҳам намоён бўлади. Бу имон жетонлари эвазига механик тарзда бериладиган нарса эмас, яъни Худонинг баракаси бу савдо тизими эмас. Бу молдунёга ҳирсли воизларнинг алдамчи ваъдаларидан келиб чиққан, ўзини ҳақли деб ҳисоблаш ҳисси билан талаб қилинадиган нарса ҳам эмас. Муқаддас Китобнинг қолган қисми шуни кўрсатадики, Худо одамларни бошқа кўплаб усуллар билан баракалаши мумкин, масалан, уларни руҳан ёки муносабатлар орқали баракалаш, ҳатто агар уларда Худонинг яратиғининг барча неъматлари етишмаса ҳам.<sup>3</sup> Павлуснинг сўзларидан биламизки, Худо бизга Масиҳ орқали ҳар қандай руҳий баракаларни берган (Эфесликлар 1:3). Бу эса моддий баракаларни инкор қилмайди – балки ҳар иккисини ўз ўрнида қадрлашни талаб қилади.

**Юрт.** Худо Иброҳимни Бобилдан, яъни буюк Месопотамия мамлакатидан чақиради. Инсоний империялар қанчалик қудратли бўлмасин, дунёга нажот улар

орқали келмайди. Худо Иброҳимга Ўзи кўрсатган юртга боришни буюради ва бу ер Канъон юрти бўлиб чиқади. Иброҳим бу ерда фақат вақтинчалик, ярим кўчманчи ҳаёт кечиради. Маълум вақтга келиб, у хотинини дафн қилиш учун унча катта бўлмаган ер майдонини сотиб олади ва бу ер Худо ваъда қилган юртдаги ягона таянч нуқтаси (мулки) бўлади. Иброҳим ерни эгалламасдан, ваъдага ишонч билан ҳаёт кечириб, вафот этади. Иброҳим унинг авлодлари Худонинг ваъдаси бўйича буни амалга оширишига ишонган (Ибронийлар 11:8-16 оятларида бу келажакка йўналтирилган имон билан ҳаёт кечиришга катта урғу берилади ва унда бизни олдинда кутаётган янада катта мероснинг ишорасини кўринади).

Кўпинча эътибордан четда қоладиган, лекин аслида жуда муҳим бўлган нарсаси шундаки, Худонинг Ўзи Канъон юртига эгалик қилиш фақат бир неча юз йиллардан кейин содир бўлишининг сабабини очиб беради. У Ибтидо китобидаги ваъдасини такрорлаб, Иброҳимга унинг тўрт авлоди бегона юртда (кейинроқ бу Миср эканини биламиз) қул бўлгандан кейингина бу юртга қайтишини айтади. Чунки “Амор халқларининг қабихлиги ҳали ҳаддан ошмади” (Ибтидо 15:16). Яъни, ҳозирча Канъон халқининг гуноҳи Худо ҳукмига лойиқ даражага етмаган. Аммо етади. Уларнинг қабихлиги энг юқори даражага етади. Исроил бу юртнинг чегараларига етиб келганида Канъон маданияти охири шундай гуноҳларга ботадики – иқтисодий зулм, бутпарастлик, фоҳишаликни ўз ичига олган диний маросимлар ва ҳатто болаларни қурбон қилиш амалиёти бўлган (Левилар 18:1–5, 24–28; 20:22–24; Қонунлар 9:1–6; 12:29–31). Бу шуни англатадики, гарчи Ёшуа китобидаги исроилликларнинг Канъонни забт этиши доимо баҳс-мунозараларга сабаб бўлса-да, биз уни Худонинг адолатли ҳукми доирасида кўриб чиқишимиз керак. Уни шунчаки бир халқнинг бошқа халққа нисбатан сабабсиз содир этилган қирғини деб қараш мумкин эмас. Бу Худо гуноҳкор халқларга қарши Исроилни Ўз адолатини бажариш учун восита сифатида ишлатиши кўрсатилган. Худди шундай кейинчалик Худо айна шу адолатни Исроилга қарши етказиш учун бошқа халқларни восита сифатида кетма-кет ишлатган. Чунки улар ҳам Канъон халқларига тақлид қилиб гуноҳга ботадилар (бу борадаги бошқа қарашлар кейинги бобда муҳокама қилинади).

Шундай бўлса-да, Исроил халқига берилган юрт Иброҳимга берилган ваъданинг асосий қисмларидан биридир. Кейинчалик эса Исроил халқининг имон устунларидан бири ҳисобланади. Улар ЯХВЕ ерида яшайдиган ЯХВЕ халқидир. Эгамиз Ўзининг тўнғич ўғли сифатида бу ерни Исроил халқига мерос қилиб беряпти.

Демак: халқ, барака, юрт. Булар Худонинг Иброҳим ва Сорага берган ваъдасининг асосий қисмлари:

- уларнинг ўғли бўлади, ундан Худо бутун бир халқни яратади;
- бу халқ Худо билан аҳд муносабатларида яшайди;
- улар Худо берган юртда бу муносабатлар баракасидан баҳраманд бўлиб яшайдилар.

## Битта махсус тарих

Бу уч буюк ваъда шунчаки рўйхатдаги бандлар эмас. Улар кейинги тарихни белгилайди. Улар Тавротнинг қолган қисмида ва Ёшуа, Ҳакамлар ва Шохлик китобларида бўлган воқеаларга мақсад ва уйғунлик бағишлайди. Бу бир неча асрларни ўз ичига олган узун ҳикоя бўлиб, унда Худо Иброҳимга берган ваъдасини аста-секин амалга оширгани ҳақида сўз боради. Бу эса шундай содир бўлди.

**Халқ.** Ибтидо китобининг қолган қисми Худо ваъдасининг биринчи қисмини қандай бажаришни бошлагани ҳақида ҳикоя қилади. Ваҳоланки, У Ўз ваъдасини қачон ва қандай амалга ошиши борасида катта шубҳалар бўлса ҳам, ваъданинг амалга ошиши бу китобнинг охиригача аниқ кўринмайди. Исҳоқ туғилгунига қадар йиллар ўтади. Худо Иброҳимга Исҳоқни қурбонликка олиб келишни буюради. Исҳоқ бу тақдирдан қутулади, лекин унинг оиласи кейинчалик Эсов ва Ёқуб ўртасидаги ака-ука рақобати ва ўлим таҳдидлари туфайли бўлиниб кетади. Ака-укалар ярашадилар, аммо Ёқубнинг оиласи Юсуф туфайли янада узоқ давом этган адоватга дуч келади, Юсуф Мисрга сотиб юборилади, Худонинг марҳамати билан у бутун оилани очлик ва ўлимдан қутқаради. Ака-укалар яна ярашишига тўғри келади. Ибтидо китобининг охирига келиб, Иброҳимнинг оиласи етмиш кишига кўпаяди, улар очликдан қочиб, Мисрда муҳожирлар сифатида яшашади.

Уларни буюк халқ деб атаб бўлмайди. Лекин бу ҳали бошланиши.

**Барака.** Исроилни Худо билан аҳд муносабатига киритиш жараёни кейинги икки ярим китобни қамраб олади - Чиқиш, Левилар китоби ва Саҳрода китобининг биринчи қисмида баён этилади. Исроил аллақачон буюк халқ бўлиб улгурган (Чиқиш 1:7), аммо улар ҳали ҳам қулликда. Худо Исроил халқини Мисрдан олиб чиқиш учун ҳаракат қилади ва кейин улар билан учрашиш учун халқни Синай тоғига олиб боради. У ерда Худо Исроил халқи билан аҳд муносабатларига киришади. Уларни Ўзини севиш ва итоат этишга чақирди, шунда улар нажот баракасидан баҳраманд бўлишлари мумкин эди (эътибор қилинг: нажот Қонундан аввал келади — бу масалага кейинги бобда қайтамиз). Шу қисмнинг ўзидаёқ кескин бурилишлар, зиддиятлар, шубҳалар мавжуд. Исроил халқи аҳд тузилган заҳотиёқ уни бузади (Чиқиш 32–34). Худонинг кечирими ва раҳм-шафқати туфайли улар ҳалокатдан омон қоладилар. Шундан сўнг Худо уларга қурбонлик келтириш ва руҳонийлик тизимини, шунингдек, келажакда ҳам аҳд муносабатлари сақланиб қолиши учун уларнинг орасида

Унинг ҳузури (Чодир) бўладиган жойни берди. Левилар китоби агар халқ аҳдни бажарса, доимий баракалар бўлиши (ёки аксинча, агар халқ гуноҳ қилишда давом этса ва Худога қарши борса, лаънат келиши) ваъдаси билан якунланади.

Бу жараёнда жиддий тўсиқлар бўлса-да, Худонинг инояти, кечирими ва ғамхўрлиги асосида муносабатлар ўрнатилди.

**Юрт.** Чиқиш китоби 19-боб ва Саҳрода китоби 9-боб ўртасидаги барча воқеалар ва таълим беришлар Синай тоғида бўлиб ўтади. Бироқ Саҳрода китоби 10-бобда Худо Исроил халқига олдинга ҳаракатланишни ҳамда Иброҳим ва Сорага берилган ваъданинг учинчи қисми - ваъда қилинган юртга боришни буюради. Ҳикоя яна чўзилиши(биз бунга кўникиб қолдик), бутун ҳаркатлар эса муваффақиятсизликка учраши хавфи туғилади. Сабаби Исроилликлар кўрқоқлик қилишди. Худо Мисрдан қутқарган халқ ваъда қилинган юртга киришдан бош тортди (Саҳрода 13–14 боблар). Натижада бутун бир авлод (яна ўттиз саккиз йил) саҳрода саргардон бўлишига тўғри келди. Тарих яна боши берк кўчага кириб қолганга ўхшайди. Бироқ, охир-оқибат, кейинги авлод бу юртнинг чегараларига етиб боради ва Иордан дарёсининг шарқий қирғоғида жойлашган Мўабда қароргоҳ қуради. У ерда Мусо огоҳлантириш, далда бериш ва насиҳат қилиш билан ўзининг сўнгги нутқини сўзлайди. Бу Қонунлар китобида ёзилган. Бутун китоб ваъда қилинган юртдаги келажак ҳаётга қаратилган ва бу юрт яна бир бор Худо уларнинг ота-боболарига ваъда қилган юрт сифатида тасвирланган. Бироқ Қонунлар китоби халқ ҳали у юртга кирмаган, аммо остонада турган ҳолда тугайди.

Аслида Таврот китоби Худонинг аллақачон берилган, лекин ҳали амалга ошиши керак бўлган ваъдаси билан, яъни Худонинг халқи доимо яшайдиган вазиятни тасвирлаш билан якунланади. Ваъда қилинган юртга халқни Ёшуа бошлаб киради. Аммо шундан сўнг яхлит битта ҳикоя яна парчаланади: Айрим қабилаларнинг ҳаёти алоҳида ҳикояларга айланади(Ҳакамлар китоби). Ниҳоят, Довуд қабилаларни бирлаштиради (гарчи бу бирлик бир авлоддан ортиқ давом этмаса ҳам), бунинг натижасида Исроил ваъда қилинган юртини тўлиқ эгаллаш ва назорат қилишни бошлайди. Кўриб турибмизки, Худонинг Иброҳим ва Сорога берган ваъдаси — халқ, барака ва ер — бутун тарих орқали изчил равишда ривожланиб боради. Бу уч мавзудан иборат ягона ва узвий боғлиқ ҳикоя Ибтидо китобидан то Шоҳлар китобигача ваъдани ҳаракатга келтиради. Бу — бир ваъда, уч бўлим ва ягона, буюк тарих.

## Ягона умумжаҳон мақсад

Худонинг Иброҳимга берган ваъдасининг охирги қисмини, яъни ушбу бобнинг асосий жумласини эътибордан четда қолдирмаслик керак: “Сен орқали барака топарлар Ер юзидаги жамики халқлар” (Ибтидо 12:3). Бу сўзлар нафақат ваъда ва нутқнинг хулосаси ва энг муҳим нуқтаси, балки бунгача бўлган барча нарсаларнинг моҳияти ва мақсадини ҳам белгилаб беради. Худо Иброҳим билан гаплашмоқда, лекин Унинг нигоҳи бутун инсониятга қаратилган. Худо Иброҳимнинг авлодларидан битта буюк халқни яратишни ваъда қилмоқда, аммо Унинг якуний мақсади бутун Ер юзидаги барча халқларга барака беришдир. Оят шахсийлик бор (“сен орқали”), аммо унинг мақсади кенг қамровлилиги билан кишини ҳайратга солади (“Ер юзидаги жамики халқлар”).

Бу жумла Муқаддас Китобнинг қолган қисмининг ривожига асос бўладиган, муҳум бир йўналиш берадиган ва барча воқеаларни ҳаракатга келтирувчи нуқтаси. Шундай экан, у ҳақиқатан ҳам ҳайратланарли. Худо қариб қолган, фарзанд кўрмаган Иброҳим ва унинг бепушт рафиқасига мурожаат қилмоқда ва айнан шу жуфтлик орқали дунёнинг барча халқларнинг оилалари барака топишини ваъда қилмоқда. Бу сўнгги жумлани шунчаки хотима деб бўлмайди, гўё Худо: “Айтганча, баъзи бошқа одамлар ҳам барака топади,” демоқчи бўлгандек. Аксинча, ваъданинг айнан шу қисми кўп марта алоҳида такрорланади. Ибтидо китобида у беш марта қайтарилади (Ибтидо 12:3; 18:18; 22:18 [уч марта Иброҳимга]; 26:4-5 [Исҳоққа]; 28:14 [Ёқубга]). Бу жумла кейинги барча тарихий воқеалар учун асосдир.

Дарҳақиқат, Ибтидо китоби 12:1–3 оятларида Худонинг мақсади — Унинг инсониятни нажотга олиб боровчи буюк ишлари бошланмоқда. Бу — инсон гуноҳи билан вайрон қилган дунёни тиклаш, инсониятни ўз ахлоқона ва ёвуз хатти-ҳаракатларининг оқибатидан халос этишга қаратилган илоҳий ҳаракатнинг бошланишидир. Бошқача айтганда, бу - нажот тарихининг бошланишидир. Бироқ бу тарих *барака* атамаси орқали ифодаланади. Юқорида кўрганимиздек, *барака* сўзининг қайта-қайта ишлатилиши Иброҳимнинг ҳаёти ҳақидаги ҳикояларни ундан олдинги яратилиш ҳақидаги ҳикоялар билан боғлайди. Худонинг нажот бериш йўлидаги ишлари яратилган олам ва бутун инсоният манфаати учун олиб борилади.

**Бутун дунё учун Хушхабар.** “Ер юзидаги жамики халқлар”, – демоқда Худо. Бу, шубҳасиз, Хушхабар. Ибтидо 11 бобда инсонлар ернинг энг чет чегараларигача тарқалишининг юқори нутқаси, авжи баён этилган. Энди эса

Худо айнан шу тарқоқ оламнинг барча бурчакларига етадиган баракани ваъда қилади. Ибтидо китоби 10-бобда нажот, шифо ва баракага муҳтож бўлган қабилалар, тиллар ва халқларни "турли хил халқ, қabila, элату миллатларга мансуб саноғига етиб бўлмайдиган" катта бир оломон билан боғлайдиган жараён мавжуд бўлиб, у янги яратилишда қутқарилган инсониятни ташкил этади (Ваҳий 7:9). Шундай қилиб, Иброҳим билан тузилган аҳд Муқаддас Китобдаги асосий бирлаштирувчи ришталардан биридир.

Афсуски, Эски Аҳдда Исроил халқи кўпинча ўзининг асосий чақириқ ва вазифасини — яъни Иброҳимнинг ҳақиқий авлоди сифатида бошқа халқлар учун барака манбаи бўлиш мақсадини — унутади. Бошқа кўп халқлар сингари улар ҳам бегоналарга нисбатан худди шундай миллатпарастлик ва душманликка мойил бўлган. Бироқ *уларнинг топинишида* кўпинча Худонинг барча халқлар учун кўзлаган умумий мақсади акс-садо бериб туради. Топиниш(сажда қилиш) имон ва тасаввурни талаб қилади, биз буни қуйидаги каби қўшиқларда учратишимиз мумкин:

Ернинг барча четлари эслар  
ва Раббийга қайтар,  
Ҳамма ғайрияҳудий халқлар  
Унинг ҳузурида сажда қиладилар.  
(Забур 21:28).

Халқлар шахзодалари  
Иброҳим Худосига тегишли халқ бўлишга йиғилдилар,  
Зеро, ер қалқонлари – Худоники;  
У улардан юксакдир.  
(Забур 46:10).

Сен яратган барча халқлар, эй Раббим,  
Сенинг ҳузурингга келиб сажда қиладилар,  
Сенинг исмингни улуғлайдилар.  
(Забур 86:9).**4**

Сиз ҳеч ўйлаб кўрганмисиз (мен ўйлашни ёқтираман): оддий исроиллик бу қўшиқларни ижро этаркан, дунёнинг қанчалик кенг эканлигини тасаввур қилганмикан? Шунга қарамай, улар бу қўшиқларни куйлашган. Бу қўшиқларда Иброҳимга олдиндан башорат қилинган Исроил Хушхабарининг ҳақиқати янграйди — бу эса Ер юзидаги барча халқларни барака билан сийлаш тўғрисидаги Худонинг аҳдий ваъдаларини ўз ичига олган Хушхабардир. Шунинг учун ҳаворий Павлус Ибтидо китоби 12:3ни Хушхабарнинг олдиндан эълон қилиниши деб аташи ажабланарли эмас (Галатияликлар 3:8). Иброҳимга

айтилган ва, охир-оқибат, Масих орқали амалга ошган Хушхабар шундан иборатки, Худонинг буюк режаси барча халқларни баракалашни ўз ичига олади. Галатияликларга мактуб нуқтаи назаридан, албатта, барча халқлар учун Хушхабар ғайрияҳудийларни ҳам ўз ичига олган, бу эса Павлуснинг ўз яҳудий ҳамюртлари ўртасида келишмовчиликларга сабаб бўлди. Павлуснинг Иброҳимга берилган ваъданинг маъносини тушуниши Римликларга мактуб 3:28 - 25:25да янада тўлиқроқ баён этилган. Павлус Худонинг аҳд оиласига ғайрияҳудийларнинг ҳам жалб қилиниши Муқаддас Ёзувларга *зид эмаслигини* (унга қаршилар зид деб ҳисоблашган), балки Муқаддас Ёзувларнинг *бажарилиши*, яъни Худонинг Иброҳимга берган ваъдасига мувофиқ азалдан қилишни режалаштирган иши эканлигини аниқ кўради.

Шуни тўғри англаш муҳим: Павлус Иброҳимни фақат Хушхабарнинг бир рамзи ёки “имон орқали оқланиш” таълимотининг намунаси сифатида келтираётгани йўқ. Йўқ, Иброҳимнинг ўзи — Хушхабарнинг бошланиш нуқтасидир. Худо Иброҳим орқали, кейинчалик Исроил халқи орқали инсон гуноҳи ва лаънати келтирган муаммони ҳал қилади (муаммо Ибтидо китоби 3-11 бобларда аниқ кўрсатилган). Худо Исонинг ҳаёти, ўлими ва тирилиши орқали амалга оширган иши – бу Унинг Иброҳимга ваъда бергани ҳақидаги воқеанинг марказий нуқтасидир. Барча халқлардан бўлган бу улкан оломон янги бир яратилишда йиғилганида, Худо бу ваъда узил - кесил амалга ошганини эълон қилади. Ричард Бокэм ёзганидек:

Худонинг Иброҳимга берган ваъдасининг охирги мақсади шуки, барака лаънатдан устун келади. Бу Иброҳимнинг зурриёти, Иброҳимнинг танланган уруғи, Масих биз учун “лаънатга айланганида [κατάρας] содир бўлади, шу йўсин ғайрияҳудийлар ҳам Исо Масих орқали Худонинг Иброҳимга ваъда қилган баракаларидан баҳраманд бўладилар” (Галатияликлар 3:13– 14 Муқаддас Ёзув). Худди шу нуқтаи назардан, Павлус Иброҳимга берилган ваъдани халқларга барака бериш ҳақидаги Хушхабар деб аташи мумкин... Хушхабарнинг моҳияти шундаки, Исо Масихда лаънат бекор қилинди ва Худонинг Ўз яратганларига барака бериш ҳақидаги илк мақсади ортга қайтариб бўлмайдиган даражада мустаҳкамланди.<sup>5</sup>

**Танланган халқ.** Худо яна “сен орқали” деб ҳам айтади. Демак, барча халқларнинг барака топишига қаратилган олий мақсад аниқ бир халқ орқали амалга ошади. Бу халқ — Иброҳимнинг авлодлари, яъни Эски Аҳдда танланган Исроил халқи бўлиб, улар айнан шу улуғ вазифа учун танланган эдилар. Исроилнинг танланиши (Иброҳим орқали) ва Ер юзидаги барча халқларга барака бериш ваъдаси ўртасидаги боғлиқлик Ибтидо 18:18 - 19 да жуда аниқ ифодаланган. Иброҳим ва Сора билан овқатлангандан сўнг, Худо фикр юритиб, шундай дейди: “<sup>18</sup>Иброҳимдан буюк, қудратли халқ келиб чиқади. Ер юзидаги



жамики халқлар у орқали барака топади.<sup>19</sup>Иброҳим ўғилларини, ўз наслини Менинг йўлимдан юришга, тўғрилиқ ва адолат билан иш қилишларига йўл кўрсатсин деб, уни танлаганман. Шунда Мен Иброҳимга берган ваъдамни бажараман” (Ибтидо 18:18–19).

Бу икки нарсага ойдинлик киритади. **Биринчидан**, Исроилнинг танланиши бошқа барча халқларни *рад этиш эмас*, балки айнан уларнинг манфаати учун бўлган. Танланиш дегани, ким нажот топади ёки йўқ деган тор тушунча эмас. Аксинча, Библияда биринчи марта танланиш ҳақида гап кетганда, бу Худонинг ердаги режаси доирасида содир бўлганида яққол кўришимиз мумкин. Худонинг *режаси* барча халқларга барака беришдан иборат; аммо Худо буни айнан шу халқ *орқали* амалга оширишни кўзлаган. Танланган халқ бўлиш алоҳида имтиёз эмас, балки улкан масъулиятдир.

**Иккинчидан**, бу масъулият ахлоқий хусусиятга эга. Худо Исроилни атрофдаги халқлардан ўзгача яшашни ўрганадиган халқ бўлишини истайди. Ибтидо 18-боб контекстида Худонинг Садум ва Ғамора устидан юбориши кутилган ҳукми тилга олинади. Ўша дунёда (бу ҳали ҳам бизнинг дунёмиз). Худо айнан шу гуноҳкор дунёда Иброҳим орқали бир муқобил халқ яратишни мақсад қилган. Бу халқ Садум йўлидан эмас, балки Эгамизнинг йўлидан юрадиган, шафқатсизлик ва зулмни эмас, балки эзгулик ва адолатни амалга оширадиган халқдир.

Эски Аҳддаги қолган китоблар шуни кўрсатадики, Худо пайғамбарлар ва Таврот орқали Исроилни доимо ўз вазифасига қайтишга чақириб келади. Улар “халқлар учун нур” бўлишлари керак эди. Аммо Исроил бу улуғ чақирувда кўп бор муваффақиятсизликка учради. Бироқ Худонинг мақсади мағлубиятга учрамайди. Зеро, айнан Исроилнинг Худоси сифатида ва Исроил Масихи орқали Худо уларнинг танланиш мақсадини амалга оширади – Раббимиз Исо Масих орқали Хушхабарнинг баракасини барча халқларга юборишни амалга оширади.

## Учинчи боб

### Мисрдан чиқиш

*“Мен сизларни Мисрдаги қулликдан олиб чиққан Эгангиз Худоман”.*

#### **Чиқиш 20:2**

**Савол:** Бошида келмаса ҳам, биринчи деб аталадиган нима?

**Жавоб:** Биринчи амр

Биринчи амр ҳақиқатан ҳам Ўнта амрнинг “Декалог” деб ҳам аталадиган матннинг бошланиши эмас. Ушбу машҳур матн буйруқ билан эмас, балки бизнинг учинчи жумламиз - буюк тасдиқ билан бошланади: “Мен сизларни Мисрдаги қулликдан олиб чиққан Эгангиз Худоман” (Чиқиш 20:2).

Бу тасдиқ шу пайтгача бўлган бутун тарихни қисқача яхши хулоса қилади ва Эски Аҳднинг қутқарилиш тарихини ташкил этувчи кейинги барча воқеалар учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу ҳикоя Исроил халқининг Худо ҳақидаги — Уни Қутқарувчи деб билиш — тушунчасини шакллантирган. Шунингдек, у ваъда қилинган нажот нима эканини англаш учун ҳам Эски ва Янги Аҳд имонлилари учун намуна сифатида хизмат қилади. Эски Аҳднинг қонун деб аталувчи бўлими ана шу тасдиқдан бошланади.

Ушбу бобда биз нажот тарихи (Мисрдан чиқиш), Худонинг қонуни берилиши ва аҳд тузилиши ҳикояси билан танишамиз. Ушбу воқеаларнинг барчасини ўзаро боғлиқ ҳолда кўриш ва уларни Худонинг халқларга барака бериш борасидаги узоқ муддатли вазифаси билан боғлиқ ҳолда тушуниш муҳимдир. Бу ҳақда биз иккинчи бобда ҳам тўхталиб ўтгандик.

## Худонинг халоскорлиги

Чиқиш китоби 1–18 - бобларда нажот тарихи жуда драматик тарзда ривожланади. Ибтидо китоби Ёқубнинг ўғиллари очарчиликдан қочиб Мисрга муҳожирлар сифатида келиши, у ерда фиръавн томонидан қабул қилиниши ва ўн йиллар олдин Мисрга қул сифатида сотилган укаси Юсуф билан ярашиши билан якунланади. Чиқиш китоби Мисрда оила (жами етмиш киши) нафақат омон қолгани, балки гуллаб-яшнагани ва ғайриоддий даражада кўпайгани ҳақидаги ҳикоя билан бошланади. Аммо Мисрда ҳокимият алмашиши билан яҳудий муҳожирларга нисбатан давлат сиёсати ҳам ўзгарди. Янги ҳукумат кўрқувга асосланган зулм сиёсатини йўлга қўйди: қурилиш ва қишлоқ хўжалиги ишларида мажбурий меҳнат, болаларни қатл қилиш орқали аҳолини назорат қилиш каби золимона чоралар кўрилди. Энди “Исроил фарзандлари” деб аталган халқ тўлақонли қуллик шароитида яшашга мажбур бўлди — иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий томондан. Улар шунчалик азият чекидиларки, Худога йиғлаб, нола қилишдан бошқа чоралари қолмади.

Шундай оғир дамларда бир яҳудий оилада ўғил туғилди. Фарзанд онасининг ақли ва опасининг ҳушёрлиги туфайли янги туғилган чақалоқларни Нил дарёсига чўктиришни буюрган фиръавн буйруғидан қутулиб қолади. Бу чақалоқни фиръавннинг қизи топиб олади ва уни фарзанд қилиб олади. Унга Мусо деб исм берилади ва у Миср саройида улғайиб, шоҳзодалар қаторида тарбия топади. Бир куни Мусо ўз халқидан бир кишига нисбатан адолатсизликни кўриб, уни ҳимоя қилиш мақсадида бир мисрликни ўлдириб қўяди. Шу воқеадан кейин у Мисрдан қочиб, Мадёанга бориб қолади. У ерда Мидиён юрти руҳонийси Ятронинг уйидан паноҳ топади, унинг қизига уйланади ва унинг қўй-эчкиларини боқиш билан шуғулланади.

Худо Иброҳимни етмиш беш ёшида чақирди. Энди эса, ёшликнинг гўёки қайноқ ғайратига аҳамият бермасдан, Худо Мусони саксон ёшида чақирди. Мусо ёнаётган, лекин ёниб тугамаётган бута алангасида зоҳир бўлган тирик Худо билан ажойиб учрашувни бошдан кечиради. Худо Ўзини Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубнинг Худоси деб таништиради. У Исроил халқининг азоб-уқубатини кўрганини, эшитганини айтади ва уларни қулликдан халос қилиш нияти борлигини маълум қилади. Мусога эса бу ишни амалга ошириш топшириғи берилади. Мусонинг эътирозлари Худо ўз номини — ЯХВЕ эканлигини ошкор қилиб, доимий ҳузурини ваъда қилганида сўнади. Икки кекса одам - саксон ёшли Мусо ва ундан уч ёш катта бўлган акаси Ҳорун Миср империясининг бутун қудратига қарши туриш учун йўлга чиқади.

Фиръавн бошчилигидаги Миср ҳукумати (унинг исми айтилмаган) ўзининг қарам бўлган ишчи кучидан келадиган иқтисодий фойдани йўқотишни истамайди. Мусо эълон қилган Худо ЯХВЕнинг исми ёки ҳокимиятини тан олишдан қатъий бош тортади. Миср ҳукумати Мусонинг яҳудийларни қўйиб юбориш илтимосини рад этади. Шундан сўнг кенг кўламли зиддият юзага келади: Худо Мисрга дастлаб нисбатан заиф, аммо тобора кучайиб бораётган бир қатор офатларни юбориб, халқни озод қилишни доимий равишда талаб қилади. Миср ҳукуматида ўз йўналишини ўзгартириш имконияти бор, лекин ҳар сафар фиръавннинг юраги Эгамизнинг намоён бўлаётган куч-қудратига, Мусо ва ҳатто ўз амалдорларининг чақириқларига қарши тобора қаттиқ бўлиб борарди. Ниҳоят, ўнинчи офат барча Миср оилаларининг тўнғич фарзандларини, шу жумладан, фиръавннинг ўғлини ҳам нобуд қилганида, фиръавн Мусога ўз халқини ўша кечасиёқ олиб чиқиб кетишини сўрайди. Мусо шундай қилади, лекин фиръавн яна фикрини ўзгартириб, уларни Қамиш денгизи(Қизил денгиз) қирғоғида тузоққа тушириш учун таъқиб қилади. Шунда Худо буюк мўъжизани амалга оширади — бу мўъжиза Исроил авлодлари томонидан то ханузгача эслаб келинади.

Худонинг амри билан шамол денгизни иккига бўлади, исроилликлар қуруқ ердан ўтади, аммо қувиб келаётган мисрликлар сув ичида ғарқ бўлади. Исроил тўлиқ қутқарилади. Бу кеча ва кун — уларнинг қутқарилиш кунидир.

*Озод қилиш.* Худо нима қилмоқчи эканлигини олдиндан маълум қилганида, бу сўзни ишлатади.

“<sup>6</sup>Шундай қилиб, бу тўғрида Исроил халқига Менинг шу гапимни етказ: “Мен Эгангизман. Мен сизларни Мисрликларнинг зулмидан озод қиламан, қулликдан олиб чиқаман. Қудратли кучим ва ҳукмнинг буюк ишлари билан сизларни *қулликдан озод қиламан*[יְהַלֵּךְ]. <sup>7</sup>Мен сизларни Ўзимнинг халқим қиламан, сизларнинг Худойингиз бўламан. Сизларни Мисрликларнинг зулмидан халос қилган Эгангиз Худо Мен эканлигимни ўшанда билиб оласизлар. <sup>8</sup>Мен Иброҳимга, Исҳоққа ва Ёқубга онт ичиб, бераман деган юртга сизларни олиб бораман. Ўша юртни сизларга мулк қилиб бераман. Мен Эгангизман”.

(Чиқиш 6:6 8; *курсив муаллифники*).

“*Озод бўлиш*” сўзини Мусо ва Марям денгиз бўйида озод бўлганларини нишонлаётганда ишлатишади:

“<sup>11</sup>Худолар орасида Сенга ўхшагани борми, эй Эгамиз?! Ким Сенга ўхшар?! Муқаддаслигинг билан улуғворсан Сен, Қўрқинчли ишларинг билан ҳамду санога илҳомлантирасан, Сен ажойиботлар кўрсатасан.

<sup>12</sup>Сен ўнг қўлингни узатган эдинг, Ғанимларни ер ютди.

<sup>13</sup>Ўзинг қутқарган ўша халқни Сен содиқ севгинг билан олиб борасан. Муқаддас маконингга қудратинг билан уларни етаклаб борасан.

(Чиқиш 15:11–13; *курсив муаллифники*)

Ниҳоят, “озод қилиш” сўзи гарчи бизнинг асосий жумламизда бевосита ишлатилмаса-да, маъно жиҳатидан мавжуддир: “Мен сизларни Мисрдаги қулликдан олиб чиққан Эгангиз Худоман” (Чиқиш 20:2). Мисрдан мўъжизавий тарзда чиққанидан уч ой ўтгач, исроилликлар Синай тоғига келишади, шунинг учун озод бўлиш билан боғлиқ воқеалар хотирада ҳали жуда янги эди. Худо шуни хоҳлайдики, улар ҳар доим ёдда тутсинлар: айнан Яхве — тирик Худо — уларга нажот берган зотдир. Ҳар сафар исроиллик ота ўз оиласига Ўнта Амр шаклида Худо қонунининг моҳиятини ўргатганида, у ўз сўзини уларнинг Худоси кимлиги ва У улар учун нималар қилгани ҳамда халқининг қутқарилиши ҳақидаги тарихни гапиришдан бошлаши керак. Агар қўшимча саволлар берилса, у бу воқеани батафсилроқ айтиб бериши керак:

“<sup>20</sup>Келажакда фарзандларингиз сизлардан: “Эгамиз Худо сизларга берган қонун–қоидалар, фармон ва шартларнинг маъноси нима?” деб сўрайди.

<sup>21</sup>Уларга шундай деб жавоб беринглар: “Биз Мисрда фиръавннинг қуллари эдик. Эгамиз Ўз қудрати билан бизни Мисрдан олиб чиқди.

<sup>22</sup>У бизнинг кўзимиз олдида Мисрга, фиръавн ва унинг бутун хонадонига буюк, қўрқинчли аломату мўъжизаларни кўрсатди.

<sup>23</sup>Ота–боболаримизга онт ичиб ваъда қилган юртга бизни олиб кириш учун, ўша юртни бизга бериш учун бизни Мисрдан олиб чиқди.

<sup>24</sup>Эгамиз Худо: “Мана шу фармонларнинг ҳаммасига риоя қилинглари, Мендан кўрқинглари, шунда бугунгидай тирик бўласиз, бахтли ҳаёт кечирасиз”, деди”

(Қонунлар 6:20–24).

Шу тарзда Ўнта амр ва Исроил қонунининг қолган қисмига ўтишдан олдин биз ҳам худди улар сингари аввал ортга назар ташлаб, нажот тарихини, юқорида қисқача баён этилган Чиқиш китоби 1-18 бобларни эслашимиз лозим. Лекин шу билан бирга, Худонинг мақсадларига мувофиқ, бизни олдинда нималар кутаётганига ҳам умид ва интизор билан қарашга чорланамиз.

## Худонинг нияти

Нега Худо бу халқни қулликдан қутқаришга қарор қилди? Нега халққа зулм қилгани учун тавба қилишни истамаган Фиръавннинг шафқатсизлигига қарши Ўз ишларида бунчалик қатъий бўлди? Матнда Худонинг ниятлари ва мақсадлари ҳақида бирор нарса айтилганми? Ҳа, улардан учтаси етарлича аниқ ажралиб туради.

Ушбу матнда Худони ҳаракатга ундовчи дастлабки иккита омил кўрсатилган. “<sup>23</sup>...Исроил халқи ҳамон қулликда азоб чекар, мадад сўраб фарёд қиларди. Уларнинг фарёди Худога етиб борди. <sup>24</sup>Худо Исроил халқининг оҳу нолаларини эшитди. Иброҳим, Исҳоқ, Ёқуб билан аҳд қилиб берган ваъдаси Унинг ёдида эди. <sup>25</sup>Хуллас, Худо Исроил халқининг аҳволини кўриб, уларга ачинди” (Чиқиш 2:23–25; Чиқиш 3:7-10, 16–17; 4:29–31).

Биринчи омил шуки, “Иброҳимга, ... аҳд қилиб берган ваъдаси Унинг ёдида эди” (Чиқиш 2:24). Худо бу ваъдани унутмаган эди, балки энди бу ваъдаларни бажариш вақти келганини билдиради. Худо Ибтидо китоби 15:13-16да Иброҳимнинг авлодларини бегона юртдаги қулликдан қутқариш тўғрисида Иброҳимга берган ваъдасини бажариш вақти келди, деб қарор қилди.

Иккинчи омил – бу Худонинг ҳамдардлиги, ачиниши. Бу ҳақда бир неча бор айтилган. Худо уларнинг аянчли аҳволини кўрди, фарёдларини эшитди ва уларга “ачинди”. Худо одамларнинг бахтсизлигига ҳамдардлик, адолатсизлигига эса ғазаб билан жавоб беради.

Исроил халқининг Мисрдаги вазиятига боғлиқ ҳолда, бу икки сабаб икки даврдан келиб чиқади, бири тарихий — Худонинг Иброҳимга қилган ваъдасига вафолиги, иккинчиси эса долзарб — Худонинг эзилганларга нисбатан раҳми ва зулм қилувчиларга нисбатан одил ҳукмидир.

Учинчи ундовчи омил Худо ўз халқи Исроилни Синай тоғига олиб келиб, улар билан юзма-юз учрашган пайтда аён бўлади. Бу Худонинг Исроилга халқ сифатида бўлган нияти ва Унинг бутун инсоният ва ер юзи учун тутган буюк мақсади билан боғлиқ. Худо Исроилни шунчаки қутқармаган — Эгамиз улар орқали бутун дунёга бўлган миссиясини амалга оширмоқчи бўлган. Бу ният Синай тоғида айтилган Худонинг биринчи мурожаатида бор. (Чиқиш 19:3–6).

Бу сўзларга эътибор беринг: улар ўтмишни эсга солади, келажакка қаратилади ва ҳозирги вақтда амалий жавоб талаб қилади.

“<sup>3</sup>Мусо тоққа — Худонинг ҳузурига чиқди. Эгамиз тоғдан уни чақириб, шундай деди: — Ёқуб наслига — Исроил халқига шундай деб айт: <sup>4</sup>“Мен, Эгангиз, Мисрликларни нима қилганимни кўргансизлар. Бургут ўз болаларини қанотлари устида кўтариб келтиргандай, Мен сизларни кўтариб, ҳузуримга олиб келганимни ҳам кўргансизлар. <sup>5</sup>Энди Менинг амрларимга чин дилдан итоат этсангиз, аҳдимга риоя қилсангиз, сизлар Менинг халқим, бошқа халқлар орасида хазинам бўласизлар. Бутун ер Меникидир, <sup>6</sup>аммо сизлар Мен, Эгангизга, хизмат қиладиган руҳонийлар шоҳлиги, муқаддас бир халқ бўласизлар.” Исроил халқига сен етказадиган хабар шудир”. (Чиқиш 19:3–6).

Худо дастлаб халққа Ўз ташаббуси билан кўрсатган нажотбахш марҳаматини эслатади: “Мен, Эгангиз, Мисрликларни нима қилганимни кўргансизлар” (Чиқиш 19:4). Албатта, кўришган. Бундан уч ой олдин улар қулдек калтакланган, ўғиллари ўлдирилган, ҳаётлари чидаб бўлмас даражада эди. Энди улар буларнинг барчасидан озод бўлишди. Худо “Мен бунини қилдим”, дейди. Уларни олдинда нима кутаётган бўлмасин, Худо улардан нимани талаб қилмасин - буларнинг барчаси Худо улар учун аллақачон қилган ишга *жавоб* бўлади. Қутқарилиш масъулиятга олиб келади.

Кейин эса Худо халқнинг кимлигини ва дунёдаги ўрнини таърифлаш учун умумий ва ўзига хос нуқтаи назарни қўллайди. Бунга ўхшаш ғояни биз аввалги бобда — Худонинг Иброҳимга берган ваъдасида ҳам кўрган эди.

Бир томондан умумий нуқтаи назардан Худонинг Синай тоғи чўққисидаги нигоҳи бутун дунёни қамраб олгандек туюлади. У бутун замин ва барча халқларнинг Худосидир (Чиқиш 19:5-9). Бу сўзлар Иброҳим эшитган сўзларга жуда ўхшайди. Бу сўзлар Мусога ўзини “Иброҳимнинг Худоси” деб таништирган Худонинг айнан Ўзи эканлигини эслатади (Чиқиш 3:6). Худо ҳозиргина бир халқни қулликдан қутқарди, аммо Унинг мақсади (Иброҳимга ваъда қилинганидек) шуки, *барча* халқлар Худонинг иноятидан баҳраманд бўлсинлар. Худо ҳозиргина бир юртда (Мисрда) Ўз қудратини намоиш этди, аммо Унинг мақсади шуки, Унинг исми *бутун* Ер юзида машҳур бўлсин (Чиқиш 9:16).

Бошқа томондан алоҳида нуқтаи назардан Худо Исроилга ўзгача яқин муносабатни таклиф этади: “барча халқлар орасидан Мен учун азиз мулк бўласиз”. Шу билан бирга, уларга халқлар орасида Худонинг номидан туриб хизмат қилиш масъулияти ҳам юкланади: “Менинг ҳузуримда сизлар руҳонийлар салтанати ва муқаддас халқ бўласизлар”. Исроил руҳонийлари воситачи бўлишган. Улар Худо ва қолган халқ ўртасида туриб, иккала йўналишда ҳам ҳаракат қилишади. Улар Худонинг қонунини ўқитувчиларидир (Левилар 10:11; Қонунлар 33:10; Еремиё 18:18; Малаки 2:7). Халқ руҳонийлар орқали Худони

танийди. Улар халқнинг қурбонликларини Худога олиб келадилар, бу қурбонликларни олиб келганларга диний маросимий нопоклик олиб ташланганини ёки гуноҳлар кечирилганини эълон қиладилар, шунда улар Худо ва Унинг халқи билан қувончли мулоқотга қайтишлари мумкин. Руҳонийлар орқали одамлар Худога келишлари мумкин. Руҳонийлар Худони одамларга, одамларни эса Худога олиб келадилар. Бу икки ёқлама вазифада улар халқни *баракалайдилар* (Саҳрода 6:22–27).

Шундай қилиб, Худо Исроил халқи бошқа халқлар орасида Унинг руҳонийлари бўлишини айтганда, руҳонийлар Исроил халқига нисбатан қандай вазифани бажараётган бўлса, бошқа халқларга нисбатан улар ҳам худди шу вазифани бажаришини назарда тутати. Исроил халқи орқали Худо Ўзи ҳақида дунёга маълум қилади (У буни ҳозир биз Эски Аҳд деб атайдиган Исроил Ёзувлари орқали амалга оширганидек). Исроил халқи орқали Худо дунёни Ўзига жалб қилади (худди буни Исроилнинг Масихи, Раббимиз Исо Масих орқали давом эттираётганидек). Исроилнинг ўзлигини ва ролини бундай аниқ белгилаш бутун халқни Худонинг дунёга нисбатан режасини бажаришга жалб қилади, токи Исроил барча халқларга Худонинг баракасини етказувчи восита бўлсин.

Халқлар орасида бу элчилик вазифасини бажариш учун Исроил "муқаддас халқ" бўлиши, яъни нафақат диний амалиётда, балки ўзининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларида атрофдаги халқлардан ажралиб туриши лозим. Худо уларга берадиган қонуннинг мақсади айнан шундан иборат бўлади ва биз унга маълум вақтдан кейин юзланамиз.

Исроил қандай қилиб бундай вазифага муносиб бўлиши ёки бу масъулиятли топшириқни бажариши мумкин? Айнан шу ерда Чиқиш китоби 19:5даги "Менинг амрларимга чин дилдан итоат этсангиз, аҳдимга риоя қилсангиз" деган шартли ибора катта аҳамиятга эга. Худонинг хоҳиши шуки, Исроил халқи орқали Худо барча халқларга нисбатан Ўз режасини амалга оширадиган халқ бўлсин. Бу мақсад Худонинг йўлларида яшайдиган ва юрадиган халқни талаб қилади (Ибтидо 18:18-19 да Худо Иброҳимга айтганидек).

Бироқ шуни таъкидлаш муҳимки, бу талаб (Исроил Худонинг қонуни ва аҳдига бўйсунити) нажот топишнинг шarti *ҳисобланмайди*. Худо уларни аллақачон қутқарган ва энди улардан бу тарихий иноятнинг жавобини талаб қилмоқда. Лекин бу талаб уларнинг буюк топшириқнинг шarti *ҳисобланади*. Худо: "Агар менга итоат қилсангиз, нажот бераман," демайди. Лекин У: "Энди Мен сизларни қутқарганимдан сўнг, агар Менга итоат қилсангизлар, бу дунёда Мен учун кимдир *бўла оласизлар*. Агар қабул қилишга қарор қилсангиз, мана сизнинг буюк топшириғингиз (миссиянгиз)". Улар буни қабул қилишади (уч



марта аслида; Чиқиш 19:8; 24:3, 7), лекин барибир унга тўлиқ риоя қила олишмайди.

## Худонинг аҳди

Кўрамизки, Худо билан Исроил ўртасидаги бу келишувларнинг барчаси шахслараро ва ўзаро хусусиятга эга. Икки томон иштирокида нимадир тасдиқланади ва ваъда қилинади. Муқаддас Китобдаги барча аҳдлар ва, айниқса, Худо билан Эски Аҳддаги Исроил ўртасидаги аҳднинг табиати шундай.

Биз Муқаддас Китобдаги иккита муҳим аҳд билан аллақачон танишмиз. Биринчиси, Худонинг Нух билан тузган аҳди – Худонинг ер юзидаги барча тирик мавжудотга берган ваъдаси. Худо ва яратилган мавжудот ўртасида аҳдга асосланган муносабатлар мавжуд. Иккинчиси, Худонинг Иброҳим билан тузган аҳди: ундан буюк халқ келиб чиқади, улар Худонинг баракасидан баҳраманд бўлиб, Худонинг ерида яшайдилар ва улар орқали Ер юзидаги барча халқлар Худонинг баракасига эришадилар. Ниҳоят, учинчиси, Синай тоғида Мусо орқали Исроил халқи билан тузилган аҳд (Синай тоғидаги аҳд). Бироқ аслида бу янги аҳд эмас, балки Иброҳим билан тузилган аҳднинг ривожланишидир. Бу Худо ваъда қилганидек, Иброҳимнинг авлодлари ҳақиқатан ҳам халққа айланган пайтда содир бўлди. Худо бу аҳдни бевосита Мисрдан чиқишдан олдин шундай тушунтирган:

“<sup>5</sup>Мисрликлар қул қилган Исроил халқининг фарёдини аниқ эшитдим. Мен ўша аҳдимни ёдимда тутаман. <sup>6</sup>Шундай қилиб, бу тўғрида Исроил халқига Менинг шу гапимни етказ: “Мен Эгангизман. Мен сизларни Мисрликларнинг зулмидан озод қиламан, қулликдан олиб чиқаман. Қудратли кучим ва ҳукмнинг буюк ишлари билан сизларни қулликдан озод қиламан. <sup>7</sup>Мен сизларни Ўзимнинг халқим қиламан, сизларнинг Худойингиз бўламан. Сизларни Мисрликларнинг зулмидан халос қилган Эгангиз Худо Мен эканлигимни ўшанда билиб оласизлар. <sup>8</sup>Мен Иброҳимга, Исҳоққа ва Ёқубга онт ичиб, бераман деган юртга сизларни олиб бораман. Ўша юртни сизларга мулк қилиб бераман. Мен Эгангизман”.

(Чиқиш 6:5–8).

Бу муносабатларнинг асоси Чиқиш китоби 6:7да ўз ифодасини топган: “Мен сизларни Ўзимнинг халқим қиламан, сизларнинг Худойингиз бўламан”. Худонинг Исроилга ва Исроилнинг Худога бундай ўзаро бағишланиши аҳднинг моҳиятини ташкил этади. Аҳд Исроил томонидан аҳдларининг Эгаси сифатида

Эгамизга тўлиқ итоат этишни талаб қилади. Шу тариқа, аҳд бир вақтнинг ўзида ҳам тантанали ва расмий ваъда, ҳам қатъий мажбурият ҳисобланади.

Чиқиш китоби 24-боб Синай тоғида аҳд тузилган кун ҳақида ҳикоя қилади. Бу ҳикоянинг марказий қисмидир. Қурбонлик қони ҳам қурбонгоҳга (Худонинг рамзи сифатида), ҳам одамларга сепилади, бу эса уларнинг аҳддаги бирлигини таъкидлайди, шунингдек, одамларнинг Худонинг сўзига итоат этишга бўлган қатъиятига ҳам эътибор беринг:

“<sup>3</sup>Мусо келиб, Эгамизнинг ҳамма амрларини, ҳамма қонун–қоидаларини халққа айтиб берди. Халқ бир овоздан: “Эгамизнинг ҳамма айтганларини бажарамиз”, дея жавоб берди. <sup>4</sup>Мусо Эгамизнинг ҳамма амрларини ва қонун–қоидаларини ёзди. Сўнг эртаси куни тонгда туриб, тоғ этагига қурбонгоҳ қурди. Ўн икки Исроил қабиласининг миқдорига кўра, ўн иккита тош ўрнатди. <sup>5</sup>Мусо Исроил халқи орасидан ёш йигитларни қурбонликлар келтиргани юборди. Улар Эгамизга куйдириладиган қурбонликлар қилишди. Буқаларни тинчлик қурбонликлари қилишди. <sup>6</sup>Мусо қоннинг ярмини тоғорага қуйди, қолган ярмини эса қурбонгоҳга сепди. <sup>7</sup>Сўнгра у Аҳд китобини олиб, халққа овоз чиқариб ўқиб берди. Шунда халқ: “Эгамизнинг ҳамма айтганларини бажарамиз, Унга итоат қиламиз”, деди. <sup>8</sup>Мусо тоғорадаги қонни олди–да, халққа сепиб: “Ана шу сўзларга мувофиқ, шу қон Эгамизнинг сизлар билан қилган аҳдини тасдиқлайди”, — деди”.

(Чиқиш 24:3–8).

Бир авлод ўтгач, исроилликлар Иордан дарёсидан ўтиб, ваъда қилинган Юртга киришидан олдин, Мусо аҳдни янгилайди. Мана, у бу муносабатларни икки мумтоз муштарак оятда қандай ифодалайди: “<sup>17</sup>Бугун сизлар шундай деб айтдингиз: “Эгамиз бизнинг Худойимиз, Унинг йўлидан юрамиз, Унинг фармонларига, амрларига, қонун–қоидаларига риоя қиламиз, Унга қулоқ соламиз.” <sup>18</sup>Эгамиз сизларга берган ваъдасига кўра, бугун сизларни Ўз халқи, Ўз хазинаси деб атади. Унинг барча амрларига риоя қилсангиз...”. (Қонунлар 26:17–18).

## Худонинг қонуни

Сўнгра қонуннинг ўзи баён этилади. Биз ўнта амрдан бошланадиган бу қонунни нажот тарихи ва Худонинг мақсад ва режалари билан узлуксиз боғлиқ бир контекстда кўриб чиқамиз.

**Атамалар таърифи.** Биз Эски Аҳд қонуни ҳақида гапирганимизда, гап нима ҳақида кетаётгани ҳар доим ҳам тушунарли бўлавермайди.<sup>1</sup> Исроилликлар (ҳозирги яҳудийлар ҳам) қонунни Таврот(Тора) деб аташади. Биринчи бобнинг бошида таъкидлаганимдек, Муқаддас Китобнинг дастлабки беш китоби – Ибтидо китобидан тортиб Қонунлар китобигача бўлган барча Беш китоб шундай аталган. Аммо “Таврот” сўзи фақат низом ёки қонунчилик маъносидаги “қонун”ни англатмайди. У “таълимот,” “йўл-йўриқ” деган маънони ҳам билдиради. Таврот бу таълимотни бизга катта ҳикоя — яъни яратилишдан тортиб, Ваъда қилинган Ер чегарасигача бўлган тарих орқали, шунингдек, айнан қонун шаклида берилган бўлимлар орқали етказди. Бунга амрлар, кўрсатмалар, ўғитлар, жазо чоралари ва ҳоказолар киради. Қуйида уларнинг асосийлари ҳақида сўз боради.

## ҚОНУНЛАР ЯҚИН ШАРҚНИНГ ҚАДИМИЙ ШАРТНОМАСИ СИФАТИДА

Қонунлар китоби аҳд муносабатларининг энг тўлиқ ва аниқ ифодаланган шаклидир. Унинг мазмуний тузилиши ўша даврда қадимги Яқин Шарқда тузилган халқаро шартномаларнинг тузилишига жуда ўхшашдир. Масалан, Хетлар империясида, одатда, хет буюк шоҳи билан унга тобе халқлар ўртасида шартномалар тузилган. Шундай қадимий ҳужжатларнинг бир нечтаси топилган бўлиб, уларнинг барчаси бир хил шаклга - Қонунлар китоби ҳам амал қиладиган шаклга эга. Қуйида ушбу шартномаларга хос бўлган, Қонунлар китобида ҳам акс этган олти асосий унсур келтирилган.

- Буюк шоҳга ишора (ЯХВЕ Исроилнинг олий Эгаси сифатида; масалан, Қонунлар 5:6; 6:4).
- Ўзаро муносабатлар тарихи (ЯХВЕ Исроил учун нима қилган; Қонунлар 1–3)

- Умумий талаблар (содиқликка кенг чақирув; Қонунлар 4–11)
- Аниқ шартлар (батафсилроқ қонунлар; Қонунлар 12–26)
- Баракалар ва лаънатлар (буюк шоҳга содиқлик билан итоат этиш ёки исён ва бўйсунмагани учун, мос равишда; Қонунлар 27–28)
- Гувоҳлар ва ҳужжатларни ўқиш (Қонунлар 29-31).

Бу шуни кўрсатадики, исроилликлар ва, эҳтимол, Мусо ҳам бу сиёсий тузилмани Эгамиз (буюк шоҳ сифатида) ва Унинг халқи ўртасидаги муносабатларни тушуниш учун фойдали метафора деб билишган. Шунингдек, кейинги асрларда Исроил чиндан ҳам гуноҳга ботганида ва итоатсизликка юз тутганида, пайғамбарлар бу муваффақиятсизликни буюк Шоҳга қарши бевафолик ва исён сифатида талқин қилишларини тушунтиришга ёрдам беради. Исроилликлар аҳд шартларини бузмоқдалар ва шу орқали бошиданок аҳдга киритилган таҳдид ва жазоларга дучор бўлмоқдалар.

*Декалог (Чиқиш 21:2-17; Қонунлар 5:6-20).* Ўнта амрдан иборат бу рўйхат бевосита Худо томонидан айтилгани ва ёзилгани билан алоҳида ўрин тутаяди. Улар бошқа батафсилроқ қонунларнинг асосий тамойиллари ва чегараларининг қисқача баёнидир. Бу рўйхат ўзининг тўлиқлиги билан ҳайратга солади. Шу билан бирга, унинг қисқалиги эслаб қолишга ёрдам беради. Шунда аҳдга аъзоликнинг асосий шартларини аниқ билиш мумкин. Агар ушбу амрларни бузсангиз, сиз муносабатлар, масъулият ва аҳд баракалари доирасидан чиқиб кетасиз. Рўйхат тартиби, шунингдек, аҳд муносабатларининг вертикал ва горизонтал ўлчовларини, яъни бизнинг Худо ва бошқа одамлар билан муносабатларимизни кўрсатади. Дастлабки тўртта амр, гарчи тўртинчиси (шаббат ҳақидаги амр) ҳам инсон манфаатига қаратилган бўлса-да, асосан вертикал бўлиб, кейинги олтитаси горизонталдир. Исо таъкидлаганидек, бу икки ўлчов ҳақиқатан ҳам ажралмас бўлиб, Худога ва ўзгаларга бўлган севгини қонундаги иккита буюк амр сифатида бирлаштиради.

*Аҳд китоби (Чиқиш 21:22–23:33).* Бу атама Чиқиш 24:7 да учрайди ва у Синай тоғидаги аҳд маросими доирасида Ўн амрдан сўнг дарҳол келадиган қисқа қонунлар тўпламига нисбатан ишлатилади. Бу бўлимдаги қонунлар асосан прецедент қонунлардир — яъни ҳаётда учраши мумкин бўлган ҳолатлар: тортишувлар, етказилган зарар, тан жароҳати, безътиборлик, тасодифий ҳодисалар каби вазиятлар баён этилади ва бундай ҳолларда қандай чоралар кўрилиши кераклиги кўрсатилади. Бу қонунлар, замонавий ҳуқуқ тизимларидаги каби, ҳуқуқий прецедентлар вазифасини бажаради: улар орқали келажакда юзага келадиган ўхшаш ҳолатларда қарор чиқариш учун асосий тамойиллар

шаклланади. Демак, бу қонунлар тўлиқ ва универсал ҳуқуқ кодекси эмас, балки ҳуқуқий йўл-йўриқ ва амалиёт учун намунавий ҳолатлар тўпламидир. Улар маҳаллий судьялар ҳаётда учрайдиган масалаларга адолатли ёндашишда амалий қўлланма бўлиб хизмат қилади. Ушбу қонунларда жамиятнинг заиф қатламлари эҳтиёжлари ва бутун суд тизимининг адолатлилиги ҳақида чуқур ғамхўрлик таъкидланади.

*Левилар.* Бу китобнинг деярли бутун қисми (Синай тоғида содир бўлган воқеалар ҳақидаги қисқа ҳикоялардан ташқари) қурбонликлар тартиби, руҳонийларнинг кўп сонли ва турфа хил вазифалари, пок ва нопок таомлар ўртасидаги рамзий фарқлар, шунингдек, жамият, оила, жинсий муносабатлар ва иқтисодга оид қатор қонунлар ҳақида сўз боради. Ушбу барча қоидаларнинг мақсади — Исроилни ЯХВЕнинг халқ сифатида бошқа миллатлардан ажратиб турувчи муқаддас жамиятга айлантиришдир.

*Қонунлар китобидаги қонунлар тўплами (Қонунлар 4–26).* Қонунлар китоби гўёки олдинроқ тилга олинган қонунларнинг такроридек туюлади, лекин аслида ундай эмас. Бу, тўғрироғи, Исроилликларнинг иккинчи авлоди Мисрдан чиққандан кейин ваъда қилинган Юрт чегарасида, Мўаб текислигида қароргоҳ қуришди. Шу ерда улар учун қонун ваъз қилинди ва аҳд янгиланди. Китоб Мусонинг ўлимидан сал олдин айтган нутқини ўз ичига олади. Мусо исроилликларни ўзларининг Худоси ЯХВЕ билан олға боришга, бутпараст Канъон халқлари томонидан келадиган қийинчиликларга қарамай Унга содиқ қолишга ва ўз жамиятини Синайда Худо берган фармонлар ва қонунларга мувофиқ ташкил этишга чақиради. Китоб тарихий хотиралар билан бошланиб, келажакни кўриш билан якунланади. Кириш ва хулоса ўртасидаги Қонунлар китоби ердаги ҳаёт учун мўлжалланган қонунларнинг бутун бир бўлимини ўз ичига олади. Уларнинг аксарияти Чиқиш ёки Левилар китобидаги худди шу қонунларни такрорлайди, аммо қўшимча тушунтириш ва рағбатлантиришлар берилади.

*Инойтти юксалтириш.* Эски Аҳд қонунини тўғри тушунмоқчи бўлсак, бу қонунга айнан ўша даврдаги исроилликлар қандай қараган бўлсалар, шундай ёндашишимиз лозим. Баъзилар Эски Аҳд қонунига нисбатан салбий муносабатда бўлишади, чунки улар фақатгина ҳаворий Павлус ёзган хусусиятларни эътиборга олган ҳолда унга ёндашишади. Биз эса Павлус айрим яҳудий етакчилари (уларнинг аксарияти Павлуснинг ўзи каби фарзийлар эди) билан қизғин мунозара олиб борганини ёдда тутишимиз керак. Бу етакчилар қонунга алоқадорликни - Худо олдидаги солиҳлик, тўғри халққа мансублик белгиси ёки кафолатига айлантиришган. Бу эса нотўғри бўлиб, ҳеч қачон бундай қилиш мумкин эмас эди. Улар Исо Масихга ўз Раббийси ва Нажоткори сифатида имон келтирган ғайрияхудийлар ҳам суннат қилиниб, Эски Аҳд қонунига тўлиқ риоя

қилган ҳолда яҳудий бўлишлари(прозелит) кераклигини таъкидлашган. Улар Худонинг халқига мансуб бўлишнинг зарурий шарти Масихга, Худонинг иноятлари ва ваъдаларига ишониш эмас, балки Таврот қонунларига риоя қилиш эканлигини уқтиришган. Павлус Муқаддас Ёзувларнинг бундай бузиб кўрсатилишига қарши чиққан. Уларнинг қонунга бўлган қарашлари Эски Аҳд ҳақиқатда ўргатган таълимотга тўғри келмасди.

Қонун солиҳлик ва нажот шарти сифатида Худо томонидан юкланган юк эмас. Қонун – бу *аллақачон қутқарилган* одамларга берилган Худонинг инъомидир. Токи улар Унинг баракаси ичида яшашда давом эта олсин. У Худонинг аллақачон амалга ошган нажотида (юқорига қаранг) намоён бўлган инояти асосида берилган. Бу иноятга тўғри жавоб беришга ва Худо истаганидек яшашга ёрдам бериш учун берилган. Тақводор ва Худодан кўрқадиган исроилликлар қонунни яхши ва ижобий, ширин ва қимматбаҳо, завқланиш ва озиқланиш мумкин бўлган нарса сифатида *юксалтирадилар*. Баъзи сано куйчилари Худонинг қонуни ҳақида шундай фикр юритадилар. Уларнинг назарида қонун руҳсиз ва мажбурловчи қоидалар тўплами эмас, балки ҳаётга мазмун ва барака бағишловчи йўл-йўриқ эди. Улар қонунни ардоқлайдилар, қадрлайдилар ва уни севиб, унинг ичида маънавий озуқа топадилар. Ундан завқ олиб Худога яқинлашадилар.

“<sup>8</sup>Эгамизнинг қонуни мукамалдир, Бизга янги куч ато этади, Эгамизнинг фармонлари ишончлидир, Соддаларга донолик беради. <sup>9</sup>Эгамизнинг буйруқлари тўғридир, Қалбларни шодликка тўлдиради, Эгамизнинг амрлари равшандир, Улар кўзларга нур беради. <sup>10</sup>Эгамиздан кўрқиш покликдир, Бу то абад давом этади. Эгамизнинг қоидалари ҳақиқатдир, Ҳаммаси ғоят адолатлидир.

<sup>11</sup>Улар соф олтиндан ҳам аълодир, Тоза асалдан ҳам ширинроқдир”.

(Забур 18:8-11).

“<sup>45</sup>Мен озод бўлиб юравераман, Буйруқларингни излаб топганман.

<sup>47</sup>Амрларингдан лаззат топаман, Мен амрларингни севаман.

<sup>97</sup>О, нақадар севаман қонунингни!...

<sup>127</sup>Чиндан ҳам Сенинг амрларингни Олтиндан, энг соф олтиндан ҳам кўпроқ севаман”.

(Забур 118:45, 47, 97, 127)

Мана шунинг учун ҳам бизнинг жумламиз жуда муҳим. Ўнта амр ёки Эски Аҳднинг қолган қонунларини улар келиб чиққан нажот тарихини ҳисобга олмасдан тушуниш мутлақо нотўғри бўлади. Худонинг қонуни — бу Худонинг инъомини, қутқарувчи севгиси ва қудратини аллақачон ҳис этган инсонларга

Худо иноятининг совғасидир. Қонун миннатдорлик билан қабул қилиниши ва шу асосда улуғланиши керак.

**Буюк топшириққа (миссияга) тайёргарлик.** Бироқ Худонинг Қонунига фақат ўтмишнинг хотираси сифатида эмас, балки буюк келажак умиди билан ҳам қараш лозим. Худо қонунни Исроил халқига *маълум бир мақсадда* берди. Бу мақсад шу халқни яратишнинг асл сабабига мос келади. Худонинг Иброҳимга, Исҳоққа ва Ёқубга берган ваъдаси ёдингиздами? “Сен орқали Ер юзидаги жамики халқлар барака топадилар”. Худонинг хоҳиши (миссияси) Исроил орқали барча халқларга барака беришдир. Шу тарзда Исроилнинг буюк топшириғи (миссияси) – Худонинг халқи *бўлиш* ва Унинг бу дунёдаги мақсадига хизмат қилишдир. Шу боис, Исроилнинг тарихи — фақат танланганлик тарихи эмас, балки юборилганлик тарихи ҳамдир. Инсоният ўзининг гуноҳкор табиати асосида яратган сохта худолар ва бутларга тўла дунёда тирик Худонинг табиатини ва йўлларини акс эттирувчи жамоа бўлиб яшаш учун Исроил халқи шаккланиши зарур. Исроил халқларга нур бўлиши учун улардан ажралиб туриши керак. Бироз олдин Чиқиш китоби 19:5 - 6да кўриб чиққанимиздек, "барча халқлар" орасида "муқаддас халқ" бўлишнинг маъноси ҳамда улар Худонинг қонунига бўйсунушлари ва Унинг аҳдига риоя қилишлари кераклигининг сабаби айнан шунда.

Худонинг қонунларига риоя қилишнинг бу элчилик ундови Қонунлар китобида ўз ифодасини топган. Худонинг тасаввуридаги халқ - бу халқ Худонинг қадриятлари ва меъёрларига асосан яшайдиган жамоа сифатида халқлар учун кўринадиган намунага айланади. Бутун ижтимоий тизимининг ажойиб сифати билан ўзлари топинадиган Худонинг ҳузури ҳақида гувоҳлик беради:

“<sup>5</sup>Эгам Худо амр қилгандай, сизларга фармонларни ва қонун–қоидаларни ўргатдим. Мулк қилиб олаётган ўша юртда буларга риоя қилинглار. <sup>6</sup>Мана шу фармонлар ва қонун–қоидаларни битта қолдирмай бажаринглар, токи сизларнинг ақл–идрокингишни бошқа халқлар кўрсин. Улар бу қонунлар ҳақида эшитиб: “Ҳа, ҳақиқатан бу буюк халқ доно, ақл–идроклидир”, деб айтсин. <sup>7</sup>Эгамиз Худога ҳар сафар илтижо қилганимизда У бизга яқиндир. Қайси буюк халқнинг шундай худоси бор?! <sup>8</sup>Бугун мен сизларга фармонлар ва қонун–қоидалар беряпман. Қайси буюк халқнинг шундай адолатли қонун–қоидалари бор?!”

(Қонунлар 4:5–8)

Агар Худонинг халқи Худонинг қонунлари бўйича яшаса, бошқа одамлар буни пайқаши ва саволлар бериши керак. Ҳаётимиз сифати билан бошқалардан фарқланган ҳолда биз топинаётган Худонинг жонли тарғиботи(реклама)

бўлишга чақирилганмиз. Бу тамойил Исроил қонунидан ўрин олган, ҳам Исо томонидан, ҳам ҳаворийларнинг таълимотида такрорланган.

**Худонинг феъл - атворини акс эттириш.** Эски Аҳдда Худонинг қонунига бўйсунитишни тасвирловчи энг кенг тарқалган метафоралардан бири "Эгамизнинг йўлидан юриш" деган ибора. Бу нафақат Худонинг айтганларини бажариш, балки У кўрсатган намунага эргашиш, яъни Унинг изидан юриш деганидир. Исроил халқи уларнинг ЯХВЕ Худоси қандай эканини қаердан билишган? Тарихда Унинг қилган ишларини эслаб. Юқорида кўрганимиздек, Мисрдан чиқиш воқеаси Худонинг феъл-атвори - Унинг севгиси, раҳм-шафқати, садоқати ва адолатининг кенг кўламли намоиши бўлди. *Агар Исроил халқига Худо шундай муносабат кўрсатган бўлса, Исроил халқи ҳам бир-бирига ва бошқаларга нисбатан шундай бўлиши керак.*

Эски Аҳд қонунлари тўпламларида Мисрдан чиқиш воқеаси ҳақидаги эслатмани тез-тез учратиш мумкин. Худо шундай дейди: "Мана, Мен сизлар учун нима қилдим; энди сизлар ҳам бошқаларга шундай қилишингизни хоҳлайман" (Таниш сўзлар, шундай эмасми? Кимдир аллақачон бу сўзларни айтган! "Ҳамма нарсада одамлар сизларга қандай муомала қилишларини истасангизлар, сизлар ҳам уларга шундай муомалада бўлинглар..." (Матто 7:12 Муқаддас Ёзув). Ёки "Душманларингизни яхши кўринглар... Шунда сиз осмондаги Отангизнинг фарзандлари бўласизлар. Чунки У Ўз қуёшини ёвузлар устида ҳам, яхшилар устида ҳам балқитади, ёмғирини солихлар устига ҳам, фосиқлар устига ҳам ёғдиради" [Матто 5:44–45] – яъни Унга ўхшаш бўлинг). Мана сизга намуна. Исроиллик уй хўжайини яҳудий қулни озодлик қонуни бўйича олти йилдан сўнг озодликка чиқарганида, у қулни йўлга кузатишдан олдин унга дон, ҳайвон ва шаробдан иборат катта товон тўлаши лозим. Нима учун у бундай қилиши керак? Қуйидаги амр ва унинг сабаби асосида: <sup>13</sup>Уни озод қилганингизда, қуруқ жўнатманг. <sup>14</sup>Унга сахийлик билан мол–қўйингиздан, дон, шаробингиздан беринг, Эгангиз Худо сизларга ато этган баракадан беринг. <sup>15</sup>Ёдингизда тутинг: сизлар ҳам Миср юртида қул бўлгансиз, Эгангиз Худо сизларни озод қилган. *Шунинг учун мен бугун сизларга ўша амрни бердим*" (Қонунлар 15:13–15; курсив муаллифники). Шу мазмундаги бошқа мисоллар: Чиқиш 23:9; Левилар 19:33–36; 25:42–43; Қонунлар 24:17–22.

Мусо шуни таъкидлайдики, Исроил халқи нафақат Худо улар учун қилган ишга тақлид қилишлари лозим, балки Худонинг тарихда фаолияти орқали кўрсатган феъл-атворини ҳам акс эттиришлари керак:

<sup>14</sup>Осмон ва фалак тоқи, ер юзи ва ундаги ҳамма нарса Эгангиз Худоникидир... <sup>17</sup>Эгангиз Худо худоларнинг Худосидир, эгаларнинг Эгасидир, буюк қудратли, қўрқинчли Худодир. У тарафкашлик қилмайди,



пора олмайди. <sup>18</sup>Етим ва беваларга адолат қилади, мусофирга меҳрибонлик қилади, уларга нон ва кийим беради”.

(Қонунлар 10:14, 17–18).

Оламга эгалик қилувчи ва уни бошқарувчи, мутлақ мукаммал Худо ва заррача нуқсон бўлмаган буюк Худо мана шундай. Аммо бу Худо кўпинча қаерда ҳаракат қилади? Сиз кутмаган жойда: камбағал ва муҳтожлар орасида, оиласиз, ерсиз, бошпанасиз қолган одамлар орасида. ЯХВЕ Худо шахсан улар ҳақида ғамхўрлик қилади ва уларни таъминлайди. Худо шундай экан, мантиқ аниқ ва Мусо уни қуйидаги оятда тасдиқлайди: “Сизлар ҳам мусофирларга меҳрибон бўлинглар, ўзларингиз ҳам Мисрда мусофир эдингизлар” (Қонунлар 10:19). Худого тақлид қилиш ва Унинг феъл-атворини акс эттириш - Худонинг иродаси бўйича қилиниши керак бўлган ишларни қилиш демакдир. Дунёда Худо қандай ҳаракат қилса, шундай ҳаракат қилишни билдиради. Бу Исонинг таълимотида акс этган кучли тамойилдир. Худонинг қонуни Унинг халқига Унинг феъл - атворини акс эттиришга ёрдам бериш учун берилган.

**Муваффақиятсизликни олдиндан кўра билиш.** Аммо буларнинг барчаси жуда идеал эшитилади, дейишингиз мумкин. Биз биламизки, Эски Аҳддаги исроилликлар ҳеч қачон бундай мезонларга тўла амал қилиб яшамаганлар. Бу ҳақиқатан ҳам шундай ва Эски Аҳднинг ўзи бизга буни жуда аниқ кўрсатади. Лекин гап шундаки, Худо бу ҳақда олдиндан билган, ва уларга ҳам олдиндан айтган. Исроилнинг мағлубияти Худо учун кутилмаган ҳодиса бўлмади. Аслида қонуннинг ўзи Исроилнинг муваффақиятсизлигини олдиндан кўради ва уни бартараф этиш учун икки томонлама йўл таклиф қилади. Бир томондан, Левилар китоби 1-7 бобларда баён қилинган қурбонлик келтириш тизими мавжуд (бу ҳақда кейинги бобда қисқача айтиб ўтамиз). Қурбонликлар оддий гуноҳлар ва диний маросимий нопокликларни тартибга солади. Улар "қасддан", атайин, ўжарлик билан қилинган гуноҳни бутунлай йўқота олмайдилар (намойишона гуноҳ; Саҳрода 15:30–31га қаранг). Бу саволга ягона жавоб – Худого тавба билан юзланиш ва Забурда айтилганидек, Унинг раҳм-шафқатига суянишдир (Забур 50:18–19га қаранг). Бошқа томондан эса Худо Исроилга ваъда берадики, У Ўз қудрати ва раҳм шафқати билан ҳатто ҳукм ижро қилинганидан кейин ҳам, Унга юзланиб тавба қилганларни сақлаб қолади. Айнан шундай тартиб (гуноҳ, ҳукм, раҳм-шафқат, тикланиш) Қонунлар китоби 29-30 бобларда баён этилган. Ушбу бобларни қуйидагича умумлаштириш мумкин:

- Худо яна бир бор Исроил халқига уларни қулликдан озод қилиб, Ўз аҳд халқини яратганини эслатади.

- Худо уларга Ўз қонунини берди, токи улар ўзлари учун яхши бўладиган ва барака келтирадиган тарзда яшашни ўргансинлар. Бунга жавобан улар Худони севишга ва Унга итоат қилишга мажбурият олишди.

- *Бироқ* Худо исроилликлар бу қонунга риоя қилмаслигини жуда яхши биларди. Улар Мусо тириклигидаёқ қанчалик итоатсиз ва гуноҳкор эканликларини кўрсатишганди. Унинг ўлиmidан сўнг уларнинг аҳволи янада ёмонлашади.

- Шундай қилиб, Худо уларнинг бошига ушбу аҳддаги барча таҳдид ва огоҳлантиришларни ёғдиришга мажбур бўлади. Исроилликлар Худонинг аҳдини қайсарлик билан бузганликлари учун Унинг баракаларидан баҳраманд бўлмайдилар, балки аҳд лаънатларидан азият чекадилар.

- Худонинг ҳукми Исроил душманларининг ҳужуми орқали амалга ошади ва исроилликлар ўз юртларидан олиб кетилиб, бегона халқлар орасида тарқалиб кетадилар.

- *Бироқ* Худо шу ерда, Қонунлар китобида буларнинг барчаси содир бўлишидан олдин ҳукм Худонинг сўнгги сўзи ёки Исроилнинг сўнгги ҳолати бўлиб қолмаслигига ишонтиради. Умид ҳукмдан кейин ҳам қолиши мумкин. Эгамиз аввалгидек раҳм-шафқат, севги ва кечирим Худоси бўлиб қолади. Худо уларга Уни бутун қалби ва юраги билан излаш, Уни севиш ва Унга итоат этиш *имконини беради*. Шу боис Худога юзланинг. Ўлимни эмас, ҳаётни танланг.

Қонуннинг ўзи (Қонунлар китобида) Исроилнинг келажақдаги муваффақиятсизлигини олдиндан билади. Дарҳақиқат, Қонунлар китобининг бу боблари нафақат бизга гуноҳ, ҳукм, тавба, инъом ва тикланишнинг аниқ теологиясини беради; улар ҳам Исроил тарихини олдиндан айтиб беради. Бу Эски Аҳд тарихидир. Ҳаворий Павлусга қайта мурожаат қилар эканмиз, қонун ўз-ўзидан гуноҳкор ва исёнкорларни яхши ва мукаммал қила олмаслигига ҳайрон бўлмаймиз (Худо ҳам ҳайрон бўлмаганидек). Лекин айб қонунда эмас, балки одамларда. Шунинг учун ҳам Павлус “Инсон Худонинг қонунини бажара олмагани учун қонун таъсирсиз бўлиб қолди. Қонун инсонни гуноҳдан қутқара олмагани учун” деб айтади (Римликлар 8:3). Шу боис исроилликлар қонун уларга ўлим келтиради, деган хулосага келишди. Қонун уларнинг гуноҳини фош қилади. Уларга Худонинг лаънати ва ҳукмини ёғдиради. Аммо асосий нарса шуки: *бу Павлуснинг янги кашфиёти эмас. Қонуннинг ўзи шуни айтади*. Қонун Исроилни содиқликка чақиради; аммо қонун Исроилнинг муваффақиятсизлигини ҳам назарда тутди. Қонун эҳтиёждан келиб чиққан манфаатпарвар(паргматик). Бироқ қонун ҳукмдан ташқари *келажақда* Худонинг нажот берувчи ва тикловчи иноятидан умид борлигини кўрсатади. Бошқача айтганда, у, охир-оқибат, Раббимиз Исо Масиҳга ишора қилади, буни ҳаворий Павлус аниқ кўрсатган.

## Тўртинчи боб

### Шоҳ Довуд

*“Эгам Ўз кўнглига мос биттасини топди, уни Ўз халқи устидан ҳукмдор қилиб тайинлади”.*

#### **1-Шоҳлар 13:14**

Менимча, Ҳаворий Павлус Эски Аҳдни еттита жумлада мендан кўра яхшироқ ифодалаган бўларди. У буни Писидия Антиохиясидаги яҳудийлар синагогасида айтган ваъзи орқали деярли амалга оширган. Шубҳасиз, бу ваъзнинг матни бирмунча қисқартирилган, аммо ҳатто шундай шаклда ҳам фикрларнинг лўндалиги ҳайратланарли. Қизгин бошланиш, асосий нарсани таъкидлаш ва якуний қисм. У Иброҳимдан Исогача бўлган бутун воқеани етти жумлада бўлмаса ҳам, камида етти оятда баён қилади. Бу ҳақда Луқо шундай ёзади:

“<sup>17</sup>Мана шу Исроил халқининг Худоси бизнинг ота-боболаримизни танлаб олди. Улар Мисрда мусофир бўлиб яшаган вақт давомида Худо улардан буюк халқ яратди. Буюк қудрати билан уларни Мисрдан олиб чиқди. <sup>18</sup>Қирқ йил давомида Худо уларнинг саҳродаги қилмишларига чидади. <sup>19</sup>У Канъон юртида етти элатни қириб ташлаб, уларнинг юртини Исроил халқига мулк қилиб берди. <sup>20</sup>Буларнинг ҳаммаси тахминан 450 йил давом этди. Бундан кейин Худо уларга Шомуил пайғамбар замонигача ҳакамларни берди. <sup>21</sup>Кейин Исроил халқи шоҳ сўраган эди, Худо уларга Киш ўғли Шоулни шоҳ қилиб берди. Шоул Бенямин қабиласидан бўлиб, қирқ йил ҳукмронлик қилди. <sup>22</sup>Худо Шоулни тахтдан туширгандан кейин, Довудни Исроил халқининг шоҳи қилди. Худо у ҳақда шундай деган эди: “*Эссай ўғли Довудни Ўзимнинг кўнглимга мос деб топдим. Довуд Менинг ҳамма хоҳишларимни бажо қилади*”. <sup>23</sup>Худо берган ваъдасига мувофиқ, Довуд наслидан Исони Исроил халқига нажоткор қилиб юборди”.

(Ҳаворийлар 13:17–23; курсив муаллифники).

Кетма-кетликни пайқадингизми?

Иброҳим (“бизнинг ота-боболаримиз”) → Чиқиш → саҳро → юрт → ҳакамлар → монархия<sup>4</sup> → Довуд

Довудга келганда, Павлус биз тўртинчи жумла сифатида олган оятни келтиради, унда Худо Довудни “кўнглимга мос келадиган одам” деб танлайди. Кейин Павлус Довуддан тўғридан-тўғри Исога ўтади. Биз бундай қилмаймиз (бизда яна бир нечта жумлалар бор, бундан ташқари, Павлус яхши билганидек, Эски Аҳд Довуд билан тугамайди). Аммо Павлус Довуд ва Масих ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик ўрнатгани жуда муҳим. Бироз вақт ўтгач, Павлус ваъзида Носиралик Исо Довуд наслидан ваъда қилинган ўғил, яъни Масих эканини эълон қилади. Аммо Исодан фарқли ўлароқ Довуд (вафот этади ва дафн қилинади, холос,) Исо эса ўлган, дафн этилган ва улуғворликда тирилган. Тирилиши туфайли Исо биринчи марта Довудга қарата айтилган сўзлар ҳақиқатан ҳам тегишли бўлган Зотга айланди: “Сен Менинг Ўғлимсан, Мен бугун Сени туғдим” (Забур 2:7 Муқаддас Ёзув). Забур 2 - санода “Тила, халқларни сенга мулк қилиб бераман, Ернинг тўрт томони сеники бўлади” (Забур 2:8) деб айтилганидек, Исо нафақат Исроил халқига, балки ер юзидаги барча халқларга ҳам ҳақиқий Шоҳ бўлади. Довуднинг тирилган ўғли Исо Масих бутун мавжудотнинг Эгаси ва Шоҳидир. Павлус ёзганидек, Довуд ва Исо ўртасидаги бу боғлиқлик унинг ваъзалари марказида туради. (Римликлар 1:2 – 4; 2 Тимўтий 2:8)

Тўртинчи жумлада биз фақатгина хаворий Павлуснинг намунасига амал қилганимиз учунгина Довуд ҳақида гапирмаяпмиз. Бизнинг тўртинчи жумламиз учун Довудни танлашнинг яна бир сабаби бор. Эсингизда бўлса, биз шу пайтгача кузатган аҳдлар кетма-кетлиги қуйидагича: Худо аввал Нух, кейин Иброҳим, кейин Мусо билан (Синай тоғида) аҳд тузган. Шу ерда биз Китобдаги энг муҳим аҳдлардан бирига – Довуд билан тузилган аҳдга етиб келамиз. Бу аҳд баъзан Довуд аҳди деб ҳам аталади. Бу аҳднинг мазмуни 2 Шоҳлар китоби 7 – бобда баён қилинган. У ерда Худо Довуднинг ўғли доимо Исроил халқига ҳукмронлик қилишини ваъда қилади. Довуднинг авлодлари бўлган шоҳларнинг узун рўйхати орқали (биз уларни кейинги бобда кўриб чиқамиз) бу ваъда бизни тўғридан-тўғри Довуднинг буюк Ўғли Исога олиб боради. Аммо ушбу ваъда Довуддан олдинги қайғули давр билан кескин фарқ қилади. Исроилнинг Канъон еридаги ҳаётининг дастлабки асрлари халқнинг қайта-қайта имондан қайтиши, ҳакамлар даврининг тартибсизлиги ва анархия ҳамда, айниқса, Исроилнинг биринчи шоҳи Шоулнинг фожиали мағлубияти билан тавсифланади. Мана шу зулматли манзара орасида бизнинг тўртинчи жумламиз ёруғ нурдай порлайди. Худо Довудда Ўз кўнглига мос одамни кўради.

<sup>4</sup> Монархия (қад.-юнон. *μόνος* “бир, ягона” + *ἀρχή* “ҳокимият, ҳукмронлик”) – бу давлатнинг ягона бошлиғи бўлиб, у умрбод ёки тахтдан воз кечгунига қадар ўз ҳокимиятини амалга оширадиган бошқарув шакли

Биз бу ифода асл тилда ва контекстда нимани англатишини аниқ тушунишимиз керак. Ҳозирги замон тилларида "кўнглимга мос одам" тушунчаси "менга чиндан ҳам ёқадиган; мен билан яхши муносабатда бўладиган; менинг севимли инсоним" деган маънога эга бўлиб қолди. Лекин иброний тилида юрак фақатгина ҳис-туйғулар маркази эмас, балки ирода ва қарорлар манбаи ҳамдир. Бу сўзлар Довуд Худонинг алоҳида севимли одами деган маънони англатмайди (кейинчалик Довудга нисбатан анча кескин, қаттиқ тарбиялаш ва жазолаш чоралари қўлланган). Аниқроғи, Довуд Исроил тарихидаги ўша даврда Худонинг режалари ва мақсадларини муваффақият билан амалга оширадиган ҳукмдор бўлишини англатади. (Самуилдан ташқари) олдинги кўп раҳбарлар бир маънода муваффақиятсиз эдилар. Ҳаворий Павлус 1 Шоҳлар 13:14 дан иқтибос келтириб, Ишаё 44:28 дан бир иборани қўшиб, айнан шундай талқин қилади: "Менинг барча хоҳишимни у бажаради". Шу маънода бизнинг тўртинчи жумламиз, дастлаб Довуд ҳақида айтилган бу сўзлар янада тўла маънода Исога тааллуқлидир — У Худо томонидан подшоҳ қилиб тайинланган ва Унинг иродасини тўлиқ бажарган. Эҳтимол, Ҳаворий Павлус айнан шу алоқани назарда тутган бўлса керак.


Бироқ Павлус ҳам Мусодан Довудга дарҳол ўтмайди — у бу ораликда содир бўлган тарихий воқеаларни қисқача қайд этади. Биз ҳам унга эргашамиз. Эҳтимол, бу воқеа сизга унчалик қизиқ эмасдир ва сиз дарҳол "Довуд билан тузилган аҳд" бўлимига ўтишни хоҳларсиз. Шундай бўлса-да, имкониятдан фойдаланиб қуйидаги бўлимларни икки сабабга кўра ўқиб чиқишингизни маслаҳат бераман. Биринчидан, ҳаворий Павлус: "Муқаддас битикларнинг ҳаммаси [демак, Эски Аҳднинг тарихий китоблари ҳам] илоҳий илҳом билан ёзилган ва фойдалидир" (2 Тимўтий 3:16) деб таъкидлайди. Демак, Эски Аҳднинг тарихий китоблари ҳам шу жумладан. Иккинчидан, муқаддимада айтиб ўтганимиздек, Муқаддас Китоб тарихи *бу бизнинг тарихимиздир*. Биз Худонинг халқи таркибига кирамиз ва "Улар бошидан кечирган бу ҳодисалар бизларга ибрат бўлди. Замон охирлашиб қолган пайтда яшаётганларга, яъни бизларга сабоқ бўлиши учун бу ҳодисалар Муқаддас битикларда ёзиб қолдирилган" (1 Коринфликлар 10:11).

Келинг, Исроил халқи билан бирга Синай тоғидан Сулаймонгача бўлган йўлни босиб ўтайлик. Охирги боб Худо ва Исроил ўртасида тузилган аҳд ва Синай тоғида қонун берилиши билан якунланади (Чиқиш 19–24). Аммо Чиқиш китоби 25-бобдан бошлаб, унинг катта қисми Худонинг муқаддас чодир қурилиши ҳақидаги кўрсатмаларига бағишланади (Чиқиш 25–31), ундан кейин (Олтин бузоқ билан бўлган даҳшатли воқеадан сўнг, Чиқиш 32–34) муқаддас чодир қурилиши ва унга Худонинг улуғворлиги тушиши ҳақидаги ҳикоя келади (Чиқиш 35–40).

## Муқаддас чодир

Муқаддас чодир ўзига хос кўчма саждагоҳга айланиши учун ишлаб чиқилган. У ёғоч каркасга тортилган икки қаватли безатилган чодирдан иборат эди. Ички қатлам жуда чиройли матодан тўқилган, ташқи қатлам эса ҳайвон териларидан тикилган, бу эса чодирни об-ҳаво таъсирига чидамли қилган. Чиқиш китобидаги Муқаддас чодир лойиҳасининг тавсифи мураккаб кўринади, лекин аслида унинг тузилиши ва ичидаги жихозлар нисбатан оддий бўлган. Бу шарт эди, чунки бутун тузилма осонликча йиғилиши, қисмларга бўлиниши ва сафарда олиб юриш учун қулай бўлиши керак эди. У учта асосий бўлимдан иборат эди.

*Тўғри тўртбурчак шаклидаги ташқи ҳовли* устунларга тортилган мато билан ўралган. Бу жой руҳонийлар ҳайвонларни қурбонликка келтирган вақтда одамлар йиғиладиган жой эди. Ҳовлида қурбонлик куйдириладиган қурбонгоҳ ва маросимга мос ювиниш учун қўлювгич қўйилган.



*Муқаддас чодирга кирганда, Муқаддас хона (ёки оддийгина "муқаддас") деб аталадиган жой бор. Асосий чодирнинг ташиқи қисми. Бу ерга хушбўй тутатқилар тутатиладиган кичкина қурбонгоҳ, муқаддас нонлар учун хонтахта ва етти мойчироқли шамдон қўйилган.*

*Муқаддас Чодирнинг тўрисида Муқаддаслар Муқаддаси деб номланган хона — куб шаклидаги ички хона жойлашган. Бу ерда Аҳд сандиғи жойлаштирилган. Сандиқ ичига Ўнта Амр ёзилган иккита тош лавҳалар солинган. Сандиқ қопқоқ билан ёпилган бўлиб бу қопқоқ Худонинг раҳмати тушадиган, гуноҳлар кечириладиган Муқаддаслар Муқаддасининг рамзий қисми. “Қафорат қопқоғи” (ибронийча לְחַפְּזִי- каппорет) деб аталади. Гуноҳларни ёпиш, кечириш маъносини англатади. Бу жой бутун Чодирдаги энг муқаддас жой ҳисобланган, чунки у Худонинг ҳузурини рамзий маънода ифодалаган (гарчи у ерда Худонинг тасвири бўлмаса ҳам). Чодирнинг бу қисмига фақат олий руҳоний йилига фақат бир марта, яъни Покланиш кунида кириши мумкин бўлган (Левилар 16).*

Булардан мақсад нима эди? Муқаддас Чодир Исроил учун бевосита аҳамиятга эга бўлсада, бутун Муқаддас Китобда кенгроқ аҳамиятга эга.

**Худо учун маскан.** Исроилликлар учун Чодир Худо ҳозирлигининг маркази бўлиб, У Ўз халқи орасида кўринарли ва деярли сезиларли тарзда истиқомат қилган. Бу (айниқса) Мусо ва бошқа одамлар Худо билан ибодат ва қурбонликлар орқали учраши мумкин бўлган жой эди. Айнан шунинг учун ҳам Чодир бир неча марта "Учрашув чодир" деб аталган. Чодирнинг мақсадини Худонинг Ўзи шундай тушунтиради:

*“<sup>42</sup>Куйдириладиган бу икки қурбонлик Мен, Эгангизнинг ҳузурида Учрашув чодирга кираверишда авлодлар оша қилинсин. Ўша ерда Мен сен билан учрашиб, гаплашаман; <sup>43</sup>Учрашув чодирда Мен зоҳир бўлиб, Исроил халқи билан учрашаман, улуғворлигимдан бу жой муқаддас бўлади.*

*<sup>44</sup>Мен Учрашув чодирини ва қурбонгоҳни муқаддас қиламан. Ҳорун билан ўғиллари руҳоний бўлиб Менга хизмат қилишлари учун уларни ҳам муқаддас қиламан; <sup>45</sup>Мен Исроил халқи орасида истиқомат қиламан, уларнинг Худоси бўламан. <sup>46</sup>Шунда улар Эгаси Худо Мен эканлигимни билиб оладилар. Ахир, Мен Исроил халқи орасида истиқомат қилай деб, уларни Миср юртидан олиб чиққанман. Мен уларнинг Эгаси Худоман”.*

(Чиқиш 29:42–46; курсив муаллифники).

Эътибор берган бўлсангиз, матнда ҳам озод қилишга (“Миср юртидан”), ҳам аҳдга (“Мен уларнинг Эгаси Худоман”), шунингдек, Мисрдан олиб чиқишнинг мақсадига – Худонинг Ўз халқи орасида истиқомат қилишига урғу



берилган. Худонинг халқ орасида яшаши — Исроилни бошқа халқлардан ажратиб турувчи энг муҳим белги эди. Исроил халкининг бошқа халқларга элчилик вазифаси ва ролининг ажралмас қисми Худонинг ўз халқи орасида бўлиши эканлигини Мусо англади (Чиқиш 33:15–16).

Муқаддас Китобнинг кенгроқ нуқтаи назаридан, бу Чодир (кейинчалик Сулаймон ҳукмронлиги даврида Чодир ўрнини эгаллаган маъбад) ўзига хос кичик коинотга, яъни осмон билан ер учрашиши мумкин бўлган кичик коинотга айланди. Яратилган ижод бутун борлиғи билан ("осмон ва ер") Худонинг орамиздаги маскани бўлиши керак эди. Аммо бизнинг гуноҳимиз ва итотсизлигимиз осмон билан ер ўртасидаги алоқанинг узилишига олиб келди. Бу, албатта, Худо ердаги ишларга алоқадор эмас, деган маънони англатмайди. Энди эса осмон Унинг "тахти" бўлди, ер эса Унинг "оёғи тагидаги курси"га айланди (Ишаё 66:1–2). Чодир, кейин эса маъбад осмон ва ер яна бирлашиши мумкин бўлган ноёб жойни таъминлади. Яратувчи ва халқ ўртасидаги алоқани тиклаш воситаси эди.

Янги Аҳдда Исо Иммануил биз билан бирга яшайдиган Худо сифатида тасвирланган. Масиҳ Исо маъбадни Ўзида гавдалантиради (Юҳанно 2:19-22 - Маъбад деб Ўзининг танасини назарда тутган эди), шунингдек, жамоат ҳам Худонинг маскани сифатида фаолият юритади (Эфесликлар 2:19-22; 1 Бутрус 2: 4 - 5). Бу ҳолат янги яратилишда жисмоний маъбадга бўлган эҳтиёж бутунлай йўқолгунча давом этади, чунки, охир-оқибат, барча мавжудот яна Худонинг улуғворлиги ва ҳузури билан тўлиб-тошади, У қутқарилган инсонлар орасида бўлади (Ваҳий 21:1–3, 22–23).

**Руҳоний ва қурбонликлар.** Руҳонийлар Чодирда хизмат қилиш ва жамоадаги бошқа вазифаларни бажариш учун тайинланган. Биринчи руҳонийлар Ҳорун(Мусонинг акаси) ва унинг ўғиллари бўлишган, кейин эса Леви қабиласидан бўлган унинг авлодлари руҳонийликка тайинланган. Уларнинг зиммасига кўплаб вазифалар, жумладан, одамларга Худонинг қонунини ўргатиш (Левилар 10:10-11) ва соғлом жамоани сақлаш (Левилар 13:15) вазифаси юклатилган. Аммо уларнинг асосий вазифаси Чодир ҳовлисида, кейин эса маъбадда жойлашган қурбонгоҳда қурбонлик келтириш бўлган.

Қурбонликлар келтириш тизими Левилар китоби 1-7 бобларда баён қилинган. Унда беш хил қурбонлик ҳақида маълумот берилган бўлиб, уларнинг ҳар бири маълум қоидалар асосида келтирилган ва турли, ва шу билан бирга бир-бирини тўлдирувчи мақсадларга хизмат қилган. Умумий мақсад жамоани одатий (ёки беихтиёр) гуноҳлар ва турли хил нопокликларнинг оқибатларидан поклаш эди. Турли таржималарда қурбонликларнинг номлари биров фарқ қилади.

*Бутунлай, тўлиқ ёқиладиган қурбонлик.* Қурбонликка келтирилган ҳайвон қурбонгоҳда тўлиқ ёқилади. Бу қурбонлик ҳам гуноҳдан покланиш, ҳам миннатдорчилик билдириш ва топиниш учун келтирилган.

*Дон назри.* Афтидан, бу қурбонлик шунчаки бошқа қурбонликларга ҳамроҳлик қилган. Худога шукроналик ва ризқ учун миннатдорликни англатади.

*Тинчлик қурбонлиги.* Ҳайвон гўшти қурбонлик келтирувчи ва руҳонийлар ўртасида бўлиниб, шодлик билан еб-ичилади. Бу қурбонлик имонли киши билан унинг оиласи ва Худо ўртасидаги мулоқотнинг янгиланишини ифодалаган.

*Гуноҳ қурбонлиги.* Бу қурбонлик ҳам гуноҳлардан поклаш маъносига эга бўлган, шунингдек, диний маросимий покланиш учун ҳам фойдаланилган.

*Айб қурбонлиги.* Бу қурбонлик бошқа одамга келтирилган зарарни қоплаш жараёни билан боғлиқ эди.

Бутунлай, тўлиқ ёқиладиган қурбонлик ва тинчлик қурбонлиги энг кенг тарқалган қурбонлик турлари эди. Бундай қурбонликлар келтириш тизими халққа бир томондан, ЯХВЕ уларнинг Худоси бўлиб, улар орасида яшашни исташини, уларни севишини ва ҳимоя қилишини тушунтирса, аммо бошқа томондан, Эгамиз мутлақо муқаддас ва гуноҳкорлар Унга шунчаки яқинлаша олмаслигини очиб берган. Худонинг ҳузурига кириб, Унга миннатдорчилик билдириш ва Уни улуғлашдан олдин гуноҳ ва нопокликдан покланиш лозим.

## Сахрода

Исроил халқи Синай сахросида икки йилча тургандан сўнг, Худо уларга мерос сифатида ваъда қилган юртга йўл олди (Сахрода 10:11–13). Бу юртдаги муҳитни ўрганиб келиш учун Мусо Кадеш–Барна воҳасидан ўн икки айғоқчини юборади. Лекин улар турли маълумотлар билан қайтишади. Улардан ўнтаси бу юртни босиб олишга қарши бўлади, фақат икkitаси босиб олишни қўллаб-қувватлайди. Халқнинг руҳияти тушиб кетади; одамлар Худонинг улар билан бирга бориб, душманларини мағлуб қилиши ҳақидаги ваъдасига ишонишни хоҳлашмайди. Улар Мусога қарши исён қилиб, ваъда қилинган юртга киришдан бош тортишади. Бу воқеа Сахрода китобининг 13–14 бобларида ёзилган, лекин тўлиқ манзарани кўриш учун Қонунлар китоби 1:19-46 оятларда бу фожиали воқеага Мусонинг берган таърифини ҳам ўқиб чиқиш ўринли бўлади.

Натижада Мисрдан чиққан барча одамлар (20 ёшдан катта бўлган) кейинги ўттиз саккиз йил давомида, сахрода қолади ва уларнинг деярли барчаси ўша ерда вафот этади. Исроилликларнинг кейинги авлодигина охир-оқибат Иордан дарёсидан ўтиб, ваъда қилинган юртга киради. Сахрода ўтказилган вақт Исроил хотирасида ҳам салбий, ҳам ижобий хотираларни қолдирди. Бир томондан, бу вақт Сахрода китобида Худога қарши доимий нолиш ва исён даври сифатида тасвирланган. Худо исроилликларни бошқа халқларга барака бериш учун танлаган эди, аммо улар ҳам бошқа халқлар каби гуноҳкор бўлиб чиқди. Улар доимо Худонинг ҳукмига дуч келишган ва доимо Худонинг раҳм-шафқатига муҳтож бўлишган. Шу маънода улар гуноҳга ботган инсониятнинг энг ёмон қиёфасини акс эттиради. Биз уларнинг ҳикояларини маънавий устунлик ҳисси билан эмас, балки бироз даҳшат билан ўқиймиз. Аксинча, Исроил ўз аجدодларининг тарихини қандай холис, танқидий ва ҳақиқий тусда баён этгани ҳайратга солади.

Бошқа томондан, сахродаги вақт Исроил халқи Худонинг ажойиб раҳм-шафқатини бошдан кечирган даврдир. Худо уларга йўлбошчилик қилди, озиқ-овқат ва сув билан таъминлади. Уларни душманлардан ва уларга лаънат ёғдирмоқчи бўлганлардан ҳимоя қилган. Исроил халқи Худони шунчалик ғазаблантирганда ҳам, уларни йўқ бўлиб кетишдан сақлаб қолди. Сиз ушбу воқеанинг бир қисмини Чиқиш китоби 16-17 боблар ва Сахрода китоби 11, 22 – 25 бобларда ўқишингиз мумкин. Бироқ бу воқеаларнинг қисқача тафсилотини Қонунлар китоби 1-3; 8 - бобларда ўқиш осонроқ. Бу воқеалар Исроилнинг ваъда қилинган юртдаги ҳаётига таъсир қилиши керак бўлган аччиқ тажриба сифатида абадий эсда қолиши керак эди:

“<sup>2</sup>Эгангиз Худо қирқ йил давомида сизни саҳродан олиб юрди, ўша узоқ сафарни ёдингизда тутинглар. Эгамиз юрагингизда нима борлигини, Унинг амрларини бажаришингизни ёки бажармаслигингизни билиши учун сизларни қийинчиликларга дучор қилиб, синади. <sup>3</sup>У сизларни оч қолдирди, сўнг ўзларингиз кўрмаган, ота–боболарингиз ҳам кўрмаган манна билан қорнингизни тўйдирди. У сизларга инсон фақат нон билан эмас, балки Эгамизнинг оғзидан чиққан ҳар бир сўз билан ҳаёт эканини ўргатиш учун шундай қилди. <sup>4</sup>Мана шу қирқ йил давомида кийимларингиз эскириб кетмади, оёғингиз ҳам шишмади. <sup>5</sup>Энди шуни билингларки, инсон фарзандини қандай тарбияласа, Эгангиз Худо ҳам сизларни шундай тарбиялайди”.

(Қонунлар 8:2–5; бобнинг қолган қисмини ҳам ўқиб чиқишни тавсия қиламан).

Афсуски, Исроил халқи эслаб қолишлари керак бўлган сабоқларнинг кўпини унутди. Кейинги пайғамбарлар эса саҳро даврини, халқнинг кейинчалик хиёнаткорлиги билан солиштирганда, гўё бир “асал оyi” даври сифатида ёдга оладилар (Еремиё 2:1-8; Хўшея 11:1-4). Қонунлар китобидаги бу оятлар Раббимиз Исо Масихда чуқур из қолдирган кўринади: У саҳрода қирқ кун давомида бўлганида, Исроил итоат этмаган жойда У итоат қилишни танлади. Исроил халқининг бевафолиги ва қаршилиги намоён бўлган саҳрода Исо Худога содиқ қолиб, Худонинг иродасига суянди (Матто 4:1–4).

## Канъон юрти

Ёшуа китоби биз эшитишга умид қилмаган сўзлар билан бошланади. Ниҳоят, Худо халққа янги етакчи Ёшуа бошчилигида ўрнидан туриб, Иордан дарёсидан ўтиб, Канъон ерини эгаллашни буюради. Ёшуа саҳродаги бутун вақт давомида Мусонинг ёрдамчиси ва бош қўмондон бўлган. Мусонинг вафотидан кейин эса Исроилнинг янги етакчисига айланди. Худо Ёшуага далда ва руҳлантирувчи сўзлар билан мурожаат қилади — бу сўзлар кейинчалик кўплаб раҳбарларга ҳам куч бағишлаган (Ёшуа 1-боб). Мусо сингари Ёшуа ҳам (унинг исми ҳам Исонинг исми каби "Худо нажот беради" деган маънони англатади) қаригунча, яъни умрининг охиригача Худога хизмат қилади. Ҳатто кексайиб қолганида ҳам, аҳдни янгилаш маросимида у исроилликларни Эгамизни танлашга ва Унга хизмат қилишга ундашда давом этади (Ёшуа 23–24).

Ёшуа бошчилигида Исроил халқи Иордан дарёсидан ўтишади. Бу воқеа аввалги авлоднинг Мисрдан чиқиб, Қизил денгиздан ўтишига ҳамоҳангдир (Ёшуа 3–4). Шундан сўнг Ёшуа мамлакатнинг маркази, жануби ва шимолида шиддатли ҳарбий юришлар уюштириб, маҳаллий шоҳларнинг кичик шаҳару қалъаларига ҳужум қилиб, уларни вайрон қилади. Бу маҳаллий халқларнинг ўша ерларда сиёсий ва ҳарбий назоратини бузади, аммо кейин узок йиллар давом этадиган секин ўзлаштириш ва ўрнашиш даври бошланади. Худуднинг бир қисми, шу жумладан, Қуддус шоҳ Довуд давригача эгалланмай қолади. Шунга қарамай, Ёшуа китобининг иккинчи ярмида қабилаларга тегишли жойларнинг чегаралари белгиланган, гарчи уларнинг баъзилари, Ҳакамлар китобида кўрсатилганидек, анча эришиладиган мукаммал орзу бўлиб қолмоқда.

## ГЕНОЦИД<sup>5</sup>?

Кўпчиликни Эски Аҳдда Исроил халқининг Канъон юртини забт этишлари ҳақидаги ҳикоялар қаттиқ ташвишга солади. Худо чиндан ҳам Ўз халқига шундай зўравонлик қилишни буюрганми? Буни Худонинг меҳр - шафқати ва севгиси тўғрисидаги билимларимиз билан қандай уйғунлаштириш мумкин? Булар анча жиддий масалалар бўлиб, уларни бу ерда тўлиқ кўриб чиқишнинг имкони йўқ. Аммо, ҳеч бўлмаганда, эътиборга олиниши керак бўлган бир нечта жиҳатларнинг қисқача шарҳини кўриб

---

<sup>5</sup> Геноцид (юнон. γένος “ирқ, одамлар” + лот.қўшим. -caedo “ўлдириш ҳаракати”) – бу халқаро ҳуқуқ нормаларини бузувчи жиноят ҳисобланади. Бу атама аниқ ҳуқуқий таърифга эга бўлиб, у муайян миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳни бутунлай ёки қисман йўқ қилиш мақсадида содир этилган ҳаракатларни англатади.

ўтамиз. Улар барча саволларга жавоб бермайди, лекин бизга дастлабки ҳиссий муносабатлардан узоқроққа қарашга ёрдам беради.<sup>1</sup>

Канъонни забт этиш — бир авлодгагина тааллуқли бўлган, маълум муддат билан чекланган ҳарбий юриш эди. Аҳддаги бошқа урушларнинг аксарияти Худо томонидан маъқулланмаган ва баъзилари қораланган.

Қадимги дунёда уруш ҳақида сўз юритишда қўпол муболағалар ишлатиш урф бўлган – масалан, “нафас олувчи барча йўқ қилинди”, деб айтишган. Ҳолбуки амалда бундай бўлмаган. (Биз ҳам бу турдаги муболағадан спортда фойдаланамиз – жамоамиз рақибни “эзиб ташлади”, “янчиб ташлади, йўқ қилди” деб айтамыз, лекин бундай сўзларни тўғридан тўғри маънода қабул қилмаймиз).

Ҳакамлар китоби Ёшуа китобида тасвирланган ҳарбий юриш натижасида халқларнинг тўлиқ йўқ қилинмаганини кўрсатади. Муқаддас Китоб муаллифлари муболаға ва воқелик ўртасида зиддиятни кўрмаганлар.

Аслида, асосий хужумлар кичик шаҳар-қалалар ва уларнинг подшоҳлари, ҳарбий кучларига қарши амалга оширилган. Улар вайрон этилиб тор-мор қилинган. Канъонликларнинг ҳарбий қудрати синдирилди. Оддий аҳолининг кўпчилиги, эҳтимол, ё тоғларга кетиб қолган, ёки баъзи ҳолларда исроилликлар томонига ўтган.

Ўша вақтга келиб канъонликларнинг ёвузликлари устидан Ўз ҳукмини амалга ошириш учун Худо исроилликларни восита сифатида ишлатгани Муқаддас китобда баён этилади (Левилар 18:24-30; Қонунлар 9:1-6). Бу шунчаки тасодифий геноцид ва ерларни тортиб олиш эмас, балки Худонинг ахлоқий адолатини амалга ошириш эди.

Кейинчалик Худо Исроил халқи устидан ҳам худди шундай ҳукм чиқариб, душманларидан воситачи сифатида фойдаланади – боз устига Худо Канъонга қараганда Исроилга нисбатан урушни жазо сифатида кўп марта қўллаган.

Канъон еридаги душманларнинг мағлубияти бутун Эски Аҳд бўйлаб Худонинг адолатли иши, нажот тарихининг бир қисми сифатида улуғланади. Биз тарихнинг бу қисмини “бешафқат зўравонлик” сифатида эътиборсиз қолдира олмаймиз.

Эътиборли жиҳат шундаки, Исо, ёки Янги Аҳд муаллифларининг ҳеч бири бу воқеаларни танқид қилмаган ва улардан уялиб, хижолат бўлмаган.

Шубҳасиз, Ёшуа китоби, бир томонни мақтовчи, иккинчи томонни эса қораловчи эпик истило ҳақидаги одатий ҳикояга ўхшамайди. Бу ерда қаҳрамон

Исроил ҳам, Ёшуа ҳам эмас, балки Худонинг Ўзидир. Гап ҳатто “Худо кимнинг тарафида?” деган саволда ҳам эмас, балки “Ким Худонинг тарафида?” деган саволда (Ёшуа 5:13-14 га қ.). Шунингдоим ёдда тутишимиз керакки, Исроил Худонинг мақсадларига хизмат қилиш учун мавжуд, (акси эмас, яъни Худо Исроилнинг мақсадларини бажариш учун эмас). Агар улар бу мақсаддан четга чиқса, Худонинг ғазабига дучор бўлишади. Шунингдек, агар улар Худонинг мақсадларига эргашса, Унинг марҳаматига эга бўлишади.

Ушбу тамойил китобнинг дастлабки икки ҳикоясида тасвирланган бўлиб, улар атайлаб бизни ҳайратда қолдириш учун ёзилган. Биз Исроил барча канъонликларни қувиб чиқаради ёки қириб ташлайди, деб ҳисоблашга ўрганиб қолганмиз. Бироқ китобда биз учратадиган биринчи канъонлик имон келтириб, нажот топган ғайрияҳудий аёл Раҳобадир. У Исроил Худосига бўлган имонини эътироф этгани учун ҳимояга эга бўлди (Ёшуа 2:8-14; 6:22–25; шунингдек, Ибронийлар 11:31; Ёқуб 2:25–26). У ягона истисноними ёки бошқа ғайрияҳудийлар ҳам Худога юзланганми?

Охун билан боғлиқ ҳикояда эса биз бутунлай тескари ҳолатни кўрамиз. Худога итоатсизлик қилган бир исроилликка ҳам худди канъонликларга нисбатан қилинган муносабат қилинади, яъни Исроилдан чиқарилади ва жазоланади (Ёшуа 7-боб). Шу тариқа Исроил халқи билиб оладики, Худонинг эшиги Унга юзланган ҳар қандай бегонага очиқ. Бироқ шу билан бирга, яҳудий оиласида туғилиш ва Исроил қабиласига мансуб бўлиш нажот кафолати эмас. Агар инсон ёлғон, фирибгарлик ва итоатсизлик йўлига кирса, у ҳам ҳалокатга дучор бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

## Исроил қабилалари ва ҳакамлари

Ёшуадан кейин тахминан икки аср давомида Исроил қабилалари ўзлари эгаллаган юртни сақлаб қолишга ҳаракат қилишди. Бу давр Ҳакамлар даври деб номланади, чунки бу вақтда халқни бошқарган шахслар ҳакамлар деб аталган. Бироқ бу атама (қадимги яҳудий тилида) суд залида ўтирган ҳакамни эмас, балки умумий маънодаги етакчини англатади. Бундай етакчилар баъзан жангда ҳарбий раҳбарликни амалга оширишган. Баъзан суд қарорларини қабул қилиш орқали жамиятда тартиб ўрнатишган. Баъзан халққа руҳий йўл-йўриқ кўрсатувчини англатади. Ҳакамлар китоби ушбу тартибсиз даврнинг бир неча муҳим хусусиятларини баён қилади. Бу хусусиятлар Худо Довудда Ўз кўнглига мос келадиган одамни топганида содир бўладиган улкан ўзгаришларни тушунишга ёрдам беради.

**Тарқоқлик.** Узоқ вақт давомида Исроил қабилалари забт этиш пайтида канъонликлардан тартиб олинган ерларни сақлаб қолиш ва кенгайтириш учун кураш билан банд бўлган. Улар бир-биридан ажралиб қолган, чунки мамлакатнинг тоғли табиати ва ҳали ҳам канъонликлар назоратидаги ҳудудлар уларни бир-биридан узоқлаштирган. Уларнинг пойтахти ҳам, подшоҳи ҳам, миллий қўшини ҳам йўқ эди. Уларга кўпинча атрофдаги халқлар ҳужум қилган. Баъзан эса ўз ҳалокатига ўзлари сабаб бўлиб, бир-бирлари билан уришишган.

### ЕР

Ер Эски Аҳддаги Исроил имонининг асосий мавзуларидан бирига айланади. Бу Худонинг Иброҳимга берган ваъдасининг бир қисмидир. Исроил ўз ерига нисбатан бир-бирини тўлдирувчи икки тушунчага эга бўлган.

**Бу Худо Исроилга берган ердир.** Исроил яшаши учун ерга эга эди, чунки Худо уни ваъда қилган ва кейин уларга берган эди. Ернинг бундай ҳадя қилиниши Исроил халқига жуда муҳим сабоқ берди: Худога ишонса бўлади. У Иброҳимга берган ваъдасини бажарди. Худонинг Ўз ваъдасига содиқлиги барча тўсиқларни: Мисрдаги зулм ва куллик, исроилликларнинг норозилиги ва исёнлари, душманларининг ҳужумлари ва канъонликларнинг қаршилигини енгиб ўтди. Ер Худо феъл-атворининг ёрқин далили бўлди. Бу ердан олинган ҳар бир ҳосил исроилликларга Худога ишониш мумкинлигини эслатиб турган ва улар бутунлай бунга боғланган. Ҳар бир исроиллик деҳқон биринчи ҳосилини муқаддас жойга миннатдорчилик ва қувонч билан олиб келаркан, бу ҳақиқатни тасдиқлаган (Қонунлар 26:1-11).



**Бу ҳали ҳам Худога тегишли бўлган ердир.** Исроил халқи Канъонга эгалик қилган бўлса-да, Канъоннинг ҳам, бутун ернинг ҳам Олий Эгаси Худо эди(Забур 23:1). Гўёки Эгамиз ернинг хўжайини, Исроил эса Унинг ижарачиси. Бу муносабатларни Худонинг Ўзи айнан шундай тасвирлайди: “Бу ер Меники, - дейди Худованд, - сизлар эса Менинг меҳмонларим ва ижарачиларимсиз” (Левилар 25:23; муаллифнинг таржимаси). Амалда бу шуни англатганки, Худо Ўз еридаги ҳаёт билан боғлиқ барча нарсалар ҳақида қайғуради. Буни Тавротдаги кўплаб иқтисодий қонунлар тасдиқлайди. Ер тижорат мақсадларида сотилиши ва сотиб олинишига оид тақиқловчи қоидалар берилган. Қабилалар ва оилалар ўртасида қандай тақсимланиши кўрсатилган. Ҳосилни қандай тақсимлаш, айниқса, камбағаллар ва мухтожларга нисбатан, шунингдек ерда меҳнат қиладиганлар (одамлар ва ҳайвонлар) билан қандай муносабатда бўлиш этиб ўтилган. Ер аҳолиси қашшоқлик ва қарзларни қандай ҳал қилишга доир кўрсатмалар белгиланган. Шунинг учун Худо номидан гапирган пайғамбарлар иқтисодий жинойатлар ва зулм оқибатида келиб чиққан азоб-уқубатларга қаттиқ норозилик билдиришган. Чунки айрим одамлар катта-катта мулкларга эга бўлишган, бошқалари эса ўз ерларидан бутунлай қувиб чиқарилган. Шунингдек, бу Худонинг Исроил устидан ҳукмининг чўққиси сифатида уларни ердан қувиб чиқариш ва Бобилга сургун қилиш бўлганини кўрсатади. Худонинг кечириши ва Исроилнинг тикланиши исботи эса, тахминан эллик йилдан кейин уларни яна ваъда қилинган ерга қайтишга имкон берганини кўрсатади. Ер Исроил ўзлиги ва аҳд масъулиятининг калити эди.

Шунга қарамай, халқ орасида муайян бир бирлик ҳисси сақланиб қолган эди. Улар “Исроил” деб аталувчи умумий шахсийликка эга эдилар. Уларда бири-бирига ёрдам бериш ҳисси, умумий ишонч ва Яхвега садоқат сақланарди. Бу Добира (Ҳакамлар 4–5 боблар, айниқса, Ҳакамлар 5:6-18) ва Гидўн (Ҳакамлар 6:33–35) ҳикояларида кўринади. Уларнинг ҳаммаси ўзларини *Эгамизнинг* халқи деб биладилар. Эгамиз уларнинг ҳақиқий Шоҳи ва барча маҳаллий етакчилардан устун турувчи олий Ҳакамидир. Ушбу диний садоқат Учрашув чодири ва Аҳд сандиғи жойлашган Шилўда марказлашган эди. Исроил қабилалари ваъда қилинган ерда яшасалар ҳам, ҳали тўлиқ бирлашган миллат эмас эдилар ва бутун ҳудуд назорат қилинмасди.

**Садоқатсизлик.** Ҳакамлар китоби – оғир ўқиладиган ва ғамгин китоб, чунки унда исроилликлар атрофдаги халқларнинг худоларига сиғиниш учун ўз Худоси Эгамиздан қайта-қайта юз ўгирганликлари тасвирланган. Бу воқеалар Ҳакамлар китобининг 2:6-23 оятларида қисқача баён этилган. Уларнинг бу қадар тез-тез бевафолик қилишлари ҳайратланарли туюлиши мумкин, аммо уларнинг

мантиғини ва бу васвасаларга нима учун берилганини тушунишга ҳаракат қилиб кўринг.

Баал – исроилликлар яшашга келган Канъон ерининг асосий худосининг исми. Бу ернинг аҳолиси уни жуда қудратли деб билишган кўринади. Буни уларнинг қишлоқ хўжалиги, савдо-сотик, цивилизация (тасаввур қилинг, улар ҳатто алифбони ихтиро қилишган), шаҳарсозлик соҳаларидаги эришган ютуқларидан кўриш мумкин. Исроилликлар эса Мисрда бир неча авлод қулликда бўлгани, ва охири авлод чўл шароитида кўчманчи ҳаёт кечирганлиги сабабли бу соҳаларда тажрибага эга эмас эдилар. Эҳтимол, исроилликлар маҳаллий худоларнинг ёрдамидан фойдаланиш яхши бўлади, деб ўйлашган бўлишса керак. Баал ёмғир, ҳосилдорлик (ер ва деҳқончилик), жинсий ҳаёт ва насл қолдириш, тижорат ва ернинг худоси ҳисобланган. Бошқача қилиб айтганда, Баал - аҳамиятга эга бўлган барча нарсаларнинг худоси. Эгамизга келсак, исроилликларнинг тарихи шуни кўрсатадики, У жанглarda анча қобилиятли ва улар Унинг ёрдамидан бутунлай воз кечмоқчи эмаслар (улар ўйлагандек). Аммо кундалик, амалий ҳаёт учун, шу юртда яшаш учун Баал ҳам керакдек туюлган.

*Синкретизмнинг* моҳияти ҳам шунда - тирик Худога сиғинишни атрофдаги халқларнинг худоларига сиғиниш билан аралаштириб юбориш. Қадимги исроилликларни айблашдан олдин ҳозирги масиҳийлар улардан қанчалик фарқ қилишини сўраган маъқул. Якшанба куни, албатта, биз Муқаддас Китоб ва Исо Масиҳ орқали таниган Эгамизга топинамиз. Аммо ҳафтанинг қолган қисмида эса ҳаётимизни бизни ўраб турган маданиятнинг бутлари - муваффақият, пул, мавқе, технология, истеъмолчилик, шон-шуҳрат ва бошқалар осонликча бошқаради. Исроилликлар бундай аралашмани аҳд Худоси ва Халоскорга бўлган ишончсизликнинг жиддий кўриниши деб билишади.

**Қутқариш.** Бироқ Ҳакамлар китобида исроилликларнинг такрорланувчи муваффақиятсизликлари эмас, балки уларни қутқарган Худонинг буюк ишлари алоҳида таъкидланган. У буни бир қатор ажойиб эркалар ва аёллар орқали амалга оширади. Улар кимлар ва нима учун уларни ҳакамлар деб аташади?

*Улар Худо томонидан тайинланган.* Улар ўз-ўзларини номзод қилиб тайинламайди (бир киши буни қилишга уриниб кўрди ва охири жуда ачинарли якунлади Ҳакамлар 9-боб). Шунингдек демократик йўл билан ҳам сайланмайди. Худо ташаббусни Ўзига олиб, уларни хизматга чақиради.

*Улар Худонинг воситачиларидир.* Улар Худонинг номидан, Худонинг ҳокимияти билан ҳаракат қилишади. Шунинг учун аслида Худо улар орқали Ўз халқининг ҳақиқий раҳбари сифатида ҳаракат қилади.

*Улар Худонинг адолатини амалга оширади.* Бу баъзан оддий маънода суд фаолиятини ҳам ўз ичига олади. Аммо Худонинг адолати юридик масалаларни ҳал қилишдан кўра кенгроқдир. Агар Худонинг халқига зулм қилинаётган бўлса, демак, бу ерда адолатсизлик бор. Бундай золимлар устидан ғалаба қозониш учун Худо етакчиларни тайинлаб, адолат билан иш кўради ва Унинг вакиллари ер юзида Худонинг адолатини амалга оширувчи ҳакамлар деб аталади.

*Улар Худо Руҳининг кучи билан ҳаракат қилади.* Уларнинг кўплари буюк қаҳрамонлар эмас оддий одамлар бўлишган. Уларнинг буюк ишлари Худо Руҳининг таъсири натижасидир. Гидўн бунга яхши мисол бўла олади: аввалига у Худонинг танловига қарши норозилик билдиради, чунки у ўз оиласида энг кичиги эди. Аммо кейинчалик биз "Эгамизнинг Руҳи Гидўнни қамраб олди" (Ҳакамлар 6:34) деб ўқиймиз. Шунинг учун у мидиёнликларни мағлуб эта олди.

*Улар имон қаҳрамонларига айланади.* Ибронийларга йўлланган мактубда Қадимги Аҳддаги баъзи ҳакамлар имон қаҳрамонлари рўйхатига киритилган (Ибронийлар 11:32). Бу улар ўрнатилган бўла оладиган хулқ-атворнинг мукаммал намуналари эканлигини англатмайди. Улардан баъзилари ғайриноодатий ҳаракатларни қилувчи ўта шубҳали одамлар бўлган. Лекин улар ўз вазиятларига қарамай, Худонинг чақирувига ишонч ва итоаткорлик билан жавоб беришган. Ана шу ҳақиқий имондир.

## “Уч шоҳ”

Биз шоҳ Довудга ва тўртинчи жумламизга тобора яқинлашиб бормоқдамиз. Аммо Исроил бир зумда монархияга айланмади. Ҳакамлар давридан ўтиш жараёни секин кечмоқда. Ушбу ўтиш давридаги муҳим шахс - Шомуил. Унинг тарихи 1 Шоҳлар китоби 1 – 12 бобларда баён қилинган.

**Шомуил.** Шомуил бутун умри давомида Исроил қабилаларига шоҳ каби раҳбарлик қилади (гарчи расмий подшоҳ бўлмасада). Биринчи шоҳ бўлган Шоул кўп жиҳатдан унгача халқни бошқарган ҳакамларга ўхшайди. Шунга қарамай, бу даврда ҳал қилувчи ўзгаришлар содир бўлади. Шомуил охириги ҳакамга айланади. Шоул эса Исроилда биринчи шоҳ бўлади. Ундан кейин эса Худонинг кўнглидаги одам Довуд келади. Бу ўзгаришларга нима сабаб бўлди? Ҳикояда учта омил кўзга ташланади.

*Шомуилнинг етакчилик қобилияти.* Шомуил ёшлигидан Худонинг ўзига хос одами бўлган. У қонун нуқтаи назаридан ҳакам сифатида фаолият юритади. Шунингдек, у кучли ҳарбий қўмондон ҳамдир. Пайғамбар сифатида Худонинг каломини ваъз қилади. Руҳоний сифатида, гарчи Шилўдаги чодирда бўлмаса ҳам (бу ерда Элах ва унинг ўғиллари руҳонийлик қилишган) қурбонликлар келтириш вазифасини бажаради. Бироқ, афсуски, унинг ўғиллари унинг юксак мезонларига жавоб бермайди, оталарининг йўлидан юрмайдилар, балки порахўрлик ва тамагирлик васвасасига берилади. Тақдир тақазосини қарангки, Шомуилнинг юқори даражадаги етакчилик намунаси шоҳга бўлган эҳтиёжнинг пайдо бўлишига туртки бўлади.

*Филистлар.* Улар Исроил душманлари ичида энг хавфлиси эдилар. Бу ғарбий қирғоқ текислигида жойлашган Эгей минтақасидан келган босқинчи халқдир. Улар аллақачон темирдан фойдаланишни билишар, шунинг учун энг яхши қурол ва араваларга эга эди. Филистлар яҳудий қабилаларига нафрат билан қарашган. Уларни жангда енгибгина қолмай, ҳатто бир муддатга аҳд сандиғини ҳам ўғирлашган. Бу ҳолат Исроил халқи учун катта ҳўрланиш эди. Шу боис улар кучли ягона бошқарувга – шоҳга қаттиқ умид қилишади.

*Халқ талаби.* Қабила вакиллари Шомуилнинг олдига келиб, ундан ўзларига шоҳ тайинлашни сўрашади. Бу илтимоснинг замирида нима турганини тушуниш мумкин, аммо у Шомуилга (ёки Худога) икки сабабга кўра маъқул келмайди. Биринчидан, одамлар "бошқа халқлар каби" бўлиш учун шоҳга эга бўлишни хоҳлашади. Аммо Худо Исроилни нафақат диний, балки ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ҳам бошқа халқлардан ажралиб туриш учун чақирган.

Иккинчидан, халқнинг инсоний шоҳга эга бўлиш истаги Худонинг оғир дамларда Ўзи қўйган етакчилар орқали амалга оширадиган ҳукмронлигини рад этишдир. Худо Шомуилга шундай дейди: “Улар сени рад этишмади, ўзларининг шоҳи сифатида Мени рад этишди” (1 Шоҳлар 8:7).

Худо уларга сўраганлари бўйича шоҳ беради. Аммо ундан олдин Шомуил уларга монархия тузуми билан боғлиқ узоқ муддатли салбий оқибатларни аниқ тушунтиради. Улар эски қабила тузуми даврида бошдан кечирмаган нарсалардан, жумладан, солиқлар, мажбурий меҳнат, ерларнинг мусодараси, ҳарбий мажбуриятлардан азоб чекадилар, охир-оқибат, монархия яна қулликка ўхшаб қолади (1 Шоҳлар 8:10-18). Кейинчалик маълум бўлишича, Шомуилнинг огоҳлантиришлари учинчи шоҳ Сулаймон даврида ва ундан кейин янада кўпроқ даражада амалга ошган.

Хулоса қиламиз: Исроилдаги монархияга ўтиш - ҳайратланарли ва зиддиятли ҳодиса. Халқнинг подшоҳ бошқарувини сўраши ўзлигини Худонинг алоҳида муқаддас халқи сифатида қабул қилмаслиги, ва имонсизликнинг гуноҳкорона натижасидир. Эски Аҳднинг кейинги қолган қисми шуни кўрсатадики, деярли ҳар бир Исроил шоҳлари ахлоқий ва руҳий, баъзан эса сиёсий жиҳатдан муваффақиятсизликка учрайди. Бу эса охир-оқибат ҳалокатга олиб келади. Шунга қарамай, Худо бу талабни қабул қилади ва унга жавоб беради. У биринчи шоҳни танлайди. Кейин эса Довудни тайинлайди. Қолаверса, агар шоҳ ҳам, халқ ҳам аҳдга мувофиқ Унга итоат қилишда давом этса, иккаласига ҳам барака беришни ваъда қилади. Агар итоат қилмасалар, иккаласи ҳам жазоланадилар. Кенгроқ нуқтаи назардан қаралганда, узоқроқ истиқболда Худо инсон подшоҳлигининг мукаммал бўлмаган моделини Ўз илоҳий таълимоти учун воситага айлантиради. Бу восита орқали У Ўзини ҳақиқий Подшоҳ сифатида очиб беради ва Олис келажакда келадиган ҳақиқий Масих — Худонинг Муборак мойланган Подшоҳи учун тайёргарлик кўриш усули сифатида фойдаланади.

Шундай қилиб, Исроилдаги шоҳлик даври Эски Аҳд (ва Муқаддас Китоб) илоҳиётининг муҳим қисмини - инсон танлови ва Худонинг мутлақ ҳукмронлиги(суверенитети) ўртасидаги ўзаро таъсирни ёрқин тасвирлайди. Бир томондан, шоҳлик - бузилган, номукаммал ва ҳатто Худонинг ҳукмронлигини рад этувчи сифатида намоён бўлади. Бироқ, бошқа томондан, Худо ўзининг суверен бошқаруви билан уни қабул қилади, у билан ва у орқали ишлайди, уни Ўзининг узоқ муддатли нажот режасига киритади. Исо Масих шахсиятининг бир қисмини тушуниш учун моделга айлантиради.

**Шоҳ Шоул.** Шоул – Муқаддас Китобдаги фожиали якун топган шахслардан бири. Унинг тарихи бутун 1 Шоҳлар китобини эгаллайди. Исроилнинг биринчи шоҳи ҳам, у эгаллаб турган тахт ҳам зиддиятли эди. Бир томондан, у кўплаб

истеъдодларга эга, баланд бўйли ва кучли. Дастлаб у Шомуил билан дўстлашади ва унинг қўллаб-қувватлашига сазовор бўлган. Бир нечта жангларда ғалаба қозонади. Аммо, бошқа томондан, уни ҳалокатга олиб келган жиддий нуқсонлари ҳам бор. У Шомуилнинг айтганларига эътибор бермайди. Бир нечта жуда аҳмоқона қарорлар қабул қилади (ва ҳатто ўзининг аҳмоқлигини тан олади). Довудга нисбатан ҳеч қандай асоссиз шубҳа ва ўлдирувчи ҳасадга берилади. Шунчалик руҳий ёлғизликка дучор бўладик, у арвоҳ чақирувчи аёл орқали ўлган Шомуилдан ёрдам сўрашга ҳаракат қилади (унинг ўзи тақиқлаган амалиёт). Ниҳоят, унинг қўшинлари филистлар томонидан мағлуб бўлганида (яна) ўз жонига қасд қилади. Исроилликлар филистларни мағлуб этиш учун шоҳ сўраган эдилар. Аммо уларнинг биринчи шоҳи ўлганида, улар филистларнинг янада кучли зулми остида қолдилар.

**Шоҳ Довуд.** Шоулнинг ўлиmidан сўнг узоқ давом этган ёқимсиз фуқаролар уруши бошланади. Аммо охир - оқибат Довуд (у кўп йиллар олдин Шомуил томонидан мойланган) шоҳ сифатида тан олинади. У етти йил давомида ўз қабиласи Яхудо ерида - Хевронда ҳукмронлик қилади. Аммо кейин у бутун инсоният тарихи учун катта аҳамиятга эга бўлган қадамни қўяди. У тоғда жойлашган кичкина шаҳар Қуддусни ёбуслардан тортиб олади ва уни ўз салтанатининг мустаҳкам пойтахтига айлантиради. Стратегик нуқтаи назардан бу жуда яхши танлов эди. У мамлакатнинг деярли марказида жойлашган ва мудофаа учун қулай эди. Довуд у ерда ўзига сарой қуради ва Қуддусни ўз шоҳлигининг, яъни барча Исроил қабилаларининг марказига айлантиради (2 Шоҳлар 2-5 боблар). У Қуддусда яна ўттиз уч йил шоҳлик қилади.

Бу пойтахтда мустаҳкам ўрнашиб олгач, Довуд бошқарув тизимини яратади ва атрофдаги кўплаб халқларни мағлуб этиб, уларни ўзига ўлпон тўлашга мажбур қилади (шу тариқа у катта бойлик тўплайди). Аввало, у филистлар устидан узил-кесил ғалаба қозонади ва халққа душманлардан дам олиш имконини беради. Ниҳоят, Мусо ва Ёшуа давридан бир неча аср ўтгач, исроилликлар ваъда қилинган Юртни тўлиқ эгаллайди.

Шунингдек, Довуд Қуддусга аҳд сандиғини олиб келади ва буни халқ катта шодлик билан кутиб олади (2 Шоҳлар 6-боб). Аҳд сандиғини жойлаштириш учун маъбад қурмоқчи бўлади, лекин Худо унга бу вазифани ўғли амалга оширишини айтади. Тез орада Қуддус нафақат Довуд шаҳри, балки Худо шаҳри Сион сифатида машҳур бўлади. У Исроил қабилаларининг имон ва топиниш марказига айланади.

Дарҳақиқат, Довуд Худонинг кўнглидаги одам бўлиб, буюк ишларни амалга оширган.

Бироқ Муқаддас Китоб воқеаларни ҳаққоний баён қилиши яна бир бор намоён бўлади. Довуд зино, алдов ва режалаштирилган қотилликни ўз ичига олган гуноҳлар гирдобига тушиб қолади. Бу ҳақда 2 Шоҳлар китоби 11-12 бобларда – Довуд ва Ботшева ҳақидаги ҳикояда баён қилинган. Гарчи Довуд тавба қилган бўлса - да, унинг хатоси оқибатлари унинг оилавий ҳаётини захарлайди. Ўғилларидан бирига худди шундай хатти-ҳаракати учун таъна қилишга унинг ахлоқий жиҳатдан ҳаққи йўқ бўлиб қолади. Унинг бошқа ўғли Абсалом отасига қарши уруш бошлайди ва бу урушда ўзи вафот этади. Бу эса Довуднинг оғир қайғусига сабаб бўлади (2 Шоҳлар 13–18).

Солномалар китобларида ёзилишича, Довуд вафотидан олдин ўғли Сулаймонга Исроил Худоси учун маъбад қуриш режасини топширади. Шунингдек, Солномалар китобларида Довуд ва халқининг улкан бойликлари қайд этилган (1-Солномалар 28–29).

**Шоҳ Сулаймон.** Қисқа, аммо қонли даврда рақибларни аёвсиз қириб ташлаган Сулаймон шоҳ бўлади. Унинг ҳукмронлиги узоқ ва шонли давом этди, аммо унда қоронғу томонлар ҳам бор эди. Сулаймоннинг ҳаёти ва шоҳлиги ҳақида 3 Шоҳлар китоби 1–11-бобларда баён қилинган.

Ижобий томони шундаки, Сулаймон бутун мамлакат учун маъмурий тизим яратади ва баъзи мудофаа шаҳарларини мустаҳкамлайди. У Исроилга тарихида илк бор ва сўнгги марта тўлиқ тинчлик даврини таъминлайди. У ўзининг бойлиги ва донишмандлиги билан халқаро обрўга эга бўлиб, Қуддусни маданият, халқаро савдо ва дипломатия марказига айлантиради. У қурилиш лойиҳалари ва тижорат ишларида қатнашади. Аввало, у отаси Довуд қуришни режалаштирган маъбадни қуради. Уни ажойиб ибодат билан Худога бағишлайди (3 Шоҳлар 8-боб). Сулаймон Худодан нафақат ўз халқи Исроилнинг, балки маъбадга келиб, Исроилнинг Худоси Эгамизга ибодат қиладиган барча бегонаю мусофирларнинг ибодатларини ҳам эшитишини сўрайди. Нега Худо *бошқа халқ вакилларининг* ибодатларига жавоб бериши керак? Токи Эгамиз исми бутун ер юзида маълум бўлсин – бу Иброҳим билан тузилган аҳдга ҳамоҳанг бўлган Хушхабар элчилиги руҳида. (3 Шоҳлар 8:41–43).

Салбий томони шундаки, Сулаймон ва шимолий қабилалар ўртасида кучли зиддият юзага келади. Чунки улар жанубда биргина мағрур Яхудо қабиласи ҳукмронлик қилаётганини ёқтирмайдилар. У Шомуилнинг салбий маънодаги башоратларини амалга оширади. Солиқлар ва мажбурий меҳнатни жорий этиб, мамлакатда бойлар ва камбағаллар ўртасида бўлинишни юзага келтиради. Бу вақт ўтиши билан янада ёмонлашади, кўп норозилик ва қайғуларга сабаб бўлади. Энг ёмони, Эгамиз учун маъбад қурганига қарамай, Сулаймон кўплаб чет эллик аёлларга уйланади ва сиёсий иттифоқлар тузади. Бу эса бошқа худоларга

сиғинишнинг кириб келишига сабаб бўлиб, Исроилнинг соф имонини хавф остига қўяди. Қисқача айтганда, Сулаймон Худонинг Исроил шоҳларига қўйган учта чекловини ҳам бузган. Қонунлар китоби 17:14-20 оятларда ёзилишича, Исроил шоҳи ўзи учун қурол - аслаҳа, аёллар ва бойликни кўпайтирмаслиги керак (бошқа халқларда, шу жумладан, бугунги кунда ҳам сиёсий ҳокимиятнинг афзалликлари ҳисобланган нарсалар). Сулаймон учаласини ҳам кўпайтирган.

Сулаймон вафотидан кўп ўтмай, милoddан аввалги 930–йилда Қуддус саройидаги золимона сиёсатдан шимолий қабиаларнинг ғазаб косаси тўлади. Улар Сулаймоннинг ўғли Рахабомга қарши қўзғолон кўтариб, ажралиб чиқдилар ва жанубдаги Яҳудо шоҳлигидан фарқли ўлароқ, шимолда алоҳида шоҳлик - Исроил шоҳлигини ташкил этдилар. Худонинг халқи бўлиниб кетди. Чуқур жароҳатлар қолди.

Шоул, Довуд ва Сулаймон давридаги ягона монархия (яъни барча қабиалар устидан ҳукмронлик) атиги бир аср давом этди. Худонинг кўнглидаги одам ўз авлодида ўз ролини ўйнади, лекин унинг гуноҳлари ва халқнинг ўсиб бораётган гуноҳлари кетма-кет фалокатларни келтириб чиқарди.



## Довуд билан тузилган аҳд

Ушбу даврнинг энг муҳим воқеаси — Худонинг Довуд билан аҳд тузганидир. Бу ҳақида 2 Шоҳлар 7-бобда сўз юритилади. Бу ҳикоянинг асосий қисми мана:

“<sup>11</sup>...Мен, Эганг, сен учун [Довуд учун] бир хонадон яратаман, деб айтмоқдаман. <sup>12</sup>Сен оламдан ўтиб, ота-боболаринг ёнига дафн қилинганингдан кейин ҳам, Мен ўғилларингдан бирини, пушти камарингдан бино бўлган фарзандингни шоҳ қилиб, унинг шоҳлигини мустаҳкамлайман. <sup>13</sup>Менга атаб уйни у қуради. Мен эса унинг шоҳлик тахтини то абад мустаҳкам қиламан. <sup>14</sup>Мен унга ота бўламан, у эса Менга ўғил бўлади. Агар гуноҳ қилса, ота ўғлини жазолагандай, Мен ҳам уни жазолайман. <sup>15</sup>Сени шоҳ бўлсин деб, Шоулни марҳаматимдан маҳрум қилган эдим. Лекин ўғлингдан ҳеч қачон марҳаматимни дариғ тутмайман. <sup>16</sup>Хонадонинг ва шоҳлигинг Менинг олдимда абадий туради, тахтинг то абад мустаҳкам бўлади”.

(2 Шоҳлар 7:11–16).

Довуд Худо учун уй қурмоқчи эканлигини билдиради. Худо эса Унга уй керак эмаслигини айтади (гарчи У Довуднинг ўғли Сулаймонга маъбадни қуришга рухсат берган бўлса ҳам). Тўғрироғи, Худо Довуд учун хонадон, яъни шоҳлар сулоласини барпо қилади.

Худонинг Довудга берган ваъдаси, олдинги парчадан кўрганингиздек, тўртта нарсани ўз ичига олади:

1. Довуд авлодларидан бири Исроилга шоҳ бўлади ва келажакда ҳам подшоҳлик қилади. Биринчиси Довуднинг ўғли Сулаймон бўлди.

2. Довуднинг Исроилга шоҳ бўладиган ўғиллари Худонинг ўғиллари деб ҳисобланади. Гап уларнинг илоҳийлиги ҳақида эмас, балки Худо уларни Ўзи билан муносабатларда ота ва ўғил сифатида қабул қилиши ҳақида кетмоқда (Забур 2:7).

3. Бу ота ва ўғил муносабатлари Худонинг меҳр-муҳаббатини ва подшоҳнинг итоатини ўз ичига олади, лекин гуноҳ қилинганда жазо хавфи ҳам бор (Исроил билан тузилган аҳддаги каби). Шундай қилиб, Довуд наслидан бўлган подшоҳ Худо қонунига риоя қилиш учун жавобгар бўлиб қолади. Бу маънода Довуд билан аҳд Синай аҳдини алмаштирмайди, балки подшоҳга халқнинг бошқа аъзоларига юклатилган ўша мажбуриятларни юклайди. Эгамиз ҳали ҳам Исроилнинг ҳақиқий Шоҳидир. Инсонлардан бўлган шоҳ эса худди у бошқараётган халқ каби Эгамизга итоат этиши керак.

4. Довуднинг хонадони ва шоҳлиги абадий бўлади. Бу, Довуднинг ўғли Худонинг халқи устидан абадий ҳукмронлик қилишини англатади.

Бу ваъда шунчалик ажойибки, Довуднинг ўзи буни англаш учун ўтириб олишига тўғри келади (Синодал таржимада: "Эгамизнинг ҳузурида турди" – тарж. эслатмаси). Сўнгра бундай саховат учун Худога такрорий муҳим дуо билан миннатдорчилик билдиради (2 Шоҳлар 7:18-29). Бу ваъда ва Сулаймон қурган маъбаднинг улуғворлиги натижасида Исроилда Сионга — Довуд шаҳри ва Худо шаҳрига бағишланган ибодат ва мадҳлар оқимини юзага келтиради. Ҳақиқатдан ҳам, Исроилнинг сажда ибодатлари тўпламида Сион ҳақидаги саноларнинг алоҳида тўплами мавжуд. Қуйида шундай забурларнинг илоҳий туйғуларини кўриш мумкин. Художўй исроилликларнинг қалбида Қуддус-Сион-Маъбад уйғотган ҳис-туйғуларга бу бир мисол бўла олади. Ушбу ва шунга ўхшаш бошқа санолар Довуднинг Қуддусни ўз пойтахти этиб танлаши ва ўғлига у ерда Эгамиз учун маъбад қуришни топшириши, шунингдек, Худонинг Довуд ва унинг хонадонига берган ваъдасини бажариш қарорининг натижасидир.

<sup>2</sup>Эгамиз буюқдир!

Эгамиз Ўз шаҳрида,

Ҳа, Ўзининг муқаддас тоғида

Мадҳияларга лойиқдир!

<sup>3</sup>Худонинг муқаддас тоғи юксак ва гўзалдир,

Бутун ер юзига шодлик олиб келади!

Буюк Шоҳнинг шаҳридаги,

Унинг шимолидаги Сион тоғи!

(Забур 47:2–3).

<sup>2</sup>Сенинг маконинг ажойибдир,

Эй Сарвари Олам!

<sup>3</sup>Эй Эгам, Сенинг ҳовлингга кирмоқни

Жоним истар, ҳатто орзиқар.

Эй барҳаёт Худо! Қалбим,

Вужудим севинч ила Сенга куйлар.

(Забур 83:2–3).

<sup>2</sup>Эгамиз яратган шаҳар муқаддас тоғда турибди,

Ёқуб наслининг барча масканларидан кўра,

Эгамиз Қуддус дарвозаларини кўпроқ севади.

<sup>3</sup>Эй Худонинг шаҳри!

Сен тўғрингда Худо ажойиб сўзлар айтган:

(Забур 86:2–3).

<sup>13</sup>Эй Эгам, Сен Қуддусни танлагансан,  
У ерни Ўзингга маскан қилишни истагансан.

<sup>14</sup>Сен шундай дединг:

“Мен то абад яшайдиган жой шу жойдир,  
Бу ерда истиқомат қилишни истаганман”.

(Забур 131:13–14).

Бироқ иккита катта муаммо юзага келади. *Биринчиси: ўзига ҳаддан зиёд ишониш муаммоси.* Халқ Худонинг Довуд авлодига берган ваъдасидан шунчалик хабардор эдики, Худо Қуддусни Ўзининг яшаш жойи сифатида танлаганига, Худо ҳар доим Ўз шаҳри ва маъбадини ҳимоя қилишига шунчалик ишонишардики, натижада ўзларидан кетиб такаббурликка берилдилар. Шоҳ ва халқ қандай яшашидан қатъи назар, Худо Унинг шаҳри ва маъбадининг вайрон бўлишига ҳеч қачон йўл қўймайди, деб ўйлашади улар. Шунинг учун Довуддан кейин бир неча аср ўтгач, Еремиё пайғамбар Қуддусда шоҳлик қилаётган ва даҳшатли бузуқликка берилиб кетган Довуднинг авлодларини Худонинг адолатидан четда қолмасликлари ҳақида огоҳлантириши керак. Кейинги бобда кўрамизки, Худо ҳам Ўз таҳдидларини, ҳам Ўз ваъдаларини бажаради (Еремиё 7:1–5; 22:1-30).

*Иккинчиси: муваффақиятсизликлар муаммоси.* Сулаймондан бошлаб Довуд авлодидан бўлган деярли ҳар бир шоҳ фақат икки истиснодан ташқари (Ҳизқия ва Йўшиё) Худога бўйсуниб яшай олмаган. Худога отасига итоат қилувчи ўғилдек бўлиб яшай олмади. Сулаймоннинг ўғли Рахабом шунчалик золим ва ақлсиз хукмронлик қилдики, натижада у ўз подшоҳлигининг бешдан тўрт қисмини йўқотди ва Яхудо подшоҳлиги ўн икки қабиланинг фақат кичик бир қолдиғи бўлиб қолди. Охир-оқибат, асрлар давомида пайғамбарлар томонидан қилинган огоҳлантиришлардан кейин Довуд авлодидан бўлган охирги шоҳ – Зидқия ўз шоҳлигини, ўз шаҳрини, ўз ўғилларини ва ҳатто ўз ҳаётини даҳшатли фалокатда йўқотади. Бу фожиа милоддан аввалги 587(6) йилда юз беради. Бобил шоҳи Навухадназар Қуддусни вайрон қилиб, халқни сургун қилади.

Довуднинг шоҳлиги қулади. Наҳотки Худонинг Довудга берган ваъдаси, Худонинг кўнглидагидек инсонга берилган ваъда амалга ошмаган бўлса? Бу жуда оғир савол ва бу ҳақда сиз милоддан аввалги 587 йилдаги фожиадан кейин ёзилган Забур саносида ўқишингиз мумкин. Биринчи қисмда Худонинг Довудга берган ваъдалари улуғланади (Забур 88:2-38). Аммо кейин бизни иккинчи қисмдаги таъна, айблов саволлар ҳайратга солади (Забур 88:39-51). У қуйидаги сўзлар билан тугайди: “Эй Раббий, қани олдинги буюк севгинг? Садоқатинг ила буни Довудга ваъда берган эдинг–ку!” (Забур 88:50). Улар қаёққа йўқолди?

Аммо йўқ. Худо Ўз ваъдасини унутмади. Қуддусда шоҳлик қилаётган Довуднинг ўғли энди йўқ (аслида, энди на Яхудо шоҳлиги, на Исроил шоҳлиги

бор). Аммо Худо Довудга берган ваъдасидан воз кечмади. Аксинча, бу ваъда кутишга, умидга, пайғамбарлик башоратига айланади. Худо келажакда яна Довуднинг ўғлини тирилтиради, у Худо халқининг ҳақиқий шоҳи ва чўпони бўлади ва Унинг салтанати ҳақиқатан ҳам абадий бўлади. Бу Исроил ва унинг Муқаддас Ёзувларининг буюк умидига айланади.

Куйида Довуднинг бўлажак ўғли ва унинг абадий шоҳлигига бўлган умумий умидни ифодаловчи пайғамбарларнинг баъзи матнлари келтирилган:

“<sup>6</sup>Мана биз учун бола туғилди, Ўғил бизга берилди. Хукмронлик Унинг зиммасидадир, Номи Ажойиб Маслаҳатчи, қудратли Худо, Абадий Ота, Тинчлик Шаҳзодасидир. <sup>7</sup>Довуднинг тахтида Унинг хукмронлиги ортиб боради. Тинчлик то абад ҳукм суради. Ҳозирдан бошлаб, то абад У адолат ва ҳақиқат ила Шоҳлигини мустаҳкамлаб, барқарор қилади. Сарвари Олам жон куйдириб, Буни бажо айлайди”.

(Ишаё 9:6–7).

“<sup>1</sup>Эссайнинг [Довуднинг отаси] томиридан новда ўсиб чиқади, Ҳа, унинг илдизидан кўчат ёйилади. <sup>2</sup>Унинг устида бўлади Эгамизнинг Руҳи. Бу донолик ҳамда ақл–идрок, Насихат ва куч–қудрат Руҳидир, Эгамизни билиш ва Ундан қўрқиш Руҳидир. <sup>3</sup>Ўша Эссай фарзанди Эгамиздан қўрқишдан завқ олар, Ҳукм қилмас кўзлари кўргани ила, Ажрим қилмас эшитганлари ила. <sup>4</sup>У адолат ила бечорани ҳукм қилади, Тўғрилиқ ила ер юзи мазлумларини ажрим қилади. Бир оғиз сўзи билан золимни жазолайди, Нафаси ила фосиқни ўлдиради”.

(Ишаё 11:1–4)

<sup>5</sup>Эгамиз демоқда: “Шундай кунлар келадики, Мен Довуд наслидан солиҳ бир новдани етиштираман. Бу Шоҳ донолик билан хукмронлик қилади. Адолат ва тўғрилиқ билан иш тутади. <sup>6</sup>Унинг хукмронлиги даврида Яхудо халқи бехатар яшайди, Исроил халқи осойишта ҳаёт кечиради. Ўша Шоҳни “Эгамиз — нажоткоримиз” деб аташади”.

(Еремиё 23:5–6)

Михо пайғамбарнинг башоратига кўра, Исроилнинг бўлажак шоҳи Довуд шаҳри Байтлахмда туғилади (Михо 5:2-4) ва унинг хукмронлиги бутун ер юзига тарқалади.

Агар жамоатлардаги Исонинг туғилган куни муносабати билан ўтказиладиган байрамларда қатнашган бўлсангиз, бу парчалар сизга таниш туюлиши мумкин. Масиҳийлар Довудга берилган дастлабки ваъдага асосланган бу башоратлар ҳақиқатан ҳам Носиралиқ Исонинг, Матто тасвирлаганидек,

“Иброҳим ва Довуд авлодидан бўлган Исо Масих”нинг ҳаётида амалга ошганига ишонишади (Матто 1:1).

Ушбу боб бошида айтилган фикрга қайтадиган бўлсак, ҳаворий Павлус Римликларга ёзган мактубининг бошида ҳам, охирида ҳам айнан шу ғояни алоҳида таъкидлайди (Римликлар 1:3; 15:12). Павлуснинг Хушхабари асосида Худонинг Иброҳим ва Довудга берган ваъдасини амалга оширган Зот хочга михланган ва тирилган Носиралик Исо эканлигидир. У ҳақиқатан ҳам буюк Довуднинг улуғвор Ўғлидир. Шу сабабга кўра шоҳ Исо Ўз тирилиши туфайли бутун ер юзидаги барча ҳукмдорлар устидан Худо ва Шоҳ деб эълон қилинган Павлус эса бу ҳақиқатни оламга жар солади ва қайсарни «худо» деб эътироф этишни талаб қилган Рим империясининг тажовузига қарамай, бу ҳақиқат учун азоб тортишга тайёр.

Исони Довуд наслидан бўлган Масих ва ҳақиқий Шоҳ деб тан олиш фақатгина Павлуснинг сўзларига асосланмайди. Худо Отанинг шахсий шаҳодати ва обрўсига асосланган. Хизматининг бошида Исо Иордан дарёсида Яҳё томонидан сувга чўндирилганида, осмондан Худонинг овози эшитилади ва У ҳақида шундай дейилади: “Сен Менинг севикли Ўғлимсан, Сендан ниҳоятда мамнунман” (Марк 1:11). Бу сўзлар Забур 2:7да Худонинг шоҳ Довудга айтган сўзларини акс эттиради.

Довуд ўғли Исо Худонинг Ўғли, Худонинг кўнглидаги Одамдир.

## Бешинчи боб

### Пайғамбарлар фаолияти ва вазифаси

*“... Шудир Унинг сендан қилган талаби: Адолатли иш тутгин, меҳр–шафқат қилишдан завқ олгин, Камтар бўлиб, Худонинг йўлидан юргин”.*

**Михо 6:8**

Шу холосми?

Худо Исроил халқидан (ёки биздан) шуни талаб қиладими? Фақат шу учта талабми?

Аммо Чиқиш, Левилар ва Қонунлар китоблари анча қалин китоблар бўлиб, уларда (яхудий дўстларимиз шундай дейишади) олти юздан ортиқ амр-у фармонлар бор. Шундан кейин Худо талаб қиладиган нарсa бор-йўғи – *адолат, меҳрибонлик* (ёки раҳм-шафқат, ёки садоқат - бу ерда таржималар фарқ қилади) ва Худо олдида *камтар бўлишми*?

Бу кимнинг фикри?

Бу Михо пайғамбар айтган гаплар. Михо пайғамбар китоби 6:8да айтилишича, у Худонинг Ўзидан бу сўзларни олган: “Эй инсон, нима яхши эканлигини Эгамиз сенга аён қилди”. Олти юздан ортиқ амр берган Худонинг Ўзи уларни ана шу учта амр билан қисқача ифодалади. Эҳтимол, Исо “қонуннинг адолат, шафқат ва имон каби энг муҳим таълимотлари” (Матто 23:23) деганда, айнан шу учта амрни назарда тутгандир.

Кириш қисмида таъкидлаганимиздек, бу ҳолат Худонинг Ўз халқига юборган хабарини бу қадар кескин умумлаштиришининг биринчи мисоли эмас. Қонунлар китоби кўрсатадики, Мусо ҳам худди шундай йўл тутган. Фақат у амрларни бештагача қисқартиришга муваффақ бўлган: “<sup>12</sup>Эй Исроил халқи! Эгангиз Худо сизлардан битта нарсани талаб қилади: Эгангиз Худодан *қўрқинг*, Унинг йўлидан *юринг*, Эгангиз Худони *севинг*, бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан Унга *хизмат қилинг*.<sup>13</sup> Мен бугун сизларга бераётган Эгамизнинг амру фармонларига *риоя қилинг*, шунда бахтиёр бўласиз” (Қонунлар 10:12–13; курсив муаллифники).

Қўрқинг, юринг, севинг, хизмат қилинг ва риоя қилинг... бўлди.

Ниҳоят, Матто 22:34–40 да Исо бутун қонун ва пайғамбарларни (деярли бутун Эски Аҳдни) энг буюк деб атаган иккита асосий амрга умумлаштириб, энг кучли қисқартиришни амалга оширади: (1) “Эгангиз Худони бутун қалбингиз

билан, жону дилингиз билан, бутун вужудингиз билан севинглар” (Қонунлар 6:5) ва (2) “Ўзгани ўзингизни севгандай севинг. Мен Эгангизман” (Левилар 19:18).

Қонуннинг ушбу қисқача баёнларидан мақсад - Худо билан тўғри муносабатларни ўрнатиш учун ҳар бир талаб ва амр ёнига шунчаки бажарилди деб, белги қўйиш етарли эмаслигини эслатишдир. Худо билан тўғри муносабат - бу Унга тўлиқ садоқатли бўлиш демакдир. Бу муносабат Худога нисбатан севги ва камтарона итоаткорлик (вертикал муносабатларда) ҳамда одамларга нисбатан адолат ва раҳм-шафқат (горизонтал муносабатларда) орқали ифода этилади. Эски Аҳдда Худо ва Исроил ўртасидаги аҳдлашув муносабатларининг моҳияти шундан иборат эди. Пайғамбарларнинг вазифаси (кўпинча ношукр иш) одамларга бу ҳақиқатни эслатишдан иборат бўлган.

Демак, бешинчи жумла пайғамбар тилидан, айнан милоддан аввалги VIII асрда Яҳудо шоҳлигига қарши бўлган Михо пайғамбар лабларидан чиқади. Унинг ваъзлари ўз исми билан аталган китобга жамланган ва Муқаддас Китобга киритилган. Ушбу бобда биз Эски Аҳднинг энг катта бўлими - Пайғамбарларни кўриб чиқамиз. Улар ким эди? Уларнинг вазифаси нимадан иборат бўлган? Улар қачон яшаган? Биз танлаган жумла уларнинг ваъзларини қанчалик тўғри акс эттиради?<sup>1</sup>

## Худо номидан сўзлаш

Исроилда кўплаб пайғамбарлар бўлган, аммо Муқаддас китобда улардан фақат ўн бештасининг номи билан аталган китоблар мавжуд. Бу иккисини ажратиш кўриш муҳим.

Эски Аҳд даврида Худо Исроилга кўплаб пайғамбарларни юборган, аммо уларнинг аксарияти ўзидан кейин китоб қолдирмаган. Мусо пайғамбар эди. Унинг опаси Марям ҳам пайғамбар бўлган (Чиқиш 15:20; Михо 6:4). Дарвоқе, Мусо қайсидир маънода ўзидан кейинги барча пайғамбарларга намуна бўлди (Қонунлар 18:18). Шунингдек, Шомуил, Натан, Илёс, Элишай исмлари ҳам машҳур. Тарихий китобларда тилга олинган, лекин исмлари ёзилмаган бошқа пайғамбарлар ҳам кўп бўлган. Энг кўзга кўринган пайғамбарларнинг айримлари аёллардир, масалан, Марям ва Добира.

Эски Аҳдда пайғамбарлар номи билан аталган ўн бешта китоб мавжуд. Уларда пайғамбарларнинг ваъзлари ва башоратлари жамланган. Пайғамбарлар китоби икки гуруҳга ажратилади: катта пайғамбарлар деб аталувчи учта китоб: Ишаё пайғамбар китоби, Еремиё пайғамбар китоби, Ҳизқиёл пайғамбар китоби ва Ўн икки пайғамбар китоби.<sup>2</sup> Бу ўн икки пайғамбар – Хўшея пайғамбардан Малаки пайғамбаргача - баъзан Кичик пайғамбарлар деб аталади. “Кичик” сўзи фақат китобларининг ҳажмига тегишли, аммо уларнинг меҳнати Раббимиз учун муҳимлиги билан боғлиқ эмас. Уларнинг баъзилари ҳақиқатан ҳам жуда муҳим. Ўн Икки пайғамбар китоби ҳажми жиҳатидан Еремиё пайғамбар китобига таққосланади.

Пайғамбарлар - *Худо номидан гапирадиган инсонлар (эркаклар ҳам, аёллар ҳам)*. Содда қилиб айтганда, пайғамбарлар Худонинг элчилари, Унинг карнайи/овози. Турли замонларда Худо пайғамбарлар орқали одамларнинг қулоғига, онгига ва қалбига Ўз иродасини етказган. Пайғамбар фақат Худо айтишни истаган нарсани гапиради. Шу сабабли пайғамбарларнинг сўзлари кўпинча “Эгамиз шундай дейди” деган ибора билан бошланади ёки тугайди.

Бугунги кунда кўпинча келажакни башорат қилувчи одамларни *пайғамбар* деб, *пайғамбарлик* сўзларини эса башорат сўзлари деб аташади. “Мен пайғамбар эмасман,” деймиз биз, яъни: “Мендан келажакни башорат қилишни сўрама. Нима бўлишини билмайман” деган фикрни назарда тутамиз. Аммо Муқаддас Китобдаги пайғамбарлар бутун вақтини келажакни айтиб бериш билан эмас, ўша пайтда яшаб турган одамларга Худо сўзини етказиш билан банд бўлганлар.



Пайғамбарларнинг вазифаси — ўз замонидаги Исроил халқига нисбатан Худо ўша пайтдаги уларнинг вазияти ҳақида нима ўйлаб, қандай муносабат билдиришини тушунтириш. Баъзан улар келажак ҳақида ҳам *гапиришган* (огоҳлантириш, ёки далда сифатида). Бироқ булар билан одамларнинг тавба қилиб ўзгаришлари, хатти-ҳаракатларини ўзгартиришлари ёки Худога ишонган ҳолда унга итоат қилишлари мақсад қилинади. Бошқача айтганда, келажак ҳақидаги башоратлар шунчаки узоқни кўрсатиш эмас, балки ҳозирги хатти-ҳаракатларга таъсир қилиши керак бўлган. Пайғамбарлар *башоратчилар* эмас, айнан пайғамбарлардир.

## Хабарни қабул қилиш

Келинг пайғамбарлар қайси тилдан фойланганини ва уни қандай қўллаганини кўриб чиқамиз. Эсингизда бўлса, улар воиз эдилар, шаҳар кўчаларида халойиққа мурожаат қилардилар. Демак, уларнинг сўзлари дастлаб *ёзиб ўқиш учун* эмас, балки *оғзаки* айтилиб эшитиш учун мўлжалланган.

**Ишонтириш усуллари.** Пайғамбарлар агар тингловчилари ўз йўлларини ўзгартирмасалар, уларга чинакам хавф таҳдид солишини Худодан билиб олишган. Улар, шунингдек, кўпинча зўравонлик билан боғлиқ бўлган катта қаршиликларга дуч келишади. Биз уларни хушмуомала муҳокамалар ёки илмий баҳсларда иштирок этаётган деб тасаввур қилмаслигимиз керак. Улар одамларни ўз сўзларига ишонишга ва шунга мувофиқ ҳаракат қилишга кўндиришга интиладилар. Баъзида улар бирор муаммога одамларнинг *эътиборини жалб қилишлари* керак бўлган. Шунинг учун баъзан пайғамбарларнинг тили дабдабали, кескин ва даъваткор бўлиб туюлади. Улар киноя қилишади, масхара қилишади, баъзида ўзларини жирканч ва ҳақоратомуз тутишади. Одамларни тинглашга мажбур қилиш учун қўлларидан келган барча ишни қилишади. Афсуски, билганингиздек, исроилликлар аксарият пайғамбарларнинг сўзларига қулоқ солмай, ўзларини ҳалокатга олиб келган йўлдан боришни афзал кўрдилар. Аммо энди улар огоҳлантирилмаганликларини айта олмайдилар.

**Шеърий таъсирчанлик/жонлилик.** Пайғамбарлар кўпинча шеърий услубда гапирган ва ёзган (иброний шеърияти ҳақида охирги бобда фикр юритамиз). Агар пайғамбарлик китоблари саҳифаларига назар солсангиз, наср матнларнинг катта қисмлардан фарқли ўлароқ, қисқа сатрлар ва абзац чекинишлари билан ёзилган шеърий парчаларни осонгина ажратиб олиш мумкин. Пайғамбарлик хабарлари баъзан жуда ёрқин иборалар, ноодатий жумлалар ва образлар билан қисқа-қисқа келади. Шериятнинг моҳияти шунда: у жуда оз сўз билан кўп маънони ифодалашга интилади. Бу эса ёдда сақлашни осонлаштирган. Қолаверса, шерият тилдан махсус усулларда, яъни тасвирий ифодалар, қиёслашлар, метафоралар, рамзлар ва шу кабилар орқали фойдаланишга мойил. Шеърий тил, одатда, сўзма-сўз тушуниш учун мўлжалланмаган. Шеърий парчаларда муаллиф ниятини, ҳис-туйғусини, хабарини излаш керак, булар шеърий шакллар ёрдамида бир неча бор кучайтирилиб, сўзларга сингдирилган бўлади.

Агар вақтингиз ва қўлингизда Муқаддас Китоб бўлса, Еремиё пайғамбар китобининг 2-бобига қаранг. Қуйида ушбу бобдан парча келтираман. Унда

анчагина шеърий тимсоллар, риторик (жавоб талаб қилмайдиган) саволларни учратасиз. Тасвирларнинг кескин ўзгариши Исроилнинг бевафолиги ва Худога қарши исёнини кўрсатади. Пайғамбар сермазмун ва жозибали тилдан фойдаланади. Бу парчани баланд овозда, ҳиссиёт билан, ҳар бир савол ва ўткир қиёсдан сўнг танаффус қилиб ўқиб кўринг. Унутмангки, қаршингизда шеърият.

“<sup>1</sup>Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: <sup>2</sup>“Қуддусга бориб, жар сол:

“Эгамиз шундай деб айтмоқда:

Ёшлигингдаги вафодорлигинг ёдимда,

Келинчаклигингдаги севгинг эсимда.

Сен саҳрода Менга эргашган эдинг,

Экин экилмаган ерда орқамдан юрар эдинг.

<sup>3</sup>Эй Исроил, сен Менга бағишланган эдинг,

Ўримимнинг илк ҳосилига ўхшаган эдинг.

Ўша ҳосилни еган ҳар ким айбдор ҳисобланарди,

Бундайларнинг бошига кулфат келар эди,

— деб айтмоқда Эгамиз” ...

“<sup>9</sup>Эгамиз шундай демоқда:

“Мен сизларни яна бир бор айблайман,

Набираларингизни ҳам айблайман.

<sup>10</sup>Ғарбдаги Кипр қирғоқларига бориб кўринглар,

Шарқдаги Кедарга одам жўнатиб, билиб келинглар.

Бундай воқеа ҳеч юз берганмикан?!

<sup>11</sup>Бирон халқ ўз худоларидан воз кечганмикан?!

Худолари ҳақиқий бўлмаса—да, улардан юз ўгирганмикан?!

Менинг халқим эса ўз улуғвор Худосидан воз кечди,

Қадрсиз бутларга Мени алмаштирди.

<sup>12</sup>Эй осмон, бундан ҳайратлангин,

Ваҳима ичра титрагин,

— деб айтмоқда Эгамиз. —

<sup>13</sup>Менинг халқим икки гуноҳ қилди:

Улар Мени — ҳаётбахш сув булоғини тарк этдилар.

Ўзлари учун сардобалар қазидилар,

Сувни ушлаб туролмайдиган ёриқ сардобалар қурдилар.

<sup>14</sup>Исроил қулмиди?! Ёки қулликда туғилганмиди?!

Нечун унда у ғанимларига ўлжа бўлди?

<sup>15</sup>Ғанимлари унга шердай ўқирди,

Овози бори́ча унга бўки́рди.  
Ўшала́р дастидан Исроил юрти хароб бўлди,  
Шаҳарлари вайрон бўлиб, ҳувиллаб қолди” ...

“<sup>20</sup>Эгамиз шундай демоқда:

“Эй Исроил, сен анча олдин  
Бўйинтуруғингни синдирган эдинг,  
Кўп вақт олдин кишанларингни узган эдинг.  
«Сенга хизмат қилмайман!» деб айтган эдинг.  
Ҳар бир баланд тепаликда бутларга сажда қилдинг,  
Ҳар бир яшил дарахт остида фоҳишадай ётдинг.

<sup>21</sup>Мен сени аъло тоқдай эккан эдим,  
Сен энг сара уруғдан пайдо бўлган эдинг.  
Нечун энди айниб қолдинг?

Нега ёввойи тоққа айланиб қолдинг?

<sup>22</sup>Сен ўзингни ишқор билан ишқаласанг ҳам,  
Кўп совун ишлатиб, ўзингни ювсанг ҳам,  
Айбдорлик доғларинг кетмайди,  
Булар доим кўз ўнгимда туради,  
— деб айтмоқда Эгамиз Раббий. —

<sup>23</sup>Шундай экан, қандай қилиб:

«Булғанмадим», деб айтасан?!

Нега: «Баалга сиғинмадим», дейсан?!

Водийда қилган ишларингга қара,  
Қилган қилмишларинг ҳақида ўйлаб кўр,  
Сен ҳирси кўзиган урғочи туяга ўхшайсан,  
Ўзингни у ёқдан—бу ёққа урасан.

<sup>24</sup>Саҳрода улғайган бир қулонга ўхшайсан,

Шаҳватинг кўзиганда, ҳавони искайсан.

Сенинг ҳирсингни ким қондира олади?!

Ҳеч бир эркак сенга эришиш учун ўзини уринтириши шарт эмас,  
Жуфтлашиш даврида сени осонликча топиб олишади.

(Еремиё 2:1–3, 9-15, 20–24).

**Образли/тасвирий/ тил.** Пайғамбарлар образларни худди Исо масалларни яхши кўргандек яхши кўрадилар. Албатта, мен сўзли образлар ҳақида гапиряпман. Пайғамбарлар ўз фикрларини ифодалаш учун турли хил манзараларни тасвирлайдилар. Улар ўзларини ўраб турган барча нарсалардан:

ўсимликлар, ҳайвонот дунёси, қушлар ва ҳашаротлар, қуёш, ой ва юлдузлар, шамол ва олов, зилзила ва вулқон, мусиқа ва меъморчилик, шунингдек, барча инсоний муносабатлардан тимсоллар оладилар. Бу сўз образлари метафоралар деб аталади ва ҳақиқатни етказишнинг кучли усулидир. Улар тасаввуримизни забт этади ва онгимизда турли хил боғланишларни келтириб чиқаради.

Еремиё пайғамбар ўз фикрини ифодалаш учун 2-бобда камида ўнлаб турли тасвир/образлардан фойдаланган. Келинчак (Еремиё 2:2), илк ҳосил (Еремиё 2:3), булоқ ва сардоба (Еремиё 2:13), шер (Еремиё 2:15), узум токи (Еремиё 2:21), совун (Еремиё 2:22), туя ва қулон (Еремиё 2:23-24) ва ҳоказо тасвирларни кўра олдингизми? Еремиё пайғамбар бир тасвирдан иккинчисига тез ўтиб, бутун тасаввуримизни ишга солади ва ўз хабарини унутилмас хабарга айлантиради. Ҳар сафар метафорага дуч келганингизда, ўзингизга савол беришингиз керак: пайғамбар ушбу тасвир ёки метафорани нима учун ишлатяпти?

**Ҳаракатлар тили.** Ҳаракатлар сўзлардан кўра яхшироқ эсда қолади, айниқса, бу ҳаракатлар изох билан мустаҳкамланса. Баъзида Худо пайғамбарга унинг сўзларини кучайтирадиган бирор ҳаракат ёки аломат билан ваъз қилишни топширади. Баъзида бу оддий бир ҳаракат бўлиши мумкин, аммо янги шароитларда бу чуқур имоннинг намоиши бўлади, масалан, Еремиё пайғамбарнинг 32-бобда далани сотиб олиши. Аммо баъзида ҳаракат драматик бўлиши мумкин: Еремиё пайғамбар катта сопол кўзани олиб, шаҳар ташқарисига олиб чиқади ва сиёсий раҳбарлар иштирокида уни синдиради (Еремиё 19-боб). Ҳаракатларни ўз ичига олган башоратларга яна мисоллар қуйида:

- Ишаё пайғамбар Қуддусда яланғоч юриб, бўлажак асирликнинг шармандалигини тасвирлайди (Ишаё 20-боб);
- Еремиё пайғамбар аввал янги зиғир қийиқча сотиб олиб, уни тақиб юради, сўнг чириб, яроқсиз ҳолга келгунча кўмиб қўяди. Бу билан пайғамбар Исроил халқи Худонинг назарида нимага айланганини кўрсатмоқда (Еремиё 13-боб).
- Еремиё пайғамбар елкасига бўйинтуруқ ташлаб, Қуддусдаги халқаро дипломатик анжуманга бошқа давлатлар элчиларига хабар бериш учун бостириб киради: шоҳ Навухадназарнинг зулмига бўйсунинглар, чунки унинг юксалиши Худодан (Еремиё 27-боб).
- Ҳизқиёл пайғамбар Бобилдаги биринчи асирларга шаҳар тез орада босиб олиниши ва вайрон бўлишини кўрсатиш учун катта ғиштга расми чизилган Қуддуснинг моделини "қамал қилиб" ёнбошлаб ётади (Ҳизқиёл 4–5 боблар).

## Пайғамбарлар ким бўлган?

Энди энг муҳим пайғамбарларнинг хизмат қилган тарихий даврини қисқача кўриб чиқайлик. Чунки уларнинг хабарларини тўғри тушуниш учун бу зарур. Агар пайғамбарлик китобидан бир парча ўз тарихий давридан ажратиб ўқилса, нотўғри тушуниш юзага келиши мумкин. Бу гўёки қизгин баҳс авжида радио ёки телевизорни ёқиб юборгандек ҳис қиласиз. Айтилаётган сўзларни тушунишингиз мумкин, лекин суҳбат нима ҳақида эканини билмайсиз, чунки контекст ва тарихдан хабарингиз йўқ. Яхшиямки, баъзи пайғамбарлар китобларининг кириш қисмида тарихий шароитни маълум қилади, яъни башорат айтилган маълум бир шоҳ ёки шоҳларни кўрсатади. Ушбу бобда биз бўлинган шоҳлик даврида пайдо бўлган пайғамбарлар ҳақида гаплашамиз (Исроилнинг дастлабки учта шоҳи давридаги бирлашган шоҳлик давридан фарқли ўлароқ). Бўлинган шоҳлик даври тахминан уч ярим аср давом этди, тахминан милoddан аввалги 931 йилдан милoddан аввалги 587 йилгача. Бу даврни тушуниш осон эмас. Чунки Муқаддас Китобда иккала шоҳликдаги шоҳлар бир вақтнинг ўзида санаб ўтилган. Жануб ва шимол шоҳларининг ҳукмронлик йиллари кўпинча бир-бирига тўғри келмаслиги туфайли чалкашликлар юзага келиши мумкин. Бундан ташқари, баъзи шоҳларнинг исмлари ўхшаш. Агар сизда қачондир шундай имконият пайдо бўлса, қулай курсига ўтиринг, катта финжонга қаҳва қуйинг ва бўлинган шоҳликнинг бутун тарихини 3 Шоҳлар китоби 12-бобдан 4 Шоҳлар китоби 25-бобгача ўқиб чиқинг. Кейин 2 Солномалар китоби 10–36 бобларни ўқинг, бу ерда айнан ўша воқеа бироз бошқача урғу билан такрорланади. Энди эса тушуниб олишга ҳаракат қиламиз.

**Милoddан аввалги IX аср пайғамбарлари.** Милoddан аввалги IX асрда Шимолий Исроил шоҳлигида иккита пайғамбар Илёс ва Элишай пайдо бўлади. Шимолий шоҳлик Сулаймоннинг ўғли Рахабом ҳукмронлиги даврида Яхудодан ажралиб чиқди. Бунга шимолий қабилаларнинг Сулаймоннинг мустабид сиёсатига нисбатан кўп йиллар давомида йиғилиб келган алам ва норозиликлари сабаб бўлди. Шимолдаги бутпараст халқлар (Финикия ва Сурия) таъсири остида Шимолий Исроил шоҳлиги бутпарастликка ва, айниқса, Канъон худоси Баалга сиғинишга тезроқ берила бошлайди.

**Илёс пайғамбар.** Илёснинг исми унинг бутун ҳаёт йўлини акс эттиради. Бу "ЯХВЕ - менинг Худойим" деган маънони англатади. Унинг вазифаси Исроилни ягона, ҳақиқий ва барҳаёт Худо сифатида Эгамизга топинишга қайтариш эди. Халқни шоҳ Ахабнинг Финикиялик рафиқаси малика Изабел томонидан тарғиб қилинаётган Канъон худоси Баалга сиғинишдан тўхтатиш эди. Илёс пайғамбар ўз

хизматини подшоҳ Ахабга яқинлашаётган Худонинг ҳукмини эълон қилиш билан бошлади. Одамларнинг гуноҳлари туфайли ер юзида уч йил қурғоқчилик бўлади. Бу муддат тугагандан сўнг, Илёс пайғамбар Кармил тоғида бир томондан ўзи (ёлғиз) Эгамиз вакили бўлган ва бошқа томондан Баалнинг барча пайғамбарлари ўртасида буюк мусобақа уюштиради. 3 Шоҳлар китоби 18–19 бобларда ким ғалаба қозонгани ва кейин нима бўлгани ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек, Илёс пайғамбар Баалга топинишнинг аянчли ижтимоий ва иқтисодий оқибатларини кўрган. У Ахаб ва Изабелнинг очкўзликларини фош қилади, уларни Навўтни ўлдирганликда айблайди ва уларнинг иккаласи ҳам Худонинг ҳукмидан ҳалок бўлишини эълон қилади.

*Элишай пайғамбар.* Элишайнинг исми ҳам хизматининг моҳиятини акс эттиради. Бу "Худо қутқаради" деган маънони англатади. Элишай пайғамбар Илёс пайғамбарнинг ёрдамчиси бўлган, кейин эса унинг ўрнига Худонинг пайғамбарига айланган ҳамда кичик бир пайғамбарлар гуруҳини бошқарган. Хизмати бир неча шимолий шоҳлар даврида қарийб ярим аср давом этган. Элишай пайғамбар орқали Худо кўплаб мўъжизалар қилди. У касалларни даволаган, очларни тўйдирган, ўликларни тирилтирган ва қамал пайтида бутун бир шаҳарни қутқарган. Исо сувга чўмдирувчи Яхёни Илёс пайғамбарга ўхшатган, чунки у ҳам одамларни тавба қилишга ундаган. Элишай пайғамбар Илёс пайғамбардан кейин келганидек, Исо ҳам сувга чўмдирувчи Яхёдан кейин келди. Қолаверса, Исонинг исми "ЯХВЕ қутқаради" деган маънони англатади. Исонинг баъзи мўъжизалари Элишай пайғамбарнинг мўъжизаларини эслатади.

***Милоддан аввалги VIII аср пайғамбарлари.*** Бу даврда Исроил тарихида Худонинг хабарини етказувчи ҳақиқий буюк пайғамбарлар пайдо бўлди. Ушбу даврда пайғамбарлик қилган барча пайғамбарлар орасидан шимолдан келган икки пайғамбарни (Амос ва Хўшея) ва жанубдан келган икки пайғамбарни (Ишаё ва Михо) ажратиб кўрсатиш мумкин. Улар Шимолда шоҳ Ёрубом, жанубда эса шоҳ Уззиё авлодлари - Йўтом, Охоз ва Ҳизқиё ҳукмронлик қилган фаровон ва нисбатан хавфсиз даврда Худо томонидан ушбу шоҳликларга юборилган эди. Бироқ пайғамбарлар бу фаровон манзара остидаги емирилишни кўрадилар. Жамият ичидан чириб кетган. Одамлар азоб чекмоқда. Худо эса ғазабда.

*Амос пайғамбар.* Амос аслида жанубдан, Яхудодан эди, лекин Худо уни чақириб, шимолга ваъз қилиш учун юборади. Амос пайғамбар нутқини атрофдаги барча халқларни қоралашдан бошлайди. Бу одамларнинг эътиборини тортиш ва олқишларга сазовор бўлишнинг яхши усули. Аммо шундан сўнг у кескин бурилиш қилиб, айбловни айнан Исроилга қаратади ва бу билан тингловчиларни ҳайратга солади. Амос пайғамбар айрим одамларнинг бойлиги натижасида юзага келган ижтимоий адолатсизликни ғазаб билан фош қилади. У жабрланган камбағалларни ҳимоя қилиб, уларни "солиҳлар" (яъни ҳақиқат

уларнинг тарафида) деб атайди, ҳашаматни яхши кўрадиган бойларга, айниқса, Самарияда яшовчиларга қарши чиқиб, уларни “фосиқлар” деб атайди. Бу ўша даврдаги умумий қабул қилинган диний қарашлардан тубдан фарқ қилади. Ўша пайтларда, баъзан ҳозир ҳам, одамлар бойлик қандай йўл билан топилган бўлишидан қатъи назар, Худонинг баракаси деб ҳисоблашган. Бундан ташқари, Амос пайғамбарнинг таъкидлашича, Байтил ва Гилгалдаги ибодатхоналарда жуда машҳур бўлган диний маросимларда қилинган қурбонликлар Худога нафақат *ёқимсиз*, балки ҳатто жирканчдир. Улар хушбўй ҳид бермайди, бадбўй ҳид тарқатади. Суд тизимидаги ошкора коррупция ва бизнес соҳасидаги фирибгарлик Худонинг Исроилга узоқ тарих давомида қилган барча ишларига тўлиқ хиёнат эди. Шунингдек, уларнинг гўёки қилган саждасини масхара ва жирканчликка айлантирди.

Амос пайғамбар – сўзлари ёзиб олинган биринчи пайғамбарлардан биридир. Нега шундай бўлди? Эҳтимол, унинг сўзлари ҳайратланарли ва кутилмаган бўлгани учун, *балки улар амалга ошгани учун ҳамдир*. Унинг Исроил халқи йўқ қилиниб, асирга олиниши ҳақидаги огоҳлантириши Исроил гуллаб - яшнаган ва барқарор бўлган бир пайтда кулгили туюлган бўлса керак. Аммо тахминан йигирма беш йил ўтгач, ҳамма нарса Худо Амос пайғамбар орқали огоҳлантирганидек содир бўлди.

Милоддан аввалги 721(722) йилда ўша пайтда минтақадаги энг қудратли империя бўлган Оссурия қўшинлари Самарияни қамал қилиб, вайрон қилган. Исроилнинг ўнта шимолий қабиласи асирликка олиниб, Оссурия империяси ҳудудига тарқатиб юборилган. Бу ҳудудга эса бошқа ўлкалардан келган халқлар жойлашган. Маданиятларнинг аралашуви ва аралаш никоҳларнинг пайдо бўлиши натижасида Фаластиннинг марказий қисмида "самарияликлар" номи билан машҳур бўлган турли хил таркибли жамоа пайдо бўлди. Асрлар давомида, жумладан, Исонинг замонида ҳам, Яҳудо халқи бу гуруҳ вакиллариغا нафрат билан қараган.

*Хўшея пайғамбар.* Хўшея Амос пайғамбар билан деярли бир даврда, эҳтимол, бироз кейинроқ яшаган ва унинг ваъзи асосан Шимолий шоҳлик аҳолисига қаратилган эди. Худонинг хабари унга аччиқ ҳаётий тажриба орқали келади. Худо унга Гўмера исмли фоҳишани хотинликка олишни буюради. У Хўшеяга вафосиз бўлиб, бошқа бировдан фарзанд кўради. Хўшея пайғамбар ўз никоҳи мисолида Исроилнинг Худога содиқ эмаслигидан келиб чиққан оғриқли манзарани кўради. У ЯХВЕ ва Исроил ўртасидаги аҳд муносабатларини бузилган никоҳ сифатида тасвирлайди. Худо яна Хўшея пайғамбарга собиқ хотинини сотиб олишни ва уни яна севишни буюради (тасаввур қилинг: ўз бевафо хотинини қайтариб олиш учун қўшмачига пул тўлаш қандай бўлади?). Бу қиммат кечиримли муҳаббат Худонинг Ўз халқига бўлган содиқлигининг рамзидир.



Албатта, суд бўлиши аниқ, аммо суддан сўнг севги ва миннатдорчилик муносабатлари қайта тикланишига умид бор.

Ҳушаё Худонинг меҳрибонлиги, кечиримлилиги ва халқи билан яқинликка интилиш каби хусусиятларини кўрсатади, бу Эски Аҳдда кўплар гумон қилгандай “йўқ” эмас.

*Ишаё пайғамбар.* Ишаё пайғамбарлар орасида шахзода кабидир. Унинг номи билан аталган китоб Муқаддас Китобнинг энг ёрқин китобларидан биридир. У, эҳтимол, олий насабдан бўлган, чунки саккизинчи асрнинг иккинчи ярмида Яҳудо подшоҳлари ҳукмронлигида Қуддус саройига осон кириб-чиқарди. У гоҳ подшоҳ саройининг ҳурматли маслаҳатчиси, гоҳ қаттиқ танқидчиси бўлди.

Ишаё пайғамбар маъбадда Худонинг муқаддаслиги ва улуғворлигини кўрсатувчи буюк ваҳийнинг гувоҳи бўлган. Натижада, у доимо одамларнинг, хусусан ўз мамлакати раҳбарлари ва Ассирия империяси ҳукмронларининг, ўз ҳарбий устунлиги билан мақтаниб, бошқа халқларни масхара қилувчи таккаббурлигига қарши чиқди. Инсоний кибрнинг барча шаклларига қаттиқ қаршилик кўрсатади.

Ишаё пайғамбарнинг асосий хабари шундан иборатки, ўша даврдаги халқаро босим ва хавф - хатарлар пайтида Яҳудо Миср ёки Осурия каби бошқа мамлакатлар билан бефойда иттифоқ тузиш ўрнига Эгамизга, ўз Худосига ишониши керак. Шоҳ Охоз пайғамбарнинг маслаҳатини рад этади. Шоҳ Ҳизқиё унга эргашади. Ишаё пайғамбар узоқ келажакда халққа Худонинг ҳукми келишини, бу ҳукм ҳарбий мағлубият ва асирлик тарзида бўлишини олдиндан кўради. Аммо шу билан бирга, у Худонинг баракалари ва нажот даври келишини ҳам башорат қилади, у вақтда Исроил қайта тикланади. Тахтга Довуднинг янги ўғли ўтиради, У адолат билан ҳукмронлик қилади ва халқларга тинчлик ва табиатга осойишталик олиб келади. Янги Аҳд муаллифлари бу буюк башоратларнинг баъзиларини эслаб, улар Исо Масихнинг туғилиши, ҳаёти, ўлими ва тирилишида амалга ошган, деб ҳисоблашади. Қолган башоратлар эса Исо қайтиб келиб, Ўз шоҳлигини тиклаб, барча халқлар ва бутун ер юзида ҳукмронлик қилганида тўлиқ амалга ошади.

*Михо пайғамбар.* Михо пайғамбар ҳам Ишаё пайғамбар билан бир вақтда Яҳудода пайғамбарлик қилган ва улар бир - бирини яхши билишган бўлиши мумкин. Улар адолатни бир хилда қадрлашган, камбағалларни шафқатсизларча эзувчиларни бир хилда кескин қоралашган ва Худонинг келажакдаги бошқарувини барча халқлар орасида бир хилда тасаввур қилишган. Ушбу бобнинг сарлавҳасига айланган, ҳаммага таниш бўлган гап айнан Михо пайғамбарга тегишли.

**Милоддан аввалги VII аср пайғамбарлари.** Оссурия салтанати 150 йил давомида биз ҳозир Яқин Шарқ деб атайдиган бутун минтақада ҳукмронлик қилди. Аммо милоддан аввалги VII асрнинг охирига келиб, у парчаланиб кетди ва Бобил жаҳоннинг ҳукмрон давлатига айланди. Бу ўзгариш Яҳудо шоҳлигида жиддий беқарорлик ва хавотирлар даврини бошлади. Шоҳ Йўшиё халқни Эгамизга бўлган эътиқодга қайтариш мақсадида, мамлакатни бутпарастликдан тозалаш мақсадида бир қанча кескин ислохотлар ўтказди. Аммо ислохотлар кенг қаршиликка учради ва кўплаб муаммоларни келтириб чиқарди. Оссурия заифлашиб борган сари бутун минтақада миллий-озодлик ҳаракатлари бошланди. Яҳудо каби кўплаб кичик халқлар Оссуриянинг узоқ ҳукмронлигидан кейин мустақиллик учун курашдилар. Шу билан бирга, Яқин Шарқ минтақасида Миср ва Бобил ўртасидаги ҳукмронлик учун рақобат натижасида янги жаҳон тартиби шаклланаётгани туфайли катта хавотирлар мавжуд эди. Оссурия империяси парчаланганидан сўнг, халқаро майдонда янги тартиб қандай бўлишини ҳеч ким билмасди.

**Еремиё пайғамбар.** Бу диний, ижтимоий ва сиёсий тартибсизликлар гирдобига Худо Еремиё исмли йигитни юборади. Еремиё Қуддусдан атиги бир неча километр узоқликдаги Онотўт шаҳрида руҳоний оиласида ўсган. У (ўз насл-насаби ва Тавротни билиши туфайли) Худо билан аҳд тузган одамлар қандай имон ва қандай ҳаётга мансуб бўлиши кераклигини билади. Аммо Қуддусга тез-тез қилган ташрифлари давомида у бутун жамиятнинг юқоридан пастгача бўлган ҳаёти аҳдга асосланган имонга мутлақо қарама-қарши ва мос эмаслигини кўради. Еремиё пайғамбар халқ уни билмаганлигидан азоб чекса ҳам, катта жасорат кўрсатиб, ўз маданиятининг даҳшатли гуноҳларини ёрқин ваъзлар ва мисоллар билан фош қилади. У одамларни фалокат ҳали олдинда эканлигидан огоҳлантиради (буни ўйлаганда йиғлайди) ва бир неча бор уларни тавба қилишга ва фалокатдан қочиш учун хатти-ҳаракатларини ўзгартиришга чақиради. Лекин одамлар уни эшитишни исташмайди.

Шоҳ Йўшиё (Еремиё пайғамбар уни кўкларга кўтариб мақтаган) вафотидан сўнг, Еремиё пайғамбарни барча кейинги шоҳлар, айниқса, шоҳ Ёҳайқим ёмон кўради (Еремиё пайғамбарнинг йигирма уч йиллик ваъзларининг бутун бир ўрамини ёқиб юборади). Еремиё пайғамбарнинг ваъзи ҳаётини хавф остига қўяди. Унга аввал таҳдид қилишади, кейин калтаклашади. Лойқа чуқурда қамокда ўлимга яқин келади. Азобланар экан, у ғазаб, норозилик ва тушкунлик туйғуларини Худо олдида тўкиб солади. Унинг бутун бошидан кечирганлари китобида батафсил баён қилинган бўлиб, эҳтимол, Еремиё пайғамбарнинг ваъзлари ёзилган қоғозлар (шу жумладан, ёқиб юборилган ва ёддан қайта ёзилган) котиби Борухнинг саъй-ҳаракатлари туфайли сақланиб қолган.

Милоддан аввалги 588-587 йилларда Қуддус қамал қилиниб, вайрон этилганидан сўнг (Еремиё пайғамбар бунга ўзи гувоҳ бўлади), Бобилликлар пайғамбарни озод қилишади. Аммо кейин уни ўз ватандошларининг бир гуруҳи зўрлик билан қўлга олади. Улар Еремиё пайғамбарга қулоқ солишдан бош тортиб, унинг маслаҳатига қарши ўз халқининг бир гуруҳи уни мажбуран Мисрга олиб кетади. Ўша ерда Еремиё пайғамбар садоқатли дўсти Борух ҳамроҳлигида вафот этади. Аммо унинг сўзлари яшайди, чунки Еремиё башорат қилган даҳшатли воқеалар айнан ўзи айтганидек рўй берди.

Еремиё пайғамбар милоддан аввалги VII асрда Яҳудонинг бош пайғамбари бўлган. Бу вақтда ундан ташқари Хабаққуқ ва Зафаниёлар ҳам пайғамбарлик қилишган.

## **Замонавий инсон учун пайғамбарларнинг аҳамияти**

Муқаддас Китобдаги Сулаймондан тортиб, асирликкача бўлган воқеалар, шоҳлар ва пайғамбарлар галереяси бизга кўп нарсани ўргатади. Қуйида бу борада учта фикр келтирилган.

**ЯХВЕ, Исроилнинг Худоси, бутун жаҳон тарихини мутлақ ҳукмронлик билан бошқаради.** Исроилнинг Худоси Яхве жаҳон тарихини суверен тарзда бошқаради. Пайғамбарлар Яхве нафақат кичик салтанатлар бўлган Исроил ва Яҳудонинг, балки барча замонлардаги барча халқларнинг Худоси эканлигини таъкидлайдилар. Ишаё пайғамбар Оссурияни (ўз даврининг энг кучли империяси) Худонинг қўлидаги оддий таёқ сифатида тасвирлайди. Худонинг мақсадига хизмат қилгандан сўнг ташлаб юбориладиган таёқ. Еремиё пайғамбар Бобил ҳақида ҳам худди шундай дейди. Исроилликлар асирликда бўлганида, Ёшуа ва 3-4 Шоҳлар каби тарихий китоблар таҳрир қилинган. Таҳрирчилар имоннинг ўша тасдиғини давом эттирадилар: бутун тарих Эгамизнинг қўли билан яратилган. Худо ҳозир ҳам ҳар доимгидек вазиятни назорат қилишда давом этмоқда. Ўйлайманки, Эски Аҳддаги пайғамбарлар Ваҳий китобининг муаллифи Исони "Ер юзи шоҳларининг Ҳукмдори" деб атаганига қўшилишган бўлишарди (Ваҳий 1:5).

**Худо адолатни талаб қилади ва У сиёсатга бефарқ эмас.** Бу даврга хос бўлган иккинчи муҳим ҳақиқат Эгамизнинг ахлоқий фазилатлари ва ахлоқий талабларидир. Мисрдан чиқиш пайтида адолат тарафдори бўлган Худо ҳали ҳам Ўз халқи орасида адолатни сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Худо нафақат ҳар бир инсоннинг хулқ-атвори, балки бутун жамиятнинг ахлоқий саломатлигини — халқаро шартномалардан бозор иқтисодига, ҳарбий стратегиядан маҳаллий суд жараёнларига, миллий сиёсатдан маҳаллий ҳосилгача баҳолайди. Энг аввало, Худо ҳимоясиз қолганлар - бева-бечоралар, етим-есирлар, ерсиз ва бошпанасизлар, муҳожирлар ва қочқинлар ҳақида қайғуради. Бешинчи жумламиз ҳақиқатан ҳам пайғамбарлик китобларининг асосий мазмунини ифодалайди.

Шунинг учун ҳам Худо мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий ҳокимиятга эга бўлган кишилар зиммасига сиёсат ва хатти-ҳаракатлар учун алоҳида масъулият юклайди. Тарихий ва пайғамбарлик китоблари сиёсатга тўла: иқтисодий сиёсат, ҳарбий стратегия, суд жараёнлари, давлат харажатлари, инфратузилмани яхшилаш лойиҳалари, солиқ, дипломатия, халқаро муносабатлар ва ҳоказо. Буларнинг барчасига Худо пайғамбарларнинг кўзлари ва тиллари орқали Ўз

муносабатини билдиради. Агар жамоат маълум даражада жамиятда пайғамбарлик вазифасини бажаришни истаса, бизнинг шароитимиздаги сиёсий ва иқтисодий воқеликлар Муқаддас китобдаги Худонинг меъёрлари билан ўлчанса, катта кучли зиддият келиб чиқади. Худди пайғамбарларга ўхшаб, биз ҳам бу хабар учун миннатдорчиликка сазовор бўлмаслигимиз, аксинча, азоб чекишимиз мумкин.

**Ахлоқий (этик) ўзгаришларсиз ташқи диндорлик Худо учун жирканчдир.** Шубҳасиз, бу даврнинг учинчи хабари шундан иборатки, Худо шодлик билан бажарилаётган ибодатни эмас, балки амалий ижтимоий адолатни истайди. Юқорида айтганимиздек, муқаддас маросимлар ўз ўзидан ижтимоий муаммоларни ҳал қилмайди. Шомуил пайғамбар давридан бери шундай тушунча бор эди: “итоат этиш — қурбонлик сўйишдан яхши” (1 Шоҳлар 15:22). Аммо Амос ва Ишаё пайғамбарларнинг халққа Эгамиз Худо уларнинг саждасидан нафратланишини ва жирканишини, У тўйиб кетганини ва, уларнинг фикрича, Унга ёқимли бўлган қурбонликлардан Унинг кўнгли айланишини эълон қилиши хайратланарли (Амос 5:21-24; Ишаё 1:11-16). Худонинг феъл-атворини белгиловчи ва Уни қувонтирувчи хусусиятларга - адолат ва ҳақиқатга, садоқат ва севгига интильмасдан туриб, Худога сажда қилиш ва Уни билиш мумкин эмас (Еремиё 9:23-24; 22:15-17).

Ёки Михо пайғамбар китобидан олинган биринчи гапга қайтадиган бўлсак, Худога кўркли маросимлар эмас, адолат, раҳм-шафқат ва камтарлик керак. У чиндан ҳам адолат, меҳр - шафқат ва камтарликни истайди. Исо бунни тасдиқлайди. Шоҳлик давридаги Эски Аҳд хабарларининг юқорида қайд этилган учта муҳим жиҳати Исо таълимотида ҳам ўз аксини топган: Худо ҳамманинг ва барча нарсанинг устидан Шоҳлик қилади; Худонинг Шоҳлигига кириш туб ахлоқий ўзгаришларга олиб келади; амалий итоаткорлик диний маросимларга риоя қилишдан кўра кўпроқ аҳамиятга эга. Бу ва бошқа кўп жиҳатларда Исо Муқаддас Ёзувларнинг асл овозини қайта тиклайди ва кучайтиради.

## Аҳдга қайтиш

Худо Ўз пайғамбарларини, аввало Исроил халқига, Худо ва Исроил халқи ўртасида тузилган аҳд муносабатларини эслатиш ва итоатсизликнинг оқибатларини кўрсатиш учун юборади. Пайғамбарлар ўтмишда, айниқса, биз учинчи бобда ўрганган Мисрдан чиқиш билан боғлиқ буюк воқеалар ва Синай тоғида қонунни олиш пайтида Худо улар учун қилган ишлари ва айтган барча сўзлари асосида одамлар билиши керак бўлган нарсаларни эслатадилар, таъкидлайдилар, тушунтирадилар ва қўллайдилар.

Содда қилиб айтганда, Эгамиз Худо билан Исроил ўртасида тузилган аҳд учта қисмдан иборат.

1. *Тарих*. Худо Исроилни Миср қуллигидан халос қилиб, қутқарди. Шунингдек, Худо саҳрода сарсон-саргардонлик вақтида юрган бутун бир авлоднинг ҳаётини сақлаб қолди ва кейин уларни ваъда қилинган юртга олиб келди. Буларнинг барчасини Худо уларга фақат севги ва раҳм-шафқат кўрсатиш йўли билан қилди. Айнан Худонинг Исроил халқига бўлган севгиси ва раҳм-шафқати Таврот қонунининг асосини ташкил этди, шунингдек, пайғамбарларнинг ваъзалари учун асос бўлди.

2. *Мажбурият*. Аҳдга биноан Эгамиз Худо Исроилнинг Худоси бўлиш, уни баракалаш ва ҳимоя қилиш, шунингдек, барча халқларни баракалаш учун Исроилни Ўзининг воситасига айлантириш мажбуриятини олади. Бошқа томондан, Исроил халқи Эгамизнинг қонунига бўйсунуш ва Унинг иродасига мувофиқ яшаш мажбуриятини олган. Охир - оқибат ўз манфаатлари ва бошқа халқларга ўрнак бўлиш учун шундай йўл тутган. Ушбу *ўзаро мажбурият* Эски Аҳддаги Худо ва Исроил ўртасидаги муносабатларнинг асосини ташкил этади.

3. *Санкциялар* (яъни ваъдалар ва огоҳлантиришлар). Агар Исроил Худонинг йўлларида юрса ва Унинг қонунига итоат этса, у Худонинг баракаларидан баҳраманд бўлишда давом этади (бунга лойиқ бўлгани ёки шу тарзда лойиқ бўлиши учун эмас, балки Худо Ўз раҳмати билан уларни жойлаштирган барака маконида қолишларидир). Аммо агар улар исён кўтарса, итоатсизлик қилса ва бошқа худоларга эргашса, Худонинг баракаларидан маҳрум бўлиб, Унинг лаънатига дуч келади. Гуноҳ туфайли лаънатга учраган дунёда Исроил Худонинг ҳукми остидаги бошқа халқлардан фарқ қилмай қолади.

Левилар ва Қонунлар китобларида учала қисмни қамраб олган бир қанча ажойиб боблар бор. Улар Худонинг Аҳди қандай қилиб тарих, мажбуриятлар ва санкциялар (ваъдалар ва огоҳлантиришлар) ни ўз ичига олишини кўрсатади.

Шунингдек, улар пайғамбарлар хабарини тушуниш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади. Аммо креслода қулай ўтириб олмаган бўлсангиз ва қўлингизда яна битта жуда катта финжон қаҳва бўлмаса, бу парчалар сизга ҳозир ўқиш учун жуда узун туюлиши мумкин. Лекин бир кун уларга қайтишни режалаштиринг. Бу қандай парчалар? Бу Левилар китоби 26-боб; Қонунлар китоби 26-боб ва Қонунлар китоби 28–30 боблар (охирги парчанинг ўртасида анча даҳшатли тасвирлар учрайди, лекин умидсизланманг: Қонунлар китоби 30-боб ижобий якунга эга).

Тарих ва мажбуриятлар алоҳида таъкидланган қуйидаги парчани ўқиб, сиз ушбу бобларнинг ранг-баранглигини ҳис қилишингиз мумкин.

“<sup>32</sup>Энди сизлар дунёга келмасдан олдинги узоқ ўтмишни, Худо ер юзида одамни яратган даврдан шу кунгача бўлган даврни суриштириб кўринглар. Дунёнинг бу четидан у четигача сўранглар—чи, шу қадар муҳим воқеа бўлганми ёки шунга ўхшаш нарсга ҳақида бирортаси эшитганми?!

<sup>33</sup>Сизларга ўхшаб олов ичидан гапирган Худонинг овозини эшитиб, тирик қолган бирорта халқ борми?! <sup>34</sup>Эгангиз Худо сизлар учун Мисрда нималар қилганини ўз кўзингиз билан кўрдингиз. Қайси худо синовлар, аломату мўъжизалар орқали, уруш, қудратию ажойиботлари ва даҳшатли воқеалар орқали бир халқни Ўзи учун бошқа халқ орасидан олиб чиққан?!

<sup>35</sup>“Эгамиз Худодир, Ундан бошқа Худо йўқ”, деб англашингиз учун бу воқеалар сизларга аён қилинган. <sup>36</sup>У сизларга йўл–йўриқ кўрсатиш учун самодан овоз берди. Ер юзида олов устунни орқали сизларга зоҳир бўлди. Сизлар ўша буюк олов ичидан Унинг овозини эшитдингизлар. <sup>37</sup>Эгамиз Худо ота–боболарингизни севар эди. Шунинг учун ўзларидан кейин уларнинг авлодларини танлади. Эгамиз зоҳир бўлиб, Ўзининг буюк қудрати билан сизларни Мисрдан олиб чиқди. <sup>38</sup>Эгамиз сизлардан каттароқ ва кучлироқ халқларни олдингиздан ҳайдаб, уларнинг юртига сизларни киритмоқчи эди, худди бугунгидай, мулк қилиб оладиган ерларингизни сизларга бермоқчи эди.

<sup>39</sup>Эгамиз еру самодаги Худодир, Ундан бошқа Худо йўқдир. Шунинг учун бугун тан олиб, доимо юрагингизда сақланг. <sup>40</sup>Бугун мен сизларга Эгамизнинг фармонлари ва амрларини айтяпман, шуларга риоя қилинглар. Шунда ўзларингиз ҳам, наслингиз ҳам фаровон ҳаёт кечирасизлар. Эгангиз Худо абадий қилиб бераётган ўша юртда узоқ яшайсизлар”.

(Қонунлар 4:32–40).

Ушбу сўзларни асос қилиб олиб пайғамбарлар турли йўллар билан Исроил халқига аҳднинг учта қисмини эслатишади.

- *Улар Исроил халқига унинг тарихини эслатади.* Худо ўтмишда улар учун кўп ишлар қилган. Аммо ҳозир улар ўзларини мутлақо ношукур ва беқарор тутмоқдалар. Улар Худо Ўз севгиси ва содиқлиги туфайли ўрнатган муносабатларни менсимай уларга хиёнат қилишмоқда.

- *Улар Исроил халқига унинг мажбуриятларини эслатади.* Исроил халқи Худога итоат қилишга ваъда берган бўлса-да, бу мажбуриятини бажармади. Исроил халқи Аҳдни бузгагнини барча йўллари пайғамбарлар уларга фош қилган. Кўпинча бу башоратли матнларнинг энг шафқатсиз ва даҳшатли қисмидир.

- *Улар Исроил халқига Худонинг огоҳлантиришларини ва ваъдаларини эслатади.* Аҳд итоатсизликнинг оқибатларини жуда аниқ кўрсатиб беради. Агар улар ўз хатти-ҳаракатларини ўзгартирмасалар, бу оқибатлар юз беради. Аҳднинг лаънати уларга ёғилади. Шу тариқа пайғамбарлар халқни огоҳлантириб, бўлажак офатдан хабар берадилар.

Аммо пайғамбарлар бундан ҳам узоқни кўра оладилар. Улар ҳукм Худонинг сўнгги сўзи бўлмаслигини билишади. Қуддуснинг вайрон қилиниши Худонинг халқи йўқ бўлиб кетишига олиб келмайди. Худонинг Иброҳимга берган ваъдаси ўз кучида қолади ва Худо бу ваъдага доимо содиқ бўлади. Чунки бутун дунёнинг нажот топиши шунга боғлиқ. Пайғамбарлар ҳатто яқинлашиб келаётган мусибатлар олдида ҳам келажакка бўлган умид ҳақида хабар беришади. Улар эзгу хабарни етказади. Эски Аҳдда Хушхабар бор. Аммо бу ҳақда кейинги бобда сўз боради.



## Олтинчи боб

### Хушхабар эълон қилинди

*“Тоғлар оша тинчликни эълон қилган Хабарчининг қадамлари нақадар гўзал!”*

**Ишаё 52:7**

Оёқларда ўзига хос гўзаллик йўқ.

Лекин тасаввур қилинг: сиз катта бир вайрон бўлиб қолган, ташлаб кетилган шаҳарда яшаяпсиз — шундай узоқ вақтки, гўё икки умр ўтиб кетгандек. Ҳар қандай яхши хабарнинг заррасига муштоқсиз, ҳар қандай умид нурига чанқоқсиз. Бир куни эса, чорасиз ва чарчаган кўзларингиз тоғдек қатор қирлар ортидан югуриб келаётган бир элчини кўради. Шунда қалбингиз туйғуларга тўлади: балки у интиқ бўлиб кутган қутлуғ хабарни олиб келаётгандир (бу ерда ақл бовар қилмайдиган нарсани олдиндан сезгандек юрагингиз сакраб кетади). Ана шунда сиз, албатта, ўша чопарни кўтариб келаётган оёқларни баракалайсиз, ва ниҳоят, у югуриб келиб, нафаси бўғзига тиқилиб, сизга Худо ғалаба қозонди, нажот ва тинчлик келди, “Худойинг ҳукмрон бўлди”, деса, эҳтимол, унинг оёқларига тиз чўкарсиз.

Мана шундай манзара бизнинг тасаввуримизда жонланади Ишаё пайғамбар китоби 52:7-10 ни ўқиганимизда. Бу сўзлар сизга таниш бўлиши мумкин, чунки улар асосида бир неча масиҳий мадҳия(гимн)лар ва кўшиқлар яратилган:

“<sup>7</sup>Тоғлар оша тинчликни эълон қилган Хабарчининг қадамлари нақадар гўзал! У хушхабар олиб келмоқда, У нажотни эълон қилмоқда, У Қуддусга: “Худойинг ҳукмрондир”, демоқда. <sup>8</sup>Қулоқ солинг! Соқчиларингиз овозини кўтармоқда, Биргаликда улар шодликдан куйламоқда! Ахир, Эгамизнинг Қуддусга қайтиб келишини Улар ўз кўзлари билан кўради. <sup>9</sup>Эй Қуддус вайроналари! Биргаликда севинч ила ҳайқиринг. Эгамиз Ўз халқига тасалли берди, Қуддусни қутқариб, Ўзига олди! <sup>10</sup>Ҳамма халқларнинг кўз ўнгида Эгамиз муқаддас қўлини кўрсатди. Худойимизнинг нажотини Ернинг тўрт бурчи кўради”.

Олтинчи боб учун танланган жумла воқеаларнинг драматик кетма-кетлигини тасвирлайди. Кинорежиссёр нарсаларга ўз нигоҳи билан қарашни таклиф қилгани каби биз ҳам (хаёлимизда) ёниб кетган Қуддус харобалари орасида пайдо бўламиз. Эгамиз Худо Навухадназарга шаҳарни ва ҳатто Ўз маъбадини вайрон қилишга рухсат берган бўлса-да, Ўз халқи билан уйга қайтадиган кунни интиқлик билан кутамиз ва интизор бўламиз. Орадан икки авлод ўтди. Мана, шарқий тепаликлар томондан чопар хабар олиб келди – ва бу

хушхабардир. Худо қайтмоқда. Асирлар уйларига қайтадилар. Худонинг Исроил орқали ер юзидаги барча халқлар учун бўлган мақсади тарихи давом этади.

“Хушхабарчи”(Хушхабар айтувчи) сўзи Эски Аҳднинг юнонча таржимасида (Септуагинта номи билан танилган) *euangelizomai* (шундан биз “Хушхабар” ёки “эзгу хабар айтиш” сўзини оламиз) феъли билан таржима қилинган. Янги Аҳдда ҳам айнан шу сўз ва ундан келиб чиққан *euangelion* (лотинчада *evangelium*) жуда кўп учрайди. Бу сўз “Хушхабарни - Худо Носиралик Исода пайғамбарлар ваъда қилган барча нарсаларни амалга оширганлиги ҳақидаги эзгу хабарни эълон қилиш”, деган маънони англатади. Павлус Эски Аҳддаги Ёзувларни Писидиянинг Антиохия шаҳридаги синагогада айнан шундай тушунтиради. Мана Хушхабар, дейди у. Мана шу биз сизга эълон қилаётган эзгу хабар. “Барнабо билан мен эса бу Хушхабарни сизларга эълон қилмоқдамиз: Худо Исони тирилтирди! Шу орқали ота-боболаримизга[пайғамбарлар орқали] берган ваъдасини уларнинг фарзандлари бўлмиш бизлар учун бажарди” (Ҳаворийлар 13:32). Бошқа бир жойда эса Павлус ҳали эзгу хабарни эшитмаган халқларга Хушхабарни етказувчилар ҳақида гапиради. Бу билан аслида бизнинг олтинчи жумламизни келтиради (Римликлар 10:15).

Ушбу бобда биз Эски Аҳддаги башоратларда Хушхабар келишини кутиш ҳақида фикр юритамиз. Уларнинг баъзилари барча халқлар ва бутун мавжудот учун ақл бовар қилмайдиган умид ва қувонч хабарини олиб келади. Уларнинг сўзлари Павлус Худо Исо орқали нима қилганини ва нима учун бу эзгу хабарни фақат яҳудийлар билан эмас, балки бошқа барча халқлар вакиллари (яъни ғайрияҳудийлар) билан ҳам бўлишиш кераклигини тушунишига катта таъсир кўрсатди. Бу эса Жамоатнинг элчилик фаолиятини ривожлантириш учун Муқаддас Китобдан асос бўлади.

Лекин, ҳар доимгидек, хушхабарни ҳам унинг тарихий контекстида кўришимиз керак. Хушхабарнинг порлоқлиги орқасидаги қайғули манзара — ҳатто Эски Аҳддаги энг қоронғу, энг оғир тарихий воқелик — унинг ўзини янада равшанлаштиради. Оғриқ ва умидсизликни ҳис қилганимиздагина олтинчи жумламиздаги гўзалликни кўра оламиз ва қувончни эшита оламиз.

## Бобил асирлиги

Исроилнинг миллий фожиаси — милоддан аввалги 587-йилда Қуддуснинг вайрон бўлиши ва Бобилда асирликнинг бошланиши даҳшатини ҳис қилинг. Қуддус аҳолисининг ўн саккиз ойлик қамал, очлик ва касалликлардан азобланишини, ниҳоят, вайронагарчиликлар, талон-торожлар ва қирғин билан яқунланган сўнгги кунларини тасаввур қилиб кўринг. Тасаввур қилинг-а, сиз асирлар орасида ёнаётган шаҳардан чиқдингиз, қонга беланган одамларнинг қичқириқларини эшитяпсиз, Бобил аскарларининг найзалари санчилган жасадаларни кўряпсиз. Улар билан бирга, эҳтимол, қўл-оёқларингиз кишанланган ҳолда, Унумдор яримойнинг чанг йўллари бўйлаб узоқ масофа босиб, Месопотамия (ҳозирги Ироқ)га боришга ҳаракат қилиб кўринг. Ўзингизни бегона юртда мусофир ва тутқун, туғилиб ўсган жойидан қувилган, қашшоқ ва умидсиз инсон сифатида ҳис қилишга уриниб кўринг. Нимани ҳис қиляпсиз? Муносабатингиз қандай? Дардингизни қандай енгиллатасиз?

**Одамларнинг муносабати.** Эски Аҳд бизга исроилликлар ўзлари билан содир бўлган воқеаларга турлича муносабатда бўлганини кўрсатади. Баъзилари шунчаки ўз Худосидан юз ўгирган. Уларнинг назарида, Худо энг зарур пайтда ёрдам бера олмаган ёки ғойиб бўлгандек туюлади. Улар бошқа худоларга сиғинганларида ҳаёт яхшироқ бўлган, деб ҳисоблашади (гарчи Еремиёнинг сўзларига кўра, айнан шу нарса уларни ҳукмга олиб келган бўлса ҳам). Бундай одамлар имонини йўқотиб, бутпарастлик одатларига қайтадилар (Еремиё 44).

Бошқалар эса Худо ҳақиқатдан ҳам уларни ҳукм қилганини тан олишади, аммо бу воқеликка ҳам турлича муносабатда бўлишади. Қуддус аҳолиси бошига тушган азоб - уқубатлардан қаттиқ таъсирланган баъзилар, гарчи бу жазо ҳақли эканини тан олишса - да (улар бунга қўшиладилар), ҳаддан зиёд шафқатсиз бўлган, деб эътироз билдиришади. Худо қандай қилиб Бобилликларга бундай шафқатсизлик қилишларига, айниқса, аёллар ва болаларга нисбатан, йўл қўйиши мумкин? Еремиё пайғамбарнинг қалбни ларзага солувчи "Марсия" номли китоби бу қарашга қарши курашади. Шу билан бирга, Худо уларни тарк этмаслигига бўлган ишончни сақлаб қолади. Баъзилар ўз душманларидан, айниқса, Эдом ва Бобилдан қасос олишни сўраб нола(ийғлайдилар) қиладилар (Забур 136). Яна бошқалар эса аччиқ шикоят билан юзланиб: "Агар бу Худонинг жазоси бўлса, унда У бу айбни бизга юклаб ноҳақлик қиляпти, чунки аслида айб ота-оналаримизда!" – дейишади. Улар (асирга олиб кетилган авлод) ота-боболарининг гуноҳлари учун азоб чекишларига тўғри келади. Бу нотўғри фикрга Ҳизқиёл пайғамбар 18- ва 33-бобларда жавоб берган. Одамларнинг

қарашларида қисман ҳақиқат бор: Худо ҳақиқатда асрлар давомида олдинги авлодларнинг гуноҳларига сабр қилган. Аммо бу асирга олиб кетилган авлодининг *айбсиз* эканини *англамайди*. Улар ўз гуноҳлари учун адолатли ҳукми бошдан кечирмоқдалар. Улар ўз айбларининг оқибатларини чекмоқдалар.

Шунингдек, шундай одамлар ҳам борки, улар бу воқеалар ҳақиқатан ҳам Эгамиз Худонинг қўли билан содир бўлганини ва ўз жазоларига лойиқ эканликларини тан оладилар. Улар пайғамбарлар орқали Унинг огоҳлантиришларига қулоқ солишдан бош тортдилар ва энди қамчи уларнинг бошига тушди. Бундай одамларнинг руҳи бутунлай синган. Улар учун маъбаднинг бузилиши ва юртдан ҳайдалиш фақат бир нарсани англатиши мумкин: аҳд бузилган ва Худо уларни унутган. Улар ҳеч қандай умидни кўрмаптилар. Исроил учун энди келажак йўқ. Охирги нуқта қўйилган. Улар, Ҳизқиёл пайғамбар айтганидек, қабрда ётган ўлик суякларга ўхшайди (Ҳизқиёл 37:11).

Лекин яна бир охирги гуруҳ бор – улар умидсизликка тушган бўлса-да, Худога илтижо қилиб, Ундан раҳм-шафқат кўрсатишини ва тикланиш иноятини юборишини сўраб ёлвораётганлар (Забур 73-санодаги каби) – бу одамлар учун умид сўзлари янграшини тез орада кўрамиз. Аммо аввал улар нима бўлганини ва нима сабабдан шундай бўлганини аниқ *тушуниб* олишлари керак. Пайғамбарларнинг иши ҳам шунда.

**Худо келажакка умид беради.** Худонинг ҳукми нафақат *мантиқий* (Худо ва Исроил ўртасидаги аҳд доирасида), балки *чекланганлигини* ҳам тушуниш лозим. Левилар китоби 26-боб ва Қонунлар китоби 28-бобларда аниқ кўрсатилганидек, Худо нафақат халқни Унга қарши исён кўтариш хавфи ҳақида огоҳлантирган, балки ҳукм ортида кечирим ва тикланиш истиқболи яширинганини ҳам ваъда қилган. Худо ва Исроил ўртасидаги муносабатлар доимо Худонинг меҳр - шафқатига асосланган ва Худонинг меҳр - шафқати билан давом этади.

Шунинг учун кўпгина пайғамбарлар ҳукм ҳақидаги энг даҳшатли ваъзлардан кейин ҳам келажакдаги баракаларни ваъда қиладилар. Баъзан бу энг охирида содир бўлади (Амос ва Зафаниё пайғамбар каби). Баъзида эса баракалар ҳақидаги хабар китобнинг муҳим жойларида (Хўшея ва Михо пайғамбарда бўлгани каби) учрайди.

Баъзан эса қуйидаги мисоллар каби барака хабари китобнинг бир жойида жамланади.

*Еремиё пайғамбар китоби 30–33 боблар.* Бу боблар “Еремиёнинг тасалли китоби” деб ҳам номланади. Дастлабки икки боб шеърий усулда ёзилган. Улар келаётган ҳукмни башорат қилади, лекин у халқни бутунлай йўқ қилмаслигига ваъда беради. Гарчи иттифоқчилардан ҳеч ким ёрдам бермаса-да, Худо охиروқибат ёрдамга келиб, уларнинг тақдирини тиклайди. Буюк бурилиш содир бўлади, барча қайғу ва мотам қувончга айланади. Еремиё пайғамбар китоби 31:31–34 оятларда Еремиё пайғамбар орқали Худо Ўз халқи билан янги аҳд тузишини ваъда қилади. Бу аҳд Худо улар билан Мисрдан чиққанларидан кейин тузган ва улар умидсизларча бузган аҳдга кўп жиҳатдан ўхшаш бўлади, аммо янги аҳд гуноҳларнинг тўлиқ кечирилишини ўз ичига олади. Еремиё 32 боби пайғамбар ҳаётидаги ажойиб имон ҳаракати бўлган ҳодисани тасвирлайди. Қуддус аллақачон қамал қилинган, Еремиё пайғамбарнинг ўзи эса шоҳ Зидқиё томонидан қамоққа олинган бир пайтда, ҳатто оиласи ва меросхўри бўлмаганига қарамасдан, Еремиё пайғамбар, эҳтимол, ўзининг охириги бир неча мисқол кумушига дала сотиб олади. Бу эса Еремиё пайғамбарнинг ўлиmidан анча вақт ўтиб, халқ ўз аجدодлари юртига қайтишига бўлган пайғамбарона ишончнинг белгиси эди. Еремиё пайғамбар китоби 33-бобда эса келажакда Довуд авлодидан бўлган ўғил Исроил халқини адолат билан бошқарган пайтда, Исроилнинг қайта тикланиши ваъда қилинмоқда.

## **ҲИЗҚИЁЛ**

Еремиё пайғамбарнинг Қуддусдаги узоқ йиллик хизмати охирида, пойтахтнинг қулаши яқинлашганда, Бобилдаги асирлар орасида бошқа бир ёш пайғамбар Ҳизқиёл пайғамбарлик қила бошлайди. Қуддуснинг вайрон бўлишига олиб келган кўзғолондан, яъни милoddан аввалги 587-йилдан ўн йил олдин Навухадназар жазолаш юришини амалга оширди ва баъзи давлат раҳбарларини, шу жумладан, ўша пайтдаги шоҳ Ёҳайихинни асирликка олди. Ўшанда асирлар орасида йигирма беш ёшли руҳоний Ҳизқиёл ҳам бор эди. Беш йил ўтгач, ўттиз ёшида, руҳонийлар руҳонийлик мажбуриятларини ўз зиммаларига олишлари керак бўлган пайтда, Худо Бобилдаги дарё бўйида зоҳир бўлиб, уни пайғамбарлик хизматига чақирди. Бу воқеа Навухадназарнинг сўнгги босқинидан беш йил олдин содир бўлган. Қуддус ҳали ҳам жойида. Ҳизқиёл билан бирга олиб кетилган асирларнинг кўпчилиги сохта пайғамбарларга қулоқ солиб, шаҳар ҳеч қачон қуламайди, тез орада уйга қайтамиз, деб ўйлаганлар. Ҳизқиёл бундай бўлмаслигини билади. Унинг олдида яҳудий асирларни ҳақиқатга тик қарашга мажбур қилишдек оғир вазифа турибди: Қуддус қулайди, кўплаб бошқа яҳудийлар ҳам асирликка олинади ва уларга қўшилади. Худонинг ҳукми энди ўзгармайди.

Аксарият пайғамбарлар ғайриоддий инсонлар бўлишган, аммо Ҳизқиёл улар орасида энг ғаройиби эди. Худо унинг гапириш қобилиятини вақтинча тўсиб қўйган — у фақат ваҳий орқали, Худо унга нима деса, ўшанигина айта оларди. Бу ҳолат беш йил давом этади ва фақат Қуддус қулагани ҳақида хабар келганда тугайди. Бундан бир кун олдин эса унинг ёш рафиқасининг фожиали ўлими уни ифодалаб бўлмайдиган қайғуга солади. Ўз хабарини етказиш учун у жуда ғалати ҳаракатлар қилади. Бир ярим йил давомида у бўлажак қамал аниқ бўлишини тасвирлаш учун ҳар куни ғиштга расми чизилган Қуддусни “қамал қилиб”, келажакдаги қамал воқеликларини тасвирлаш учун очлик рациониди (чекланган овқатланиш дастури) ўтиради. Сочи билан соқолини қилич билан қириб ташлаб, бир қисмини куйдиради, бир қисмини майдалайди, яна бир қисмини шамолга совуради, жуда кам қисмигина қолдирилади — бу эса халқ тақдирининг рамзий ифодаси эди. У Худо улуғворлигининг энг ажойиб ваҳийларини бошдан кечиради. Улардан бирида(ваҳийда) Рух уни Қуддус маъбадига олиб боради ва у ерда содир бўлаётган барча бутпарастлик ва бузуқликларни кўрсатади. Буларнинг натижасида Худонинг улуғворлиги маъбадни ва Қуддусни тарк этади. Рухоний учун бу қиёматдек бўлган бўлиши керак.

Пайғамбарнинг баъзи нутқлари шунчаки одамни ҳайратда қолдиради. Эсингизда бўлса, у олимлар билан суҳбатлашишдан ҳурмат билан бош тартади. У Худонинг айтганларини ўжарлик билан қабул қилмайдиган халққа қарши туради (айнан ўжарлик: Худо уларнинг пешоналари қаттиқ, деб айтади). Аҳд халқининг ношукурлиги ва доимий бевафолигини кўрган Худо ҳис қилган нарсани уларга ҳам ҳис қилдириш учун Ҳизқиёл пайғамбар энг даҳшатли ва очиқчасига беҳаё тасвирлардан фойдаланади.

Қуддус ҳақиқатан ҳам қулагани ҳақидаги хабар (бу Ҳизқиёл ва Еремиё пайғамбарларнинг ваҳийларини тўлиқ тасдиқлайди) келгач, Ҳизқиёл пайғамбар китобининг иккинчи ярми (Ҳизқиёл пайғамбар китоби 33-бобдан бошлаб) бошқача тус олади. Еремиё пайғамбар каби у ҳам халққа тасалли ва умид бахш этувчи сўзлар билан мурожаат қилиб, уларни узоқ муддатли келажакка йўналтиради.

*Ҳизқиёл пайғамбар китоби 34–48 боблар.* Ҳизқиёл пайғамбар китобининг иккинчи ярми келажакдаги умид ҳақида сўзловчи ажойиб бобларни ўз ичига олади. Ҳизқиёл пайғамбар Довуд шоҳлигининг тикланишини(34-боб), Исроил ерининг хавфсизлиги, Исроилнинг гуноҳ ва шармандаликдан покланишини(36-боб), халқнинг қайта уйғониши ва қайта бирлашишини(37-боб), Худо ва Худо халқининг душманлари йўқ қилинишини(38-39 боблар), янги қурилган маъбадда Худога топинишнинг тикланишини, Худонинг бутун халқи шартли равишда ажратилган ерларга қайта жойлаштирилиши ҳамда Худонинг Ўз шаҳрида ҳозир бўлишини(40-48) олдиндан кўради.

*Ишаё пайғамбар китоби 40–55 боблар.* Шубҳасизки, келажакдаги умид ва баракалар ҳақидаги улуғвор ва давомли ваҳий Ишаё пайғамбар китобининг ушбу асосий бобларида келтирилган. Бу сўзлар аниқ асирликдаги халққа қаратилган бўлиб, Худо уларга нажот бериш учун ҳаракат қилишига ишонч бағишлайди. Худо Форснинг янги, ўсиб бораётган шоҳи Курушнинг қўли билан Бобилнинг бўйинтуруғини олиб ташлайди. Кейин эса исроилликларга ўз юртларига қайтишга рухсат беради. Нажот ҳақидаги эзгу хабарни ўз ичига олган айнан шу боблардан бизнинг Хушхабарга оид олтинчи жумламиз келиб чиқади.

Агар бу боблар дастлаб милоддан аввалги VIII асрда (Бобил асирлигидан анча олдин) Қуддусда яшаган Ишаё пайғамбарнинг ўзи томонидан айтилган ёки ёзилган бўлса, у ҳолда улар фойдаланиш ва очиш мумкин бўлган вақтгача эҳтиёткорлик билан сақланиши керак эди. Шубҳасизки, бу боблар Ишаё пайғамбар китоби 1-39 бобларда кўп учрайдиган ибора ва мавзуларни ўз ичига олади. Баъзилар бу бобларни Бобилдаги муҳожирлигининг сўнгги даврида асирларга далда берган, исми бизга номаълум бўлган пайғамбарнинг ваъзи деб ўйлашни афзал кўрадилар. Бу номаълум пайғамбар (агар у мавжуд бўлса) Ишаё пайғамбарнинг хабаридан кучли таъсирланган, шунинг учун унинг башоратлари ушбу китобга бириктирилган. Қайси нуқтаи назар тўғри бўлишидан қатъи назар, бу китобларнинг мазмуни уларни ёзган кишининг шахсиятидан кўра муҳимроқдир.

## **ЭГАМИЗНИНГ ҚУЛИ**

Исроилнинг ўзи Худонинг қули сифатида тасвирланади – у Иброҳим орқали танланган халқ бўлиб, Худонинг мақсадига хизмат қилиш учун чақирилган (Ишаё 41:8–9). Бироқ, афсуски, исроилликлар муваффақиятсизликка учрадилар ва охир-оқибат (асирликда) кар, кўр ва сезгирликни йўқотган қулларга айландилар (Ишаё 42:18–25). Шундан кейин Худо янги шахсни таништиради ва уни "Менинг Қулим" деб атади. У Исроилнинг асил моҳиятини Ўзида мужасамлаштиради ва унинг буюк топшириғини (миссиясини) давом эттириб, халқлар учун Худонинг баракасини Етказувчига айланади. Ишаё пайғамбарнинг китобида "Қул қўшиқлари" деб аталган тўртта махсус парча бор: 42:1–9; 49:1–6; 50:4–9; 52:13–53:12. Қуйида бу сирли Шахснинг баъзи хусусиятлари берилган:

- Исроилдан фарқли ўлароқ, У Худога итоатли бўлади.
- У Худонинг Руҳи билан тўлади.
- У халқлар ўртасида Худонинг адолатини ўрнатади.

- Унинг буюк топшириғи (миссияси) Исроилни Худога қайтариш, шунингдек, Худонинг нажотини, "халқларга нур"ни ернинг чеккасигача олиб боришдир.

- У Худонинг Каломини ўргатадиган ва етказадиган буюк устоз бўлади.

- У ноҳақ азоб чекади ва ўлимга маҳкум этилади.

- Унинг ўлими ўринбосарлик хусусиятига эга бўлади, яъни У Ўз айблари учун эмас, бизнинг гуноҳларимиз учун ўлимга маҳкум этилади.

- Ўлиmidан сўнг У ғалаба қозонади ва азоб-уқубатлари самарасини кўради.

- У энг олий мақомга кўтарилади.

- Исо бу башоратларнинг чуқур таъсири остида бўлган. У Ўз ҳаётини, буюк топшириғини (миссиясини), ўлимини ва тирилишини Худонинг қули вазифасини бажариш сифатида кўрган. Ҳаворийлар Қул вазифасининг давом этишини ғайрияҳудий халқлар орасидаги жамоатнинг буюк топшириғида кўришади (Ҳаворийлар 13:46–48)

Агар сиз ҳақиқий руҳий юксалишни ҳис қилишни хоҳласангиз (ўрнингизда ўтириб, қўлингизда аччиқ қаҳва билан), биров вақт ажратиб, Ишаё пайғамбар китобини бир ўтиришда тўлиқ ўқиб чиқинг. Унда сиз қуйидаги буюк мавзуларни учратишингиз мумкин:

- Янги келажак: ўтмиш ортида қолди. Худонинг ҳукми тугади ва энди Худо янги бир нарсани амалга оширомоқчи. Бу улар билганларидан ҳам каттароқ нарса бўлади. Худони кутиб олишга тайёр туринг.

- Янги чиқиш: Худо уларни Миср қуллигидан қандай олиб чиққан бўлса, Бобил асирлигидан ҳам шундай олиб чиқади. Ушбу бобларда саҳро бўйлаб янги саёҳат ва Худо уларни йўлда қандай таъминлаши ҳақида бой тасвирлар мавжуд. Бу ерда қутқариш мавзуси биринчи ўринга чиқади.

- Худонинг янги ваҳийси: Худонинг тарихга аралашуви яна бир бор шуни таъкидлайдики, фақат ЯХВЕ ҳақиқий Худо, бутун оламнинг Яратувчиси ва тарихнинг Ҳукмдори ҳисобланади. Воқеа-ҳодисаларни ёлғиз Ўзи башорат қилиши ва Ўз пайғамбарлари орқали изоҳлаб бериши мумкин. Халқларнинг худолари эса, аксинча, заиф ва кучсиздир - бундан ташқари, улар Исроилнинг тирик Худоси олдида умуман ҳеч нарса эмас.

- Халқлар учун янги умид: Исроил каби бошқа халқлар ҳам Худонинг ҳукми остида. Аммо Исроил каби улар ҳам Худога мурожаат қилиб, барака ва нажотга эга бўлишлари мумкин. Ишаё пайғамбар китоби 40 - 55 боблар Худонинг Иброҳимга берган ваъдасига бир олам ранг қўшади. Ушбу боблар Исроилнинг имони аслида қанчалик универсал (яъни умумий) эканини кўрсатади.



- Исроилни ифодаловчи янги қиёфа: Исроилнинг муваффақият-сизликлари орасида Худо уларнинг ўзлигини мужассамлаштирадиган ва уларнинг вазифасини бажарадиган янги ва сирли шахсни - Раббимизнинг Қули шахсини кашф этади.

## Уч горизонт

Ушбу ва олдинги бобларда биз Эски Аҳд пайғамбарларининг хабари ҳақида кўп мулоҳаза юритдик Баъзан уларнинг хабарлари, айниқса пайғамбарлар Худо уларга очган келажакка назар ташлаганларида, биров тушунарсиз бўлиб туюлади. Савол туғилади: уларнинг сўзлари қайси келажакка тегишли? Мен пайғамбарларнинг хабарларини ваҳийнинг учта асосий горизонти тоифаларида тушунишни фойдали деб биламан. Ваҳийнинг уч горизонти (уфқи) қуйидагиларни билдиради: пайғамбарлар ўз сўзларини келажакка йўллаганларида, биз уларнинг сўзлари “қўнадиган” учта жойни, сўзлари долзарб бўлиб, амалга ошаётган ёки яна амалга ошадиган учта жойни кўришимиз мумкин.

**Биринчи горизонт: Эски Аҳд даври.** Бу горизонт пайғамбарнинг ўзи яшаган даврга ёки кенгроқ маънода Эски Аҳд даврига тегишли. Пайғамбар башоратларининг аксарияти ҳаётлигида ёки Эски Аҳд давридаги Исроил тарихининг маълум бир нуқтасида амалга ошади.

Мисол учун, кўпгина пайғамбарлар Худо Исроилни, кейин эса Яҳудо халқини асирликка юбориши ҳақида огоҳлантиради, чунки халқ ўжарлик билан аҳдни бузиб, Унга қарши чиқади. Бу, кўрганимиздек, Эски Аҳд тарихида, яъни милоддан аввалги 721(2)-йилда Шимолий Исроил шоҳлигида ва милоддан аввалги 587(6)-йилда Жанубий Яҳудо шоҳлигида содир бўлган. Бу башоратнинг амалга ошишининг биринчи горизонти (даври) эди.

Баъзи пайғамбарлар Худо асирликка олиб кетилган яҳудийларни ўз ватанига қайтаришини башорат қилишади. У асирликка чек қўяди. Аҳд янгиланади ва улар маъбадни қайтадан қурадилар. Бу башоратлар ҳам Эски Аҳд даврида амалга ошди. Форс шоҳи Курушнинг милоддан аввалги 538 йилдаги фармонидан сўнг, бир неча асирлар тўлқини Қуддусга қайтарилади ва милоддан аввалги 515 йилга келиб, маъбад қайта тикланади. Башорат яна биринчи горизонтга (даврга) тааллуқли.

Бироқ баъзан биз биринчи горизонтда (даврд) қилинган ва амалга ошган Эски Аҳд башорати кейинчалик ҳам давом этиши ва янада муҳимроқ бажарилиши мумкинлигини кўрамиз. Худонинг Ишаё пайғамбар орқали шоҳ Охозга берган аломати бунга яққол мисол бўла олади (Ишаё пайғамбар китоби 7-боб). Бу аломат бўлганлиги боис (Охоз учун аҳамиятли бўлиши керак бўлган нарса), пайғамбарнинг сўзларидан сўнг кўп ўтмай, қизнинг ҳақиқатан ҳам ҳомиладор бўлиб, бола туғишини, Ишаё пайғамбар башорат қилган Исроил душманларининг мағлубияти тахминан тўққиз ойдан сўнг содир бўлишини тахмин қила оламиз – бу воқеаларнинг барчаси биринчи горизонт (давр) доирасида содир бўлади. Албатта, Худо Исроил билан бирга бўлади (“Иммануил”)

ва уни душманлардан халос қилади. Бироқ Матто Исонинг туғилишида Иммануил ҳақидаги башоратнинг янада кенгроқ даражада бажарилишини топганини ҳам биламиз. Бу бизни иккинчи горизонтга (даврга) олиб келади.

**Иккинчи горизонт: Янги Аҳд даври.** Биз энди биламизки, пайғамбарлик китобларидан баъзи парчалар фақат Исо Масихда ҳамда Исо Масих ва Нажот Хушхабари орқали, Унинг ўлими ва тирилиши орқали амалга ошади. Баъзан бу парчалар Масих ҳақидаги башоратлар деб ҳам аталади. Ваҳоланки, уларда *Масих* (мойланган) сўзининг ўзи кам учрайди. Пайғамбарлар нафақат *келажак* ҳақида гапиришади, балки Исо орқали амалга ошадиган ишларни ҳам баён қилишади. Масалан, Еремиё пайғамбар Худо янги аҳд тузиши ҳақида ёзаркан (Еремиё 31:31–33), унинг аксарият сўзлари *умуман олганда* Синай аҳдига *ўхшайди*. Аммо у бу янги муносабатларнинг бир қисми гуноҳларнинг тўлиқ кечирилиши бўлишини айтганда, бу фақатгина Исо Масихда амалга ошишини биламиз. Шунга ўхшаб Ишаё пайғамбар тилга олган Худо Қулининг бир нечта хусусиятлари Исроилга (ғайрияҳудийларга нур бўладиган Худонинг танланган ва севимли халқи) ҳам тегишли. Аммо Ишаё пайғамбар Қул кўпчиликнинг гуноҳларини Ўз зиммасига олиб, биз учун ўлишини айтганда (Ишаё 53), бу сўзлар фақат Раббимиз Исода тўлиқ амалга ошганлиги тушунилади. Шу тариқа пайғамбарларнинг сўзларида бўлиши мумкин бўлган Хушхабар чизиғини йўқотмаслик учун ҳушёр бўлиш лозим. Албатта, мен пайғамбарларнинг ҳар бир оятидан (ёки умуман Эски Аҳддан) Исони "излаш" керак, демоқчи эмасман. Балки бу ушбу матнларнинг барчаси тарих ва Муқаддас Китоб бизни Масихга олиб борадиган катта йўлнинг бир қисми эканлигини билишимиз кераклигини англатади.

**Учинчи горизонт: янги ижод.** Пайғамбарлар келажак ҳақида биз ўтмишда ёки ҳозирда бошдан кечирган барча нарсалар чегарасидан ташқарида бўлган атамалар билан гапирган ҳолатлар ҳам мавжуд. Масалан, пайғамбарлар Исроил халқи ва бошқа халқлар устидан Худо ҳукм чиқариши ҳақида айтганларини биламиз. Аммо баъзида улар бутун ер юзи ва барча халқларни қамраб олувчи Худонинг ҳукмини тасвирлайдилар, бу эса бутун оламни ҳалокатга олиб келади ҳамда барча нопок ва ёвуз нарсаларни йўқ қилади (масалан, Ишаё 24-боб). Бундай оламшумул тасаввур бизни узоқ келажакдаги (горизонтдаги) - Масихнинг Иккинчи келиши ва Даҳшатли ҳукмга олиб боради.

Хайриятки, бундай узоқ муддатли ваҳийлар келажакдаги Худонинг баракалари ҳақида кўпроқ гапиради. Пайғамбарларнинг келажак дунё ҳақидаги сўзлари чексиз қувонч ва ҳиссий ҳаяжонга тўла. Улар бизга келажакдаги ажойиб дунёни тасаввур қилишга ёрдам беради. Тўкин-сочин дунё. Ернинг ўзи Яратувчиси олдида шод бўладиган дунё. Ҳаёт хавфсиз ва тўлақонли бўлган дунё. Зўравонлик, адолатсизлик, очлик ва хавф-хатарлар бўлмаган дунё. Урушлар ва

маҳаллий можаролар бўлмаган дунё. Бу ерда одамлар ҳайвонот олами билан уйғунликда яшайди. Энди улар ҳеч қачон итоатсизлик қилиб Худодан юз ўгирмайди. Барча халқларнинг вакиллари сохта худоларини бутунлай рад этиб, тирик Худога юз бурадилар ва Унга қувонч билан сажда қилиб, совғалар келтирадилар (масалан, Ишаё 25:6-9; 35; 65:17-25; Еремиё 32:37-41; 33:6-9; Йўэл 3:17-18).

Бундай ваҳий, табиийки, биринчи горизонтда (даврда) амалга ошмади. Исроилликлар ҳақиқатан ҳам ўз юртларига қайтишди (буни бироздан кейин кўриб чиқамиз). Аммо улар ҳали ҳам гуноҳкор ва мукамалликдан йироқ, буни Нахимиё, Эзра ва Малаки каби пайғамбарларнинг китоблари кўрсатади. Иккинчи горизонт-чи (давр-чи)? Албатта, Масих ўзининг ўлими ва тирилиши билан бу дунёни қутқарганини биламиз, лекин биз ҳали пайғамбарлар тасвирлаган мукамал тинчлик ва адолат ҳукм сурадиган ҳаётнинг амалга ошишини кўрмадик. Биз бундай башоратларнинг охирги, учинчи ёки эсхатологик<sup>6</sup> (техник атама билан айтганда) горизонт (давр) даражасида амалга ошишини кутишимиз керак.

Учинчи горизонт (давр) деганда, Ваҳий китоби 21:22 да тасвирланган янги ижодни назарда тутяпман. Ушбу тасвирда муаллиф пайғамбарларнинг кўплаб мавзуларини атайлаб такрорлайди (бутун Ваҳий китоби Эски Аҳдга ишоралар билан тўлган). Ишаё пайғамбар китоби 60-боб ва 65:17 - 25 оятларни, кейин эса дарҳол Ваҳий китоби 21-22 бобларни ўқинг, шунда нимани назарда тутаётганимни тушунасиз. Қуйида иккала китобда такрорланадиган баъзи мавзулар келтирилган:

|                                                               | <b>Ишаё</b> | <b>Ваҳий</b>  |
|---------------------------------------------------------------|-------------|---------------|
| Янги осмон ва янги ер                                         | 65:17a      | 21:1          |
| Аввалгилар ўтиб кетди                                         | 65:17b      | 21:4          |
| Йиғи ва кўз ёш бошқа йўқ                                      | 65:19a      | 21:4          |
| Ўлим бошқа йўқ                                                | 65:20(эрта) | 21:4 (умуман) |
| Худонинг шахри Қуддус, ҳайрат ва шодлик                       | 65:18b-19a  | 21:2          |
| Худо Ўз халқи орасида ва Ўз халқи учун бўлади                 | 65:24       | 21:3          |
| Ланъат оқибатлари энди йўқ                                    | 65:22-23    | 21:3          |
| Қуёш йўқ, чунки Худо нур бўлади                               | 60:19-20    | 21:23, 22:5   |
| Халқлар Худонинг шахрига инъомлар ва шон-шуҳрат келтирадилар. | 60:5-6,9    | 21:24-27      |

<sup>6</sup> **Эсхатология** (юнон. εσχατολογία ← қад.юнон. ἔσχατος “охирги, сўнгги” + λόγος “сўз, билим”) - дунёнинг охири, Масихнинг иккинчи келиши, охирги вақтлар ҳақидаги қарашларни акс эттирувчи соҳа

## **ИШАЁ пайғамбар китоби 52:7-10**

Биз бу боб учун танлаган жумламиз келиб чиққан Ишаё пайғамбар китоби 52:7-10 оятлар учта даврни (горизонтни) ўз ичига олган жуда яхши мисолдир. Қаранг, аслида бу матнда Хушхабар мавжуд. Уни айнан оёқлари гўзал бўлган хабарчи эълон қилади. Бу Эски Аҳддаги Хушхабар. Бу учала горизонтлардаги (даврлардаги) Хушхабардир.

**Асирлар учун эзгу хабар: биринчи горизонт.** Хабарчининг сўзлари асирларга далда бериб, уларни уйга, Қуддусга қайтишга тайёргарлик кўришга ундайди. Эгамиз Худо ғалаба қозонди (Худо ҳукмронлик қилади) ва асирларни Ўзи билан олиб, Ўз шахрига қайтмоқда. Худди Мисрдан чиқиш пайтида бўлгани каби, Худо Ўз халқини қутқаради. Бундан буён улар хурсанд бўлиб, уйларига қайтишлари мумкин. Худди шундай бўляпти ҳам. Ишаё пайғамбарнинг башорати биринчи горизонтда (даврда) амалга ошмоқда.

**Масихдаги эзгу хабар: иккинчи горизонт.** Бу оятларда Хушхабарнинг учта жиҳати мавжуд бўлиб, улар Исо Масихда ҳам ҳақиқатдир. Ишаё пайғамбар китоби 52:7 оятда Шоҳлик қилаётган Худо ҳақида айтилган. Ишаё пайғамбар китоби 52:8 оятда қайтаётган Худо ҳақида айтилган. Ишаё пайғамбар китоби 52:9 оятда қутқарувчи Худо ҳақида гапирилган. Буларнинг ҳаммаси Исо Масих ва Хушхабарда рўёбга чиқди. У Худонинг Шоҳлиги ҳақида ваъз қилган. У маъбадга (Худо қайтишни ваъда қилган маъбадга) ташриф буюради. У ўлим ва қайта тирилиш орқали одамларни қутқарган Халоскор ва Нажоткордир. Исо – шоҳлик қилувчи Худо, қайтувчи Худо ва халоскор Худодир. Шундай қилиб Исо Хушхабарнинг иккинчи горизонтида хабарчининг сўзларига яна бир даражадаги ижрони қўшади.

**Дунё учун эзгу хабар: учинчи горизонт.** Ишаё пайғамбар китоби 52:10 да пайғамбар глобал миқёсга, яъни "барча халқларга" ва "ер юзининг барча чеккаларига" ўтади. Яна Иброҳимга берилган ваъда янграйди. Жамоатнинг буюк топшириғи (миссияси) орқали Худойимизнинг нажот Хушхабари ҳақиқатан ҳам ернинг чеккаларигача етиб боради. Охир-оқибат, башорат учинчи горизонтда (даврда) рўёбга чиқади. Бутун ер юзи устидан ҳукмронлик қилиш учун Раббимиз Исо Масих қайтиб келганда ва барча қабилалар, халқлар ва тиллардан бўлган Ўз халқини қутқарганда, бу тўлиқ амалга ошади.

Пайғамбарларнинг охирги башорати фақатгина Масих қайтиб келганидан сўнг, Худо орамизда маскан қилиши учун ер юзи покланиб, янгиланганда амалга ошади.

Пайғамбарларда шундай парчалар борки, улар учала горизонтни (даврни) ҳам ўз ичига олганга ўхшайди ва бу дастлаб ўқувчини чалғитиши мумкин. Аммо, яна такрорлаймизки, пайғамбарлар келажакка қарайдилар ва қанча бўлмасин уни ягона ваҳий сифатида кўрадилар. Улар иккинчи горизонт (давр) келгунча асрлар ўтишини, учинчи горизонт (давр) келгунча (бу ҳатто биз учун ҳам ҳали келмаган) яна қанча асрлар ўтишини билмайдилар (билишлари ҳам мумкин эмас). Биз, ўз нуқтаи назаримиздан, уларнинг сўзлари улкан вақт оралиғига тааллуқли эканлигини кўришимиз мумкин. Улар эса барча нарсага ўзларининг тарихий нуқтаи назаридан қараган ва ҳамма нарсани бир вақтнинг ўзида кўрган, гўё яқин ва узоқдаги воқеалар битта катта, яхлит манзаранинг қисмларидек.

Бу барча даврлар (горизонтлар) орқали пайғамбарларнинг келажак умиди кўринишида элчилик ўлчови кўзга ташланади. Худонинг Иброҳимга берган ваъдаси ҳар доим барча халқларга Худонинг қут - баракаси ёйилишини назарда тутгани боис (иккинчи бобда кўриб чиққанимиздек), пайғамбарлар Худо билан аҳд тузган халқнинг бир қисми бўлиш учун исроилликлардан ташқари бошқа халқлар ҳам тўпланадиган кунни кўришади.

Ҳаворий Павлус Исо Масих Ўз ўлими ва тирилиши билан Худо ваъда қилган нажотни олиб келганидан кейин айнан шундай бўлиши кераклигини тушунган. Римликларга йўллаган мактубининг энг юқори нуқтасида Павлус Римдаги жамоатдан ғарбда, Испанияда воизлик фаолияти учун асос сифатида фойдаланишга тайёрланаётиб, қуйидагиларни айтган: “<sup>8</sup>Мен сизларга айтяпман: Худонинг содиқлигини кўрсатиб, Унинг ота-боболаримизга берган ваъдаларини бажариш учун Исо Масих яҳудийларнинг хизматкори бўлиб келди. <sup>9</sup>Масихнинг келишидан яна бир мақсади шу эдики, *ғайрияҳудийлар ҳам Худонинг меҳр-шафқати учун Уни улуғласинлар...*” (Рим.15:8–9; курсив муаллифники). Кейин у дарҳол бу фикрни Эски Аҳддан олинган тўртта иқтибос билан мустаҳкамлайди. Тарих айнан ўша томонга - халқларга қараб йўналиши керак ва Павлус бу йўлни кўрсатади. Ҳаворийликнинг буюк топшириғи (миссияси) Қадимги Аҳдга асосланган.

Павлус ўзининг ғайрияҳудийларга Хушхабарни етказиш вазифасини тушунтиришда Муқаддас битиклардаги яна қайси оятлардан фойдаланганини охиригача била олмасмиз. Эҳтимол, улар орасида қуйидаги матнлар ҳам бўлган: кўплаб халқлардан келган одамларнинг исмлари Худонинг шахрига ёзилади (Забур 86:3–6); Худога сажда қилиш учун келишади (Забур 85:9); бир пайтлар Худонинг душманлари бўлган бўлишларига қарамай, Худонинг баракаси ва нажотини олишади (Ишаё 19:20–25); Худонинг исми билан аталишади (Амос 9:10–11) Сион шахрида Худонинг халқи билан бирлашадилар (Закариё 2:10–11).<sup>1</sup>

## Асирликдан қайтиш

Бироқ биз келажак ҳақидаги бундай юксак ваҳийлардан Эски Аҳднинг сўнгги асрларида қайтиб келган асирлар дуч келган ҳақиқий воқеликка қайтишимиз керак.

Еремиё пайғамбар айтганидек, Бобил империяси қарийб етмиш йил ҳукм сурган. Форс шоҳи Куруш Бобилни мағлуб этиб, яна икки юз йил давом этадиган янги давр - Форс империясини бошлаб берди. Куруш дастлаб фармон чиқаради, унда асир олинган халқларга (оссурияликлар ва бобилликлар томонидан кўчириб келтирилган халқларга) ўз ватанларига қайтиш ва ўз худоларини ўзлари билан бирга олиб кетиш таклиф қилинган. Исроилликлар, албатта, Худо Курушни айнан шу мақсадда ва уларнинг манфаати учун қўйганига ишонади(Ишаё 44:24-45:6). Унинг исроилликларга тегишли фармони 2 Солномалар китоби 36:23 оятда келтирилган (шунингдек, Эзра 1: 1 - 4 га қаранг): "Форс шоҳи Куруш шундай демоқда: Самовий Худо — Эгамиз ер юзидаги жамики шоҳликларни менга берган. У Яхудо юртидаги Қуддусда Ўзига бир уй қуришни менга топширди. Худонинг халқидан бўлган ҳар бир кимса Қуддусга борсин, Эгаси Худо унга ёр бўлсин".

Бобилда яшаган яхудийларнинг кўпчилиги (лекин ҳаммаси эмас) бир неча йил давомида бир неча тўлқин бўлиб, ҳақиқатан ҳам орқага қайтишади. Бироқ улар янги мустақил давлат Яхудо ёки Исроилга асос солиш учун қайтиб келишмайди. Улар Форс империяси вилоятларидан бирининг бир бурчагида кичик бир жамоага айланади.

Қайтаётган асирлар оғир аҳволга тушиб қолишади. Уларнинг ери деярли икки авлод давомида қаровсиз қолган. Қуддус ҳали ҳам ҳимоя деворлари бўлмаган, ёнғиндан қолган вайрона ҳолида турибди. Маъбад энди йўқ. Уларни ҳосилсизлик, қарзлар ва солиқлар билан боғлиқ янги муаммолар кутмоқда. Бунинг устига шимолда яшовчи халқлар уларга ниҳоятда шубҳа билан қарайдилар ва уларнинг режаларига очиқчасига қаршилик кўрсатадилар, уларга доимо таҳдид ва тўхмат қилиб, форс маъмурлари олдида обрўсизлантиришга ҳаракат қиладилар. Қисқаси, бу Ишаё пайғамбар китоби 40-55 боблардаги буюк шеърий риторикага деярли ўхшамайди.

**Асирликдан кейинги давр пайғамбарлари.** Ушбу аянчли саҳнага Худо яна бир нечта пайғамбарларни юборади, улар Эски Аҳд даврида ўз халқига Худонинг каломини етказган охириги пайғамбарлардир.

*Хаггей пайғамбар.* Хаггей пайғамбарнинг мактуби қайғу ва тушкунлик даврида халққа далда беришга қаратилган. Дастлаб пайғамбар уларни маъбадни тиклаш ишларини якунламаганликлари учун танқид қилади (Ўз уйларини қуриш афзалроқ бўлган кўринади) ва уларни ишни тугатишга чақиради. Халқ ҳақиқатан ҳам унга қулоқ солади ва айтганини қилади (Хаггей пайғамбар бундай натижадан хайратга тушган бўлса керак - аксарият пайғамбарлар буни уддалай олишмаган). Маъбад (тарихчиларга иккинчи маъбад сифатида маълум) милoddан аввалги 515 йилда қуриб битказилган ва қайта бағишланган.

*Закариё пайғамбар.* Тахминан Хаггей пайғамбар билан бир вақтда (милoddан аввалги VI аср охири) Закариё пайғамбар ҳам руҳлантирувчи ваъзлар айтган. Унинг хабарлари жуда жонли ва рамзий бўлган. Аммо уларнинг умумий моҳияти шундаки, Худо Қуддусни (Сион) тиклайди ва Ўз халқининг душманларини йўқ қилади. Закариё пайғамбар Худо Сион шаҳрига Ўзининг ҳақиқий Шоҳини юборишини тасвирлайди. Лекин У шаҳарга ҳўтиқда кириб келади. Шубҳасизки, Исо ўлиmidан бир ҳафта олдин Қуддусга кириб келганида, Закариё пайғамбарнинг башоратини назарда тутган.

*Малаки пайғамбар.* Хаггей ва Закариё пайғамбарлардан кейин, эҳтимол, милoddан аввалги V асрнинг ўрталарида Малаки пайғамбар руҳонийлар ва халқ Худога хизмат қилишда жуда дангаса бўлиб қолганини кўради. Халқнинг назарида Худо гўёки уларга етарлича ғамхўрлик қилмаётгандек ва кам ёрдам бераётгандек туюлади. Шундай экан, нима учун улар ўзларидаги энг яхши нарсаларни Унга қурбон қилиб, ўзларини қийнашлари керак? Бундай муносабат Худони талашдир, деб айтади Малаки пайғамбар. У Худонинг Ўзи уларнинг олдига келишидан олдин йўлларини ўзгартиришлари учун уларни огоҳлантиради. Худо ўша кун келишидан аввал етарлича огоҳлантириш беради - Ўзи келишидан олдин Илёсни юборади. Малаки пайғамбар бу ваъдани берганида, бу воқеагача ҳали тўрт юз йилдан ортиқ вақт бор эди. Аммо айнан Малаки пайғамбарнинг (ва бутун Эски Аҳднинг) шу сўнгги башоратини сувга чўмдирувчи Яҳё такрорлаб, халқни тавба қилишга ва Худонинг келишига тайёрланишга даъват этади. Исо Ўз шогирдларига Яҳё келиши керак бўлган ўша Илёс эканини айтганда, дарҳол савол туғилди: "Ундай бўлса, Исо ким?"

*Эзра ва Нахимйё.* Яна бир авлод ўтади. Форс давлати ҳали ҳам дунёда ҳукмронлик қилмоқда. Маъбад қайта тикланди, аммо Яҳудо халқи ҳамон оғир шароитда яшамоқда. Қуддус ҳамон қисман хароба ва деворсиз қолмоқда. Унда сажда қилувчилар шаҳарни Худо учун шармандалик деб ҳисоблашади. Халқ ғайрияҳудийлар қуршовида яшамоқда ва диний амалиётнинг аралашиб кетиши ва ўзликни йўқотиш хавфи катта. Нафақат Қуддуснинг жисмоний деворларини, балки халқнинг имони ва содиқлигини ҳам жиддий қайта қуриш зарур.



V асрнинг ўрталарида (яъни милoddан аввалги 450 йиллар атрофида) Нахимиё ва Эзра бу чақирувни қабул қиладилар. Уларнинг иккаласи ҳам, аввалгидек, Месопотамиядаги яҳудийлар орасида яшар, Форс маъмурий тизимида юқори лавозимларни эгаллаган одамлар эди. Аммо турли вақтларда иккаласи ҳам ижтимоий, иқтисодий ва диний ишларни ташкил этиш учун Қуддусга шоҳ ҳокимияти билан боришга расмий рухсат оладилар.

Қисқа вақт ичида ва қўшни халқларнинг кучли қаршилиги остида Қуддус деворларининг тикланиши Нахимиёнинг буюк ютуғидир. У халқни бу вазифани бажариш учун йиғади, лекин баъзи эски муаммолар - қарзлар ва қашшоқлик - миллатни яна бўлиб ташлаётганини аниқлагандан сўнг, уларни Худо билан алоқани янгилашга ундайди. У жамоа ҳали жуда кичик бўлишига қарамай, халққа янгиланган ўзлик ва бирлик туйғусини беради. Унинг ўз муваффақиятлари бор, лекин ҳатто унинг ўзи ҳам ўз хотираларида энг кескин ислохотлари ҳам осонгина йўққа чиққанини эслайди.

Эзра моҳир тафсирчи бўлган ва Мусонинг қонунларини яхши билган. Бу вақтга келиб Беш китоб (Таврот ёки Муқаддас Китобнинг дастлабки беш китоби), эҳтимол, ҳозирги кўринишда бўлган. Айтилганидек, Эзра ўзини Эгамиз Худонинг қонунини ўрганишга, бажаришга ва ўргатишга бағишлаган – бу ҳар қандай инсон учун ажойиб ибратдир. Эзра катта маросим уюштиради. Бир ҳафта давомида у йиғилганларга Худонинг Каломини ўқиб беради ва бошқа руҳонийларни ўқиганларини тушунтиришга таклиф қиладди. У исроиллик айрим эркаклар ғайрияҳудий аёлларга уйланганидан хавотирланади. Уни бу аёлларнинг қайси миллатга мансублиги эмас (бу ирқий масала эмас), балки Исроилнинг оилавий ҳаётига бутпарастликнинг кириши хавфи ташвишга солмоқда. Унинг қарори - бундай эркаклар бегона хотинлари билан ажрашишларини қатъий талаб қилиш. Бу тўғрими ёки ягона қарорми, матнда айтилмаган, аммо бу Эзра Исроилнинг имонини соф сақлашга қанчалик жиддий ёндашганини кўрсатади.

## Худони кутиб

Шундай қилиб, Эски Аҳднинг ҳикоявий ва пайғамбарлик тарихини қамраб олган давр ўз ниҳоясига етмоқда. Исо Масихнинг келишигача яна тўрт аср ўтади. Мана шу йиллар давомида Исроил халқи гоҳ катта бир салтанат ичида тинч ва осойишта ҳаёт кечирса, гоҳ қаттиқ қувғинларга дучор бўлган жуда оғир даврларни бошидан ўтказади. Қувғинлар, айниқса, Македониялик Искандар хужуми билан Форс империяси вайрон бўлганидан ва Яҳудо юнон империялари, сўнгра эса Рим империясининг бир қисмига айланганидан кейин тез-тез содир бўлади.

Бу аҳдлараро давр деб аталадиган даврда икки хусусият кўзга ташланади. Улардан бири шуки, Эзра давридан бошлаб Яҳудо халқи қонун китобига янада кўпроқ эътиқод қўяди. Яъни улар Муқаддас Битикларга асосланган ва таянган жамоага айланади ҳамда уларнинг ҳаёти тобора қонун ва пайғамбарларнинг талаблари ва умидлари атрофида кечади. Бу даврда қонун билимдонлари (Таврот тафсирчилари ва уламолари), кейинчалик эса бутун бошли бир одамлар жамоаси пайдо бўлади. Улар Худонинг бутун қонунига тўла итоат қилиб яшашга интилади; уларни фарзийлар деб атай бошлашади. Бу ҳаракатларнинг сабаблари ижобий бўлган: агар Худо Исроилни Худонинг қонунига бўйсунмагани учун жазолаган бўлса, Исроил яна Худонинг марҳаматига сазовор бўлиши ва бундай ҳукмнинг такрорланишидан қочиши учун у қонундаги ҳамма амрларга мувофиқ яшашга интилиши керак эди. Бироқ, натижада қонунни бузишдан ҳимоя қилишга қаратилган қўшимча қоидалар билан осонгина ортиқча юкланган диний тизим яратилди – Исо Ўз ҳаёти эвазига бу тизимга қарши чиқди.

Бу даврнинг яна бир хусусияти, Худонинг жамоат ҳаётига аралашувини кўриш истаги кучайганида эди. Таъқиблар кучайиб, ҳукмрон бутпараст халқлар бузуқлашиб, Худонинг халқига зулм ўтказишгани сари Исроил учун ягона умид Худонинг ер юзида Ўз Шоҳлигини ўрнатадиган тўғридан-тўғри ва қатъий ҳаракати эди. Гарчи улар ўз ватанларига қайтиб келган бўлсалар-да, асирлик тугамагандек, ўз ерларига қайтишган бўлсалар-да, лекин ёвузлик салтанатлари зулмидан ҳали халос бўлмагандек туюларди. Худо ёрдамга келиши керак эди. Худо Ўзи ваъда қилган кишини юбориши керак эди. Худо Ўз Шоҳлигини ўрнатиши керак эди. Худо Исроилни озод қилиши ва душманларини мағлуб этиши керак эди. Худо адолатсизлик ва азоб - уқубатларга чек қўйиши керак эди.

Носиралик дурадгорнинг ўғли “Вақт–соати етди. Худонинг Шоҳлиги яқинлашди! Тавба қилинглар, Хушхабарга ишонинглар!” (Марк 1:15) деб ваъз қилишни бошлаганида, халқнинг умид ва истаклари шундай эди.

## Еттинчи боб

### Забур санолари ва Донишмандлик китоблари

*“Эгам менинг чўпонимдир”.*

#### **Забур 22:1**

Бизнинг еттинчи ва охирги жумламиз, эҳтимол, бутун Эски Аҳддаги энг таниш тимсолни ифодалайди. Забурнинг 22 - саноси кўплаб мадҳия ва кўшиқларнинг илҳом манбаи бўлиб хизмат қилган. Бу кўшиқларнинг баъзилари ҳозир ҳам Худонинг ғамхўрлиги ва ҳимоясига суяниб, изтироб чеккан пайтларда мунтазам куйланади. Худди шу сано тўй тантаналарида умид ва қувонч билан эсланади. Бемор ёки ўлим тўшагида ётган яқинларимиз ёнида ҳам шу сўзлар билан ибодат қиламиз. Ҳали куйлаш қобилиятига эга бўлганлар учун йигирма иккинчи сано дафн маросими қайғусида ишонч шамини ёқади ва биз охирги оятда янграган ишончга охирги кучимиз билан маҳкам ёпишиб оламиз:

*“Умрим бўйи Сенинг меҳр–шафқатинг изимдан юради,*

*Эй Эгам, Сенинг уйинг то абад менинг масканим бўлади”.*

Бу тўғри, чунки бу ҳақиқатан ҳам кўшиқ, шеър бўлиб (анъанага кўра) ўзи чўпон бўлган ва кўйларининг эҳтиёжларини қандай таъминлашни билган одам томонидан ёзилган. Унда Худонинг ғамхўрлиги, ҳимояси, таъминоти ва Ўз халқига берадиган йўл-йўриғи ҳақида гапирилади. Бу Забур китобидаги кўплаб шундай кўшиқлардан биридир. Забур Муқаддас Китобнинг ўртасида жойлашган бўлиб, турли хил кайфиятдаги ибодат кўшиқларининг бой тўпламини ўз ичига олади. Эски Аҳд ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун Забур китобига алоҳида эътибор қаратмасдан илож йўқ.

Яҳудий қонунлари тартибига кўра, Забур китоби Эски Аҳднинг қонун ва пайғамбарлардан кейин учинчи асосий бўлимига киради, у "Битиклар" деб аталади. Муқаддас Битиклардаги бошқа бир гуруҳ китоблар "Ҳикмат китоблар" деб номланиб, уларга Ҳикматлар, Аюб ва Воиз китоблари киради. Ушбу бобда биз Забур ва Донишмандлик китобларини қисқача кўриб чиқамиз.

## Забур санолари

Забур китоби - Қадимги Исроилнинг махсус тузилган ибодат қўшиқлари тўплами бўлиб, беш китобдан иборат.<sup>1</sup> Масихий мадҳия ва қўшиқлар сингари, бу санолар бир неча муаллифлар томонидан турли шароитларда ёзилган. Биргаликда санолар Исроилнинг бутун эътиқодини ифода этади — бу эса, албатта, шунингдек Исо Масихнинг эътиқоди бўлган ва бугунги кунда бизнинг ҳам эътиқодимиз бўлиб қолмоқда. Бу эътиқод шодлик ва қайғуларда, мўъжизаларда ва кундалик ҳаётнинг оддий ҳолатларида намоён бўлган.

**Шеърият.** Забур китоби ҳам мадҳияларимиз ва ибодат қўшиқларимиз каби шеърый йўл билан ёзилган. Яҳудий шеъриятида кўплаб замонавий шеърларда бўлгани каби қофиялар ишлатилмайди. Такрорланувчи урғуларнинг ўзига хос ритмик шаклига афзаллик берилади (масалан, бир тактда учта зарб, кейин яна учта ва ҳоказо). Яҳудий шеъриятида жуда кенг тарқалган услублардан бири – параллелизм (иккита ёки бир неча қаторда деярли бир хил маънони такрорлаш). Бироқ бир хил эшитилмаслиги учун бир оз ўзгартириш киритилади. Яҳудий муаллифлари айнан шу параллелизм услуби орқали фикрларини чуқурроқ ёритиш ва таъкидлашга эришган. Қизиғи шундаки — қофияни таржимада сақлаш жуда қийин. Бу услуб қофияга нисбатан таржимада осонроқ сақланиб қолинади ва буни осон кузатиш мумкин. Бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қилишингиз мумкин: Муқаддас Китобни очиб, Забурларга назар ташласангиз кифоя.

Параллелизмнинг бир неча хил турлари мавжуд. Қуйида бир нечта мисоллар берилган.

*Такрорланувчи параллелизм.* Сано муаллифи бир фикрни баён этади. Сўнгра уни бироз бошқача сўзлар билан такрорлайди ва фикр доирасини кенгайтиради. Аслида, ёзувчи битта асосий фикрни ифодалайди, гарчи уни икки ёки ундан ортиқ мисрага жойласа ҳам. Биз айтилган гапнинг мазмунини англаш учун барча қисмларни яхлит ҳолда идрок этишимиз лозим.

<sup>2</sup>Худонинг шухратини самолар намоён қилади,

Унинг ижодини фалак тоқи айтиб туради.

<sup>3</sup>Осмон кундан–кунга буни билдиради,

Ҳар тун бундан хабардор қилади”.

(Забур 18:2–3).

Бу мисолда самолар ва фалак икки хил ғояни эълон қилмайди. Йўқ, Худонинг улуғворлиги Унинг барча ишларида кўринади. Улар кундузи бир ишни, кечаси бошқа ишни қилмайдилар. Йўқ, коинот доимо Худо ҳақидаги ҳақиқатни очиб беради. Сано муаллифи оддийгина қилиб: "Яратилган нарсалар доимо Худонинг улуғворлигини намоён қилади", - деб ёзиши мумкин эди, бироқ яҳудий шоир параллеллизмдан фойдаланиб, бунга стереофоник<sup>7</sup> теранлик ва ритм бахш этади. Такрорланувчи параллеллизм, шубҳасиз, параллеллизмнинг энг кенг тарқалган шаклидир. Яна бир мисол:

“<sup>1</sup>Фосиқларга ғайирлик қилмагин,

Бадкирдорларга ҳасад қилмагин.

<sup>2</sup>Улар майсадай тезда қуриб қолади,

Ям–яшил ўтдай тезда сўлиб қолади”.

(Забур 36:1–2).

*Қарама-қарши (Тазодли) параллеллизм.* Баъзан биринчи мисрани ёритиш, кучайтириш учун, иккинчи мисрада қарама қарши сўз, ибора, фикр ифодаланади. Тазод (шеърийатда қарама-қаршилиқни билдирувчи сўз) маънони янада теранлаштиради:

“[Шоҳнинг]Кўнглидаги истакларини рўёбга чиқардинг,

Унинг тилакларини рад қилмадинг”.

(Забур 20:3).

“Зеро, мен Эгамнинг йўлидан юрдим,

Ахлоқсизлик қилмадим, Худойимдан юз ўгирмадим”.

(Забур 17:22).

“Аҳли камтарга эса нажот берасан,

Димоғдорни ерга урасан”

(Забур 17:28).

*Тўлдирувчи параллеллизм.* Баъзан иккинчи ёки учинчи қатор биринчи қаторга таянган ҳолда айтилган фикрга муҳим маълумот қўшади. Параллел қаторлар шунчаки биринчи қаторни такрорламайди, балки унинг маъносини чуқурлаштиради ёки уни кенгайтиради. Мана баъзи мисоллар:

“<sup>2</sup>Эгамизни олқишлагин, эй жоним,

Унинг қилган ҳамма яхшиликларини унутмагин!

<sup>3</sup>Ҳамма гуноҳларимни У кечиради,

Барча хасталикларимга У шифо беради.

---

<sup>7</sup> **Стереофония** — бу овозни икки ёки бир нечта йўналишдан эшитиш усули, яъни овозни кенг ва ҳаётий тарзда эшитиш имконини беради. Ушбу гапда “бу сўзлар нафақат эшитилади, балки қалбдаги турли томонларга таъсиир қилади” деган маънода.

“Мени қабрдан У қутқаради,  
Севги, шафқат ила менга тож кийгизади”.  
(Забур 102:2–4).

“<sup>4</sup>Эгамизнинг каломи ҳақиқатдир,  
Унинг барча ишлари ишончлидир.  
<sup>5</sup>Эгамиз адолату ҳақиқатни севади,  
Замин Унинг содиқ севгисига тўла”.  
(Забур 32:4–5).

Параллелликнинг бу турли шакллари Муқаддас Китобнинг бошқа шеърий қисмларида, жумладан, Ҳикматлар китобида ва пайғамбарларнинг кўплаб хабарларида ҳам учрайди.

**Метафора** (*ўхшатиш*). Худди пайғамбарларга ўхшаб, сано ижодкорлари ҳам ёрқин ҳаёлий тасвирлар ва ўхшатишлардан фойдаланишни яхши кўришади. Кўпинча биргина тасвир тасаввуримизда бир олам ҳиссиёт уйғотиши мумкин. Кучли метафора мингта сўздан кучли бўлиши мумкин. Забур китобидан йигирма иккинчи санони олайлик. Довуд Худо унга ғамхўрлик қилгани, йўл-йўриқ кўрсатгани, қийинчиликларда ҳимоя қилгани ва эҳтиёжларини қондиргани ҳақида кўплаб сўзлар ёзиши мумкин эди. Бунинг ўрнига у кўриқлаётган кўйларига қараб, фақат икки оғиз сўз (яхудий тилида) айтди: “Эгам чўпонимдир”. Бу оддий тасвир, ўхшатиш орқали Довуд бизнинг тасаввуримизда бутун бир оламни яратади (ва бизга еттинчи жумламизни беради).

Албатта, бу сўзлар метафорадир. У бир воқеликдан (чўпоннинг ҳаёти ва унинг меҳнати) бошқа воқеликни (Худонинг одамларга қандай ғамхўрлик қилиши) тасвирлаш учун фойдаланади. Бу воқеликнинг иккинчиси аслида шоир айтмоқчи бўлган фикрдир (метафоранинг *мақсади*). Биринчиси эса ўхшатиш учун ишлатилаётган манба (метафора *асоси*). Забурда бундай метафоралар жуда кўп.

Баъзи метафоралар Худони тасаввур қилишимизга ёрдам берадиган образлардир. Худо қоя, қалқон, қўрғон, мустаҳкам минора, ўкирган шер, аравадаги чавандоз, камончи, нур, ота, шоҳ, қурувчи, чўпон сифатида тасвирланади. Унга кўзлар, қулоқлар, қўллар, оёқлар ва жуда кучли овоз билан тасвирланган. Албатта, Худо *том маънода* бу образларнинг ҳеч бири эмас. Аммо уларнинг ҳар бири Худо ҳақида кучли ва рамзий маънода гапирадиган метафоралардир. Абстракт (мавҳум) тушунтиришлар эса бундай аниқ таъсир кўрсата олмайди.

Баъзи метафоралар инсоннинг турли кечинмаларини акс эттиради. Сано ижодкорлари ўзларини ботқоққа ботиб қолгандай ёки селда оқиб кетгандай ҳис

этадилар. Улар ўзларини ёввойи ҳайвонлар қуршовида ёки ерга босиб ташлангандек ҳис қиладилар. Улар ўзларини тутунда қуриган мешга ёки ердаги қуртга ўхшатишлари мумкин. Улар бузоқлар каби ўйноқлаши ёки ғолиб буқалар каби шохларини баланд кўтариши мумкин. Улар қояда туриши ёки катта қушнинг қанотлари остига яшириниши мумкин. Улар пальма дарахтидек гуллаши ёки шер ва илонларни топтаб ташлаши мумкин. Албатта, буларнинг барчаси инсон ҳаётидаги турли тажрибаларни гавдалантирувчи тасвирий ифодалардир.

Биз бундай бой поэтик метафораларга онгимиз ва ҳаёлимизда ўз ишини қилишига тўлиқ эркинлик беришимиз керак. "Улар бизга Худо ёки ҳаёт ҳақида нима дейди?" деб сўрашимиз зарур. Бироқ бу тасвирларни шунчаки содда фактлар сифатида кўриш билан чекланмаслигимиз керак. Уларга парвоз қилишига имкон беринг (мажозий маънода айтганда).

**Ҳиссиётлар.** Забур китобида акс этган инсон кечинмалари ва ҳис-туйғуларнинг кўлами жуда кенг ва хилма-хилдир. Забур китобининг исталган жойига назар солинг ва тез орада сиз бу туйғуларнинг барча намуналарига дуч келасиз: қувонч ва бахт, шукроналик ва миннатдорлик, эҳтиром ва ҳайрат, оғриқ ва ҳафалик, ғазаб ва аччиқланиш, пушаймонлик ва қайғу, ҳайратланиб сўраш, соғинч, изтироб, умид, ишонч ва енгиллик.

Бундай ҳис-туйғулар инсон тушиши мумкин бўлган кўплаб вазиятлар ва ҳолатлар натижасида пайдо бўлади. Забур муаллифлари ўзларининг турли тажрибалари ҳақида ҳар хил тарзда ёзишган: ёлғизлик; бошқалар билан муносабат, ёлғон айблашларга учраш, катта хавф ёки ташвишли ҳолатда қолиш, оғир касал бўлиш ёки ўлим арафасида туриш, йўқотиш ёки жароҳат олиш, хавфдан қутулиш, гуноҳли иш туфайли айбдорлик ҳис қилиш, Худодан олган неъматлар ёки Унинг амаллари учун миннатдор бўлиш, Қуддусда сажда қилиш учун сафар, жанга кириш, жангдан қайтаётгандаги ҳолат, оммавий ибодатда гувоҳлик бериш, шаҳар ва маъбаднинг вайрон бўлиши, асирликка тушиш ва она юртни соғинч каби ҳолатлар.

Дастлаб, албатта, бу қўшиқлар одамлар томонидан ёзилган ва Худога қаратилган. Бу (асосан) *Худога* қаратилган *инсоний* сўзлардир. Аммо энди биз уларни Муқаддас Китобдан ўқияпмиз ва шунинг учун улар *бизга Худонинг Сўзи* бўлиб хизмат қилмоқда. Бу санолар инсоннинг Худога айтган сўзлари эмас, балки Худо бизга юборган хабарнинг бир қисмига айланди. Менимча, бу ҳолат шундан дарак берадики, Худо ўзи ҳам Забурлар ифодаляйдиган кўплаб кечинмалар ва ҳис-туйғулар билан яқиндан боғлиқдир. Худонинг мавжудлиги айнан ўша ҳолатларда, забур муаллифлари дуч келган вазиятларда намоён бўлган. Забурлар кейинги авлод Исроил халқи куйлаши учун тўпланиб, тасдиқланганида, Худо шу



асл муаллифларнинг сўзлари ва улар учрашган вазиятлар орқали халқига ҳамиша гапириш имконига эга экани эътироф этилди.

Худди шунингдек, бу қўшиқларни ўқиш ва ижро этиш орқали биз ҳам шундай вазиятларга дуч келганимизда ва ўхшаш ҳис-туйғуларни бошдан кечирганимизда, *Худо бизга мурожаат қилади.*

**Хилма-хиллик.** Биз куйлайдиган мадҳия ва қўшиқлар сингари турли ҳолатларга мос келадиган турли хил санолар мавжуд. Куйида шу турлардан баъзилари билан танишамиз:

*Мадҳия, ҳамду сано Забурлари.***2** Энг қисқа сано (Забур 116-сано) бу турдаги қўшиқларнинг асосий қисмларига аниқ мисол бўла олади.

“<sup>1</sup>Эй барча халқлар, Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!

Эй жамики элатлар, Уни олқишланглар!

<sup>2</sup>Зеро, Унинг бизга бўлган севгиси улугдир,

Эгамизнинг садоқати то абад давом этар.

Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!”

Ҳамду сано, мадҳияларининг оддий тузилиши куйидагиларни ўз ичига олади:

1. *Улуғлашга чорлаш.* Бу қисқа ёки кенгайтирилган бўлиши мумкин, баъзан эса ҳатто очиқчасига айтилмайди, балки назарда тутилади.

2. *Улуғлаш сабаби.* Кўпинча бу “учун”, “чунки” “зеро” ва шунга ўхшаш сўзлар билан келади. Мақтов мадҳияларида турли хил сабаблар келтирилади. Лекин улар одатда Худонинг сифатларини, хусусиятларини (Унинг буюклиги, характери, меҳрибонлиги, садоқати ва бошқалар) тасвирлайди ёки амаллари (яратилиш, нажот бериш) тасвирланади.

3. *Улуғлашга янгиланган такрорий чақириқ.* Бу яна қисқа (масалан, “Ҳалелуя” дея якунлаш) ёки анча батафсил бўлиши мумкин. Баъзан бу ўша ўша сабаблар туфайли Худога ишонишга чақирув билан якунланади.

Забур 32-сано яхши мисол бўла олади. У улуғлашга чорлаш билан бошланиб (Забур 32:1–3), ишонч ва умидни тасдиқлаш билан тугайди (Забур 33:20–22). Бу икки қисми орасида эса улуғлашга сабаблар ва умидга асослар келтирилади. Бу классик улуғлаш мадҳияси.

**Миннатдорчилик.****3** Шак-шубҳасизки, миннатдорчилик ҳам ҳамду санонинг бир қисмидир. Лекин у забур муаллифи тажрибасида ёки у билан бирга куйлашни истаган одамлар учун Худо қилган маълум бир ишга эътибор қаратади. Кўпинча бу турдаги забурлар шахсий бўлиб, муаллиф ўз ҳаётида Худо қилган ишларга ташаккур билдиради (душманлардан, касалликдан, ўлимдан қутқаргани ёки

гуноҳларни кечиргани учун). Баъзида эса бутун халқ яхшигина ҳосил ёки душманлардан қутқарилгани учун биргаликда шукроналик айтади (масалан, Забур 64-; 123-санолар).

*Нола(йиғи) ва эътироз қўшиқлари.* Бу турдаги забурларнинг ҳам ўзига хос тузилиши мавжуд. Одатда бу қуйидагича бўлади:

*Худойим, мен жуда азоб чекапман.*

*Худойим, ҳамма менга қарши ёки устимдан куляпти. Бу даҳшатли ва адолатсизлик.*

*Худойим, сен ҳозир ёрдам қилмаяпсан, мен сенга жуда муҳтожман.*

*Бу қачонгача давом этади? Наҳотки бир умр кутишим керак бўлса?*

*Аммо, Худойим, мен ҳали ҳам Сенга ишонаман ва нима бўлишидан қатъи назар, Сени улуғлашда давом этаман.*

Бу сўнгги банд аксарият нола(йиғи) саноларида мавжуд. Уларда шикоятдаги изтироб ва оғриқ бир пайтда умид, ишонч ёки нажот топишни кутишга ҳам ўтади. Баъзида эса нола(йиғи) сано охиригача давом этади, сано муаллифи эса ҳеч қандай тасалли топа олмагандек туюлади. Бундай ҳолат барча нола(йиғи) саноларининг энг қайғулисидан бўлган 87-санода кузатилади. Бундан ташқари, бу сано зулмат билан, умидсизлик билан тугайди. Ишончим комилки, унда асрлар давомида азоб-уқубатлари, ҳеч бўлмаганда, бу ҳаётда яқин топмаган кўплаб одамлар ҳақида сўз боради.

Забурнинг тахминан учдан икки қисмида қайғу бор, баъзиларида эса ноладан (йиғидан)бошқа ҳеч нарса йўқ. Булар нола(йиғи), эътироз, шикоят, азоб ва оғриқ қўшиқларидир. Уларнинг кўпчилиги шахсий нолалар(йиғилар), бошқалари эса жамоавий нолалар (йиғилар) бўлиб, бутун халқ томонидан қаттиқ кулфатлар ва мусибатлар вақтида ижро этилади.<sup>4</sup>

Қизиқарли бир факт бор. Бутун китобнинг номи иброний тилида "Ҳамд-у санолар" деб аталади. Аммо энг катта гуруҳни ташкил этувчи "Ҳамд-у санолар" аслида *нола(йиғи), қайғу, шикоят*. Бу бизга тескари, зиддият бўлиб туюлиши мумкин. Лекин бунинг сабаби шундаки, биз одатда ҳамд-у сано бахт ва шодликни ифода воситаси деб ўйлаймаиз. Аммо Исроил халқи учун ҳамд-у санолар чуқур маънога эга бўлган. Ҳамд-у санолар, мадҳия ҳатто энг оғир ва қоронғу кунларда ҳам айтилиши мумкин эди — аниқроғи, айнан шундай пайтларда айтилиши лозим эди.

*Исроилликлар учун Худони мадҳ этиш Унинг мавжудлиги ва ҳузурини тан олишни англатган.* Мадҳ этиш Исроил халқининг Худоси ягона ҳақ ва тирик Худо эканини тасдиқлашни билдирган. Ҳамд-у сано Худонинг *феъл - атворини*

тасвирлаган, Унинг *ишларини* эълон қилган. Мадҳия – бу Худонинг ҳузурида бош эгиш (ҳар қандай вазиятдан қатъи назар) ва "Худо тирик, Худо шу ерда, Худо шундай деган ва шундай қилган", деб тасдиқлашдир.

Энг муҳими, мадҳия деганда ҳаётнинг бутун воқеликларини Худо ҳузурига олиб келиш тушунилган. Бу фақат ҳаётимизнинг ёқимли, шукроналик айтадиган қисмини эмас, балки оғир, ақлимиз етмайдиган, биз “Нима бўлаяпти?” деб нола (йиғи) қиладиган қисмларини ҳам Худога олиб келиш демакдир. Сано муаллифлари Худони қандай тушунишган бўлса, ўз ҳаётини бутунлигича Худога олиб келиб, Худо олдида очиқ самимий туришган. Ҳаёт оғриқли, тоқатсиз ёки тушунарсиз бўлганида ҳам улар бу нарсаларни Худо ҳузурига келтириб, Унга юзланиб йиғлаган, ҳайрат билан савол берган ва жавоб излаганлар. Эътибор беринг: улар Худога шикоят қилганлар. Улар Худо ҳақида бошқа одамларга шикоят қилишмаган, биз эса кўпинча шундай қиламиз. Йўқ, улар бунинг ҳаммасини Худонинг ҳузурига олиб бориб, Унинг олдида турган ёки тиз чўккан ҳолда йиғлаб, ҳайрон қолиб, жавоб кутишган.

Менимча, биз масиҳий саждада ниманидир йўқотдик, чунки ўзимизга ва бошқаларга Худога бундай топинишга деярли ҳеч қачон йўл қўймаймиз. Биз нола(йиғи) саноларини эътиборсиз қолдирамиз. Бунинг ўрнига гўё барчамиз бахтлидек, ёки бахтли бўлиши керакдек кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Биз ҳатто топинишингизда бахтли ва шод бўлмасангиз, сизда ёки имонингизда бир нарса нотўғри дегандек ишора қиламиз (ёки аслида айтамиз). Биз одамларни саждада *ростгўй* бўлишга ва ўз қийинчиликлари ичида Худо билан чинакамига мулоқот қилишга рағбатлантирмаймиз ва йўл қўймаймиз. Забур санолари эса, аксинча, саждани самимий қилишга кўмаклашади ва биз ҳам бунга интилишимиз керак.

Китобда саноларнинг яна бир қанча турлари мавжуд, масалан:

- Сион қўшиқлари (Қуддус, Исроил халқи топинишининг маркази бўлган маъбад ҳамда Худо халқининг рамзи Сион ҳақидаги санолар)<sup>5</sup>

- зиёрат санолари (уларни Қуддусга сажда қилишга кетаётган зиёратчилар куйлашган)<sup>6</sup>

- шоҳлик санолари (Довуд авлодидан бўлган шоҳлар ҳақидаги, баъзан эса бутун ер юзи устидан Исроил Худоси Яхвенинг ҳукмронлиги ҳақидаги санолар).<sup>7</sup>

**Хабар.** Шундай қилиб, биз Забур китобининг табиатини тушуниб олдик, энди унинг мақсадини, нима учун тузилганини кўриб чиқамиз. Забур санолари Худога тегишли одамнинг онги ва ҳаётига қандай таъсир қилади? Забур санолари Исроил халқига қандай руҳий озуқа бўлган бўлса, худди шундай, улар биз — масиҳийларга ҳам, саждаларимиздаги кўшимча кўшиқлар ва маросимлар доирасида беқиёс руҳий неъматларни тақдим этиши мумкин. Забур саноларига

таянган сажда камида учта мақсадга олиб боради: у имонни уйғотади ва мустаҳкамлайди, у бизга ҳаёт тарзимизни қайта кўриб чиқишга чақиради ва у умид билан илҳомлантиради (шу боис, очиғини айтганда, мен бугунги кунда кўплаб масиҳий жамоатларда Забур саноларига деярли эътибор берилмаганидан афсусдаман).

*Имон.* Забур китоби — Муқаддас Китобдаги имон асосларининг буюк ва мукаммал тарзда акс этган жамланмасидир. Унда Худо, яратилиш, гуноҳ, нажот, Худонинг халқи, шахсий ва жамоавий муқаддаслик ҳамда бутун олам ва халқлар учун келажакдаги умид ҳақида сўз боради. Эсингиздами, ушбу китоб муқаддимасида Муқаддас Китобнинг етти ҳаракатдан иборат драмасини кўриб чиққан эдик? Уларнинг ҳар бири билан у ёки бу тарзда боғлиқ бўлган санолар мавжуд:

- Уларда Яратувчи Тангрига ҳамду санолар айтилади бутун яратилган оламдаги шодлик намоён этилади.

- Гуноҳ ва ёвузликнинг асл моҳияти ёрқин бўёқларда тасвирланади.

- Худонинг Исроил халқига берган ваъдалари кўкларга кўтарилиб, уларнинг Эски Аҳддаги тарихи қувонч ёки афсуслик билан эсланади.

- Айрим саноларда Худо Шоҳлиги Исо шахсида келиши олдиндан башорат қилинади, уларда шоҳ Довуд ҳақидаги сўзлар шунчаки тарихий воқеликни тасвирламайди, балки тарихий воқелик доирасидан анча ташқарига чиқади.

- Яна баъзи саноларда Худонинг исми ва нажот ҳақидаги Хушхабар ер юзидаги барча халқларга ваъз қилинишини тасвирланади. Бу эса Янги Аҳд давридаги илк жамоатни ғайрияҳудий халқлар орасидаги элчиликка руҳлантирган ва бугун бизни ҳам илҳомлантиради.

- Яна баъзи саноларда барча одамлар ва бутун яратилган мавжудот Худонинг нажоти ва адолатли ҳукмидан хурсанд бўладиган ўша кунни интиқлик билан кутаётгани тасвирланади.

Забур санолари фақатгина Худо халқининг имонини баён қилиш билан чекланмайди. Улар, шунингдек, оғир дамларда имон-эътиқодни мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлаш вазифасини ҳам бажаради. Кўплаб Забур санолари азоб-уқубатларга қарамай, Худога ишонч билан суянишга чақиради. Ёки Худо берган ваъдаларини бажаришини сабр билан кутишга, ундайди. Гарчи бу узоқ вақт талаб қилаётгандек туюлса ҳам, Унга ишонч билдиришга чорлайди. “Қачонгача, Раббим?” дея нола(ийғласа) қилинса ҳам, У бунга амалга оширишига ишонишда мустаҳкам бўлишга ундайди. Ишонч билан суянишдан тўхтаманг. Забурнинг баъзи санолари дард билан тўла, чунки уларда Худо ёвузлик қилаётган одамларни тўхтатсин ва азоб чекаётганларни қутқарсин, деган илтижо ва хоҳиш

ифодаланган. Улар фароғатда ва эркинликда яшаётган масиҳийлар учун унчалик аҳамиятли эмасдек туюлиши мумкин, аммо қувғинларга дучор бўлган ёки урушлар, вайронагарчиликлар ва йўқотишлар ичида қолган масиҳийлар учун жуда муҳим ва чуқур маънога эга. Мана шундай санолар билан улар учун ибодат қилишимиз лозим.

*Умид.* Кўпгина санолар шахсий соғинч ва умидни ифодалайди. Аммо, бутун ер юзидаги барча халқлар тирик Худони таниши, Унга сажда қилиши ва Унинг нажотидан қувониши ҳақидаги умумжаҳон ваҳий каби, янада кенг умидни тасдиқловчи санолар ҳам бор. Бунга биргина мисол:

“*Жамики халқларни Сен яратгансан,  
Эй Раббий, улар келиб, Сенга таъзим қилади,  
Номингга шуҳрат келтиради*”.

(Забур 85:9; курсив муаллифники).

Яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бу оятларда бутун олам учун қандай кучли умид ва интизорлик жаранглаётганини ҳис қилаяпсизми? Забур 21:28; 46:2; 66:4–6; 71:17; 95:1–3, 10–13; 101:16; 116:1–2; 137:4–5. Улар имон тасаввурининг кенг уфқини тўлдирмайдими? Мен кўпинча бундай сўзларни куйлаётган исроилликларнинг онгида нима содир бўлганини ўйлаб қоламан. Улар бундай воқеалар қай тарзда рўй беришини тасаввур қилишганми?

Шубҳасизки, бундай қўшиқларни ёзган ва куйлаган исроилликлар Худо қандайдир тарзда ушбу ваҳийни амалга оширишига ишониши учун етарлича тасаввури бўлгани аниқ. Павлус буни асрлар давомида яширин бўлган сир деб атайди (Колосаликлар 1:26). Яъни Эски Аҳд давридаги исроилликлар Худо бир кун келиб Иброҳимга берган ваъдасини (бу ваъда бир нечта саноларда такрорланган) амалга оширишига ишонишган. Бу ваъдага мувофиқ Худо барча халқлардан одамларни шунчалик баракалайдики, халқлар Унга сажда қилиш учун келишади. Бироқ Худо буни қандай амалга ошириши исроилликлар билмаган сир эди. Энди эса, албатта, биз бу сирни биламиз. Чунки Павлус айтганидек, бу сир *Хушхабар орқали* очилди (Эфесликлар 2:11–3:6). Айнан *Раббимиз Исо Масиҳ орқали* барча халқлардан бўлган одамларга Худога келиш йўли очилди. Павлус Римликларга мактубида Забур 116-санони Эски Аҳднинг бир қатор матнлари билан бирга келтиради. Бу санода жамоатнинг ғайрияҳудий (бутпараст) халқлар орасида элчилик йўли орқали кенг ёйилиши олдиндан қайд этилган (Римликлар 15:11). Забур санолари бу буюк ваҳий ва умидни олдиндан кўрсатади ва бизни уларнинг тўлиқ амалга ошишига ишонишга ундайди.

*Ҳаёт.* Забур 1-сано бутун Забур китобига муқаддима сифатида киритилиши бежиз эмас. У бизни кейинги қўшиқларга шўнғишдан олдин огоҳлантиради: топиниш (сажда) нафақат қўшиқни қанчалик яхши куйлай олишимиз, балки

ҳаётимизни қай тарзда кечираётганимиз ҳамдир. Солиҳ инсоннинг истаги — “Раббийнинг қонунида”, у доимо шу қонун устида мулоҳаза қилади (Забур 1:2 Муқаддас Ёзув).<sup>8</sup> Бу икки сўз (“истак” ва “мулоҳаза”) сано муаллифи фақат хиссий ёки ақлий фаолият билан машғул бўлганини англатмайди. Аксинча, бу одам Худонинг қонунини севар эди ва унинг амрларига амал қилиб яшар эди. Китобнинг бошида турган бу сано ишонч билан яшаб, Худонинг кўрсатмаларига амал қиладиганларни баракалайди. Фақат шундай инсонлар Худога маъқул тарзда топинишлари мумкин — бу эса 14- ва 23-саноларда кенгроқ тушунтирилади.

Қолаверса, бу “бахтли” одам Худо қонунининг бажарилиши керак бўлган талабларини оғир, машаққатли юк сифатида қабул қилмаслиги аниқ. Унга меҳр билан муносабатда бўлади. У Тавротдан *завқланади*. Унинг ҳаёти айнан шу қонун сабаб самарали бўлади. Бу диний қуллик кодекси эмас, балки тирик Худо ҳузурида масъулиятли эркинлик ва қувончли ҳаёт ифодасидир. Забурнинг 18 - ва 118 - саноларида бу фикр кўп маротаба такрорланган: Худонинг йўлларига қувонч билан итоат қилиб яшаётганлар Унинг баракаси орқали кўплаб неъматларга эга бўладилар.

Ҳатто Худони мадҳ этувчи оддий саноларда ҳам ҳаёт учун сабоқлар бор. Исроил халқи учун Парвардигорнинг феъл-атвори уларнинг қандай яшаши кераклигини кўрсатувчи энг яхши ишора эди. Улар Раббийни содиқ, ростгўй, ишончли, адолатли, раҳмдил, меҳр ибон, ғамхўр ёки таъминловчи сифатида мадҳ этганда, “Биз ҳам шундай бўлишимиз керак” деган кучли маъно яширинган эди. Топиниш бизни кимга топинаётган бўлсак, унга ўхшаш бўлишга ундайди. Забурнинг буюк ҳақиқатларини акс эттирувчи топиниш ҳаётни шакллантиради.

Забур саноларидан фойдаланиб, Худога мунтазам сажда қилган исроилликлар доимо ниманидир ўрганишган. Аммо бу шунчаки назарий ўрганиш эмас, балки одамлар шу йўл билан амалда *яшашни ўрганишар эди*. Забурнинг кўпгина саноларида ҳаёт ҳақида мулоҳазалар, қийин дамларда донолик ва Худога маъқул келиш учун қандай яшаш кераклиги ҳақида яхши маслаҳатлар берилган. Энг асосийси, улар ҳатто фосиқларнинг йўллари жозибалироқ туюлганида ҳам, Худога ишонишни ва Унинг йўлидан юришни давом эттиришга доимий равишда ундайди. Баъзан уларни донолик санолари деб ҳам аташади, чунки улар донишмандлик адабиётларида учрайдиган фикрларга ўхшайди.<sup>9</sup>

Ҳўш, энди ана шундай ҳаёт сабоқлари жамланган китобларга мурожаат қилайлик.

## Донишмандлик китоблари

Кунларнинг бирида бир гуруҳ одамлар Еремиё пайғамбарнинг ваъзидан шунчалик ғазабланишдики, пайғамбардан бутунлай қутулишга қарор қилишди. Улар очиқ-ойдин мулоҳаза қилар эдилар. Аслида улар шундай дейишди: “Бир пайғамбар камайса нима бўпти — бизда ҳали ҳам керакли барча таълим ва ваъз-насихатлар бўлади”. Улар айнан шундай дедилар: “...Қани, Еремиёга қарши фитна уюштирайлик. Ахир, қонунни ўргатадиган *руҳонийлар*, маслаҳат берадиган *донишмандлар* ва Худонинг сўзини айтадиган *пайғамбарлар* ҳар доим бор. Еремиёга тухмат қилайлик, унинг гапларига умуман эътибор бермайдиган бўлайлик” (Еремиё 18:18, курсив муаллифники).

Улар жамиятда биз моҳир мутахассислар деб аташимиз мумкин бўлган учта гуруҳни аниқ ажратиб кўрсатмоқдалар: қонун билимдонлари (руҳонийлар), Худодан бевосита сўз олиб айтувчилар (пайғамбарлар) ва учинчи гуруҳ - “донишмандлар”. Бу охирги тоифа Эски Аҳддаги Исроилни ўраб турган бошқа халқларда ҳам яхши танилган, ўз билими ва донолиги билан шуҳрат қозонган инсонлар. Одамлар каттаю кичик масалаларда — давлат ишларидан тортиб оилавий муаммоларгача — улардан маслаҳат сўрашган. Уларнинг баъзилари ҳукуматда маслаҳатчи бўлиб хизмат қилган. Эҳтимол, бизнинг давримизда уларни маслаҳатчилар деб аташ мумкиндир (гарчи ўша пайтда улар бугунги маслаҳатчиларга қараганда кўпроқ ҳурматга сазовор бўлган бўлса ҳам).

Шундай қилиб, қонун (Таврот) китоблари ва Пайғамбарлар китобларидан ташқари Эски Аҳдда шу тоифа одамлар туфайли пайдо бўлган китоблар ҳам бор. Улар қадимги яҳудий Канонининг “Муқаддас Ёзувлар” деб номланган учинчи бўлимига киради, унга Забур китоби ҳам киритилган. Донишмандлик адабиётига учта китоб тегишли: Ҳикматлар, Аюб ва Воиз китоблари.

**Ўзига хос овоз.** Бу китобларни ўқиш пайтида биз Эски Аҳддаги бошқа матнлардан фарқли бир овозни эшитаяпмиз, деган тушунчага эга бўлишимиз керак. Донишмандлик китобларининг Эски Аҳддаги бошқа китоблардан баъзи фарқли жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

**Қонунлар эмас.** Муқаддас Китобдаги қонунлар одатда қисқа ва буйруқ тарзида бўлади. Улар сизга нима қилишингиз ёки қилмаслигингиз кераклигини айтади ва баъзида уларни бузганлик учун жазони назарда тутди. Донишмандлик китобларида эса худди шунга ўхшаш фикр айтилса ҳам, у суҳбат услубида берилади. У сизни елкангиздан қучоқлаб, маълум бир хатти-ҳаракатнинг оқибатлари ҳақида ўйлашга, кимлар билан бирга эканлигингизни икки марта

ўйлаб кўришга ва шубҳали эркаклар, маккор аёллар ёки иккаласи билан ҳам алоқа қилмасликка чақиради.

Мисол учун, Чиқиш китоби 20:14, Левилар китоби 20:10 ва Қонунлар китоби 22:22 - оятдаги зино тўғрисидаги қонунларни Ҳикматлар китоби 5; 6:20–25 - оятлардаги маслаҳат ва огоҳлантиришлар билан солиштиринг. Бу парчалардаги услуб жуда фарқ қилади. Қонунлар аниқ ва кескин: “Қилма! Агар қилсанг, жазоси – ўлим.” Бу Худонинг қатъий буйруғи бўлиб, оғир ҳуқуқий жазо билан мустаҳкамланади. Ҳикматлар эса буйруқдан кўра кўпроқ айрим ҳалокатли оқибатларни кўрсатиш орқали кучайтирилган огоҳлантириш: “Бу сени ва оилангни ҳалок қилиши мумкин. Сен жуда кўп нарса йўқотасан. Яхшилаб ўйлаб кўр!”

Ушбу узунроқ маслаҳатлар билан бир қаторда, Ҳикматлар китобида юзлаб қисқа баёнлар ҳам мавжуд. Унутмаслик керакки, *ҳикматлар қонун эмас*. Улар мутлақ буйруқлар, қатъий қоидалар ёки доимо содир бўладиган воқеаларнинг башорати эмас. Улар ҳаётдаги турли ҳолатлар ҳақида қисқа, лўнда шаклда айтилган фикрлардир. Улар қатъий қоидаларни эмас, балки ечимлар, истиқболлар ва тавсияларни таклиф қилади. Улар бизга муайян хатти-ҳаракатлар одатда яхши натижаларга олиб келишини, қарама-қарши хатти-ҳаракатлар эса одатда ёмон натижаларга олиб келишини кўрсатади. Доно одамлар биринчисини танлайдилар, аҳмоқлар эса иккинчисини. Натижалар *одатда* танловдан кейин келади. Лекин бу умумий кузатувларни ўзгармас қонунлар ёки кафолатланган ваъдалар деб ҳисоблаш нотўғри. Ҳаёт мураккаброқ. Ҳар доим ҳам ҳамма нарса ҳикматларда айтилганидек бўлавермайди. Донишмандлик китобларининг муаллифлари буни билишган, шунинг учун бизда Воиз ва Аюб китоблари бор.

*Улар пайғамбарлар эмас*. Эски Аҳд пайғамбарлари ҳаёт, жамият, сиёсат, иқтисод ва дин масалаларида жуда кескин гапирганда кўпинча очиқ тўқнашувларга борар эдилар. Улар одамларга мурожаат қилиб, баъзан исмларини ҳам этиб, аниқ бир тарихий вазиятни кўзда тутадилар. Аксар ҳолларда Худо қонунларига зид бўлган ишлар ёки шахсларни очиқчасига танқид қиладилар. Улар одамларни тавба қилиш ва йўлларини ўзгартиришга чақирадилар.

Донишмандлик китоблари муаллифлари ижтимоий ҳаёт ҳақида анча кенгроқ фикр билдирадилар. Улар тамойиллар ва кутилмаларни белгилаб, яхши ҳукумат ва соғлом иқтисодий фаолият ғояларини умумий тарзда баён этади. Масалан, Ҳикматлар китоби 8:12-16 ни ўқинг (Яна қаранг: Ҳикмат. 16:10, 12–13; 20:8, 26; 25:2–5; 31:1–9).



“<sup>12</sup>Мен, Донолик, ақл–идрок билан яшайман,  
билим ва фаҳм–фаросат мендадир.

<sup>13</sup>Эгамиздан кўрқиш ёмонликдан нафратланиш демакдир.  
Мен мағрурлик ва манманликдан,  
ёвузлик ва бузуқ тилдан нафратланаман.

<sup>14</sup>Менда маслаҳат ва ҳақиқат бор,  
мен идрокман,  
қуввату куч ҳам мендадир.

<sup>15</sup>Шоҳлар мен орқали ҳукм сурадилар,  
ҳукмдорлар тўғри қонунлар чиқарадилар.

<sup>16</sup>Мен орқали раҳбарлар бошқарадилар,  
амалдор ва барча одил ҳакамлар ҳукм чиқарадилар”.

(Ҳикматлар 8:12–16).

Яна пайғамбарлар ва донишмандлар ўртасида жиддий зиддият йўқ, бироқ овоз оҳанги турлича. Ҳикматлар бўлиши керак бўлган нарсани тасвирласа, пайғамбарлар аслида мавжуд бўлган ҳолатни - биз айтганимиздек, жойлардаги вазиятни тасвирлайди. Бизга ҳар иккала нуқтаи назар ҳам зарур. Ҳамма нарса қандай бўлиши кераклиги ҳақида тасаввурга эга бўлмасангиз, мавжуд вазиятни танқид қила олмайсиз. Муқаддас Китоб бизга ҳар иккаласини ҳам тақдим этади.

*Бу тарих эмас.* Аввалги бобларда кўрганимиздек, қонун ҳам, пайғамбарлар ҳам Исроил тарихига ишора қилади. Улар Исроилга Мисрдан чиқиш воқеасини эслатиб, аҳдни ёдга солади. Шу тарих орқали Худонинг улуғ марҳаматини кўриб, унга муносиб ҳаёт кечириш кераклигини айтишади. Масалан, мана бу қонунларни кўриб чиқинг — улар камбағаллар ва мазлумлар ҳақидаги Худо буйруқларини бажариш учун Мисрдан чиқиш, нажот тарихини асос қилиб олади. Чиқиш 23:9; Левилар 19:33–36; 25:39–43; Қонунлар 15:12–15; 24:14–22. Мисол сифатида рўйхатдаги биринчи оятга қаранг: “Мусофирга зулм қилманглар. Ўзларингиз Мисрда мусофир бўлган эдингизлар, шу боис мусофирнинг аҳволини биласизлар” (Чиқиш 23:9).

Ҳикмат китоблари муаллифлари эса умуман Исроил тарихини тўғридан-тўғри тилга олишмайди. Улар Иброҳимга берилган ваъда, Мисрдан чиқиб кетиш, Мусо, Синой аҳди, чўлда сарсонгарчилик, ерни эгаллаш каби буюк тарихий воқеаларни бевосита баён этмайди. Лекин улар бу анъаналардан беҳабар эмасди, чунки ўзлари ҳам Исроиллик эдилар. Қонун ва пайғамбарлар каби улар ҳам камбағаллар ва муҳтожларга ёрдам бериш зарурлигини таъкидлаб келишарди.

Улар ўз насиҳатларини қандай асослайдилар? Улар янада орқага, яратилишнинг ўзига қайтадилар. Улар Исроилни қутқарган Худо барча дунё ва халқларнинг Яратувчиси эканини билишади. Улар инсонларнинг барчаси Худо

суратида тенг яратилганини тушунади. Улар, агар Худо ахлоқий жиҳатдан комил бўлса, Унинг меъёрлари барча инсонларга нисбатан қўлланилиши мумкинлигига ишонадилар. Донишмандлар яратилишнинг ўзида ахлоқий меъёрлар мужассам бўлиб, қанчалар тўғри ёки нотўғри турмуш тарзи кез-келган жойда бирдек оқибат бериши аниқлигини кўрсатиб берадилар. Бошқача айтганда, "Қонун" ва "Пайғамбарлар" айнан Худо қутқарган Исроилга йўналтирилган бўлса, Ҳикмат адабиёти эса умумбашарий муносабатларга кўпроқ эътибор қаратади. Яратувчиликка асосланган бу кенг қамровли чақирувни бир неча оятларда кўриш мумкин: Ҳикматлар китоби 14:31; 17:5; 19:17; 22:2; 29:7, 13. Яна бир мисол сифатида Аюб 31:13-15 ни кўриб чиқайлик:

“<sup>13</sup>Қулларим, чўриларим мен ҳақимда шикоят қилганда,  
Уларга нисбатан доим адолатли бўлганман.

<sup>14</sup>Акс ҳолда, Худо ҳукмга турганда мен нима қилардим?  
Худо мени сўроқ қилганда нима деган бўлардим?

<sup>15</sup>Мени яратган уларни ҳам яратган – ку!

Онамизнинг қорнида барчамизга шакл берган — Худо – ку!”

Нақадар гўзал, нақадар ажойиб фикр ва даъво: Хўжайин ҳам, қул ҳам инсон, иккисини ҳам она дунёга келтирган. Иккиси ҳам ягона Яратувчи Худо томонидан яратилган ва шакллантирилган. Яратилган барча одамларнинг тенглиги ҳақидаги бу ғоя Исроил атрофидаги халқларнинг қулдорлик қонунлари ва урф-одатларидан тубдан фарқ қиларди.

Яратилиш воқеасига бўлган бу ишора — олдинги бобларда кўриб чиққанимиздек, Худо бутун дунёнинг тақдирида Исроил учун нақадар муҳим роль бергани ҳақидаги фикрларга жуда ҳамоҳангдир. Худо Исроилни ибтидоданок бутун халқларга барака олиб келиш учун яратган. Худо Исроил халқига Ўз қонунларини бериб, қонунлар орқали уларни бошқа халқлар учун намуна сифатида шакллантиришни истаган. Эски Аҳддаги таълимотдан бошқалар намуна ёки андоза сифатида фойдаланилиши мумкин эди. Донишмандлик китоблари муаллифлари айнан шундай йўл тутадилар. Улар Исроил тарихи ва қонунларида мужассам бўлган умумий тамойилларни кўриб, уларни ҳар қандай инсон тушуниши ва қалбига муҳрлай оладиган маслаҳатлар, кўрсатмалар, мақоллар ва тасвирларга айлантирадилар.

**Ижобий овоз.** Ҳикматлар китоби, умуман олганда, донолик ва маслаҳатларнинг ижобий ва умидбахш тўпламидир. Унда ақл билан, тақводорона ва адолатли тарзда қандай яшаш ҳақидаги олий мақсадлар кўрсатилади. Бошқача қилиб айтганда, биз баъзан айри, ажратиб кўрадиган ҳаётнинг ақлий, диний ва ахлоқий соҳаларини бирлаштиради. Бутун китобда икки қарама-қарши хислат тенгламаси ушбу уч жиҳатни боғлаб, гўё узлуксиз оқиб тургандек тасвирланади:

Доно = художўй = солих

Нодон = худосиз = фосиқ.

Бу эса “донолик” ёки “нодонлик” тушунчалари фақат ақлий қобилият билан эмас, балки маънавий-руҳий мезон билан белгиланишини кўрсатади. Яъни Ҳикматлар инсон жуда ақлли, илмли ёки шунчаки нодон ва калтафаҳм эканлигини билдирмайди. Аксинча, жуда ақлли одамлар ҳам жуда аҳмоқона ва ярамас ишларни қилишлари мумкин. Ҳикматларда донолик ва нодонлик *ахлоқий ва руҳий* тушунчалар бўлиб, Худо ва Унинг йўлларига нисбатан қандай яшашимизни акс эттиради.

Ҳикматлар китоби қуйидаги шиорни қайта-қайта такрорлайди: “Эгамиздан қўрқиш илму маърифатнинг бошидир”.**10** Бу доноликка асос бўлувчи нуқта — Худога биринчи ўринни бериш демакдир. Унга севги, ибодат, ишонч ва итоат билан ёндашиш” деганидир. Яъни бу шунчаки йўл бошидаги бир қадам эмас, балки оқилона ва ахлоқий ҳаётнинг доимий муқобил асосидир — бутун умримиз учун йўлбошчи бўлувчи мезондир.

Шу нуқтаи назардан, Ҳикматлар китоби турмушнинг кўплаб соҳаларини қамраб олади ҳамда бу соҳаларда яхши ва самарали ҳаёт кечириш тамойилларини таклиф қилади: эр ва хотин муносабатларида, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларда, меҳнат ва тадбиркорлик, ижтимоий ва жамоавий ҳаётда, бойлик ва камбағалликнинг иқтисодий воқеликларида, тилдан фойдаланишда (оқилона ёки нотўғри), дўстона муносабатларимизда, ейиш-ичишда ва ҳоказоларда. Китобда умумий даъват шундай янграйди: Худога ишонинг ва шундай яшанг, шунда сиз ва оилангиз учун ҳамма нарса яхши бўлади (ёки бўлиши керак). Бу оқилона маслаҳат. Айнан шундай ҳаёт энг самарали бўлади.

Аксарият ҳолларда.

**Саволли овоз.** Лекин ҳар доим эмас. Дарҳақиқат, баъзи одамлар учун ҳаёт ҳеч қачон ёки деярли ҳеч қачон анъанавий донишмандликка мос тарзда кечмайди. Донишмандлик китобларининг муаллифлари буни жуда яхши билишган. Шу сабабли бизда нафақат Ҳикматлар китоби, балки уни мувозанатга келтирувчи ҳамда унга баъзи пайтлар қарама қарши бўлган Аюб ва Воиз китоблари ҳам бор.

Аюб китобида яхши инсонларнинг ўзлари лойиқ бўлмаган азоб-уқубатларни бошдан чекиши муаммоси тасвирланган. Бу ажойиб тарзда ёзилган драма бўлиб, унда биз тасаввур қилишимиз мумкин бўлган даражадаги энг солиҳ инсонни кўрамиз (буни муаллиф ҳам, Худонинг ўзи ҳам тасдиқлайди; Аюб 1:1, 8; 2:3). У тасаввур қилиш мумкин бўлган даражада оғир кулфатлар билан юзлашади.

Мол-мулк, оила ва соғлиғини йўқотиш каби даҳшатли фалокатларга дуч келади. Дўстлари Аюб ҳаётидаги бу азобларининг турли сабабларини, айниқса, гуноҳлари туфайли жазоланаётгани каби теологик (илоҳий) сабабларини муҳокама қилади. Ахир, Муқаддас Китобда гуноҳкорлар жазоланади дейилган. Демак, Айюб катта гуноҳ қилган бўлиши керак, деб ўйлашади.

Лекин улар мутлақо ноҳақ. Биз буни биламиз (чунки биз Аюб китобининг биринчи бобларини ўқиганмиз), Худо буни билади ва Аюбнинг ўзи ҳам буни билади. Шундай бўлса-да, азоб чекади. Энг оғири унинг азобларигина эмас, балки Худонинг *сукут сақлаши* эди. Аюб Худога мурожаат қилиб, ўз ишини баён қилиш ва оқланишни хоҳлайди, лекин Худо билан гаплаша олмайди. Охир-оқибат, Худо гапирганда, У азоб-уқубат муаммосига жавоб бермайди (биз кутгандек). Балки аввал Аюб билан муносабатини тиклайди-да, тасаввурларимиздан улуғ бўлган, биз тушунмайдиган ёвузлик кучларини ҳам назорат қилувчи Худога ишонишни талаб қилади. Китобнинг охиридаги ушбу буюк нутқида Худо гўё шундай дейди: "Агар сен атрофингда кўраётган бу жисмоний дунёни қандай яратганимни ва бошқараётганимни билмасанг, тасаввур қила олмасанг, Менинг ахлоқий оламни бошқаришимни тушунаман, деб ўйлама. Менинг йўлларим сенга тушунарсиз, аммо сен Менга ишонишинг мумкин".

Воиз китоби эса ҳаёт нима учун кўпинча бемаъни, беҳудадек кўринишини муҳокама қилади. Муаллиф ҳаёт яхши нарсаларга - егулик ва ичимлик, иш, никоҳ, оила ва ҳоказоларга тўла эканлигини, бу нарсалар ҳақиқатан ҳам Худонинг яхши инъомлари бўлиб, биз улардан завқланишимиз кераклигини тасдиқлайди. Аммо кўпинча ҳаётдаги энг яхши нарсалар ҳам вайрон бўлади ёки исроф бўлади ёки номуносиб одамларга насиб этади. Охир-оқибат, ўлим барчасини бемаъни қилиб қўйгандек туюлади. Муаллиф доно бўлиш аҳмоқ бўлишдан яхшироқ эканини билади, лекин ўлганда бу нимани ўзгартиради? Ўлган доно одам ўлган аҳмоқ каби ўлик, иккаласи ҳам ўлган ит каби ўлик. Охир-оқибат нима фарқи бор? Буларнинг барчаси маъносиз, афсусланарли, беҳуда, ғалати ва тушунарсиз (қадимги иброний тилидаги сўзнинг баъзи маънолари шундай бўлиб, илгари "беҳуда" деб таржима қилинган).

Воиз китобининг муаллифи имонсиз бўлмаган. Аслида у яна бир бор Худо дунёни бошқаришини таъкидлайди. Муаллиф Худога таянишда давом этаркан, бошқаларга ҳам шундай қилишни маслаҳат беради, бироқ у шунчаки бизнинг дунёмизда содир бўлаётган нарсалардан *хайратда*, хафа ва тушкунликка тушган. Ахир биз ҳам кўпинча ҳаётда шундай вазиятларга дуч келамиз, шундай эмасми? Ибтидодаги яратилиш (1–2 боблар) ҳаёт, меҳнат ва бутун олам қанчалик яхши яратилганини, бироқ 3-бобдаги гуноҳ оқибатида ҳаммаси қандай даҳшатга юз тутганини кўрамиз. Биз ана шу икки воқелик ўртасидаги зиддиятда яшайпмиз.

Аюб ва Воиз китоблари бизга савол бериш, курашиш ва норозилик билдириш *имконини беради* (худди нола санолари каби). Аслида Худо бу китобларни Муқаддас Китобнинг улкан кутубхонасига киритишга қарор қилгани катта тасалли ва далладир.

Аммо айнан шу пайтда Муқаддас Китобнинг қолган қисми ҳам борлигини унутмаслигимиз керак. Биз Воиз китобига ўхшаш китобларни бутун Муқаддас Китоб нурида ўқишимиз лозим. Гарчи у ҳақиқатни айтаётган бўлса-да, бу ҳақиқат тўлиқ эмас ва бу фарқ жуда муҳим. Воиз муаллифи энди Янги Аҳд орқали биз билган нарсалардан беҳабар эди. У тушунмай қолган Худо бир куни шу оламга шахсан келиб, Исо Масихда ўзи барча чекловлар ва хафагарчиликларни бошдан кечиришини билмас эди. Шунингдек, у Воизда “беҳуда” деб тасвирланган кулфатни Худо айнан Масихда ўз зиммасига олиб, уни инсоният учун нажот воситасига айлантирганидан беҳабар эди.

“Қаранглар—а, бу дунёда мана шундай бемаъни нарсалар ҳам содир бўлади, *солиҳлар фосиқларга лойиқ бўлган жазони оладилар*, фосиқларга эса худди солиҳлардай муносабатда бўладилар. Мен: “Бу ҳам беҳудадир”, дедим ” (Воиз 8:14; курсив муаллифники).

Айнан шу нарса Исо Масихнинг хочга михланиши билан содир бўлди. Лекин Худо Уни ўлимдан тирилтирди. Бу ўлимнинг беҳуда эканлигига Худонинг жавоби бўлди. Худо ўлимни Масихнинг тирилиши билан мағлуб этди. Шу сабаб туфайли Раббимиз олдидаги ҳаётимиз ва меҳнатимиз “беҳуда” қолмайди (1 Коринфликлар 15:58 Муқаддас Ёзув). Исонинг ҳаёти, ўлими ва тирилиши ҳақидаги Хушхабар - Воизнинг чақирувига Муқаддас Китобнинг жавобидир.

Ва яна умид қиламанки, Муқаддас Китоб матнларини унинг буюк тарихи оқимига қўшиб ўқиш қанчалик фойдали эканлигини кўриб турибсиз. Умуман олганда, Муқаддас Китоб бизга Худонинг Хушхабарини етказади. Ҳатто ёмон хабарларни ўқиганимизда ҳам, биз уларни Хушхабардаги Худонинг тўлиқ ваҳийси нурида тушунишимиз мумкин. Ҳатто Воиз каби китоб ҳам жавобсиз саволлари ва амалга ошмаган истаклари билан бизга бутун Эски Аҳд ўзининг якуний ижросини топган Масихга ишора қилади.

Шу билан “Эски Аҳд етти жумлада” асосида берган тушунтиришларимиз ниҳоясига етади. Ҳаворий Павлус мен танлаган шу етти иборани маъқуллармиди-йўқми, билмайман, бироқ у ҳам ўз ёзувларида кўп марта айтадиган асосий тарихий босқичлар айнан шулар эканини кўриш мумкин: яратилиш, Иброҳим, Мисрдан чиқиш, Довуд, пайғамбарлар ва Забур санолари. Павлус сингари биз ҳам бу йўл охир - оқибатда Исроилнинг Масихи, халқларнинг Нажоткори ва Эгамиз бўлган Носиралик Исога олиб боришини кўрамиз. Ахир, биз Эски Аҳд деб атайдиган китоб Исонинг Муқаддас Китоби эди. Бу У билган

ҳикоялар эди. У куйлаган қўшиқлар, ҳар шанбада эшитган китоб ўрамлари ва ўқиган ибодатлар эди. Бу пайғамбарлик матнлари бўлиб, уларда У Ўзининг шахсияти ва вазифаси қандай бўлиши кераклигини белгилаб берган. Бу У тегишли бўлган халқ эди. Бу У “Абба, Ота” деб билган Худо эди. Биз учун эса - Муқаддас Ёзувларни қанчалик кўп ўргансак, Исонинг фикри-зикрига ва қалбига шунчалик яқинлашамиз.

## Муҳокама учун саволлар

### 1-боб: Дунёнинг яратилиши

1. Дунёқараш тушунчасини қандай таърифлайсиз? Китоб бу тушунчани қандай таърифлайди?
2. Яратилиш Худодан фарқли, лекин Унга боғлиқ экани нимани англатади?
3. Одамларни нима ўзига хос ёки ноёб қилади? Маданиятимиз одамлар ва бошқа тирик мавжудотлар ўртасидаги фарқ ҳақида нима дейди?
4. Сизнингча, гуноҳ алоҳида инсонларга ёки гуруҳларга таъсир қиладими? Сизнингча, гуноҳ жамиятга ёки бутун авлодга қандай таъсир қилади?
5. Худо гуноҳ муаммосини қандай ҳал қилишни таклиф этади?

### 2-боб: Иброҳим ва ваъда

1. Ибтидо 12-боб ҳикоянинг янги бошланиши эканининг маъноси нимада?
2. Худо Иброҳимга қандай учта муҳим ваъда берган?
3. Ушбу ваъда доирасида “барака” сўзи нимани англатади?
4. Иброҳимга берилган бу ваъданинг асосий мақсади ва вазифаси нима?
5. Иброҳимнинг Худо билан муносабатларини тасвирланг. Бу сизнинг Худо билан муносабатингизга қай жиҳатдан ўхшайди ва қай жиҳатдан фарқ қилади?
6. Худонинг барча миллатларга барака бериш ваъдасига асосланган ҳолда, Сиз Худонинг ердаги иши ва ундаги вазифангизни Муқаддас Китоб доирасида қандай тушунасиз?

### 3-боб: Мисрдан чиқиш

1. Ушбу бобнинг жумласи Ўнта амр учун қандай асос бўлиб хизмат қилади? Нега у биринчи амрдан олдин келиши муҳим?
2. Ушбу бобда нажотни қаерда кўрамиз? Нажот сизнинг ҳаётингизда нимани англатган? Нажотнинг Муқаддас Китобга асосланган тушунчаси атрофингиздаги дунёга қарашингизга қандай таъсир қилади?

3. Худонинг Мусо орқали халқ билан тузган аҳдини тасвирланг. У нималарни ўз ичига олган?
4. Қонунлар қадимги Яқин Шарқ шартномасига нимаси билан ўхшайди? Бу ўхшашлик сизни ажаблантирадими? Нима учун?
5. Қонундаги иноятни қаерда кўрамиз? Қонун барча халқларнинг барака ва нажот топиши билан қандай боғлиқ? Масихга ишонган бизлар учун қонунга “риоя қилиш” ёки “риоя қилмаслик” нимани билдиради?

#### **4-боб: Шоҳ Довуд**

1. Павлус Довуд ва Исо ўртасида қандай боғлиқликни ўрнатади?
2. Канъоннинг босиб олинишини қандай тушунасиз? Геноцид ҳақидаги суҳбатга сизни нима жалб қилди?
3. Ҳакамлар даврида Худонинг фаолиятини қандай кўрамиз? Ҳаракатлар цикли (доираси) нима дегани? Ҳаётингизда итоатсизлик ва тавба қилиш доира(цикл)ларини бошдан кечирган пайтларингизни эслай оласизми?
4. Исроил қандай қилиб монархияга айланди? Нима деб ўйлайсиз, халқ нима учун шоҳ бўлишни хоҳлаган? Инсон истаклари ва Худонинг олий ҳокимияти ўртасида қандай боғлиқликни кўряпсиз?
5. Худо Довудга қандай ваъдалар берди? Ушбу ваъдалар билан Исо ўртасида қандай боғлиқликни кўриш мумкин?

#### **5-боб: Пайғамбарлар фаолияти ва вазифаси**

1. Пайғамбарлар фаолияти нималардан иборат бўлган? Улар келажакни башорат қилишганми? Олдиндан айтиш ва олдиндан эълон қилиш ўртасидаги фарқни тушунтиринг.
2. Пайғамбарлар ўз фикрларини одамларга етказиш учун қандай усуллардан фойдаланганлар? Ушбу усулларнинг қайси бири сизга кўпроқ таъсир қилади? Сизни эшитишларини хоҳлаганингизда ушбу усуллардан қайси бирини қўлайсиз?
3. Пайғамбарлар айтган ваъзаларнинг асосий мавзулари нималардан иборат? Ушбу мавзулардан қайсилари бугунги кунгача долзарб бўлиб қолмоқда?
4. Пайғамбарларнинг мақсадлари нималардан иборат бўлган?



## **6-боб: Хушхабар эълон қилинди**

1. Исроил халқининг асирликдаги азоб-уқубатларини тасаввур қилиб кўрсак, нимани ҳис қиламиз?
2. Халқ асирликка қандай муносабатда бўлди? Бу ҳис - туйғуларни таъқиб, сургун ва қувғинларни бошдан кечираётган замонавий масиҳийларнинг кечинмалари билан қандай боғлаш мумкин?
3. Ишаё пайғамбар китобини қайта ўқинг. Худо ва Унинг бу дунёдаги фаолияти ҳақида қандай муҳим хулосалар чиқариш мумкин?
4. Пайғамбарлик хабарлари рўёбга чиқишининг учта горизонтини (амалга ошиш даражалари) айтинг. Бу тушунча сизга пайғамбарларни яхшироқ тушунишга ёрдам берадими? Турли горизонтларни кўрсата оладиган бошқа пайғамбарлик матнларини таклиф қилинг.

## **7-боб: Забур санолари ва Донишмандлик китоблари**

1. Қадимги яҳудий шеърини замонавий шеърятдан нимаси билан фарқ қилади?
2. Йиғи(нола) санолари сизга Худо ҳақида нима дейди? Мақтов санолари ҳақида нима дейиш мумкин?
3. Сажда вақтида санолардан фойдаланасизми? Шахсий ибодатда-чи? Улар имонингиз йўлида сизга қандай ёрдам беради?
4. Донишмандлик китоблари қонун, пайғамбарлар ва тарих китобларидан нимаси билан фарқ қилади?
5. Донишмандлик китобларининг мақсади нима? Сиз ёки сизнинг жамоатингиз улардан Хушхабарни етказишда, таълим беришда, ваъз қилишда ва ҳоказоларда қандай қилиб яхшироқ фойдаланишингиз мумкин?

## Изоҳлар

### Кириш

<sup>1</sup> Бу ғоя, яъни бутун Муқаддас Китоб ҳикояси ва мазмунини шу тарзда баён қилиш Крейг Г. Бартоломью ва Майкл В. Гохиннинг «Муқаддас Ёзувлар драмаси: Муқаддас Китоб ҳикоясида ўз ўрнимизни топиш» (инглизча наشري: *The Drama of Scripture: Finding Our Place in the Biblical Story*, 2-нашр, Гранд Рапидс: Baker, 2014). [Рус тилидаги нашр: Крейг Бартоломью, Майкл Гохин. “Драма писания”. – Черкасы: Коллоквиум, 2009]. Муаллифлар Муқаддас Китоб драмасини олти пардали кетма-кетликда таклиф қилишади ва якуний ҳукми олтинчи пардага киритишади. Мен эса ўзимнинг олтинчи пардамнинг иккинчи парда билан мувозанатни таъминлашини ва Хушхабарни бутун драманинг марказий қисмига айлантиришини афзал биламан.

### 1. Яратилиш

Ушбу бобнинг айрим қисмлари менинг “Theology and Ethics of the Land” («Ер илоҳиёти ва этикаси») номли мақоламдан (*Transformation*, № 3, 1999 йил 1 июль: 80–86-бетлар) ҳамда «Худонинг миссияси: Муқаддас Китобнинг буюк ҳикояси сирларини очиш» (*The Mission of God: Unlocking the Bible’s Grand Narrative*, Даунерс Гроув, Иллинойс: InterVarsity Press, 2006) номли китобимдан мослаштирилган. – Черкасы: Коллоквиум, 2015].

<sup>1</sup> Қадимги Яқин Шарқ маданиятлари коинот ва унинг келиб чиқиши ҳақида қандай фикрда бўлганлиги ва Муқаддас Китоб таълимотининг бу дунёга қандай мос келиши ва айни пайтда ундан тубдан фарқ қилиши ҳақидаги жуда ўқишли, маълумотларга бой (ва қизиқарли) кириш қисми, Робин А. Паррининг «Муқаддас Китоб олами: Муқаддас Китобнинг ғалати ва ажойиб дунёсига саёҳатчининг қўлланмаси» (*The Biblical Cosmos: A Pilgrim’s Guide to the Weird and Wonderful World of the Bible*, Eugene, OR: Cascade, 2014) га қаранг.

<sup>2</sup> Онтология борлиқнинг моҳияти ёки воқеликка, нарсаларнинг асл табиатига, бирор нарсанинг ўз-ўзидан нима эканлигига тааллуқлидир. Бизнинг таъкидлашимизча, Худонинг борлиги ёки моҳияти коинотнинг борлиги ёки моҳиятидан бутунлай фарқ қилади. Худо Яратувчидир. Қолган барча нарса яратилгандир.

<sup>3</sup> Қаранг: John Walton, *The Lost World of Genesis One: Ancient Cosmology and the Origins Debate* (Downers Grove, IL: InterVarsity Press, 2009); Greg Beale, *The Temple and the Church’s Mission: A Biblical Theology of the Dwelling Place of God* (Downers

Grove, IL: InterVarsity Press, 2004). Бу масала юзасидан чуқурроқ мулоҳаза юритишни истаганлар учун қуйидаги китоблар муҳим манба ҳисобланади: Жон Уолтоннинг “Яратилиш дунёси ҳақидаги қадимги тасаввурлар ва замонавий баҳслар”, ҳамда Грег Билнинг “Худонинг муқаддас макони: Маабад ва черковнинг Илоҳий вазифаси ҳақидаги муқаддас таълимот”.

<sup>4</sup> Ёки Марриотт меҳмонхонасининг ваннахонасида кўрганимдек, “Биз ҳаммамиз бу сайёрада меҳмонмиз”. Лекин бу ерда айнан кимнинг меҳмони эканлигимиз айтилмаган.

<sup>5</sup> Чақириқ ёки таклиф берилган икки гап кетма-кет келганида, иккинчисини биринчисининг мақсади деб қараш мумкин. Масалан, “Келинг, танаффусга чиқамиз ва кофе ичамиз”. Сиз иккинчисини қилиш имкониятига эга бўлиш учун биринчисини қиласиз. Худди шундай, Худо: “Инсонни Ўзимизга ўхшатиб яратамиз... ва у бошқа мавжудотлар устидан ҳукмронлик қилсин,” деганида, биринчиси бизга иккинчисини қилишга имкон беради.

<sup>6</sup>Таъкидлаш жоизки, Ибтидо 2: 18 даги қадимги ибронийча “ёрдамчи” сўзи ҳеч қандай номукамалликни (шахсий ёрдамчи сифатида) англатмайди. Бу сўз кўпинча Эски Аҳдда биз, шубҳасиз, ёрдамига муҳтож бўлган, лекин биздан паст бўлиши мумкин бўлмаган Худонинг Ўзига нисбатан ишлатилади. Оятдаги “унга муносиб” деб таржима қилинган сўз эса “тенг қийматли” деган маънони англатади. Матнда эркак ва аёлнинг тенглиги таъкидланиб, уни қўллаб-қувватлаш Худо томонидан Худонинг тимсоли сифатида инсон олдида қўйилган яна бир вазифага айланди.

<sup>7</sup> Ушбу жиҳатларни фойдали тушунтириш ва муҳокама қилиш учун қаранг: Robert S. White, *Who Is to Blame? Disasters, Nature and Acts of God* (Grand Rapids: Monarch, 2014). Роберт С. Уайтнинг “Ким айбдор? Офатлар, табиат ва Худонинг ишлари”.

## 2. Иброҳим

<sup>1</sup> Муқаддас Китобнинг инглиз тилидаги “Янги халқаро таржима(ЯХТ)”сида “учун” ўрнига “гарчи” деб ёзилган. Лекин изох тўғрига ўхшайди - сўз “учун” деб таржима қилиниши керак. Худо одамларнинг гуноҳ қилишда давом этишини билади ва шунинг учун бу масъулиятни Ўзига олишга қарор қилди. Худонинг инояти инсоннинг гуноҳига қарши бўлмасдан, аксинча айнан шу гуноҳ туфайли мавжуддир.

<sup>2</sup>“Худонинг вазифаси(«Миссия Бога»)» китобида мен Худонинг Иброҳим ва Сорага берган ваъдасининг бутун Муқаддас Китоб учун улкан кўлами ва умумий оқибатларини кўриб чиқдим.: “Муқаддас Китобнинг буюк ҳикояси

сирларини очииш” (*Downers Grove, IL: Inter-Varsity Press, 2006*), 191–264-бетлар; ва “Худо халқининг миссияси” (*Grand Rapids: Zondervan, 2010*), 63–95-бетлар.

<sup>3</sup> “Нажот Худога тегишли”: Муқаддас Китобнинг марказий ҳикоясини нишонлаш” (*Downers Grove, IL: InterVarsity Press, 2008*), 58–89-бетлар китобида Муқаддас Китобдаги баракаларнинг кўплаб маъноларини кўриб чиқаман. Қизиқишингизни уйғотиш учун айтиб ўтай: бу маънолар ижодий, шахслараро, Хушхабар элчилиги, тарихий, аҳдга доир ва ахлоқий йўналишларга эга.

<sup>4</sup> Мана яна бир неча Забур санолари. Вақтингиз бўлганида уларни ўқинг: Забур 66; 71:17; 86; 95; 116.

<sup>5</sup> Richard Bauckham, *Bible and Mission: Christian Witness in a Postmodern World* (Grand Rapids: Baker Academic, 2003), 35–36. Ричард Баукхамнинг “Муқаддас Китоб ва миссия: Постмодерн дунёда масиҳий гувоҳлиги”.

### **3. Мисрдан чиқиш**

<sup>1</sup> Эски Аҳд қонуни ва унинг масиҳийлар учун ахлоқий аҳамияти ҳақида тўлиқроқ маълумотни китобимдан топишингиз мумкин. [Рус тилидаги нашр: Кристофер Райт. «Око за око. Этика Ветхого Завета». – Черкасы: Коллоквиум, 2011].

Ушбу бўлимда баён этилган фикрлар билан боғлиқ ҳолда қаранг: “Эски Аҳдни қадрига яраша қандай ваъз қилиш ва ўргатиш керак” (Grand Rapids: Zondervan, 2004); Шунингдек, “Асалдан ширин: Эски Аҳддан ваъз қилиш” (Carlisle, UK: Langham Preaching Resources, 2016), chap. 9 номи билан ҳам эълон қилинган. [Рус тилидаги нашр: Кристофер Райт. «Ветхозаветная проповедь. Древняя весть для современного мира». – Черкасы: Коллоквиум, 2017].

### **4. Довуд**

<sup>1</sup> Ушбу саволларни чуқурроқ ўрганиш учун қуйидаги китобимга қаранг: “Мен тушунмаган Худо: Имоннинг мураккаб саволлари ҳақидаги мулоҳазалар” (Grand Rapids: Zondervan, 2008), part 2, “Канъонликлар ҳақида нима дейиш мумкин?” 73-108. Бу мавзудаги иккита энг яхши тўлиқ китоб Пол Копан томонидан ёзилган, “Эски Аҳдда тасвирланган Худо ҳақиқатда қандай? — Уни ахлоқ нуқтаи назаридан англаш” (Grand Rapids: Baker, 2011); ва “Худо ҳақиқатан ҳам геноцидга буюрганми: Худонинг адолатини тушуниш” (Grand Rapids: Baker, 2014).

## 5. Пайғамбарлар

<sup>1</sup>Қуйида келтирилган бўлимлардаги материалларнинг бир қисми менинг “Эски Аҳдни қадрига яраша қандай ваъз қилиш ва ўргатиш керак” (Grand Rapids: Zondervan, 2004) китобимдан қисқартирилган ва мослаштирилган; Шунингдек, “Асалдан ширин: Эски Аҳддан ваъз қилиш” (Carlisle, UK: Langham Preaching Resources, 2016), chap. 11-12 номи билан ҳам эълон қилинган. Рухсат билан фойдаланилган. [Рус тилидаги нашр: Кристофер Райт. «Ветхозаветная проповедь. Древняя весть для современного мира». – Черкассы: Коллоквиум, 2017].

<sup>2</sup> Бизнинг Муқаддас Китобимизда Дониёр пайғамбар китоби Ҳизқиёл пайғамбар ва Ўн иккита пайғамбар китоблари ўртасида келади. Ҳаммаси бўлиб ўн олтита. Аммо яхудий Канонида Дониёр пайғамбар китоби Пайғамбарлар қаторида эмас, балки Муқаддас Ёзувлар қаторида қайд этилган. Шунинг учун мен ўн бешта китобга ишора қиламан: учта катта пайғамбар ва ўн иккита кичик.

## 6. Хушхабар

<sup>1</sup> Мен Худо, Исроил ва халқлар мавзусини Christopher J. H. Wright, “*The Mission of God: Unlocking the Bible’s Grand Narrative*” (Downers Grove, IL: InterVarsity Press, 2006), chap. 14 китобида батафсил муҳокама қилганман. [Рус тилидаги нашр: Кристофер Райт. «Миссия Бога». – Черкассы: Коллоквиум, 2015].

## 7. Забур санолари ва Донишмандлик китоблари

<sup>1</sup> Ушбу бобдаги материалнинг бир қисми “Эски Аҳдни қадрига яраша қандай ваъз қилиш ва ўргатиш керак” (Grand Rapids: Zondervan, 2004) китобидан қисқартирилган ва мослаштирилган; шунингдек, “Асалдан ширин: Эски Аҳддан ваъз қилиш” (Carlisle, UK: Langham Preaching Resources, 2016), chap. 13–15 номи билан эълон қилинган. Рухсат билан фойдаланилган. [Рус тилидаги нашр: Кристофер Райт. «Ветхозаветная проповедь. Древняя весть для современного мира». – Черкассы: Коллоквиум, 2017].

<sup>2</sup> Мақтов мадҳиялари қаторига кирувчи Забур санолари: 8; 32; 46; 64– 65; 99; 102–103; 110; 112; 116; 144–150.

<sup>3</sup> Миннатдорчилик санолари: Забур 17; 29; 31; 33; 39; 65; 91; 115; 117; 137.

<sup>4</sup> Шахсий йиғилар (нолалар): Забур 3; 6; 12; 21; 30; 38; 41; 56; 70; 72; 87; 141. Жамоавий йиғилар: Забур 43; 73; 79; 90; 93; 136.

<sup>5</sup> Сион санолари: Забур 45; 47; 75; 83; 86; 121; 124.

<sup>6</sup> Забур китобида улар “Кўтарилиш(зиёрат) кўшиқлари” деб аталади, чунки одамлар аслида Қуддусга кўтарилишлари керак бўлган, чунки у тепаликда жойлашган эди. Улар Забур 119–133 саноларни ўз ичига олади.

<sup>7</sup> Шоҳлик санолари Забур 2; 17; 19–20; 44; 71; 88; 100; 109; 131 саноларини ўз ичига олади. ЯХВЕнинг ҳукмронлиги ҳақидаги санолар: Забур 95–98.

<sup>8</sup> "Мулоҳаза қилади" сўзи бу ерда фақат жимгина, ичдан мулоҳаза қилиш (сўзнинг ҳозирги маъносида) маъносини англатмайди. Қадимги иброний тилида бу одатда овоз чиқариб (ёлғиз ёки гуруҳ бўлиб) ўқишни ёки Муқаддас Китобдаги сўзларни қайта - қайта такрорлашни англатади. Бу матн билан фаол мулоқот, бугунги тил билан айтганда, уни чайнашдир.

<sup>9</sup> Донолик ёки таълим берувчи саноларга Забур 35–36; 48; 72; 111; 126–127; 132-санолар киради.

<sup>10</sup> Агар бу китоб "Эски Аҳд саккиз жумлада" деб номланганда эди, мен бу бобни охиргисига айлантирган бўлардим.